

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**Исаков Жанабай Якыпбаевич
Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич**

**ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-КРЕДИТ
МУНОСАБАТЛАРИ**

Дарслик

Бакалавр таълим йўналиши: 5230700 – “Банк иши”

НУКУС-2024

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
I-боб. Валюта курси ва унга таъсир қилувчи омиллар.....	7
1.1. Миллий валюта тушунчасининг мазмуни.....	7
1.2. “Валюта курси” назариялари.....	12
1.3. Валюталарнинг эркин конвертирланиши.....	27
1.4. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар.....	35
Таянч сўз ва иборалар.....	42
Такрорлаш учун саволлар.....	43
Мустақил ўрганиш учун топшириқлар.....	43
II-боб. Валюта тизимлари ва уларнинг элементлари.....	45
2.1. Валюта муносабатлари ва уларни юзага келиш асослари.....	45
2.2. Миллий валюта тизими ва унинг элементлари.....	48
2.3. Европа валюта тизими.....	51
2.4. Жаҳон валюта тизими ва унинг эволюцияси.....	55
2.5. Ўзбекистон Республикаси валюта тизими.....	62
Таянч сўз ва иборалар.....	66
Такрорлаш учун саволлар.....	66
Мустақил ўрганиш учун топшириқлар.....	67
III-боб. Тўлов ва ҳисоб-китоб баланслари.....	68
3.1. Тўлов баланси ва уни тузиш методологияси.....	68
3.2. Тўлов балансининг таркиби.....	70
3.3. Тўлов балансининг дефицити ва уни қоплаш усуллари.....	76
3.4. Халқаро ҳисоб-китоб баланси ва унинг таркиби.....	81
Таянч сўз ва иборалар.....	83
Такрорлаш учун саволлар.....	83
Мустақил ўрганиш учун топшириқлар.....	84
IV-боб. Валюта бозори ва валюта операциялари.....	85
4.1. Валюта бозори тушунчаси ва унинг турлари.....	85
4.2. Валюта операциялари тушунчаси ва уни ташкил қилиш асослари..	89
4.3. Спот операциялари.....	99
4.4. Муддатли валюта операциялари.....	104
4.5. Своп операцияси.....	113
4.6. Валюта rischi ва уни бошқариш усуллари.....	117
Таянч сўз ва иборалар.....	120
Такрорлаш учун саволлар.....	120
Мустақил ўрганиш учун топшириқлар.....	121
V-боб. Валюта сиёсати.....	122
5.1. Валюта сиёсати тушунчасининг мазмуни.....	122
5.2. Ҳукуматнинг валюта сиёсати.....	125
5.3. Марказий банкнинг валюта сиёсати.....	128
Таянч сўз ва иборалар.....	136
Такрорлаш учун саволлар.....	136
Мустақил ўрганиш учун топшириқлар.....	137

VI-боб. Халқаро ҳисоб-китоблар ва уларни амалга ошириш механизми.....	138
6.1. Халқаро ҳисоб-китобларни ташкил қилиш асослари.....	138
6.2. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш шартлари.....	142
6.3. Халқаро ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш механизми.....	148
Таянч сўз ва иборалар.....	157
Такрорлаш учун саволлар.....	157
Мустақил ўрганиш учун топшириқлар.....	157
VII-боб. Халқаро кредит.....	159
7.1. Халқаро кредитнинг тамойиллари ва функциялари.....	159
7.2. Халқаро кредитнинг шакллари.....	161
7.3. Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси ва уни ҳал қилиш йўллари.....	163
Таянч сўз ва иборалар.....	170
Такрорлаш учун саволлар.....	170
Мустақил ўрганиш учун топшириқлар.....	171
VIII-боб. Валюта инқирозлари.....	172
8.1. Валюта инқирозлари тушунчаси ва уларни юзага келиш сабаблари	172
8.2. Валюта инқирози даврида валюта интервенциясини амалга ошириш.....	173
8.3. 2008 йилги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: юзага келиш сабаблари, оқибатлари ва ўзига хос хусусиятлари.....	178
Таянч сўз ва иборалар.....	184
Такрорлаш учун саволлар.....	184
Мустақил ўрганиш учун топшириқлар.....	184
IX-боб. Халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари.....	185
9.1. Халқаро валюта фонди.....	185
9.2. Жаҳон банки гуруҳи.....	188
9.3. Европа Тикланиш ва тараққиёт банки.....	191
9.4. Осиё тараққиёт банки.....	193
9.5. Ислон тараққиёт банки.....	196
Таянч сўз ва иборалар.....	197
Такрорлаш учун саволлар.....	197
Мустақил ўрганиш учун топшириқлар.....	197
Тест саволлари.....	199
Глоссарий.....	222
Адабиётлар.....	226
Иловалар.....	

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга ўлжалланган стратегиясида кейинги беш йилда мамлакат иқтисодиётига 70 млрд. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестицияларни жалб қилиш, республика экспорти ҳажмини 30 млрд. АҚШ долларига етказиш вазифаси қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида миллий валютани хорижий валюталарга эркин айирбошлашни таъминлаш, миллий валютанинг номинал алмашув курсини шакллантиришнинг бозор механизмини жорий қилиш валюта сиёсатини либераллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган.

Бироқ, кейинги йилларда мамлакатнинг халқаро валюта-кредит муносабатлари соҳасида айрим муаммолар, салбий трендлар юзага келди. Хусусан, ташқи савдо айланмасининг салбий сальдоси сўнгги уч йилда (2021-2023 йй.) ўсиш тенденциясига эга бўлди. Бундан ташқари, миллий валюта-сўмнинг қадрсизланиш жараёни давом этмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев эътироф этганидек, “энг ёмони, истиқболли йирик лойиҳаларни белгилаш ва амалга оширишда жиддий хатоликларга йўл қўйилганлиги, хорижий кредитлар самарасиз ишларга сарфлангани иқтисодиёт ривожига халақит бермоқда. Масалан, мамлакатимизда 25 йил давомида олинган кредитларнинг аксарияти етарлича иқтисодий самара бермаганини турли эксперт ва мутахассислар очик тан олмоқда”¹.

Шунингдек, дунё миқёсида халқаро валюта-кредит муносабатлари соҳасида жиддий, оламшумул ўзгаришлар юз бермоқдаки, мазкур ҳолат

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Тошкент:Ўзбекистон, 2018. – 47-бет.

ҳалқаро валюта-кредит муносабатларига бағишланган янги илмий тадқиқотлар олиб бориш, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ёзиш заруриятини юзага келтирмоқда. Масалан, 1930 йилдан буён амал қилиб келаётган Ҳужжатлаштирилган аккредитивлар бўйича халқаро умумлаштирилган қоидаларнинг (UCP 500) ўрнига янги UCP 600 қоидаси юзага келди. Бундан ташқари, еврнинг муомалага киритилиши халқаро валюта муносабатлари таркибида янги таркибий ўзгаришларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бунинг устига, 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози деривативларнинг халқаро миқёсдаги ҳаракатини тартибга солиш механизмини яратиш заруриятини юзага келтирди.

Мазкур дарсликда халқаро валюта-кредит муносабатлари ва уни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари, жумладан, валюта курслари ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш, валюта тизимлари ва уларнинг элементлари, халқаро ҳисоб-китоблар ва кредитлар ҳамда улар билан боғлиқ бўлган долзарб масалалар ўз аксини топади.

“Халқаро валюта-кредит муносабатлари” фани бўйича ёзиладиган ушбу дарсликнинг асосий вазифаси бўлиб, талабаларнинг халқаро валюта ва кредит муносабатларининг назарий ва амалий жиҳатлари хусусидаги билим ва кўникмаларини бойитиш, уларда мавзуларга оид бўлган мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари борасида аниқ тасаввурлар ҳосил қилишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун дарслик олдида қуйидаги вазифалар қўйилган:

- валюта курсларини аниқлаш методикаларини ўргатиш ва унга таъсир этувчи омилларнинг таъсир механизмини асослаб бериш;
- жаҳон валюта тизимининг эволюцияси ва элементларини ўрганиш;
- миллий валюта тизимининг элементларига баҳо бериш;
- тўлов балансини тузиш методологияси, дефицити ва профицитини аниқлаш тартибини ўрганиш;

- халқаро ҳисоб-китоблар балансининг таркибий тузилишига баҳо бериш;
- валюта бозорларини амал қилиш механизми хусусида чуқур билим бериш;
- валюта операцияларининг асосий турлари ва уларни амалга ошириш тартибини ўрганиш;
- валюта сиёсати ва унинг шаклларига баҳо бериш;
- халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш механизмини ўрганиш;
- халқаро кредит ва у билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларнинг моҳиятини очиқ бериш;
- валюта инқирозларининг юзага келиш сабаблари, оқибатлари ва унга қарши кураш сиёсати хусусида батафсил маълумотлар бериш;
- халқаро молия институтларининг фаолият йўналишларига баҳо бериш.

Мазкур дарслик “Банк иши” мутахассислиги бўйича давлат таълим стандарти талабларига жавоб беради ва “Халқаро валюта-кредит муносабатлари” фанининг намунавий ўқув дастуридаги мавзуларни тўлиқ қамраб олган.

I-БОБ. ВАЛЮТА КУРСИ ВА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

1.1. Миллий валюта тушунчасининг мазмуни.

Валюта сўзи италянча **valuta** сўзидан олинган бўлиб, қиймат деган маънони англатади.

Ҳар қандай мамлакатнинг миллий пуул бирлиги унинг миллий валютаси ҳисобланади.

Халқаро амалиётда валюталарнинг қуйидаги турлари мавжуд:

* **Эркин ишлатиладиган валюта** (freely usable currency) – тўлов балансининг жорий операциялар бўлимида валютавий чеклашлар бўлмаган мамлакатларнинг миллий валюталари.

* **Қаттиқ валюта** (hard currency) – иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан барқарор ҳисобланган мамлакатларнинг алмашув курси барқарор бўлган валюталари.

* **Юмшоқ валюта** (soft currency) – халқаро миқёсда тўлов воситаси вазифасини бажара олмайдиган, яъни ташқи конвертирликка эга бўлмаган валюталар.

* **Халқаро резерв валюталар** (reserve currency) – дунёнинг барча мамлакатларида халқаро тўлов воситаси сифатида қабул қилинадиган етакчи валюталар.

Етакчи валюталарга “халқаро резерв валюта” деган мақомни Халқаро валюта фонди (ХВФ) экспертлари беради.

ХВФ мезонлари бўйича, халқаро резерв валюта деганда давлатларнинг халқаро захиралари сақланадиган ва халқаро кредитлар бериладиган валюталар тушунилади.

ХВФ томонидан ҳозирги кунда АҚШ доллари (USD), евро (EUR), Буюк Британия фунт стерлинги (GBP), Япония (JPY) иени ва Хитой юанига (CNY) халқаро резерв валюта мақоми берилган².

² <http://www.imf.org>.


АҚШ доллари ва Буюк Британия фунт стерлингига халқаро резерв валюта мақоми 1944 йилда, Бреттон-вудс жаҳон валюта тизими шаклланаётганда берилган эди. 1976-1978 йилларда Ямайкада бўлиб ўтган халқаро конференцияда тўртинчи жаҳон валюта тизими ташкил топди ва унда яна иккита валютага – Япония иени ва ГФР маркасига халқаро резерв валюта мақоми берилди. 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб евронинг муомалага киритилиши дойчемаркани муомаладан чиқиб кетишига сабаб бўлди ва унинг мақоми еврога берилди.

Халқаро резерв валюталар номинал алмашув курсининг барқарор эмаслиги, уларни сезиларли диапазонларда тебранаётганлиги жаҳон валюта тизимининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди. Айниқса, АҚШ доллари ва евронинг номинал алмашув курсларини тез-тез тебраниб туриши кузатилмоқда. АҚШ давлат қарзининг нисбатан катта эканлиги, савдо балансида катта миқдордаги дефицитнинг мавжудлиги, давлат бюджети дефицитининг катта эканлиги Федерал захира тизими (ФЗТ) томонидан амалга оширилаётган қайта молиялаш сиёсатининг мослашувчанлик даражасининг юқори эканлиги долларнинг номинал алмашув курсини сезиларли даражада катта диапазонларда тебранишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, жаҳон валюта тизимининг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Ҳолбуки, АҚШ доллари ҳамон дунёнинг асосий резерв валютаси бўлиб турибди. 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига, СДРнинг “валюта саватида” АҚШ долларининг салмоғи 41,7 фоизни ташкил этади³.

Сўнгги йилларда АҚШ доллари курсининг сезиларли даражадаги диапазонларда тебраниши кузатилмоқда. Бу эса, бошқа мамлакатларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Бунинг сабаби шундаки, бошқа давлатлар ўзларининг миллий валюталарининг номинал алмашув курсини АҚШ долларига нисбатан белгилайдилар. Шу сабабли, АҚШ доллари курсининг тебраниши миллий валюталарнинг алмашув курсларини тебранишига олиб келади.

³ <http://www.imf.org>.

АҚШ доллари номинал алмашув курсининг тебранишига сабаб бўлаётган асосий омиллардан бири бўлиб, мамлакат савдо балансининг катта миқдордаги дефицитга эга эканлиги ҳисобланади. 2022 йилда АҚШ савдо балансининг дефицити 948,1 млрд. долларни ташкил этди⁴. Бу эса, 2021 йилга нисбатан 12,2 фоизга кўп демакдир.



1.1-расм. АҚШ долларининг 1 еврога нисбатан номинал алмашув курси⁵

1.1-расм маълумотларидан кўринадикки, 2018-2023 йилларда АҚШ долларининг еврога нисбатан номинал алмашув курси беқарор бўлган. Бу эса, АҚШда савдо балансини йирик миқдорда дефицитга эга эканлиги, долларни эркин сузиш режимига эга эканлиги, ФЗТнинг иқтисодийётни рецессия ҳолатидан чиқаришга йўналтирилган экспансионистик пул-кредит сиёсатини олиб бораётганлиги каби сабаблар билан изоҳланади. Аммо, 2020 йилда долларнинг еврога нисбатан номинал алмашув курси кўтарилган. Бу эса, АҚШ иқтисодийётининг рецессия ҳолатидан чиққанлиги билан изоҳланади.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда АҚШнинг Хитой билан амалга ошириладиган савдо муносабатларидаги дефицит миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

⁴ <https://www.commerce.gov>

⁵ www.x-rates.com.

АҚШ Давлат бюджети дефицити ва ташқи қарзининг халқаро амалиётда қабул қилинган меъёрий даражадан юқори эканлиги долларнинг номинал алмашув курси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган жиддий омиллар ҳисобланади. 2022 йилнинг якунига кўра, АҚШда давлатнинг ташқи қарзи ЯИМ миқдоридан ошди.

Халқаро амалиётда қабул қилинган меъёрий андозага кўра, давлатнинг ташқи қарзи ЯИМга нисбатан 30,0 фоиздан ошиб кетмаслиги керак. Европа Иттифоқи мамлакатларида давлатнинг жами қарзига, яъни ички ва ташқи қарзига нисбатан меърий чегара ўрнатилган бўлиб, у ЯИМга нисбатан 60 фоизни ташкил этади⁶.

Халқаро резерв валюталар курсларининг нобарқарорлиги Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, миллий валютанизм-сўмнинг номинал алмашув курси асосий резерв валюта бўлган АҚШ доллари нисбатан аниқланади⁷. Демак, АҚШ доллари курсининг барқарор эмаслиги бевосита сўмнинг номинал алмашув курсининг барқарорлигига таъсир кўрсатади. Шу сабабли, халқаро резерв валюталарнинг алмашув курсларини нобарқарор эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўмнинг номинал алмашув курси барқарорлигини таъминлаш мақсадида унинг валюта курсини АҚШ доллари, евро ва Япония иенидан ташкил топадиган “валюта савати”га нисбатан аниқлашни жорий қилиш таклифи муҳим аҳамият касб этади. Бунинг натижасида сўмнинг номинал алмашув курсининг тебраниш диапазони сезиларли даражада қисқаради.

Халқаро амалиётда миллий валюталарнинг алмашув курсини “валюта савати”га боғлаш уларнинг алмашув курси тебранишини сезиларли даражада камайтириш имконини берган. Масалан, Россияда рублнинг курсини “бивалюта савати”га нисбатан аниқлашнинг жорий қилиниши унинг

⁶ Экономика Европейского Союза. Под ред. Р.К. Щенина. – М.: КноРус, 2012. – 560 с.

⁷ Сўмнинг номинал алмашув курси Республика валюта биржасида АҚШ доллари нисбатан талаб ва таклиф асосида аниқланади. Республикада миллий валютани хорижий валюталарга конвертация қилиш буюртмалари савдо тизимида асосланганлиги сабабли, сўмнинг АҚШ доллари нисбатан номинал алмашув курси сўмда ва АҚШ долларида берилган буюртмалар миқдорини ўзаро таққослаш орқали аниқланади.

барқарорлигини ва евронинг конверсион операциялар ҳажмидаги улушини сезиларли даражада ошириш имконини берди. 2011 йил якуни бўйича евронинг конверсион операциялардаги улуши 30,3 фоизга етди. Бу эса, юқори кўрсаткич ҳисобланади⁸.

1.2. “Валюта курси” назариялари

Валюта курси (exchange rate, foreign exchange rate) – бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасида ифодаланган баҳосидир.

Валюта курсига оид илк назариялардан бири валюталарнинг харид қобиляти назарияси ҳисобланади ва ушбу назария англиялик иқтисодчилар Д. Юм ва Д. Рикардоларнинг назарий қарашларига асосланади. Д.Рикардонинг фикрига кўра, савдо балансининг дефицити фунт стерлинг қийматининг пасайишига олиб келди, валюталарнинг харид қобиляти уларнинг муомаладаги миқдорининг нисбати билан белгиланади⁹.

Валюталарнинг харид қобиляти назариясининг асосий қонидаси шундан иборатки, валюта курси икки мамлакат валютасининг нисбий қиймати билан белгиланади, ўз навбатида, валюталарнинг ўзаро нисбий қиймати эса, баҳолар даражасига боғлиқдир.

Шуниси характерлики, мазкур назарияга кўра, товарлар ва хизматларнинг баҳоси муомаладаги пулнинг миқдори билан белгиланади.

Валюталарнинг харид қобиляти назариясининг асосчилари тўлов балансининг мувозанатлашган ҳолатини таъминлаш имконини берадиган мўътадил курсни аниқлаш ғоясини илгари сурадилар. Шу сабабли, улар, тўлов балансини автоматик тарзда ўз-ўзидан тартибга солинишига ишонадилар.

Валюталарнинг харид қобиляти назарияси илмий жиҳатдан биринчи марта швед иқтисодчиси Г. Кассел томонидан 1918 йилда асослаб берилди. Унинг фикрига кўра, мўътадил савдо шароитида шундай валюта курси

⁸ Годовой отчет Центрального банка Российской Федерации. – Москва, 2012. – С. 43.

⁹ Рикардо Д. Сочинение. Том 2. Пер. с англ. – М.: Политическая литература, 1955. – С. 55.

шаклланадики, бу курс тегишли валюталарнинг харид қобилиятини ўзида акс эттиради¹⁰.

Г. Касселнинг фикридан аниқ кўриниб турибдики, валюта курсининг шаклланиши бевосита валюталарнинг харид қобилияти билан боғлиқ ва бунда асосий эътибор миқдорийликка қаратилади.

Валюталарнинг харид қобилияти назариясида валюта курсининг шаклланишига таъсир қилувчи объектив омиллар ва уларга Марказий банк томонидан таъсир этиш ҳолатлари эътиборга олинмаган. Ҳолбуки, ҳозирги даврда валюта курсининг шаклланиш жараёнига таъсир қилувчи омиллар ичида сиёсий омиллар, спекулятив капиталларнинг ҳаракати каби объектив омиллар муҳим рол ўйнайди.

Тартибга солинадиган валюталар назариясининг асосчиси Ж.М. Кейнс ҳисобланади¹¹. Ушбу назариянинг юзага келишига сабаб бўлиб, 1929-1933 йилларда юз берган жаҳон иқтисодий инқирози ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодий инқирози натижасида эркин рақобат ва давлатнинг иқтисодиётга аралашувига чек қўйиш ғояларини илгари сурган неоклассик мактабларнинг валюта курси хусусидаги назарий қарашлари ўзларининг нобарқарорлигини кўрсатди. XX асрнинг 50-60- йилларида кейнсчилик ривожланган давлатларда асосий иқтисодий назарияга айланди.

Сузиб юрувчи валюта курслари назарияси валюта курси хусусидаги назариялар орасида ўзига хос ўрин эгаллайдиган назария ҳисобланади. Ушбу назариянинг асосчилари бўлиб, неоклассик йўналишга мансуб бўлган иқтисодчилар ҳисобланади. Улар жумласига М.Фридмен, Ф.Махлуп, А.Линдбек, Г.Жонсон, Л.Эрхард, Г. Гирш, Э.Дюррларни киритиш мумкин¹².

¹⁰ Селигмен Б. Основные течения современной экономической мысли / Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1968. – С. 385.

¹¹ Keynes J.M. The General theory of Employment. Interest and Money - Economica, 1936. – 230 p.

¹² Machlup F. International payments, debts, and gold. – London: George Allen & Unwin, 1966.- P. 7-50; Friedman M. How Well are Fluctuating Exchange Rates Working.-American Enterprise Institute, 1973. –№8. - P. 5; Johnson G. Formulation of Exchange Rate Policies in Adjustment Programs, IMF Occasional Paper - № 36. – Washigton: IMF, 1985. – P. 17 – 19.

Сузиб юрувчи валюта курслари назарияси намоёндалари сузиб юрувчи курслар режимини каттиқ туриб ҳимоя қиладилар. Уларнинг фикрига кўра, сузиб юрувчи курсларнинг муҳим афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- тўлов балансини автоматик тарзда мувозанатлаштириш имконини беради;
- миллий иқтисодий сиёсат усуллари ташқи тазйиқсиз танланади;
- валютавий спекулятив амалиётларни жиловлаш имконини беради;
- халқаро савдони рағбатлантиради;
- валюта курсини валюта бозорида эркин шакллантириш имконини беради.

М. Фридменнинг фикрига кўра, валюта курси талаб ва таклиф асосида эркин шаклланиши ва давлат уни тартибга солмаслиги лозим¹³.

Айни вақтда, сузиб юрувчи валюта курсларининг юқорида қайд этилган ижобий жиҳатлари ҳар доим ҳам амалий аҳамият касб этмаслиги, миллий валютанинг эркин сузиш режимида ҳам валюта бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг сақланиб қолиши айрим иқтисодчилар томонидан эътироф этилди. Масалан, Ж. Вайнернинг фикрига кўра, эркин бозор баҳолари дунёсида ҳам хорижий валюталар бозорини давлатнинг бевосита ёки билвосита аралашувисиз тасаввур қилиш мумкин эмас¹⁴.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида миллий валюта алмашув курсининг кескин тебранишига йўл қўймаслик мақсадида унинг курсига таъсир этиш, шу жумладан, валюта интервенциясини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ўз исботини топди. Спекулятив капиталларнинг халқаро миқёсдаги оқимининг катталиги Марказий банкларни шунга мажбур қилмоқда.

Валюта курси хусусидаги назариялардан яна бири белгиланган паритетлар ва курслар назарияси ҳисобланади. Мазкур назарияга кўра, валюта курсининг ўзгариши тўлов балансини тартибга солишнинг самарасиз усули ҳисобланади. Чунки, халқаро бозорларда баҳоларнинг валюта

¹³ Friedman M. How Well are Fluctuating Exchange Rates Working.-American Enterprise Institute, 1973. –№8. - P.5.

¹⁴ Viner J. Problems of Monetary Control. – Princeton, 1964. –P. 245.

курсларининг ўзгаришига боғлиқ равишда тебранишига ташқи савдо етарли даражада реакция бермайди. Импортга бўлган талабнинг ошиши хорижий валюталарга бўлган талабнинг ошишига олиб келади. Бунда экспорт ва импорт мувозанатлашган шароитдаги алмашув курси қисқа муддатли даврий оралиққа мос келади. Бу даврда ортиқча талаб миқдоридаги хорижий валюта бозорда мавжуд бўлмайди. Шу сабабли, валютанинг баҳоси ошади ва вақтинчалик даврий оралиқ хорижий валюталар таклифи ва миллий валютанинг алмашув курси ўртасидаги таъсир жараёнида юзага келмайди.

Валюта курси хусусидаги замонавий назариялардан бири сифатида Ф.Махлупнинг “Валюта курси назарияси” деб номланган илмий ишини келтириш мумкин¹⁵.

Ф. Махлуп валюта курсига хорижий валюталар таклифининг таъсирини фақатгина ташқи савдо операциялари мисолида кўриб чиққан. Унинг таҳлилида валюта курсига таъсир қилувчи бошқа омиллар ҳисобга олинмаган.

Таниқли иқтисодчи олим Ф. Махлупнинг фикрига кўра, экспорт ва импортнинг ҳажми ўртасидаги мувозанат таъминланган шароитда хорижий валюталар таклифининг ўзгариши миллий валютанинг алмашув курсига маълум даврий оралиқдан сўнг таъсир қилади. Агар бундай шароитда импортга бўлган талаб кескин ошса, у ҳолда, хорижий валюталар таклифи билан миллий валютанинг алмашув курси ўртасидаги боғлиқлик борасида вақтинчалик даврий оралиқ юзага келмайди.

Валюта курси назарияларининг амалий аҳамиятини баҳолаш уларнинг яшовчанлиги нуқтаи-назаридан муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, Ф.Махлупнинг мазкур назарий қарашини қай даражада амалий аҳамиятга эга эканлигини баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти мисолида, экспорт ва импорт ўртасидаги мувозанат шароитида, валюталар таклифининг миллий валюта курсига таъсирини кўриб чиқамиз.

¹⁵ Махлуп Ф. Теория валютного курса. Этот изменчивый обменный курс. Сборник статей. Пер. с англ. – М.: Дело, 2001. – С. 22-82.

Республикаимизда 2002-2006 йиллар мобайнида ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси йиллик ўртача 1,1 млрд. АҚШ долларини ташкил қилгани ҳолда, сўмнинг АҚШ долларига нисбатан ўртача йиллик кадрсизланиш суръати 6,5 фоизни ташкил этди¹⁶. Агар Ф. Махлупнинг назарияси ҳар қандай иқтисодий шароитда реал воқеликни акс эттирганида экспорт-импорт ўртасидаги мувозанат таъминланган шароитда миллий валюта алмашув курсининг кескин пасайиши кузатилмаган бўлар эди. Ҳолбуки, ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида тўлов баланси тушум ва тўловлар суммасининг сезиларли қисми экспорт операцияларидан олинган тушумлар ва импорт операциялари бўйича тўловлар суммасига тўғри келади. Бундай шароитда, экспорт ҳажмининг импорт ҳажмидан ошиши миллий валюта курси барқарорлигини таъминловчи муҳим омил бўлиб ҳисобланиши лозим.

Ф.Махлупнинг валюталар алмашув курси назарияларининг эволюциясига қўшган муҳим ҳиссаси шундаки, у хорижий валюталарга бўлган талаб ва таклифнинг эластиклигини ҳамда хорижий валюталарга бўлган талабнинг ўсишига валюталар таклифи эластиклигининг таъсир механизмини асослаб беришга муваффақ бўлди. Унинг фикрича, мамлакат экспорти билан боғлиқ бўлган хорижий валюталар таклифининг ўзгаришига таъсир қилувчи асосий омил бошқа мамлакатларда импортга нисбатан чекловларнинг жорий этилиши ҳисобланади. Ф.Махлупнинг фикрига кўра, бизнинг экспортга нисбатан хорижий давлатларнинг ҳукуматлари томонидан импортнинг барча моддалари бўйича квоталарнинг жорий қилиниши хорижий валюталар баҳосининг ўсиши натижасида мамлакат экспорти ҳажмининг ўсишига, хорижий валютага бўлган талабнинг ошишига олиб келмайди. Бизнинг экспортга бўлган хорижий талабнинг эластиклиги ёки бошқача қилиб айтганда хорижий валюталар таклифининг эластиклиги, у маълум даражага етгандан сўнг, нолга тенг бўлади. Ушбу даражадан паст

¹⁶ Муаллифларнинг “Ўзбекистон иқтисодиёти” ахборот-таҳлилий шарҳи ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик бюллетенлари маълумотларига асосланган ҳисоб-китоби.

ҳолатда валюталар таклифи мутлақо ноэластик бўлади. Лекин хорижий давлатларнинг импорт бўйича квотаси қўлланилмайдиган импорт позициялари мавжудки, бизнинг экспортёрлар мана шу очик кенгликда эркин ҳаракатланишлари, яъни хорижий валюталар баҳосининг ўсаётганлиги ёки пасаяётганлигига қараб, товарлар ва хизматлар баҳосини оширишлари ёки пасайтиришлари мумкин¹⁷.

Ф.Махлупнинг фикрига кўра, импорт бўйича хорижий давлатлар томонидан ўрнатилган бож солиғи ставкалари ва алмашув курсининг мавжуд ҳолати шароитида маълум миқдордаги товарларни сотиш мумкин бўлган бўлса, у ҳолда, экспорт қилинаётган товарлар миқдорини ошириш учун хорижий валюталарнинг миллий валютага нисбатан баҳоси ошиши лозим. Бунинг натижасида мазкур товарлар хорижлик харидорлар учун арзонлашади. Агар норезидентлар томонидан сотиб олинаётган товарларнинг баҳосида махсус импорт пошлиналарининг салмоғи сезиларли даражада юқори бўлса ва бу товарлар миллий валютада тўланса, у ҳолда, хорижий валюта баҳосининг ўсиши импорт товарлари баҳосининг фоиз нисбатида жуда паст даражада пасайишига олиб келади. Бундай шароитда бизнинг экспортга нисбатан хорижий талаб алмашув курсининг ўзгаришига нисбатан паст даражада таъсирчан бўлиб қолади. Товарларни ташиш ва хорижда тақсимлаш харажатларининг экспортга таъсири тарифларнинг экспортга таъсири билан бир хил бўлади. Яъни, ушбу харажатлар қанчалик катта бўлса, талабнинг алмашув курсининг ўзгаришига таъсирчанлиги шунчалик паст бўлади.

Ф.Махлуп хорижий давлатларда ишлаб чиқариладиган ва уларнинг бозорларида бизнинг экспорт билан рақобатлаша оладиган товарларнинг эластиклиги қанчалик юқори бўлса, хорижий валюталар таклифининг эластиклиги ҳам шунчалик юқори бўлади, деган хулосага келди ва уни қуйидагича изоҳлайди: “мамлакатдан экспорт қилинаётган айрим товарлар

¹⁷ Махлуп Ф. Теория валютного курса. Этот изменчивый обменный курс. Сборник статей. Пер. с англ. – М.: Дело, 2001. – С. 29.

хорижий давлатларда ҳам ишлаб чиқарилиши мумкин. Хорижий харидор учун экспортимиз баҳосининг пасайиши хорижий валютанинг доллардаги баҳосининг ўзгариши билан биргаликда юз беради. Шунинг учун мамлакат экспорт ҳажмининг ўсиши қисман бизнинг экспорт билан рақобатлашадиган хорижда ишлаб чиқарилаётган товарлар ҳажмининг қисқаришига боғлиқ. Агар хорижда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг таклифи жуда эластик бўлса, яъни уларни ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши бизнинг экспортёрлар таклифининг камайишидан кучли бўлса, у ҳолда, бизнинг экспортёрлар хорижий валютадаги баҳоларни кескин пасайтиришлари лозим”¹⁸.

Ф.Махлупнинг фикрига кўра, мамлакат экспортининг айрим моддаларига нисбатан хорижий талабнинг эластиклиги 1 дан паст бўлса, у ҳолда, хорижий валюталар таклифи эгри чизиғи ижобий букилишга эга бўлади, яъни чапдан ўнгга томон юқорига қараб ҳаракатланади. Бундай шароитда талаб қилинадиган товарларнинг ҳажми, яъни унга бўлган талаб, товарлар баҳосининг пасайиши шароитида, ўсиши лозим. Аммо фоизли нисбатда товарлар ҳажмининг ўсиш суръати баҳоларнинг пасайиш суратидан паст бўлади. Тўланадиган хорижий валютанинг миқдори камаяди, хорижий валюталар таклифининг эластиклиги салбийга айланади ва унинг таклифи эгри чизиғи чапдан ўнгга томон пастга қараб ҳаракатланади. Бизнинг экспорт моддалари бўйича хорижий бозорлардаги талабнинг эластиклиги ҳатто 1 дан паст бўлган шароитда ҳам жами экспортга бўлган хорижий талабнинг эластиклиги, хорижлик ишлаб чиқарувчилар – рақобатчилар таклифининг етарли даражада эластиклиги ҳисобига, 1 дан юқори бўлиши мумкин.

Импортни қоплаш учун зарур бўлган миқдордаги хорижий валюталарга бўлган талаб ва таклиф эластиклигини бошқариш, Ф.Махлупнинг фикрига кўра, қуйидаги тўрт фундаментал принципга асосланиши лозим:

¹⁸ Махлуп Ф. Теория валютного курса. Этот изменчивый обменный курс. Сборник статей. Пер. с англ. – М.: Дело, 2001. – С. 30.

– импорт қилинадиган товарларга бўлган ички талабнинг эластиклиги қанчалик юқори бўлса, хорижий валютага бўлган талабнинг эластиклиги ҳам шунчалик юқори бўлади;

– ички бозорда импорт қилинадиган товарлар билан рақобатлашадиган мамлакат товарлари таклифининг эластиклиги қанчалик юқори бўлса, хорижий валютага бўлган талабнинг эластиклиги шунчалик юқори бўлади;

– хорижлик ишлаб чиқарувчиларнинг бизнинг импорт моддалари бўйича таклифининг эластиклиги қанчалик юқори бўлса, хорижий валютага бўлган талабнинг эластиклиги шунчалик юқори бўлади;

– хорижда уларнинг ўз товарларига бўлган талабнинг эластиклиги қанчалик юқори бўлса, хорижий валютага бўлган талабнинг эластиклиги шунчалик юқори бўлади¹⁹.

Ф. Махлупнинг хорижий валюталарга бўлган талаб ва таклиф эластиклигини бошқариш принциплари унинг эмпирик тадқиқотларининг натижаларига асосланади ва муҳим амалий аҳамият касб этади. Масалан, Ф.Махлуп хорижий валюта баҳосининг ўсиши ва таклифнинг ноэластиклиги шароитида, яъни хорижлик товар ишлаб чиқарувчилар таклифининг мамлакатнинг импорт моддалари бўйича ноэластиклиги шароитида, импорт ҳажмининг кескин қисқариши мумкинлигини асослаб берди. Мазкур қисқариш, унинг фикрига кўра, мамлакат импортининг юқорида эътироф этилган моддалари бўйича хорижда товарлар истеъмолининг ўсиши ва уларнинг валютасида товарлар баҳосининг пасайиши ҳисобига юз беради.

Ф. Махлупнинг валюта курси назариясида валюталарнинг алмашув курси сифатида фақатгина номинал алмашув курси олинган. Фикримизча, валюталарнинг реал алмашув курсининг ўзгариши мамлакат экспорти ва импорти ҳажмининг ўзгаришига бевосита ва кучли таъсир кўрсатади. Шу сабабли, хорижий валюталарга талаб ва улар таклифининг эластиклигига валюталарнинг реал алмашув курсининг таъсирини тадқиқ қилиш ва тегишли

¹⁹ Махлуп Ф. Теория валютного курса. Этот изменчивый обменный курс. Сборник статей. Пер. с англ. – М.: Дело, 2001. – С. 34-36.

илмий хулосаларни шакллантириш нафақат ривожланган саноат мамлакатлари учун, балки валюта курси сиёсатини шакллантиришда етарли назарий-услубий асосга эга бўлмаган ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ф. Махлуп тижорат банклари томонидан хорижий валюталарни сотиб олиниши ва сотилишининг муомаладаги пул массасига таъсирини таҳлил қилар экан, шундай хулосага келди: “мажбурий захираларни Марказий банкнинг ихтиёрига бериб қўйиш етарли даражада мослашувчан инструмент ҳисобланади ва тижорат банкларига, дефляция самарасини юзага келтирмаган ҳолда, хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш имконини беради”²⁰.

Р. Манделлнинг фикрича, “инфляцион гэл ва тўлов баланснинг дефицити фоиз ставкалари ва баҳоларнинг ўсишига олиб келади. Айни вақтда, дефицит валюта захиралари миқдорининг камайишига олиб келади”²¹. Валюта захираларининг камайиши эса, Марказий банкнинг курс сиёсатига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Тўлов баланснинг дефицити валюта захиралари миқдорининг камайишига ва ташқи мувозанат чизиғини чап томондан юқорига қараб силжишига олиб келади. Демак, миллий валюта курсининг барқарорлиги Марказий банк томонидан қўриладиган чора-тадбирларнинг таъсир кучига боғлиқ.

Р. Манделлнинг ушбу назарий қондаси ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун амалий аҳамиятга эга эмас. Ушбу мамлакатларда фоиз ставкалари билан миллий валютанинг алмашув курси ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд эмас. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, миллий валютадаги депозитлар ва кредитларнинг бозор ставкалари фақат миллий ссуда капиталлари бозорида шаклланади; иккинчидан, Марказий банк миллий ссуда

^{20 20} Махлуп Ф. Теория валютного курса. Этот изменчивый обменный курс. Пер. с англ. – М.: Дело, 2001. – С. 68.

²¹ Манделл Р.А. Выбор экономической политики для достижения внутреннего и внешнего равновесия. Этот изменчивый обменный курс. Сборник статей. Пер. с англ. – М.: Дело, 2001. – С. 155.

капиталлари бозори орқали депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкаларига самарали таъсир кўрсата олиши мумкин. Шу сабабли, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида кредитларнинг фоиз ставкалари билан миллий валютанинг номинал алмашув курси ўртасида узвий алоқадорлик кузатилмайди.

Валюта курси хусусидаги асосий назариялардан яна бири “етакчи валюталар” назариясидир. Ушбу назариянинг асосчилари бўлиб, АҚШлик иқтисодчилар – Ж. Вильямс, А. Хансен, англиялик иқтисодчилар – Р. Хоутри, Ф. Грэхемлар ҳисобланишади²².

Мазкур назарияга кўра, валюталар уч гуруҳга бўлинади:

1. Етакчи валюталар (АҚШ доллари ва Буюк Британия фунт стерлинги).
2. Қаттиқ валюталар (ривожланган 10 та давлатнинг валюталари).
3. Юмшоқ валюталар (конвертирланмайдиган валюталар).

Мазкур қоида XX асрнинг 80-йилларига қадар амал қилди. Ҳақиқатдан ҳам, 1944 йилда ташкил топган учинчи жаҳон валюта тизимида АҚШ доллари ва Буюк Британия фунт стерлингига халқаро захира валюталари мақоми берилган бўлсада, ҳақиқатда АҚШ доллари халқаро захира валютасига айланиб қолди. Яъни, амалдаги жаҳон валюта тизимининг иштирокчиси бўлган бошқа барча мамлакатлар миллий валюталарининг курси АҚШ долларига нисбатан белгиланадиган бўлди. Бундан ташқари, АҚШ долларининг 1934 йилдан 1974 йилга қадар қатъий белгиланган нарх бўйича (1 унция=35 доллар) чекловларсиз олтинга алмаштириб берилиши ва халқаро миқёсда қатъий белгиланган курс режимининг жорий этилиши АҚШ долларига бўлган юксак ишончни таъминлади. Аммо 1976 йилда, олтинни демонетизация қилиш жараёни расман тугаллангандан сўнг, АҚШ доллари курсининг тебранишлари кучайди, бу эса, доллардан қочиш тенденциясини юзага келтирди. Бунинг устига, евронинг муомалага киритилиши Европа валюта тизимида аъзо бўлган мамлакатлар валюта сиёсатининг АҚШ ҳукумати ва Федерал захира тизимининг (ФЗТ) валюта сиёсатидан

²² Эйдельмант А. Буржуазные теории денег, кредита и финансов в период общего кризиса капитализма. – М.: Госфиниздат, 1958. – 263 с.

мустақиллигини таъминлади. Шуниси характерлики, дунёнинг кўплаб мамлакатлари (Хитой, Россия ва бошқ.) миллий валюталарининг курсини АҚШ долларига эмас, балки еврога, Япония иенига, валюта саватига нисбатан аниқламоқдалар.

Ж.М.Кейнс назариясининг бошланғич тизими, кичик очик иқтисодиёт асосларини ўзида мужассам этган, кенгайтирилган IS-LM модели ҳисобланади. Бу ҳолатда мувозанат товар ва пул бозорида ҳамда валюта бозорида ҳам ҳисобга олинади. Ушбу моделнинг бирламчи вариантлари асосчилари Манделл²³ (1963) ва Флеминг²⁴ (1962) ҳисобланишади. Манделл-Флеминг (Ф-М) модели асосида, валюта курсини аниқлашнинг энг кенг тарқалган ёндошувларидан бири, одатий тўлов баланси модели ҳисобланади. Унинг моҳияти шундаки, соф тебранишларда валюта курси чет эл валютасига бўлган талаб ва таклиф оқимини мувозанатлаштиради, яъни тўлов баланси сальдоси нолга тенг бўлади. Соф сузиб юрувчи валюта курслари ҳолатида жорий операциялар балансининг ҳар қандай ижобий сальдоси (чет эл валютаси таклифи оқими) капитал баланси дефицитини аниқ қоплаши керак. Шундай қилиб, валюта курсини Ж.Кейнс назариясига кўра моделлаштириш жорий ва капитал баланслари ўзгаришлари даражасига қараб аниқланади. Валюта курсини кейнсча услубда аниқлаш тўлов балансига таъсир этувчи бошланғич ва ўзгарувчи асослар миқдорининг ортиши натижасига асосланади. Ж.Кейнснинг очик иқтисодиёт модели доирасида валюта курсини аниқлаш тўлов балансини мувозанатлаштиришга асосланган валюта бозоридаги мувозанатни таъминлаш таклифи муҳим аҳамият касб этади.

Шуни эътиборга олиш керакки, М-Ф моделида савдо баланси жорий ҳисоб балансига тенг, деб ҳисобланади ва шунинг учун ҳам бу икки балансдан ҳоҳлаган бирининг ишлатилиши тўғри бўлади. Савдо баланси,

²³ Mundell R.A. The monetary dynamics of international adjustment under fixed and flexible exchange rates // Quarterly Journal of Economics 74 (2). May, 1960. - P. 227-257.

²⁴ Fleming M. Domestic financial policies under fixed and underfloating exchange rates. – IMF Staff Paper, 9 (3). November, 1962. - P. 369-379.

валюта курси ва миллий эмиссиянинг функцияси ҳисобланади. Савдо баланси валюта курсига (миллий валютанинг бир бирлигини чет эл валютасининг бир бирлигига нисбати) нисбатан ижобий функция ҳисобланади, бунда Маршал-Лернер шартининг сақланиши назарда тутилади, яъни валюта курси ошганда (миллий валюта курси пасайса) савдо баланси яхшиланади. Савдо баланси миллий эмиссияга нисбатан манфий функция ҳисобланади. Миллий эмиссия ортганда импорт ҳам ошади, деб ҳисобланади. Натижада савдо баланси ёмонлашади. Бунда хорижий валюталар эмиссияси даражаси ўзгармас, деб олинади.

Капитал ҳаракати баланси фоиз ставкасига нисбатан ижобий функция ҳисобланади, яъни активлар учун фойданинг ўзгармас меъёрлари сақлаб қолинган шароитда, миллий қимматли қоғозлар даромадлилигини ортиши капитал оқимининг кучайишига олиб келади. Фоиз ставкалари ошганда капитал оқимининг даражаси унинг эгилувчанлигига кўра аниқланади.

Валюта курси миллий даромадга нисбатан ижобий, фоиз ставкасига нисбатан салбий функция ҳисобланади, яъни курснинг кўтарилиши миллий даромаднинг ўсиши ва фоиз ставкасининг пасайиши натижасида рўй беради. Миллий эмиссияга нисбатан курснинг эластиклик даражаси қанча юқори бўлса, Маршал-Лернер шартларининг сақланиш даражаси қанчалик кам бўлса, миллий эмиссия оширилганда валюта курсининг ошиш даражаси шунча юқори бўлади. Фоиз ставкаси пасайишига нисбатан валюта курсининг тушиши қанчалик юқори бўлса, капиталлар оқими даражаси шунчалик юқори ва жорий операциялар мувозанати яхшиланишига валюта реал курси ўсишининг таъсири шунчалик кам бўлади. Бу эса валюта курсининг пасайишига олиб келади.

Шундай хулосага келиш мумкинки, миллий эмиссиянинг кўпайиши миллий валютанинг кадрсизланишига олиб келади, натижада мамлакатда миллий валютанинг кадрсизланишига чек қўйиш мақсадида кредитларнинг фоиз ставкаларини оширишга тўғри келади.

Ж.Кейнс валюта курси назариясининг изоҳи жуда оддий ҳамда реал воқеликдан узоқдир ва ўз олдига валюта курси назарияси моҳиятини тушунтиришни осонлаштиришни мақсад қилиб қўяди. Унинг истиқболда ривожланиши камчиликларни аниқлашга боғлиқдир, яъни тўлов балансига изоҳ берувчи у ёки бу ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, курс сиёсатининг етарлича самарали амалга оширилмаётганлигидан далолат беради.

Ж.Кейнс назарияси чекловларидан бири бу миллий даромаднинг тўлов балансига таъсир этишидир. Бошланғич моделда миллий даромад фақатгина савдо балансига таъсир этади. Ҳақиқатда эса миллий даромаднинг ўсиши капитал ҳаракати балансига ҳам таъсир этади. Бундай шароитда капитал ҳаракати функциясини кенгайтириш лозим.

Тўлов баланси мувозанати эгри чизиғи мусбат эгилишга эга бўлганда мувозанатга эришиш учун фоиз ставкаларининг ўсишини, миллий даромаднинг ошишини таъминлаш лозим.

Демак, капитал ҳаракати оқимининг ўсиши фақатгина миллий фоиз ставкалари ўсганда эмас, балки миллий даромад ўсганда ҳам вужудга келади. Ушбу ҳолатни изоҳлашда қуйидаги ёндошувлардан фойдаланилади:

- портфелли баланс назарияси нуқтаи-назарига кўра изоҳлаш;
- нисбатан оддийлаштирилган ёндошув: иқтисодий фаолликни кенгайтиришга олиб келувчи миллий даромаднинг кўпайиши капитал оқимига ижобий таъсир этади.

Иккинчи ҳолатда биз миллий даромадни тўлов балансига бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил таъсирини кўришимиз мумкин: бир томондан савдо балансига анъанавий салбий таъсир (М-Ф моделидаги каби), бошқа томондан – эмиссияни ошириш эҳтимолига кўра капитал оқимига таъсир этиш. Агар охирги натижа устунлик қилса, масалан, миллий эмиссияга нисбатан импортнинг эластиклиги юқори бўлса ва фоиз ставкалари тушиб кетганда тўлов баланси мувозанатини тиклаш учун миллий эмиссияни кўпайтириш талаб қилинса у ҳолда тўлов баланси мувозанати эгри чизиғи М-Ф моделидан фарқли ўлароқ манфий эгилишга эга бўлади.

Агар даромаднинг капитал оқимиға таъсири натижаси устунлик қилади, деб фараз қилинса, унда миллий даромаднинг ошишида М-Ф моделидаги каби валюта қадрсизланиши эмас, балки уни ушлаб туриш ҳолати кузатилади. Шундай қилиб, валюта бозорида мувозанат бўлиши учун миллий даромаднинг ўсиши фоиз ставкаларининг тушиши ҳисобига қопланиши керак. Бу эса миллий валюта курсининг пасайишини фаоллаштиради ва тўлов баланси мувозанатини тиклайди.

Хулоса қилиш мумкинки, М-Ф моделининг бу ўзгаришида Ж.М.Кейнс назариясининг асосий хулосаларидан бири, яъни пулга бўлган талаб миллий даромаднинг ижобий функцияси эканлиги тасдиқланади.

М-Ф моделининг навбатдаги камчиликларидан бири - бу қисқа муддатли даврда иш ҳақи ва нархларнинг ўзгармаслиги фаразидир. Ўрта муддатли таҳлил олиб бориш учун иш ҳақи ва нархларни тенглаштириш асосларини жорий этиш лозим бўлади. Янги моделда юқорида кўрсатилган уч бозордан ташқари меҳнат бозори ҳам иштирок этади. Валюта бозори мувозанати тенгламаси, аввало, реал валюта курси ва миллий эмиссия даражаси билан аниқланган жорий операциялар функциясидан фарқ қилади. Пулга бўлган талаб тенгламаси пулга бўлган реал талаб тушунчасини киритилиши билан ўзгаради, яъни пулга бўлган ялпи талаб нархлар даражасига мутаносибдир.

Иш ҳақи тўловлари 1 га тенг даражада индексация қилинганда эмиссия даражаси фақатгина реал валюта курсига қараб аниқланади. Шунга мувофиқ, агар реал валюта курси ошса, яъни реал девальвация юз берса, унда эмиссия пасайиши керак. Эмиссия реал валюта курсига нисбатан манфий функциядир.

Умумий хулоса шундан иборатки, номинал валюта курси ўзгариши шароитида реал валюта курсининг ўзгариши миллий нархларнинг ўзгариш тезлиги даражасига боғлиқ бўлади, яъни номинал девальвация ҳар доим ҳам реал девальвацияга олиб келмайди. Масалан, миллий валюта курсининг ўсиш даражаси ички нархлар ўсиш даражасидан юқори бўлса, унда реал валюта курси пасаяди, яъни миллий валютада ифодаланган импорт товарлар нархи

миллий товарлар нархларига нисбатан ошади. Ички нархларни истикболда тенглаштириш (истеъмол ва индексация даражаси 1 га тенг) импорт товарларнинг ялпи истеъмол маҳсулотлари ҳажмидаги ҳиссасига боғлиқ равишда импорт ва миллий товар нархлари ўртасидаги ўзгаришлар даврида содир бўлади. Агар валюта курсининг ўсиш суръати ички нархларнинг ўсиш суръатидан паст бўлса, унда импорт товарларининг нархлари миллий товарларнинг нархларига нисбатан камаяди, шунга мувофиқ, номинал девальвация бўлишига қарамадан реал девальвация содир бўлмайди. Ва ниҳоят, агар номинал валюта курсининг ўсиш суръати ички нархларнинг ўсиш суръатига тенг бўлса, унда реал валюта курси ўзгармайди.

Ж.М. Кейнснинг тартибга солинадиган валюталар назариясининг валюта курси режимларидан фойдаланиш хусусидаги қоидалари тўлов балансини мувозанатлаштириш муаммоси мавжуд бўлган ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун амалий аҳамиятга эга бўлган қоидалар ҳисобланади.

1.3. Валюталарнинг эркин конвертирланиши

Шуниси характерлики, иқтисодий адабиётларда ҳозирга қадар «валютанинг эркин конвертирланиши» тушунчасининг моҳияти хусусида ягона, тугал таъриф мавжуд эмас.

Биз дастлаб валюталарнинг конвертирланиши масаласининг Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) нинг Низомида ва бошқа меъёрий-услубий ҳужжатларида ўз ифодасини топган талқинларини таҳлил қиламиз ва баҳолаймиз. Бунинг сабаби шундаки, ХВФ давлатлараро валюта муносабатларини тартибга солувчи халқаро молия-кредит ташкилоти ҳисобланади. ХВФ Келишув Моддаларининг VIII-моддаси бўйича мажбуриятларни қабул қилган давлатларнинг миллий валюталари тўлов балансининг жорий операциялари бўйича эркин конвертирланадиган (ишлатиладиган) валюталар деб аталади ва бу мамлакат Фонднинг

рухсатисиз жорий валюта битимлари бўйича тўловларга чекловлар жорий қилишга ҳақли эмас²⁵.

ХВФ экспертларининг талқини бўйича, валюта ташқи конвертирликка эга бўлиши учун қуйидаги икки хусусиятга эга бўлиши шарт:

- норезидентларга тегишли бўлган мазкур валютадаги маблағлар исталган хорижий валютага эркин алмашинади;

- резидентларнинг ҳукуматнинг рухсати билан норезидентлар фойдасига амалга ошириладиган барча тўловлари резидентлар валюта бозорларидан сотиб олиш имконига эга бўлган исталган ташқи конвертирликка эга бўлган валютада амалга оширилиши мумкин²⁶.

ХВФ экспертлари валюталарни, конвертирланиш кўлами ва даражасига кўра, иккига ажратади: жорий валюта операциялари бўйича эркин конвертирланадиган валюталар ва ташқи конвертирликка эга бўлган валюталар. Лекин ХВФ экспертларининг валюталарнинг ташқи конвертирланиши хусусидаги талқинларида ўзаро номувофиқлик юзага келмоқда. Ушбу номувофиқликнинг моҳияти шундаки, ХВФ айрим валюталарга нисбатан «захира валюталар» тушунчасини қўллайди ва ушбу валюталарни халқаро миқёсда тўлов воситаси вазифасини бажарадиган, бошқа мамлакатлар учун валюта паритети ва валюта курсини аниқлашда база вазифасини ўтайдиган валюталар сифатида эътироф этади. ХВФ расман захира валюталар сифатида АҚШ доллари, Япония иени, Буюк Британия фунт стерлинги ва еврони тан олади. ХВФ томонидан “захира валюталар” тушунчаси дастлаб 1944 йилда, Бреттон-Вудс жаҳон валюта тизимини юзага келтириш жараёнида, қўлланилган. Ўшанда фақат иккита валютага – АҚШ доллари ва Буюк Британия фунт стерлингига захира валюта мақоми берилган эди. Айни вақтда, захира валюталари билан бошқа ташқи конвертирликка эга бўлган валюталарнинг ташқи конвертирланиш даражаси ўртасида қандай

²⁵ Articles of Agreement of the International Monetary Fund, Articles VIII, Section.

²⁶ Twenty Years of International Cooperation. The International Monetary Fund, 1945-1965. Vol. II.– P. 226-227.

фарқнинг мавжудлиги ХВФнинг меъёрий-услубий ҳужжатларида ўз ифодасини топмаган.

Таниқли иқтисодчи олимлардан бири – Р. Маккинноннинг фикрига кўра, валюта конвертирланадиган бўлиши учун ушбу мамлакатнинг фуқаролари маҳаллий валютани хорижий валюталарга унификациялашган бозорда, барча жорий валюта операциялари учун ягона бўлган курс бўйича эркин сотиш имкониятига бўлишлари, норезидентлар эса, жорий валюта операцияларидан маҳаллий валютада олган маблағларини ўша курс бўйича эркин сотиш ёки шу валютада амалдаги баҳолар бўйича маҳаллий товарларни эркин сотиб олиш имкониятига эга бўлишлари лозим²⁷. Р. Маккиннон ушбу таърифда миллий валютанинг ички конвертирланиш шартларини ифодалайди. Бизнинг фикримизча, мазкур таъриф миллий валютанинг тўлиқ ички конвертирланиши моҳиятини очишга хизмат қилади. Чунки унда миллий валютани хорижий валюталарга эркин конвертирлашнинг зарурлиги билан бир қаторда, норезидентларнинг миллий валютада олган маблағларини хорижий валюталарга эркин алмашилишини таъминлаш имконияти эътироф этилмоқда.

Россиялик иқтисодчи олимлардан И.Платонова, С.Борисов ва А.Навойларнинг илмий изланишларида валютанинг конвертирлик даражасини аниқлаш масалалари ўз ифодасини топган. Жумладан, И.Платонованинг фикрига кўра, валютанинг ташқи конвертирлиги деганда, шу мамлакат пулини жорий операциялар бўйича ҳисоблашишлар учун эркин алмашилиш ҳуқуқини фақат норезидентларга берилиши, резидентларнинг эса, бундай ҳуқуққа эга бўлмаслиги тушунилади²⁸. Бизнинг фикримизча, И. Платонованинг мазкур илмий хулосаси миллий валютанинг қисман ташқи конвертирликка эга эканлигини ифодалайди ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун муҳим амалий аҳамият касб этади.

²⁷ MacKinnon, R. (1986) Comments on Willett', Journal of International Money and Finance 5, Supplement: S.113 – 5.

²⁸ Платонова И. Валютное регулирование в современной мировой экономике. – М.: МФА, 1999. - С. 58.

А. Навой миллий валютанинг конвертирланиши масаласини илмий тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилган ва бир қатор муҳим илмий хулосаларни шакллантирган. Чунончи, А.Навой миллий валютанинг тўлиқ конвертирланишига қуйидагича таъриф беради: “Миллий валютанинг тўлиқ конвертирланиши деганда унинг асосий халқаро ҳисоб бирликларига ҳар қандай шаклда, ҳар қандай мақсадлар учун ликвидли халқаро бозорда минимал чиқимлар билан эркин алмаштиришни амалга ошириш имконияти тушунилади”²⁹.

Навойнинг нима учун миллий валютанинг тўлиқ конвертирланишини унинг фақатгина халқаро ҳисоб бирликларига алмашилиш имконияти сифатида эътироф этиши мунозаралидир. Чунки халқаро ҳисоб бирликларининг халқаро тўловлар жараёнидаги роли жуда паст бўлиб, ХВФнинг расмий маълумотларига кўра, ҳозирги даврда жаҳон валюта бозорларидаги конверсион операцияларнинг 90 фоиздан ортиқ қисми олти та валютада амалга оширилмоқда (АҚШ доллари, евро, Япония иени, Буюк Британия фунт стерлинги, Швейцария франки, Канада доллари)³⁰. Бундан ташқари, Навойнинг мазкур таърифида миллий валютанинг ички ва ташқи конвертирланиши ўртасидаги чегарани фарқлашнинг иложи йўқ. Бундан ташқари, 2023 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, дунё бўйича халқаро захираларнинг 58,0 фоизи АҚШ долларидаги захираларга, 20,0 фоизи еврода шакллантирилган захираларга, 5,5 фоизи Япония иенидаги захираларга, 5,0 фоизи Англия фунт стерлингидаги захираларга, 2,6 фоизи Хитой юанидаги захираларнинг ҳиссасига тўғри келди³¹.

Таъкидлаш жоизки, миллий валюта ички конвертирланишини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири – унинг паритети ва курси ўртасида юзага келадиган фарқни бартараф этишнинг зарурлиги юқорида номлари зикр этилган олимлар томонидан эътироф этилмаган. Фикримизча,

²⁹ Навой А. Введение полной конвертируемости национальной валюты: проблемы теории и практики // Вопросы экономики. – Москва, 2006. - №3. - С. 63.

³⁰ IMF «International Financial Statistics, 2006» бюллетени маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

³¹ Annual Report of the Executive Board for the Financial Year Ended.. 2023.

ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида валюта паритетлари ва курслари ўртасида фарқнинг юзага келиш эҳтимоли юқори бўлганлиги сабабли, уни бартараф этишда девальвациядан фаол тарзда фойдаланмоқ зарур. Чунки девальвация ушбу фарқни жуда қисқа вақт ичида бартараф этиш имконини беради. Агар мазкур фарқ қисқа вақт ичида бартараф этилмаса, у ҳолда, мамлакатда валюта фетишизми юзага келади.

Таъкидлаш жоизки, миллий валютани конвертирлаш ички ва ташқи конвертирлашга бўлинади. Ўз навбатида, ички конвертирлашнинг ўзи қисман ички конвертирлаш ва тўлиқ ички конвертирлашга бўлинади. Миллий валютанинг ташқи конвертирланиши ҳам қисман ташқи конвертирланиш ва тўлиқ ички конвертирлашга бўлинади.

Миллий валютани конвертирланиш даражалари қуйидаги мезонларга асосланиши лозим:

I. Миллий валютанинг қисман ички конвертирланишини белгиловчи мезонлар:

1.1. Мамлакат ҳукумати ХВФ Келишув моддаларининг VIII-моддаси бўйича етти бўлимдан иборат мажбуриятларни тўлиқ қабул қила олмайди. Бунинг натижасида мамлакатда жорий валюта операциялари бўйича валютавий чеклашларнинг айрим турлари сақланиб қолади.

1.2. Мамлакатда тўлов балансининг жорий операциялари бўйича чекловлар норезидентларга нисбатан сақланиб қолади.

1.3. Марказий банк миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини пасайтириш мақсадида конвертация учун берилган айрим буюртмаларнинг ижросини кечиктиради.

II. Миллий валютанинг тўлиқ ички конвертирланишини белгиловчи мезонлар:

2.1. Мамлакат ҳукумати ХВФ Келишув моддаларининг VIII-моддаси бўйича етти бўлимдан иборат мажбуриятларни тўлиқ қабул қилади.

2.2. Мамлакатда конверсион операцияларни амалга оширишнинг узлуксизлиги таъминланади. Яъни, конверсион операциялар ҳафтанинг беш иш куни мобайнида ҳар куни амалга оширилади.

2.3. Мамлакатнинг резидентлари жорий валюта операциялари бўйича миллий валютадаги маблағларини миллий валюта бозори орқали сотиб олиш мумкин бўлган хорижий валюталарга талаб ва таклиф асосида эркин шаклланган курс бўйича эркин сотиш имкониятига эга бўлишади, норезидентлар эса, жорий валюта операциялари бўйича шу мамлакатнинг миллий валютасида олинган маблағларни миллий валютанинг эркин шаклланган курси бўйича эркин сотиш ҳуқуқига ва имкониятига эга бўлишади.

III. Миллий валютанинг қисман ташқи конвертирланишини белгиловчи мезонлар:

3.1. Миллий валютадан жорий операциялар бўйича ҳисоблашишлар юзасидан халқаро тўлов воситаси сифатида фойдаланиш ҳуқуқи фақат норезидентларга берилади, резидентлар эса, бундай ҳуқуққа эга бўлмайди.

3.2. Мамлакатда тадбиркорлик капитали (тўғри ва портфелли инвестициялар) ва ссуда капиталининг (халқаро кредитлар) халқаро миқёсдаги ҳаракатлари бўйича чекловлар сақланиб қолади.

3.3. Миллий валюта минтақавий валюта бозорларида котировка қилинади.

IV. Миллий валютанинг тўлиқ ташқи конвертирланишини белгиловчи мезонлар:

4.1. Миллий валюта захира валютаси мақомига эга бўлади. Яъни, миллий валютадан қуйидаги мақсадларда фойдаланиш имкони юзага келади:

- миллий валюта халқаро тўлов воситаси сифатида халқаро валюта бозорларида котировка қилинади;
- миллий валютадан бошқа мамлакатларда валюта интервенциясини амалга ошириш воситаси сифатида фойдаланилади;

– миллий валюта бошқа мамлакатларнинг валюта паритети ва валюта курсини аниқлашда базавий валюта вазифасини бажаради.

Фикримизча, ҳозирги даврда ана шундай хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган тўртта валюта мавжуд. Улар: АҚШ доллари, евро, Япония иени ва Буюк Британия фунт стерлинги.

4.2. Мамлакатда тўлов балансининг жорий операциялар бўлими, капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати бўлимлари бўйича барча валютавий чеклашлар олиб ташланади.

4.3. Миллий валютадан жорий операциялар, капиталлар ва кредитларнинг халқаро миқёсдаги ҳаракатлари бўйича ҳисоблашишлар юзасидан халқаро тўлов воситаси сифатида фойдаланиш ҳуқуқи резидентларга ҳам, норезидентларга ҳам берилади.

Проф. Л.Н. Красавина таҳрири остида чоп этилган «Международные валютно-кредитные и финансовые отношения» дарслигида³², В.М. Крашенниковнинг, «Валютное регулирование в системе государственного управления экономикой» номли монографиясида³³ ва яна бир қатор олимларнинг чоп этилган илмий ишларида миллий валютанинг уч алмашилиш шартининг мавжудлиги эътироф этилган.

Миллий валютанинг эркин алмашилиш шарти. Миллий валюта эркин алмашилиш шартига эга бўлиши учун, биринчи навбатда, у хорижий валюталарга чекланмаган миқдорда айирбошланиш хусусиятига эга бўлиши лозим. Демак, мамлакат тўлов балансининг жорий операциялар бўлимида ҳам, капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати баланси бўлимида ҳам валютавий чеклашлар бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда, миллий валютани тўлиқ алмашилиш хусусиятига эга деб бўлмайди.

Миллий валюта эркин алмашилиш шартига эга бўлиши учун унинг номинал алмашув курси миллий валюта бозоридаги талаб ва таклиф асосида

³² Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Под. ред. Красавиной Л.Н. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и Статистика, 2002. – С. 35-36.

³³ Крашенников В.М. Валютное регулирование в системе государственного управления экономикой. – М.: Экономика, 2003. – С. 27-41.

эркин шаклланиши лозим. Унинг шаклланиш жараёнига мамлакат Марказий банки ва ҳукумати аралашмаслиги зарур (миллий валюта курсининг фавқулодда юз берадиган кескин тебранишларига барҳам бериш мақсадида Марказий банк томонидан амалга ошириладиган валюта интервенцияси бундан мустасно). Мамлакат Марказий банки миллий валюта курси тебранишини маълум диапазонларда сақлаб туриш мажбуриятига эга бўлмаслиги зарур.

Айрим ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида конверсион операцияларни амалга ошириш буюртмали валюта савдоси тизимига асосланган. Масалан, Ўзбекистон ана шу тоифадаги давлатлардан бири ҳисобланади.

Маълумки, буюртмали валюта савдоси тизимида конверсион операциялар хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш мақсадида бериладиган буюртмалар асосида ва одатда, ҳафтанинг маълум кунида амалга оширилади. Демак, ривожланган молия бозорларига эга бўлган давлатлардаги каби ҳафта мобайнида амалга ошириладиган доимий валюта савдоси мавжуд бўлмаслиги мумкин. Хўш, бундай давлатларнинг миллий валютаси эркин алмашилиш шартига эга бўлиши мумкинми? Фикримизча, бунда миллий валюта хорижий валюталарга эркин алмашинмоқда, лекин доимий валюта савдоси мавжуд эмас.

Буюртмали валюта савдоси тизими асосида конверсион операцияларни амалга ошираётган мамлакатлар миллий валюталарининг эркин алмашилиш шарти мезонларини аниқлашда масаланинг қуйидаги икки жиҳатига эътиборни қаратиш лозим:

– ушбу валютанинг эмитенти бўлган мамлакат ХВФнинг жорий валюта операциялари ҳамда капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати бўйича валютавий чеклашларни олиб ташлаш тўғрисидаги мажбуриятларни тўлиқ қабул қилиши лозим, деб ҳисоблаймиз;

– ушбу валютанинг эмитенти бўлган мамлакат ХВФ келишув моддалари бўйича жорий валюта операциялари ҳамда капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати юзасидан валютавий чеклашларни тўлиқ олиб ташлаган бўлиши

шароитида буюртмали валюта савдоси тизимини сақлаб қолган бўлиши мумкин.

Миллий валютанинг қисман алмашиниш шарти. Валюталарнинг қисман алмашиниш шарти, аввало, мамлакатда валютавий чеклашларнинг мавжудлиги билан асосланиши лозим. Мамлакат гарчи ХВФ келишув моддаларининг VIII-моддаси бўйича мажбуриятларни тўлиқ қабул қилган бўлса - да, капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати бўйича валютавий чеклашларнинг мавжудлиги мазкур мамлакат валютасининг қисман алмашиниш шартига эга эканлигидан далолат беради.

Айрим иқтисодчи олимлар миллий валютанинг қисман алмашиниш шартини асослашда валютавий чеклашларни резидентлар ва норезидентларга нисбатан қўлланилишига эътиборни қаратишади. Аммо, иқтисодий фанда қисман алмашиниш шартига эга бўлган валюталарнинг эмитенти бўлган мамлакатларда норезидентларга нисбатан валютавий чеклашлар сақланиб қолади, деган фикр кенг тарқалган.

Валюталарнинг умуман алмашинмаслик шарти. Валюталарнинг умуман алманишмаслик шартининг асосий, бирламчи мезони мамлакатда хорижий валюталар савдосига нисбатан давлат монополиясининг мавжудлиги ҳисобланади. Хорижий валюталар савдосига давлат монополиясининг мавжудлиги халқаро амалиётда қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

а) мамлакат аҳолиси ва юридик шахсларига хорижий валюталарда ҳисобрақамлари очишга рухсат этилмайди;

б) мамлакат аҳолиси ва юридик шахсларига хорижий валюталарда ҳисобрақамлари очишга рухсат этилади. Аммо мазкур ҳисобрақамларидаги маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган тўловларга рухсатни Молия вазирлиги ёки давлатнинг махсус вакил этилган органи беради;

в) мамлакатда нақд хорижий валюталар савдоси қонун йўли билан таъқиқланади.

Масалан, собиқ Совет Иттифоқида жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валюталар билан олди-сотди қилишларига нисбатан ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш жазоси жорий этилган эди.

Умуман олганда, миллий валютанинг конвертирланиши ва алмашилиш шартлари бир қатор аниқ даражаларга ва мезонларга эгадир.

1.4. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар

Валюта курсига бир нечта омиллар таъсир кўрсатади. Ана шундай асосий омиллардан бири – бу тўлов балансининг дефицитли эканлигидир. Тўлов балансининг дефицитли бўлиши хорижий валютадаги тўловлар миқдорининг ортишига, мамлакатнинг олтин-валюта захиралари миқдорининг камайишига олиб келади. Бунинг натижасида ички валюта бозорида хорижий валюталар таклифининг камайиши юз берадики, ушбу ҳолат миллий валютанинг номинал алмашув курсига нисбатан кучли тазйиқни юзага келтиради.

Миллий валюта курсига таъсир этувчи муҳим омиллардан яна бири бўлиб, Давлат бюджетининг дефицити ҳисобланади. Ушбу омил ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида яққол кузатилади. Чунки, мазкур мамлакатларнинг аксарият қисмида Марказий банкларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллик даражаси паст бўлиб, Давлат бюджети дефицитини қоплаш мақсадида Марказий банкнинг эмиссия механизмидан фойдаланилади. Бунинг натижасида муомалага товарлар ва хизматлар билан таъминланмаган пуллар пайдо бўлади ва шунинг асосида миллий валютанинг қадрсизланиш жараёни чуқурлашади. Шу сабабли, Давлат бюджети дефицитининг меъёрий даражада бўлишини таъминлаш миллий валютанинг барқарорлигига эришиш нуктаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади.

Халқаро амалиётда Давлат бдюжети дефицити суммасининг номинал ЯИМ миқдорининг 3 фоиздан ошмаслиги меъёрий даража сифатида қабул қилинган.

Марказий банк томонидан амалга ошириладиган монетар сиёсат миллий валютанинг алмашув курсларига, шу жумладан, номинал алмашув курсига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири саналади.

Маълумки, Марказий банк томонидан амалга ошириладиган монетар сиёсат иқтисодий мазмунига кўра икки турга бўлинади:

1. Рестрикцион монетар сиёсат.
2. Экспансионистик монетар сиёсат.

Рестрикцион монетар сиёсат деганда, одатда, муомаладаги пул массасининг ўсиш суръатларини жиловлашга қаратилган монетар сиёсат тушунилади.

Рестрикцион монетар сиёсатни амалга оширишда Марказий банк қуйидаги усуллардан фойдаланади:

- Марказий банкнинг мажбурий захира ставкаларининг даражаси оширилади;
- тижорат банкларига қимматли қоғозлар Марказий банк томонидан қайта сотиб олиш шарти билан сотилади;
- Марказий банк томонидан ҳукуматга ва тижорат банкларига тегишли бўлган вақтинчалик бўш пул маблағлари депозит ҳисобрақамларига жалб этилади;
- Марказий банк валюта сиёсати доирасида миллий валютадаги пул маблағлари ҳажмининг ўсиш суръатларини чеклашга қаратилган операцияларни амалга оширади.

Экспансионистик монетар сиёсат деганда муомаладаги пул массасининг мультипликатив кенгайишини таъминлаш асосида тўловга қобил талабни рағбатлантиришга қаратилган монетар сиёсат тушунилади.

Экспансионистик монетар сиёсатни амалга оширишда Марказий банк қуйидаги усуллардан фойдаланади:

- Марказий банк қайта молиялаш ставкаларини пасайтиради ва тижорат банкларига бериладиган марказлашган кредитларнинг ҳажмини оширади;

– тижорат банкларининг кредитлаш ҳажмига нисбатан Марказий банк томонидан белгиланган лимитлар ҳажми оширилади, яъни банкларга кредитлар миқдорини оширишга имконият яратилади.

– Марказий банкнинг мажбурий захира ставкалари пасайтирилади;

– тижорат банкларига қимматли қоғозлар Марказий банк томонидан қайта сотиш шарти билан сотиб олинади;

– Марказий банк валюта сиёсати доирасида миллий валютадаги пул маблағлари ҳажмининг ўсиш суръатларини оширишга қаратилган операцияларни амалга оширади.

Рестрикцион монетар сиёсат миллий валютадаги пул массасининг ўсиш суръатларини пасайтириш ва ҳатто унинг ҳажмини қисқартириш имконини беради. Бунинг оқибатида миллий валютанинг қадри ошади. Аммо рестрикцион монетар сиёсат ички тўловга қобил талабни бўғиб қўяди. Натижада макроиктисодий ўсиш суръати пасаяди.

Экспансионистик монетар сиёсат ички тўловга қобил талабни рағбатлантириш имконини беради. Натижада пул массасининг юқори суръатларда ўсиши, мультипликатив кенгайиши юз бериши мумкин.

Сиёсий риск, яъни мамлакат rischi миллий валютанинг номинал алмашув курсини ўзгаришига таъсир этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Одатда, сиёсий риск чуқурлашганда мамлакатдан олтин-валюта захираларини катта миқдорда чиқиб кетиши юз беради. Бунинг натижасида ички валюта бозорида хорижий валюталар таклифи кесикн камаяди, тўлов балансининг дефицити ортади. Оқибатда миллий валюта қадрсизланади.

АҚШ доллари курсининг нобарқарорлиги Япония, Германия, Франция, Буюк Британия ва Хитой каби мамлакатларни ҳам ташвишга солмоқда. Чунки, уларнинг халқаро валюта захираларининг асосий қисми АҚШ долларида шаклланган. Шу сабабли, 1999 йил январда Япония ва Германия Молия вазирлари АҚШга доллар, евро ва иеннинг курсларини ўзаро бири-бирига боғлашни таклиф қилдилар. Аммо АҚШ Федерал захира тизимининг ўша вақтдаги раҳбари А.Гринспэн ва Молия вазири Р.Рубин ушбу таклифни

катъиян рад этдилар. Уларнинг фикрига кўра, мазкур уч етакчи валюта курсларини ўзаро бир-бирига боғлашни жорий этиш АҚШ Федерал захира тизимининг ишсизлик ва инфляцияга қарши курашишга қаратилган пул-кредит сиёсатининг мустақиллигига путур етказди³⁴.

“Еврохудуд”даги қарз муаммолари, Греция, Испания, Италия, Португалиядаги оғир молиявий ҳолатлар, пировард натижада, евронинг АҚШ доллари ва бошқа етакчи валюталарга нисбатан курсининг тебранишларига ва пасайишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, Грециядаги оғир иқтисодий инқироз ҳолатларини бартараф этиш мақсадида ажратилаётган кредитлар ва бошқа шакллардаги молиявий маблағлар евродаги пул массасининг ошишига сабаб бўлмоқда.

2010 йил 7 майда Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларнинг раҳбарлари томонидан Грецияга молиявий ёрдам бериш дастури маъқулланди. Ушбу дастурга мувофиқ, Греция уч йил мобайнида 110 млрд. евро олади. Мазкур ёрдамнинг Греция учун муҳимлиги шундаки, ҳозирги кунда ушбу мамлакатдаги иқтисодий аҳвол жуда оғир: давлатнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) миқдоридан катта, давлат бюджети дефицити ва ташқи қарзнинг умумий миқдори 300 млрд. евродан ошади³⁵.

2012 йилда Кипрда молиявий қийинчиликларнинг бошланганлиги евронинг номинал алмашув курси барқарорлигига нисбатан мавжуд бўлган салбий таъсирни янада кучайтиришга хизмат қилади. “Рейтерс” агентлигининг хабар беришича, 2012 йилда Кипрга камида 1,8 млрд. евро керак. Бу эса, унинг ЯИМнинг 10 фоизини ташкил этади³⁶.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар муомалага катта миқдордаги пул маблағларининг пайдо бўлишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг хулосасига кўра, “...сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган муаммолар,

³⁴ Моисеев С.Р. Международные валютно-кредитные отношения. – М.: Дело и Сервис, 2007. - С. 625-626.


³⁵ Лидеры стран-участниц ЕС утвердили программу помощи Греции. <http://lenta.ru/news/2010>.

³⁶ Кипр обратился к ЕС за финансовой помощью. <http://lenta.ru/news/2012>.

асосан, кўшимча пул босиб чиқариш ва молия бозорини шундай пуллар билан тўлдириш ҳисобидан ҳал этилиши кўзга ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, келгусида жиловлаб бўлмайдиган инфляцияга, қимматчиликка, захира ва миллий валюталарнинг қадрсизланишига ва шу билан боғлиқ оғир оқибатларга олиб келиши мумкин”³⁷.

Миллий валюта курсининг барқарорлигига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири, шубҳасиз, инфляция ҳисобланади. Инфляция таъсирида миллий валютанинг қадри пасаяди.


Инфляция латинча **inflatio** сўзидан олинган бўлиб, кўпчиш, бўртиш деган маънони англатади.



1.2-расм. Инфляциянинг асосий турлари

1.2-расмдан кўриниб турибдики, инфляциянинг бир нечта турлари бўлиб, улар миллий валютанинг алмашув курсларига ўзига хос тарзда таъсир кўрсатади.

³⁷ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. - Б. 4.



1.3-расм. Инфляция моҳиятининг намоён бўлиш шакллари

1.3-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, инфляциянинг учта намоён бўлиш шакли мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси миллий валютанинг қадрсизланиши билан боғлиқдир.

Давлат ташқи қарзининг ўзгариши миллий валютанинг номинал алмашув курсига бевосита таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири саналади.


Халқаро амалиётда давлат ташқи қарзининг ЯИМга нисбатан 60 фоиздан ошмаслиги меъёрий даража ҳисобланади. Агар ташқи қарз ушбу меъёрий даражадан ошса, у ҳолда миллий валютанинг номинал алмашув курсига нисбатан кучли тазйиқ юзага келади. Яъни, ички валюта бозорида хорижий валюталарнинг таклифи сезиларли даражада камаяди. Бундай шароитда хорижий валюталарга бўлган талаб ўзгармай қолганда ҳам, миллий валютанинг қадрсизланиши юз беради.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасида давлат ташқи қарзи даражасини мўътадил эканлигини эътироф этиш жоиз. 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига, Ўзбекистон Республикасида давлат ташқи қарзининг даражаси ЯИМга

нисбатан 36,4 фоизни ташкил этди (29,2 млрд. АҚШ доллари)³⁸. Бу эса, давлат ташқи қарзининг мўътадил даражада эканлигини кўрсатади.

Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаш учун муҳим замин яратади.

Халқаро амалиётда миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади (1.4-расм):



1.4-расм. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш йўллари

³⁸ Давлат қарзи//www.imf.uz.

1.4-расм маълумотларидан кўринадик, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш кўп омилли жараён ҳисобланади. Шу сабабли, ҳар бир омилнинг таъсирини тўғри баҳолаш муҳим амалий аҳамият касб этади.

ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР

Валюта курси; валюта паритети; валюта интервенцияси; валюта курси режимлари; валютанинг номинал алмашув курси; валютанинг реал алмашув курси; давлат бюджети дефицити; давлат бюджети профицити; девальвация; инфляция; Манделл-Флеминг модели; пул массаси; резерв валюта; рестрикцион монетар сиёсат; ревальвация; ташқи қарз; тўлов баланси; тўлов баланси дефицити; эмиссия; эркин алмашинадиган валюта; экспансионистик монетар сиёсат; хорижий валюта; юмшоқ валюта.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Миллий валютанинг қандай алмашув курслари мавжуд?
2. Қандай валюта курси режимлари мавжуд?
3. Резерв валюталарни аниқлаш учун қайси мезонлардан фойдаланилади?
4. Қандай валюталар эркин алмашинадиган валюталар ҳисобланади?
5. “Валюталарнинг харид қобилияти” назариясининг асосий қоидалари нималардан иборат?
6. “Сузувчи валюта курслари” назариясининг мазмуни нималарда намоён бўлади.
7. “Белгиланган паритетлар ва валюта курслари” назариясининг асосий қоидалари нималардан иборат?
8. Миллий валютанинг алмашув курсларига қайси омиллар таъсир кўрсатади?
9. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашда қўлланиладиган қандай усулларни биласиз?

10. Девальвация нима мақсадда амалга оширилади?

11. Ревальвация нима мақсадда амалга оширилади?

МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Мувозанатлашган валюта курси.
2. Валюта курсини баҳолашнинг замонавий усуллари.
3. Валюта курси хусусидаги **FEER** ва **DEER** концепциялари.
4. Миллий валютанинг реал алмашув курси ва унинг мамлакатнинг экспорт салоҳиятига таъсири.
5. Девальвация ва унинг миллий иқтисодиётга таъсири.
6. Валюта паритети ва уни ҳисоблаш усуллари.
7. Марказий банк монетар сиёсатининг миллий валюта алмашув курсларининг барқарорлигини таъминлашдаги роли.
8. Миллий валютанинг алмашув курсларига таъсир қилувчи омиллар.

II-БОБ. ВАЛЮТА ТИЗИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

2.1. Валюта муносабатлари ва уларни юзага келиш асослари

Халқаро валюта муносабатлари халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим, ажралмас таркибий қисмидир.

Халқаро иқтисодий муносабатлар қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

- халқаро меҳнат тақсимоти;
- халқаро савдо;
- тўғридан-тўғри ва портфелли инвестицияларнинг халқаро миқёсдаги ҳаракати;
- ссуда капиталининг халқаро миқёсдаги ҳаракати;
- халқаро валюта-кредит ва молия муносабатлари;
- халқаро иқтисодий интеграция.

Халқаро валюта муносабатлари валюталарнинг халқаро миқёсдаги ҳаракати натижасида юзага келадиган молиявий муносабатлардир.

Халқаро валюта муносабатларининг субъектлари бўлиб, давлат, компаниялар, банклар, жисмоний шахслар ва халқаро молия институтлари ҳисобланади.

Аммо ҳар қандай валюта халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда тўлов воситаси вазифасини бажара олмайди. Ушбу вазифани, асосан, тараққий этган мамлакатларнинг миллий валюталари ва халқаро ҳисоб бирлиги бўлган СДР (маблағлар жалб қилишнинг махсус ҳуқуқи) бажаради.

Халқаро валюта муносабатларининг юзага келиши дастлаб халқаро савдонинг юзага келиши билан изоҳланади.

Халқаро меҳнат тақсимотининг юзага келиши давлатлар ўртасида ташқи савдо муносабатларининг юзага келишига сабаб бўлди. Ўз навбатида, ташқи савдони амалга ошириш турли мамлакатларнинг валюталарини бири-бирига айирбошлаш заруриятини юзага келтирди.

Халқаро иқтисодий интеграция ва глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиши натижасида тадбиркорлик капитали (тўғри ва портфелли хорижий инвестициялар) ва ссуда капиталининг (халқаро кредитлар) халқаро миқёсдаги оқими кучайди. Бу эса, халқаро валюта муносабатларини ривожлантиришга кучли туртки берди.

Халқаро валюта муносабатлари халқаро иқтисодий муносабатлардан ташқари, давлатлараро сиёсий, маданий ва бошқа алоқаларда ҳам юзага келади. Масалан, хорижий давлатларда дипломатик ваколатхоналар очиш ва сақлаш, ўзга давлатлар ҳудудида ҳарбий қисмлар сақлаш, маданий тадбирларни амалга оширишда валюта муносабатлари пайдо бўлади.

Банкларнинг пайдо бўлиши ва улар фаолиятининг ривожланиши халқаро валюта муносабатларининг ривожланишига кучли туртки берди. Банклар, айниқса, тижорат банклари халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш марказларига айланишди. Трансмиллий банкларнинг пайдо бўлиши билан халқаро валюта муносабатларининг ривожланиши янги босқичга чиқди. Трансмиллий банкларнинг дунё бўйлаб филиаллар тармоғининг кенглиги халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тезлиги ва ҳажмини ошириш имконини берди. Албатта, мазкур жараёнда халқаро электрон тўлов тизимлари муҳим ўрин тутди. Ҳозирги даврда, давлатлараро халқаро ҳисоб-китобларнинг асосий қисми СВИФТ (Society for Worldwide Interbank Financial Telecommunications) тизими орқали ўтади.

СВИФТ тизими 1973 йилда 15 та ғарб давлатининг 240 та банки томонидан ташкил қилинган эди. У фаолиятини 1977 йилдан бошлади. Ҳозирги кунда СВИФТ фаолияти дунёнинг 90 мамлакатадаги 4000 дан ортиқ банкни қамраб олган.

Халқаро валюта муносабатлари ишлаб чиқариш муносабатларига нисбатан ҳосилавий бўлса-да, уларнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатади. Масалан, халқаро кредитлар ва хорижий инвестициялар компаниялар ишлаб чиқариш фаолиятини замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантириш имконини беради. Ўз навбатида,

халқаро кредитлар ва инвестицияларнинг ҳаракати халқаро валюта муносабатларининг ривожланиш даражасига боғлиқ.

Гарчи олтинни демонетизация қилиш 1978 йилда тугалланган бўлса-да, ҳамон олтиннинг халқаро валюта муносабатларига таъсири сезилиб турибди. Мазкур таъсир қуйидагиларда намоён бўлади:

- олтин халқаро кредитлар учун гаров таъминоти вазифасини ўтамоқда;
- хорижий валюталарда етарлича захирага эга бўлмаган давлатлар олтинни сотиш йўли билан ўзларининг ташқи мажбуриятлари юзасидан тўловларни амалга оширмоқдалар;

- олтин ҳамон ноёб металл сифатида инсонларни ўзига жалб этмоқда.

Бу эса, олтинни олди-сотди қилиш билан боғлиқ бўлган катта миқдордаги валюта операцияларини юзага келтирмоқда.

Жаҳон иқтисодий инқирозлари халқаро валюта муносабатларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Дунё миқёсида биринчи марта иқтисодий инқирознинг халқаро валюта муносабатларига таъсири 1929-1933 йилларда юз берган жаҳон иқтисодий инқирози - “Буюк депрессия” пайтида юз берди.

Мазкур иқтисодий инқироз натижасида банкларнинг оммавий равишда банкрот бўлиши юз берди, АҚШ ва Европа мамлакатларида инфляция кучайди, олтинни марказий банкларнинг захирасига оилб қўйиш бошланди. Бунинг натижасида халқаро валюта муносабатлари издан чикди. Чунки, давлатларнинг хорижий валюталардаги мажбуриятлар бўйича тўловларни амалга ошириш имконияти кескин чекланиб қолган эди.

Буюк депрессия ва унинг оқибатлари дунё миқёсида халқаро валюта муносабатларини тартибга солувчи халқаро ташкилотни яратиш заруриятини юзага келтирди. Шу тариқа, 1944 йилда АҚШнинг Бреттон-Вудс шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференциянинг қарори билан Халқаро валюта фонди ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро валюта муносабатларини халқаро миқёсда ҳисоб-китобларни халқаро тўлов воситалари орқали амалга ошириш

билан боғлиқ бўлган молиявий муносабатларнинг йиғиндиси сифатида эътироф этиш мумкин.

2.2. Миллий валюта тизими ва унинг элементлари

Миллий валюта тизими – бу алоҳида олинган бир мамлакатда валюта муносабатларини ташкил қилишнинг давлат-ҳуқуқий шаклидир.

Давлат шакли дейилишининг сабаби шундаки, валюта муносабатлари давлат томонидан ташкил этилади.

Ҳуқуқий шакли дейилишининг сабаби шундаки, валюта муносабатларини ташкил қилиш ва тартибга солиш мақсадида ўрнатилган қоидаларга риоя қилиш ва уларни бажариш валюта муносабатларининг барча иштирокчилари учун мажбурийдир.

Миллий валюта тизими минтақавий ва жаҳон валюта тизимларининг юзага келиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Миллий валюта тизими қуйидаги элементлардан ташкил топади:

1. Миллий валюта.

Ҳар қандай мамлакат миллий валюта тизимининг дастлабки элементи бўлиб, унинг миллий валютаси ҳисобланади (Ўзбекистонда сўм, АҚШда – доллар, Россияда – рубль ва ҳоказо).

2. Миллий валютанинг алмашиниш шарти.

Ҳар қандай миллий валюта алмашиниш шартига кўра, қуйидаги уч турдан бирига киради:

- тўлиқ алмашинадиган валюта;
- қисман алмашинадиган валюта;
- умуман алмашинмайдиган валюта.

3. Миллий валюта курсининг режими.

Валюта курсининг уч асосий режими бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- эркин сузиш режими;
- қатъий белгиланган курс режими;

- бошқариладиган сузиш режими.

Эркин сузиш режимида миллий валютанинг алмашув курси валюта бозорида, талаб ва таклифга қараб эркин шаклланади. Мамлакатнинг Марказий банки курснинг маълум ҳолати учун жавоб бермайди. Ушбу валюталарнинг курси катта оралиқларда тебраниши мумкин.

Қатъий белгиланган курс режимида миллий валютанинг курси хорижий валютага ёки валюта саватига нисбатан белгилаб қўйилади. Мамлакатнинг Марказий банки миллий валютанинг курсини белгиланган ҳолатини таъминлаш юзасидан жавобгар ҳисобланади.

Бошқариладиган сузиш режими валюта қонунчилигида расман белгилаб қўйилмайди. Мазкур режим XX асрнинг 70-йилларида пайдо бўлди. Яъни, ХВФ экспертлари айрим мамлакатларнинг валюта қонунчилигида эркин сузиш режими белгиланган бўлса-да, уларнинг Марказий банклари валюта курсини шаклланиш жараёнига фаол аралаша бошлаганлигини пайқаб қолишди. Натижада экспертлар янги курс режими пайдо бўлганлигини эътироф этишди ва уни “бошқариладиган сузиш режими” деб аташди.

4. Миллий валютанинг паритети.

Миллий валютанинг паритети деганда миллий валюта қийматининг хорижий валюта қийматига нисбатига айтилади.

Ҳозирги даврда миллий валютанинг паритети унинг харид қобилятини хорижий валютанинг харид қобиляти билан таққослаш орқали аниқланади.

Миллий валютанинг курси валюта бозорида талаб ва таклифга қараб аниқланади. Аммо паритетни ҳисоблаш нима учун керак?

Валюта паритетини ҳисоблаш миллий валютанинг курси билан унинг харид қобиляти ўртасидаги фарқнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш учун керак. Агар валюта паритети билан валюта курси ўртасида фарқ юзага келиб, ушбу ҳолат миллий валютанинг курсини сунъий равишда юқори бўлишига олиб келган бўлса, ушбу ҳолат мамлакатда хорижий

валютага бўлган қизиқишни кучайишига олиб келиши мумкин. Бу иқтисодий фанда “фетишизм” деб аталади. Фетишизм оқибатида баҳоси юқори бўлган ва узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни (уй-жой, автомашина ва бошқ.) хорижий валютага олди-сотди қилиш юзага келади. Мазкур фаркни йўқ қилиш учун, одатда, Марказий банк миллий валютани девальвация қилишга мажбур бўлади.

5. Мамлакатнинг халқаро миқёсда валютавий тўловга қобиллиги.

Мамлакатнинг халқаро миқёсда валютавий тўловга қобиллиги деганда унинг хорижий валютадаги мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажара олиш имкониятига айтилади.

ХВФ экспертлари томонидан мамлакатнинг халқаро миқёсда валютавий тўловга қобиллигини аниқлаш бўйича бир нечта услублар таклиф этилган. Улардан иккитаси халқаро амалиётда кенг қўлланилади. Биринчи услубга кўра, мамлакатнинг халқаро валютавий тўловга қобиллиги қуйидагича аниқланади:

$$\text{ХВТҚ} = (\text{ОВЗ}/\text{ЙТИ}) \times 100\% \quad (1)$$

Бунда:

ХВТҚ – халқаро валютавий тўловга қобиллик;

ОВЗ- олтин-валюта захиралари;

ЙТИ – бир йиллик товар импорти.

Агар ушбу кўрсаткич 50 фоизни ташкил қилса ва ундан юқори бўлса мазкур мамлакат халқаро миқёсда валютавий тўловга қобил ҳисобланади.

Иккинчи услубга кўра, агар мамлакат 3 ойлик товарлар импортини қоплашга етадиган олтин-валюта захирасига эга бўлса, халқаро миқёсда валютавий тўловга қобил ҳисобланади.

6. Мамлакатда валютавий чеклашларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги.

Бунда тўлов балансининг жорий операциялар бўлими бўйича ва капиталларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган валюта операциялари бўйича валютавий чекловларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги кўзда тутилади.

7. Миллий валюта бозори ва олтин бозорининг режими.

Ўзбекистон Республикасида олтин савдосига нисбатан давлат монополияси мавжуд. Шу сабабли, миллий олтин бозори мавжуд эмас.

8. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини белгилаш.

Одатда, Марказий банк томонидан халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби, ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш механизми белгилаб берилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунининг 18-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар миллий валютада амалга оширилади.

9. Мамлакатда халқаро валюта муносабатларини тартибга солувчи ва назорат қилувчи давлат органлари.

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунининг 10-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солувчи давлат органидир.

Мазкур Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат Божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасида валютани назорат қилувчи органлардир.

2.3. Европа валюта тизими

Европа валюта тизими (ЕВТ) 1979 йилда ташкил этилган. Ушбу тизим тўрт таркибий қисмдан иборат:

1. Европа валюта бирлиги (ЕCU).
2. Валюталар ва маълумотларни алмашиш механизми.
3. Кредит шарт-шароитлари.
4. Трансферт механизми.

Бундан ташқари, Европа валютавий ҳамкорлик фонди ташкил этилди ва унда Европанинг резерв активларининг маълум қисми тўпланди. Бу эса, Валюталарнинг алмашув курслари механизмини ҳимоя қилиш мақсадида қисқа муддатли валюта интервенцияларини амалга ошириш имконини берди.

ЕВТга аъзо мамлакатларнинг марказий банклари узоқ йиллар мобайнида валюта интервенцияси воситасида миллий валюталар алмашув курсларининг кескин тебранишларига барҳам бериб келдилар. Фақат 1992-1992 йил сентябрда юз берган валюта инқироzi пайтида ЕВТга аъзо бўлган айрим мамлакатларнинг марказий банклари (Англия Марказий банки, Италия Марказий банки) томонидан амалга оширилган валюта интервенцияси кутилган натижани бермади. Масалан, Англия ва Италия Марказий банклари томонидан валюта интервенцияси доирасида АҚШ долларининг сотилиши фунт стерлинг ва Италия лираси курсининг пасайиш тенденциясига барҳам бера олмади. Натижада мазкур валюталар ЕВТдан чиқариб ташланди. Чунки, ушбу валюталарнинг курсини белгиланган чегаравий даражада сақлаб туришнинг иложи бўлмади.

XX асрнинг 70-90 - йилларида ЕВТга аъзо марказий банклар томонидан амалга оширилган валюта интервенциялари объекти бўлиб АҚШ доллари ҳисобланар эди. Бу даврларда валюта интервенцияси АҚШдагига нисбатан товарлар баҳосини кескин ўсиб кетишига йўл қўймаслик ёки АҚШ долларининг ЕВТ мамлакатларида кескин тебранишининг олдини олиш мақсадида қўлланилар эди. Масалан, Францияда АҚШ доллари курсининг пасайиши юз берганда немис маркаси сотиларди, АҚШ доллари сотиб олинарди. Италияда эса, АҚШ долларининг курси пасайса, Италия Марказий банки АҚШ доллари, немис маркаси ва голланд гульденини сотар эди. Ана шу йўл билан АҚШ долларининг тебраниши натижасида ЕВТда юзага келадиган салбий ҳолатларга барҳам берилар эди.

1979 йилдан бошлаб валюта интервенцияси механизми ЕИ мамлакатларида тубдан ўзгарди. Яъни, ЕВТдаги ҳар бир валюта учун ЭКЮга нисбатан марказий курс белгиланди ва бу курс фақатгина курс қайта кўриб

чиқилганда ўзгартирилар эди. ЕВТдаги ҳар қандай иккита валютанинг ЭКЮга нисбатан марказий курслари ўртасидаги нисбат икки томонлама паритетни ташкил этар эди. Ушбу икки томонлама паритетдан курснинг тебраниш чегараси $\pm 4,5\%$ қилиб белгиланган эди. Чунки бу вақтда миллий валюталарнинг паритетдан тебраниш диапазони $\pm 2,25$ қилиб белгиланган эди.

Агар икки валюта икки томонлама паритетдан тебраниш чегарасига етса, у ҳолда, мажбурий интервенция амалга оширилар эди. Ушбу интервенция ҳар иккала Марказий банк томонидан амалга оширилар эди. Кучли валютанинг эмитенти заиф валютани етарли даражада кўп миқдорда сотиб олиши, кучли валютани сотиши мумкин эди. Заиф валютанинг эмитенти эса, кучли валютани чекланмаган миқдорда ўзининг миллий валютасига сотиши мумкин эди.

Мажбурий валюта интервенциясини амалга ошириш учун, албатта, кучли валютанинг эмитенти заиф валютанинг эмитентига лимитсиз кредит линиясини очиб қўйиши зарур. Бундай кредитларнинг муддати валюта интервенцияси амалга оширилган ой тугагандан кейин 45 кун қилиб белгиланган эди, кейинчалик 75 кун қилиб белгиланди. Мазкур кредитлар уларни олган мамлакатлар марказий банкларининг илтимосига кўра 3 ойгача муддатга тикланиши мумкин эди. Лекин тикланганда бериладиган кредитнинг миқдори чекланган бўлиб, мамлакатнинг қисқа муддатли кредитлаш фондидаги бадалининг икки баробари миқдорида белгиланган эди.

ЕВТга аъзо мамлакатларнинг қисқа муддатли кредитлаш фонди (Short Term Monetary Support) мавжуд бўлиб, ушбу Фонд маблағлари ҳисобидан мажбурий тарзда амалга ошириладиган валюта интервенциясининг узлуксизлиги таъминланади.

Шунингдек, ЕВТ мамлакатларида АҚШ долларининг курсига таъсир этиш мақсадида коллектив тарзда валюта интервенциясини амалга ошириш бўйича бой тажриба тўпланган.

ЕВТни ташкил қилиш ва тартибга солиш борасидаги тажрибалар шуни кўрсатадики, валюта инқирозлари пайтида валюта курсларининг тебраниш диапозонини кескин ошириш зарурияти юзага келади. Масалан, 1992-1993 йиллардаги валюта инқирозлари пайтида ЕВТ валюталарининг тебраниш диапозони ± 15 фоизгача кенгайди.

1988 йил июнь ойида Европа кенгаши Иқтисодий ва валюта иттифоқи (ИВИ) ғоясини амалга ошириш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. Жак Делор раислигидаги Қўмитага ягона валютани муомалага киритиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш ва тегишли хулосаларни шакллантириш вазифаси топширилди. Орадан бир йил ўтгандан сўнг Ж.Делор ҳисобот берди ва шундан кейин Европа кенгаши 1990 йил 1 июлдан бошлаб ИВИни яратишнинг биринчи босқичини амалга оширишни бошлади.

1992 йил 7 февралда Маастрихт шаҳрида (Нидерландия) имзоланган шартнома Европа валюта иттифоқини тузиш йўлидаги ҳал қилувчи қадам бўлди. Мазкур шартномада биринчи марта инфляция даражаси, валюталарнинг алмашув курси, фоиз ставкаси, бюджет дефицити ва ИВИ га аъзо мамлакатларнинг қарзига нисбатан аниқ талаблар қўйилди. Жумладан, инфляциянинг йиллик даражасини 2 фоиздан ошмаслиги, давлат бюджети дефицитининг ЯИМга нисбатан даражасини 3 фоиздан ошмаслиги, давлатнинг қарзини ЯИМга нисбатан 60 фоиздан ошмаслиги белгилаб қўйилди. Бу эса, евронинг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан муҳим аҳамият касб этади.

1994 йил 1 январда Европа валюта институтинининг ташкил этилиши билан ИВИни яратишнинг иккинчи босқичи бошланди.

1998 йил 2 майда Брюсселда бўлиб ўтган махсус йиғилишда ИВИнинг учинчи босқичида иштирок этадиган 11 та мамлакат аниқланди. Ягона валюта зонасига Дания, Швеция ва Буюк Британия кирмай қолди.

1998 йилнинг 1 июнида Европа Марказий банкнинг ташкил этилиши билан Европа валюта институти ўз фаолиятини тугатди.

1999 йилнинг 1 январидан бошлаб евро нақд пулсиз шаклда, 2002 йил 1 январдан бошлаб эса, нақд валюта шаклида муомалага киритилди. 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига, Европа Иттифоқига 27 мамлакат аъзо бўлгани ҳолда, евроҳудуд 18 та давлатдан иборат ва мазкур мамлакатлар ўзларининг миллий валютасидан умуман воз кечишди.

2.4. Жаҳон валюта тизими ва унинг эволюцияси

Жаҳон валюта тизими давлатлараро валюта муносабатларини ташкил қилиш шакли бўлиб, халқаро шартномалар асосида юзага келади.

Ҳозирга қадар жаҳон валюта тизимининг шаклланиши ва ривожланиши тўрт босқични босиб ўтди.

Биринчи жаҳон валюта тизими 1870 йилда Парижда бўлиб ўтган давлатлараро келишув натижасида юзага келди. Бунда олтин стандарти жорий этилди ва олтин ягона халқаро тўлов воситаси сифатида эътироф этилди.

Аммо 1914 йилда Биринчи жаҳон урушининг бошланиши олтин стандартидан фойдаланиш амалиётига жиддий салбий таъсир кўрсатди. 1914-1915 йилларда дастлаб Буюк Британия, кейин эса, қолган европа давлатлари олтинни экспорт қилишни чекладилар. АҚШ урушга кеч қўшилганлиги учун мазкур чеклов 1917 йилда жорий этилди.

Буюк Британия фунт стерлингдаги халқаро тўловларни тўхтатди. Импорт қилинган олтинларнинг барчаси Англия Марказий банкининг захирасига олина бошлади.

1922 йилда Италиянинг Генуя шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда Иккинчи жаҳон валюта тизими юзага келди. Унинг муҳим натижаси бўлиб, олтин-девиз стандартининг жорий этилганлиги ҳисобланади. Яъни, олтин билан бирга, 30 та мамлакатнинг миллий валютасига халқаро тўлов воситаси мақоми берилди.

Аммо Иккинчи жаҳон валюта тизими ҳақиқатда Буюк Британиянинг фунт стерлинги стандартига айланди. Яъни, фунт стерлинг асосий резерв валютага айланди. Бу эса, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

1. Биринчи жаҳон уруши пайтида фунт стерлинг бошқа европа валюталарига нисбатан кам даражада кадрсизланди (20%). Қолган европа валюталари, хусусан, Франция франки 80 фоизгача кадрсизланди. Ҳолбуки, Франция франки етакчи валютага айланишга даъвогарлик қилаётган эди.

2. XX асрнинг 20-йилларида Англия очик иқтисодиётга эга эди. Бошқа давлатлар Англия билан савдо-сотик қилиб фунт стерлинг ишлаб олиш имкониятига эга эди. Бу вақтда АҚШ ёпиқ иқтисодиётга эга эди.

3. Англия банклари бу даврда кенг тарқалган хорижий филиалларга эга эди. АҚШ банклари эса, хорижий филиалларга деярли эга эмас эди.

4. XX асрнинг 20-йилларида Англия банклари томонидан халқаро савдонинг 60 фоизгача қисми молиялаштирилар эди.

Юқорида қайд этилган сабаблар Буюк Британия фунт стерлингини дунё миқёсида халқаро захиралар ҳажмидаги салмоғининг ошишига олиб келди. 1913 йилда дунё бўйича халқаро валюта захираларининг 47 фоизи фунт стерлингга тўғри келган бўлса, 1928 йилда ушбу кўрсаткич 77 фоизни ташкил этди³⁹.

Аммо Иккинчи жаҳон валюта тизими ҳам бир қатор сабабларга кўра, Инқирозга учради. Ушбу сабаблардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Буюк Британия ҳукумати томонидан Биринчи жаҳон урушидан кейин дефляцион сиёсатни олиб борилганлиги.

Дефляцион сиёсат фунт стерлингнинг олтинга нисбатан паритетини урушдан олдинги даражага етказиш мақсадида амалга оширилди. Аммо ушбу сиёсат кутилган натижани бермади ва аксинча, валютавий инқирозга олиб келди. Бунинг сабаби шундаки, Буюк Британия фунт стерлингнинг қатъий белгиланган курсини сақлаб турди. Бу вақтда, уларнинг ташқи иқтисодий

³⁹ Officer L. Gold Standart, 2001 маълумотлари.

хамкорлари бўлган мамлакатлар девальвацияни амалга оширдилар. Натижада Буюк Британиянинг ташқи савдодаги рақобатбардошлиги кескин пасайди ва тўлов балансининг дефицити миқдори ошди. Франция, Германия ва Бельгиянинг миллий валюталари Биринчи жаҳон урушида юқори суръатда девальвацияга учраганлиги сабабли уларнинг курси паст даражада қолди. Бунинг натижасида мазкур мамлакатларда тўлов балансида катта ижобий сальдо юзага келди ва олтинни катта миқдорда оқиб келиши юз берди.

2. Биринчи жаҳон урушидан кейин АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Германия Марказий банклари томонидан стерилизациялашган валюта интервенциясини амалга оширилганлиги.

Бунинг натижасида Марказий банкларнинг фоизли даромад келтирувчи ички активларининг йиллик ўзгариши юз берди ва у олтиннинг таклифини кескин қисқартирди.

3. Марказий банклар ўртасида халқаро резервларнинг нотекис тақсимланишининг юзага келганлиги.

Олтин-девиз стандартини биринчи бўлиб Канада 1929 йилда тарқ этди.

1944 йилда АҚШнинг Бреттон-Вудс шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференция натижасига кўра Учинчи жаҳон валюта тизими ташкил топди.

Унинг муҳим натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Халқаро миқёсда қатъий белгиланган курс режими жорий қилинди.

Миллий валюталарнинг курси уларнинг паритетидан 1 фоизгача тебраниши мумкин эди. Бунинг натижасида давлатлар ўртасидаги ташқи савдо муносабатларида юзага келадиган валюта рисқи муаммосига барҳам берилди.

2. АҚШ доллари ва Буюк Британиянинг фунт стерлингига халқаро резерв валюта мақоми берилди.

3. Янги резерв актив – қарз олишнинг махсус ҳуқуқи (СДР) яратилди.

СДР суъбий валюта бўлиб, ХВФга аъзо мамлакатлар ўртасида, уларнинг Фонддаги квотасига қараб тақсимланади ва хорижий валюталар сотиб

олишда, кредитлар беришда ва давлатлар ўртасидаги тўловларни амалга оширишда қўлланилади.

Учинчи жаҳон валюта тизими фаолият кўрсатиши биланок икки долзарб муаммога дучор бўлди: билатерализм ва доллар етишмаслиги муаммоси.

Билатерализм (bilateralism) деганда ташқи савдони икки томонлама халқаро шартнома асосида амалга ошириш тушунилади.

Иккинчи жаҳон уруши унда иштирок этган барча давлатларнинг (АҚШдан ташқари) иқтисодиётини хонавайрон қилди. Бунинг натижасида мазкур давлатлар валютавий назоратни сақлаб туришга мажбур бўлдилар. Шу сабабли, ҳар бир мамлакат ўзининг ташқи савдо ҳамкори бўлган мамлакат билан валютавий назорат шакллари ҳисобга олган ҳолда экспорт-импорт шартларини келишиб олар эди. Бу эса, ўз навбатида, ташқи савдони ривожлантиришга тўсқинлик қилар эди.

Бу даврда, яъни 1946-1950 йиларда АҚШ доллари ягона халқаро тўлов воситаси вазифасини бажарадиган валюта бўлиб қолган эди. Аммо **“доллар очарчилиги”** (dollar shortage) деб номланувчи муаммо юзага келди. Ушбу муаммонинг моҳияти шундаки, Иккинчи жаҳон урушининг сўнггига келиб (1945 й.) Ғарбий Европа ва Япониянинг олтин захиралари тамом бўлди. Чунки, Иттифоқчиларнинг ҳарбий харажатлари олтин ҳисобидан молиялаштирилар эди. Уларнинг олтинлари АҚШга оқиб кетди. Бу даврда Европани зарур импорт товарлар билан фақат АҚШ таъминлай олар эди. Европа давлатларида эса, АҚШдан қилинадиган импортни тўлаш учун зарур бўлган доллар етишмас эди.

1955 йилга келиб юқорида қайд этилган ҳар иккала муаммони ҳал қилишга муваффақ бўлинди. Ғарбий Европа давлатлари валюталарининг 1955 йилга келиб конвертирланадиган валюталарга айланиши, уларнинг тўлов балансини жорий операциялар бўлимида ижобий сальдонинг таъминланиши, АҚШдан катта миқдорда молиявий ёрдамнинг олинishi билатерализм ва доллар етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш имконини берди. АҚШ «Маршалл режаси»га асосан Европага 13 млрд. доллар

миқдорида молиявий ёрдам ва халқаро кредитлар берди. Ушбу маблағларни бериш эвазига АҚШ Европа давлатларига ускуналарни АҚШдан сотиб олиш ва маҳаллий хом-ашё базаларига АҚШни киритиш шартини қўйдилар.

Аммо ҳақиқатда Учинчи жаҳон валюта тизими АҚШ доллари стандартининг гегемонлигига айланди. Бунинг қуйидаги сабаблари мавжуд эди:

1. АҚШнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейин жаҳон товар бозорларида рақобатчилари йўқ эди.

Германия, Италия, Япония урушда мағлубиятга учради, Европанинг қолган давлатлари ҳам уруш натижасида хонавайрон бўлди. Бу эса, АҚШнинг товарлар экспорти ҳажмини ошириш имкониятини кескин оширди.

2. АҚШ Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдан то XX асрнинг 50-йилларига қадар долларга бўлган ишончни мустаҳкамлаш мақсадида унинг девальвация бўлишига йўл қўймаслик сиёсатини олиб борди.

3. АҚШ долларини чекланмаган миқдорда олтинга қатъий белгиланган баҳо бўйича алмаштириш жорий қилинган эди. Бунда 1 унция олтиннинг баҳоси 35 доллар қилиб белгиланган эди.

XX асрнинг 60-йилларига келиб, АҚШда пуллар таклифининг кескин ошиши натижасида инфляциянинг кучайиши юз берди. Ўз навбатида, пуллар таклифининг кескин ошиши ишсизликни қисқартиришга қаратилган сиёсатнинг олиб борилиши ва давлат бюджети дефицитини АҚШ ФЗТ кредитлари ҳисобидан молиялаштирилиши оқибати эди. Айниқса, Вьетнамдаги уруш АҚШ давлат бюджети дефицитининг кескин ошишига олиб келди.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар қатъий белгиланган курслар тизимининг барҳам топишига олиб келди.

Бундан ташқари, XX асрнинг 60-йилларига келиб, Европа давлатлари катта экспорт салоҳиятига эга бўлди ва бунинг натижасида уларда катта миқдорда АҚШ доллари тўплана бошлади. Бундай шароитда долларни

олтинга алмаштириб беришни давом этиши АҚШнинг олтин захираларини кескин камайишига олиб келар эди.

Чикаго университетининг профессори М.Фридмен 1971 йилда АҚШ Президенти Ричард Никсонга ёзма равишда мурожаат қилди. Ушбу мурожаатномада олтиннинг қатъий белгиланган баҳосини бекор қилиш ва олтинни қатъий белгиланган баҳода долларга алмаштириб беришни тўхтатишнинг зарурлиги асослаб берилган эди. М.Фридменнинг хулосасига кўра, олтиннинг қатъий белгиланган баҳоси АҚШнинг ташқи савдо ҳамкорларининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда ва ушбу ҳолатнинг давом этиши АҚШ олтин захираларининг тугашига олиб келади. М.Фридменнинг ушбу хулосаси аниқ рақамлар таҳлилига асосланган эди. Хусусан, 1971 йилга келиб, АҚШ олтин захираси миқдори белгиланган чегаравий даражага (10 млрд. доллар) яқинлашиб қолган эди.

АҚШ Президенти Р.Никсон, Федерал захира тизимининг Президенти А.Бёрнснинг қатъий илтимосларига қарамасдан, М.Фридменнинг таклифларини қабул қилди. Бунинг натижасида, 1971 йил 15 августда олтин бозорида интервенция қилиш тўхтатилди, баҳолар ва иш ҳақининг ўсишига нисбатан 90 кунлик мораторий эълон қилинди ва импортга нисбатан 10 фоизлик солиқ жорий қилинди. Бу эса, Бреттон-Вудс жаҳон валюта тизимига берилган жуда кучли зарба эди.

1976-1978 йилларда Ямайкада бўлиб ўтган халқаро конференциянинг натижаларига кўра, Тўртинчи жаҳон валюта тизими ташкил топди.

Унинг муҳим натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Қатъий белгиланган курслар тизими бекор қилинди ва натижада барча валюталарни эркин сузиш режимида ўтказиш тавсия қилинди.

АҚШ долларининг олтинга алмаштириб бериш тартибининг бекор қилиниши билан қатъий белгиланган курслар тизими барҳам топди.

2. Германия маркаси ва Япония иенига халқаро резерв валюталар мақоми берилди.

3. Олтинни демонетизация қилиш жараёни расман тугалланди. Яъни, олтиндан халқаро муносабатларда тўлов воситаси сифатида фойдаланиш таъқиқланди.

4. СДРнинг халқаро тўлов воситаси сифатидаги ролини оширишнинг зарурлиги асосланди.

СДРнинг ўз қиймати бўлмаганлиги сабабли, унинг қиймати валюта савати бўйича аниқланади.

2.1-жадвал

СДРнинг валюта савати⁴⁰

Даврлар	АҚШ доллари	Евро	Иена	Фунт стерлинг	фоизда Юань
1999-2000	39,0	–	27,2	11,0	–
2001-2005	44,0	32,0	21,0	11,0	–
2006-2010	44,0	31,0	18,4	11,0	–
2011-2015	41,9	34,0	12,1	11,3	–
2016-2020	41,7	37,4	8,3	8,1	10,9

1.1-жадвал маълумотларидан кўринадик, СДРнинг валюта савати ҳар 5 йилда кўриб чиқилади ва унда АҚШ долларининг салмоғи сезиларли даражада юқоридир. Бу эса, АҚШ долларининг халқаро ҳисоб-китоблардаги салмоғининг юқори эканлиги билан изоҳланади.

Эътироф этиш жоизки, ХВФ 2016 йил ноябрь ойида Хитой юанига халқаро резерв валюта мақомини берди.

Тўртинчи жаҳон валюта тизимининг ҳозирги, замонавий босқичида АҚШ доллари ва евро етакчи резерв валюталар бўлиб турибди. Аммо ҳар иккала резерв валютанинг алмашув курсларининг нобарқарорлиги халқаро валюта муносабатларини амалга оширишда қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Бироқ, халқаро резерв валюталар аталмиш Буюк Британия фунт стерлинги ва Швейцария франкининг номинал алмашув курсининг барқарорлиги кузатилмоқда. Бунинг устига, Канада доллари ва Австралия доллари ҳам резерв валюта бўлишга даъвогар бўлиб турибди.

⁴⁰ www.imf.org, сайти маълумотлари.

2.5. Ўзбекистон Республикаси валюта тизими

Ўзбекистон Республикасининг замонавий валюта тизими 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб, яъни миллий валюта-сўмнинг муомалага киритилиши билан шаклланди.

1991 йилда Ўзбекистон тарихий ғалабага-сиёсий мустақилликка эришди. Аммо иқтисодий мустақилликка эришишнинг иложи бўлмади. Чунки, ҳар қандай мамлакат иқтисодий мустақиллигининг муҳим белгиси бўлган миллий валютани муомалага киритишнинг иложи бўлмади. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. 1991 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасини 60 фоиздан ортиқ қисми Россия Федерациясининг ҳиссасига тўғри келар эди. Бундай шароитда “рубль зонаси”да қолиш орқали Россиядан импорт қилинаётган товарларни рублда тўлаш ва шунинг асосида хорижий валютадаги захираларни тежаб қолиш мумкин эди.

1991 йилда Ўзбекистон сиёсий мустақилликка эришди, аммо иқтисодий мустақилликка эриша олмади. Чунки, миллий валютани муомалага кирита олмадик. Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, мамлакат Президенти И.А. Каримов қатъий туриб, Ўзбекистон рубль ҳудудида қолади, деган фикрни айтдилар. Ушбу хулосанинг нақадар асосли ва тўғри эканлигини вақт кўрсатди. Яъни, Ўзбекистон рубль ҳудудида қолиш натижасида тўлов балансининг ҳолатини кескин ёмонлашишига йўл қўймади.

2. Ўзбекистон Марказий банкида миллий валютани муомалага чиқариш ва пул муомаласини тартибга солиш борасида ҳеч қандай тажриба йўқ эди. Собиқ Иттифоқ даврида пул муомаласини ташкил қилиш ва тартибга солиш масалалари билан фақат Иттифоқ Давлат банки шуғулланган. Иттифоқдош Республикаларда бу борада ҳеч қандай ваколат бўлмаган.

Умуман олганда, собий Иттифоқ давридаги ижтимоий ва иқтисодий аҳволимиз аянчли эди.

1989-1991 йилларда республикада ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши амалдаги 5,2 фоиздан 1,6 фоизгача пасайди. Саноат ишлаб

чиқаришининг йиллик ўсиш суръати эса, мазкур даврда 5,8 фоиздан 2,8 фоизга қадар пасайди.

Мустақиллик арафасида Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти жуда паст эди. Ўзбекистоннинг собиқ Иттифоқ экспортидаги улуши атиги 3,3 фоизни ташкил этар эди. Ҳолбуки, иқтисодий салоҳият жиҳатидан Ўзбекистон Иттифоқда мавжуд 15 республика ичида тўртинчи ўринда турар эди (Россия, Украина ва Белоруссиядан кейин).

Бунинг устига, экспорт таркиби хом-ашё мазмунига эга бўлиб, пахта толасини экспорт қилиш асосий ўринни эгаллар эди.

Ачинарли жиҳати шундаки, пахта толасини экспорт қилиш натижасида олинган валюта тушумлари тўлиқ Москвада, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида қолар эди.

Бюджет сиёсати соҳасидаги вазиятимиз ҳам аянчли эди. 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг камомади унинг умумий харажатларига нисбатан 44 фоизни ташкил қилар эди. Бу эса, ниҳоятда салбий кўрсаткич бўлиб, халқаро амалиётда бу кўрсаткичнинг меъёрий даражаси 8 фоизни ташкил қилади.

1993-1996 йилларда мамлакатда баҳоларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилдики, бунинг натижасида мамлакат корхоналари фаолиятига ва аҳолининг турмуш даражасига нисбатан салбий таъсир юзага келди. 1992 йилда чакана баҳолар 9,1 мартага, 1993 йилда 8,8 мартага ошди. 1993 йилнинг иккинчи ярмида улгуржи баҳоларнинг ўртача ойлик ўсиш суръати 131,4 фоизни ташкил этди.

1994 йилда инфляция даражаси ўз чўққисига чиқди ва унинг йиллик даражаси 1282 фоизни ташкил этди. Бу ҳақиқий гиперинфляция эди.

Бизга маълумки, инфляциянинг йиллик даражаси 1000 фоизни ташкил қилса ва ундан ошса, бу гиперинфляция ҳисобланади. Гиперинфляция эса, инфляциянинг энг юқори даражаси ҳисобланади.

Инфляция даражаси жуда юқори бўлганлиги сабабли, товар ишлаб чиқарувчиларнинг реал даромадлари миқдорининг камайиши юз берди.

Натижада солиққа тортиш базасининг қисқариши юз берди. Бунинг оқибатида давлат қўшилган қиймат солиғи ставкасини юқори даражада, яъни 25 % даражасида сақлаб туришга мажбур бўлди. Бу эса, товарлар баҳоларини янада ошишига хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси валюта тизими яхлит тизим сифатида шаклланган ва у қуйидаги элементлардан ташкил топган.

1. Миллий валюта-сўм.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги ПФ-870-сонли “Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалаг киритиш тўғрисида”ги фармониға мувофиқ, сўм 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб муомалаға киритилди. Амалдаги валюта-сўм-купон сўмға 1000ға 1 нисбатда алмаштирилди.

Муомаладаги пул белгиларининг барчаси банкноталар бўлиб. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг активлари билан таъминланган. Республикамизда хазина билетлари мавжуд эмас. Чунки, Молия вазирлиги пул эмиссия қилиш ҳуқуқиға эға эмас.

2. Миллий валюта - сўм, алмашиниш шартига кўра, тўлиқ алмашинадиган валюта ҳисобланади.

2003 йилнинг 8 октябрида бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Халқаро валюта фонди Келишув моддаларининг VIII-моддаси бўйича мажбуриятларни қабул қилган. Шунға мувофиқ, 2003 йилнинг 15 октябридан бошлаб, жорий валюта операциялари бўйича валютавий чеклашлар бекор қилинган.

3. Миллий валюта - сўм бошқариладиган сузиш режимига эға эди. Аммо, Ўзбекистонни 2018 йилдан бошлаб инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиши муносабати билан миллий валютанинг эркин сузиш режими жорий этилди.

2017 йилда валюта сиёсатини либераллаштирилиши муносаби билан миллий валютанинг номинал алмашув курси кескин пасайди, яъни қарийб икки баробарға миллий валюта қадрсизланди.

4. Миллий валютанинг паритети.

Сўмнинг паритети унинг харид қобилятини АҚШ долларининг харид қобиляти билан таққослаш орқали аниқланади. Чунки, сўмнинг номинал алмашув курси АҚШ долларига нисбатан аниқланади. Бунда сўм тўғри котировкага эга.

5. Мамлакатнинг халқаро миқёсда валютавий тўловга қобиллиги.

Ўзбекистон Республикаси халқаро миқёсда валютавий тўловга қобил ҳисобланади.

2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг расмий олтин-валюта захиралари 34564 млн. АҚШ долларини ташкил қилани ҳолда, импорт ҳажми 38 141 млн. Долларни ташкил этди⁴¹.

6. Мамлакатда валютавий чеклашларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги.

Ўзбекистон Республикасида тўлов балансининг жорий операциялар бўлими бўйича валютавий чекловлар бекор қилинган, аммо капиталлар ва кредитларнинг ҳаракат баланси бўйича валютавий чекловлар мавжуд.

7. Миллий валюта бозори ва олтин бозорининг режими.

Ўзбекистон Республикаси валюта бозори Республика валюта биржаси ва биржадан ташқари валюта бозоридан иборат.

1994 йилнинг 15 апрелидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида доимий савдоларни ўтказиш ва унинг натижаси бўйича сўм-купоннинг, кейинчалик сўмнинг чет эл валюталарига нисбатан қийматини эълон қилиш жорий қилинди. Валюта биржасидаги савдолар ҳафтасига икки маротаба, 1997 йил апрель ойидан бошлаб эса, ҳар куни ўтказила бошланди⁴².

Республикада олтин савдосига нисбатан давлат монополияси мавжуд бўлганлиги сабабли олтин бозори йўқ.

8. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини белгилаш.

⁴¹ Ташқи иқтисодий фаолият//www.stat.uz

⁴² Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Ф.М. Муллажонов таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон. 2011. - Б. 132.

Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади. Республика ҳудудида эса, барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар миллий валютада амалга оширилади.

9. Мамлакатда халқаро валюта муносабатларини тартибга солувчи ва назорат қилувчи давлат органлари.

Ўзбекистон Республикасида Марказий банк валютани тартибга солувчи орган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат Божхона қўмитаси эса, валютани назорат қилувчи органлардир.

ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР

Валюта муносабатлари; халқаро савдо; трансмиллий банклар; валюта тизими, валюта интервенцияси, валюта савати, дефляцион сиёсат, демонетизация, олтин стандарти, олтин-девиз стандарти, резерв валюта, қатъий белгиланган курслар тизими, эркин сузиш режими.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Валюта муносабатлари нима ва унинг қандай юзага келиш асослари мавжуд.
2. Халқаро валюта муносабатларининг ривожланишига қайси омиллар таъсир кўрсатади?
3. Валюта тизими нима?
4. Валюта тизимининг қандай турлари мавжуд?
5. Миллий валюта тизими қандай элементлардан ташкил топади?
6. Европа валюта тизими нима мақсадда ташкил этилган?
7. Европа валюта тизимида валюта интервенцияси қай тартибда амалга оширилади?
8. Биринчи жаҳон валюта тизимида қандай натижаларга эришилган?
9. Иккинчи жаҳон валюта тизимида қандай натижаларга эришилган?
10. Учинчи жаҳон валюта тизимида қандай натижаларга эришилган?

11. Тўртинчи жаҳон валюта тизимида қандай натижаларга эришилган?
12. Ўзбекистон Республикаси валюта тизими қандай элементлардан ташкил топган?

МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Валюта муносабатлари ва унга таъсир этувчи омиллар.
2. Жаҳон иқтисодий инқирозларининг халқаро валюта муносабатларига таъсири.
3. Валюта тизими ва унинг турлари.
4. Миллий валюта тизими ва унинг элементлари.
5. Европа валюта тизими ва унинг амал қилиш механизми.
6. Европа валюта тизимининг эволюцияси ва евронинг муомалага киритилиши.
7. Жаҳон валюта тизими ва унинг халқаро валюта муносабатларини ривожлантиришдаги аҳамияти.
8. Жаҳон валюта тизимининг эволюцияси.
9. Ўзбекистон Республикаси валюта тизимининг шаклланиши ва ривожланиши.

III-БОБ. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ-КИТОБ БАЛАНСЛАРИ

3.1. Тўлов баланси ва уни тузиш методологияси

Тўлов баланси – бу мамлакатга хориждан келиб тушган ва хорижга тўлаб берилган валюталарнинг ҳақиқатдаги суммаси акс эттириладиган ҳужжатдир.

ХВФ тўлов балансини статистик ҳисобот шакли деб ҳисоблайди.

Тўлов баланси халқаро ҳисоб-китоблар балансининг муҳим шаклларида бири ҳисобланади.

Тўлов балансида икки йўналишдаги валюта оқими ўз ифодасини топади:

1. Хорижий валюталардаги тушумлар.
2. Хорижий валюталардаги тўловлар.

Тўлов баланси мамлакатнинг ташқи иқтисодий муносабатларининг ривожланиш даражасини, жаҳон савдосидаги, халқаро капиталлар ва кредитлар ҳаракатидаги ўрнини кўрсатади.

Масалан, тўлов балансида импорт қилинган товарлар ва хизматлар учун тўлов суммасини экспорт тушумидан юқори бўлиши мамлакатнинг халқаро савдодаги мавқеининг пасаяётганлигидан далолат беради. Ёки мамлакатда хорижий инвестицияларга бўлган талабнинг ошиши хорижий инвестициялар киримининг уларнинг чиқимидан юқори бўлишига олиб келади. Халқаро кредитларнинг ҳаракати бўйича ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Тўлов балансининг ҳолати бевосита миллий валютанинг номинал алмашув курсига, ишлаб чиқаришга, истеъмолга, аҳоли бандлиги ва инфляция даражасига таъсир кўрсатади.

Тўлов балансида тўловлар суммасини тушумлар суммасидан катта бўлиши мамлакатнинг олтин-валюта захиралари миқдорининг камайишига олиб келади. Бунинг натижасида мамлакат миллий валютасининг номинал алмашув курсига нисбатан кучли босим юзага келади. Бунинг натижасида миллий валюта қадрсизланиши мумкин.

Шунингдек, тўлов балансида тўловлар суммасини тушумлар суммасидан катта бўлиши инфляция даражасини оширишга хизмат қилувчи омил бўлиши мумкин.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар тўлов балансининг ҳолатини мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Шу сабабли, тўлов балансининг мувозанатлашган ҳолатини, яъни хорижий валютадаги тўловлар ва тушумлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ҳар қандай мамлакат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Тўлов балансини тузиш икки ёқлама ёзувга асосланади. Яъни, бунда ҳар бир операция икки марта акс эттирилади: бир ҳисобрақамнинг дебитида, иккинчи ҳисобрақамнинг эса кредитида акс эттирилади. Бунда кредитли ўтказмаларнинг жами суммаси дебетли ўтказмаларнинг жами суммасига тенг бўлиши ва якуний сальдо нолга тенг бўлиши шарт. Кредитли ва дебетли ўтказмалар ўртасидаги фарқ суммаси соф хатоликлар деб аталади.

3.1-жадвал

Тўлов балансида операцияларни акс эттириш тартиби⁴³

Операция	Кредит-плюс (+)	Дебет – минус (-)
А. Товарлар ва хизматлар	Товарлар ва хизматлар экспорти (норезидентларга хизмат кўрсатиш)	Товарлар ва хизматлар импорти (норезидентларга хизмат кўрсатиш)
Б. Инвестициялардан бўйича даромадлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш	Резидентлар томонидан норезидентлардан олинган	Резидентлар томонидан норезидентларга тўланган
В. Трансфертлар (жорий ва капитал)	Маблағларни олиш	Маблағларни узатиш
Г. Молиявий активлар ва мажбуриятлар бўйича операциялар	Норезидентлар олдидаги мажбуриятларнинг кўпайиши (масалан, норезидентлар томонидан нақд миллий валютани сотиб олиниши) ёки норезидентларга нисбатан талабларни камайиши (масалан, норезидент банклардаги ҳисобрақамларнинг қолдиғини камайиши)	Норезидентларга нисбатан талабларнинг кўпайиши (масалан, норезидентларга кредит бериш) ёки норезидентлар олдидаги мажбуриятларни камайиши (масалан, резидентлар томонидан норезидентлардан сотиб олинган қимматли қоғозларни қопланиши)

⁴³ Моисеев С.Р. Международные валютно-кредитные отношения. – М.: Дело и Сервис, 2007. - С. 340-341.

3.1-жадвалдан кўринадик, ҳар бир операция тури бир вақтнинг ўзида дебетли ва кредитли ўтказмалар шаклида акс эттирилмоқда.

Шунингдек, тўлов балансини тузишда резидентлар ва норезидентлар бўйича талаблар ва мажбуриятлар алоҳида ҳисобга олинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- * Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари;
- * Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;
- * Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида рўйхатдан ўтган юридик шахслар;
- * Ўзбекистон Республикасининг иммунитет ва дипломатик имтиёزلардан фойдаланадиган хориждаги дипломатия ҳамда бошқа ваколатхоналари.

Тўлов балансини тузиш учун қуйидаги маълумотлар манбаидан фойдаланилади:

1. Божхона статистикаси.
2. Марказий банк томонидан шакллантириладиган иқтисодиётнинг пул секторини статистикаси.
3. Ташқи қарз статистикаси.
4. Хорижий валюталар билан амалга оширилган операциялари статистикаси.

3.2. Тўлов балансининг таркиби

Тўлов баланси тўрт бўлимдан ташкил топади:

1. Жорий операциялар баланси.
2. Трансфертлар баланси.
3. Капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати баланси.
4. Олтин-валюта захираларининг ҳаракати баланси.

Жорий операциялар балансининг ўзи икки қисмдан ташкил топади:

1. Савдо баланси.
2. Хизматлар ва нотижорат мазмунидаги тўловлар баланси.


Савдо балансида экспорт бўйича тушумлар ва импорт бўйича тўловларнинг ҳақиқатдаги суммаси акс этади.

Савдо балансининг пассив бўлиши, яъни импорт бўйича тўловларнинг экспортдан олинган тушумлар суммасидан катта бўлиши мамлакатнинг жаҳон савдосидаги мавқеининг заифлашганлигидан ёки заифлигидан далолат беради. Бунга ёрқин мисол қилиб АҚШни келтириш мумкин. Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ товарларни экспорт қилувчи гегемон давлатга айланди. Айниқса, Европага техника ва технологияларни йирик миқдорда экспорт қилиниши АҚШ савдо балансининг катта миқдордаги ижобий сальдосини таъминлади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки даврларда Европа мамлакатларининг иқтисодий аҳволи ночор эди. Уларнинг экспорт салоҳияти паст бўлиб, саноат маҳсулотлари импортига бўлган талаби жуда юқори эди. Уларнинг тўлов балансини жорий операциялар бўлимининг дефицити миқдори жуда катта бўлиб, 1947 йилнинг охирига келиб 9 млрд. АҚШ долларига етди. АҚШ эса, бу даврда саноат маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича бош давлатга айланган эди.

Шунингдек, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европа мамлакатларининг олтин захираси ҳам деярли тугаб бўлди. Чунки, уруш пайтида етказиб берилган товарлар олтинда тўланар эди. Бунинг устига, 1945-1947 йилларда Европада кучли доллар тақчиллиги юзага келди. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, бу даврда Европада АҚШга экспорт қилиш мумкин бўлган рақобатбардош товарлар мавжуд эмас эди; иккинчидан, АҚШ савдо баланси йирик миқдорда ижобий сальдога эга эди.

Иккинчи жаҳон урушидан то ҳозирга қадар, яъни 2018 йилга қадар АҚШ дунёнинг энг йирик экспортёр давлатларидан бири бўлиб қолди (3.1-расм).



3.1-расм. Дунёнинг 5 энг йирик экспортёр мамлакатада экспортнинг йиллик ҳажми, трлн. АҚШ доллари⁴⁴, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига

3.1-расм маълумотларидан кўринадики, АҚШ дунёда экспорт ҳажми бўйича Хитойдан кейин иккинчи ўринда туради. Бу эса, АҚШнинг ҳамон йирик экспортёр мамлакат эканлигини кўрсатади.

Аммо XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, АҚШ савдо балансининг ижобий сальдоси камая бошлади ва ушбу ҳолат халқаро савдода АҚШнинг мақеининг пасайиб бораётганлигидан далолат берар эди.

XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб, АҚШ савдо баланси салбий сальдога эга бўла бошлади ва дефицит миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилди. Чунки, бу вақтда Хитой, Япония, Германия, Франция, Италия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Сингапур каби қатор давлатларнинг компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар АҚШ товарларини жаҳон бозорларидан сиқиб чиқара бошлади ҳамда ушбу товарларнинг АҚШга экспорти ҳажми юқори суръатларда ўса бошлади.


Япония, Хитой ҳукуматларининг миллий валютанинг курсини паст даражада сақлаб туришга қаратилган сиёсати уларнинг АҚШ билан ўзаро савдо муносабатларидаги устунлигини таъминламоқда. Айниқса, Хитой ҳукумати миллий валюта – юаннинг АҚШ долларига нисбатан курсини паст

⁴⁴ Расм муаллифлар томонидан ХВФнинг статистик маълумотлари асосида тузилган.

даражада сақлаб туриш сиёсатини олиб бориш орқали мамлакатдан экспорт қилинаётган товарларнинг юқори даражадаги рақобатбардошлигини таъминламоқда. Бу эса, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари раҳбарларининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли, улар Хитой ҳукуматидан юанни ревальвация қилишни талаб этишмоқда. Аммо ҳозирча Хитой бунга рози бўлгани йўқ.

АҚШнинг Халқаро иқтисодиёт институти мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, юаннинг 20 фоизга ревальвация қилиниши АҚШнинг Хитой билан ўзаро савдо муносабатларида юзага келган дефицитни қарийб 50 фоизга, яъни тенг ярмига камайтириш имконини беради⁴⁵.

2012 йилда Хитой жаҳон савдосининг етакчисига айланди. Яъни, у ташқи савдо айланмасининг ҳажми бўйича дунёда биринчи ўринга чиқди (3,87 трлн. долл.). АҚШнинг савдо айланмаси эса, 2012 йил якуни бўйича 3,82 трлн. долларни ташкил этди⁴⁶.



3.2-расм. Хитой, АҚШ ва Германиянинг дунё мамлакатлари экспортидаги улуши⁴⁷, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига

⁴⁵ Моисеев С.Р. Международные валютно-кредитные отношения. Учебное пособие. 2-е изд. – М.: Дело и Сервис, 2007. – С. 315.

⁴⁶ <http://www.trade.gov>, <http://english.customs.gov>. сайти маълумотлари.

⁴⁷ <http://www.trade.gov>. сайти маълумотлари асосида ҳисобланди.

3.2-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадик, Хитой, АҚШ ва Германиянинг ҳиссасига дунё мамлакатлари экспортининг 33 фоиздан ортиқ қисми тўғри келади.

Хизматлар ва нотижорат мазмунидаги тўловлар балансида хорижий валютадаги тушумлар ва тўловларнинг қуйидаги турлари ўз ифодасини топади:

- транспорт, почта, телеграф, телефон хизмати;
- суғурта;
- туризм;
- хорижий давлатларда дипломатик, савдо ва бошқа ваколатхоналарни очиш ҳамда уларни сақлаш;
- хорижий давлатлар ҳудудида ҳарбий қисмлар сақлаш;
- маданий алоқалар
- олинган халқаро кредитларга фоиз тўлаш;
- жалб қилинган хорижий инвестицияларга дивидендлар тўлаш;
- бошқалар.

Трансфертлар балансида бир томонлама тўловлар, яъни трансферт тўловлари акс эттирилади.

Трансфертлар тўлов балансида икки турдаги тўловлар сифатида ўз аксини топади:

1. Давлат томонидан амалга ошириладиган тўловлар – бошқа мамлакатларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш ва халқаро ташкилотларга бадаллар тўлаш.

2. Хусусий пул ўтказмалари.

Бунга ўзга юртларда меҳнат қилаётган жисмоний шахсларнинг пул ўтказмалари киради.

Капиталлар ва кредитларнинг ҳаракат балансида тадбиркорлик ва ссуда капиталининг ҳаракати билан боғлиқ бўлган тушумлар ва тўловлар суммаси акс этади.

Тадбиркорлик капитали икки шаклда мавжуд бўлади:

1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар.

2. Хорижий портфелли инвестициялар.

Асбоб-ускуналар сотиб олиш ва объектларни куриш мақсадида жалб этилган хорижий инвестициялар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар дейилади.

Қимматли қоғозларни хорижлик инвесторларга сотиш йўли билан жалб этилган хорижий инвестициялар портфелли хорижий инвестициялар дейилади.

Ссуда капиталининг ҳаракати халқаро кредитларнинг муддатига кўра таснифланади ва тўлов балансининг ушбу бўлимида икки шаклда мавжуд бўлади:

1. Қисқа муддатли халқаро кредитлар (1 йилгача муддатга эга бўлган халқаро кредитлар).

2. Бир йилдан ортиқ муддатга эга бўлган халқаро кредитлар.

Шунингдек, мамлакат банкларининг хорижий банклардаги “Ностро” вакиллик ҳисобарқамидаги маблағлар ва хорижий банкларга жойлаштирилган депозитлари ҳам тўлов балансининг ссуда капитали ҳаракати қисмида акс этади.

Олтин-валюта захираларининг ҳаракат баланси расмий олтин-валюта захираларининг ўзгаришини кўрсатади.

Расмий олтин-валюта захираларига қуйидагилар киради:

- олтин;
- хорижий валютадаги захиралар;
- халқаро ҳисоб бирликлари.

Мамлакатда тўлов балансининг жорий операциялар бўлимида профицитнинг мавжудлиги, капиталлар ва кредитларнинг ҳаракатида мутаносибликнинг таъминланмаганлиги расмий олтин-валюта захираларининг камайишига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг халқаро валютавий ликвидлилигининг пасайишига, молиявий инқироз ҳолатларининг юзага келишига сабаб бўлади.

3.3. Тўлов балансининг дефицити ва уни қоплаш усуллари

Тўлов балансининг дефицити деганда унинг жорий операциялар баланси ҳамда капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати баланси бўйича тўловларнинг тушумлардан катта бўлишига айтилади. Шу сабабли, тўлов балансининг дефицити суммаси мамлакат Марказий банки томонидан хорижий валюталарни соф сотиш суммасига тенг.

Тўлов баланси дефицитини қоплашнинг икки усули мавжуд:

1. Вақтинчалик усул.

Вақтинчалик усулга қуйидагилар киради:

- халқаро кредитлар жалб этиш;
- хорижий инвестицияларни жалб этиш;
- олтинни гаровга қўйиш йўли билан халқаро кредитлар олиш.

2. Сўнгги усул.

Сўнгги усулга қуйидагилар киради:

- олтинни сотиш;
- расмий валюта захираларини ишлатиш.

Вақтинчалик усул орқали тўлов балансининг дефицитини қоплаш нисбатан афзал усул бўлиб, мамлакатнинг расмий олтин-валюта захираларини камайишини олдини олади.

АҚШ тўлов балансининг дефицитини қоплашда хорижий портфелли инвестицияларни жалб этишдан кенг қўламда фойдаланади. Бунда АҚШ ҳукуматининг узоқ муддатли облигациялари хорижлик инвесторларга сотилади. Хитой, Япония, Германия, Франция, Саудия Арабистони каби давлатлар АҚШ учун йирик инвесторлар ҳисобланади.

Айрим давлатлар ўзларининг олтин захираларини гаровга қўйиш йўли билан халқаро кредитларни жалб этадилар. Масалан, Португалия 1974 йилда 20 тонна олтинни гаровга қўйиш йўли билан Швейцария банкларидан катта миқдорда халқаро кредитлар олган.

Ўзбекистон Республикасида тўлов балансини мувозанатлаштиришда хорижий инвестициялар ва халқаро кредитлар жалб этиш усулидан фаол фойдаланилмоқда. Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда. 2023 йилда Ўзбекистон иқтисодиётида асосий капиталга қилинган инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажми 352,1 трлн. сўмни ташкил қилгани ҳолда, унинг 53,4 фоизи хорижий инвестициялар ва халқаро кредитларнинг ҳиссасига тўғри келди⁴⁸.

Агар мамлакат хорижий инвестициялар ва халқаро кредитларни кенг қўламда жалб этиш имкониятига эга бўлмаса, у ҳолда, у расмий олтин-валюта захираларини ишлатиш йўли билан, яъни сўнгги усулдан фойдаланган ҳолда тўлов балансининг дефицитини қоплашга мажбур бўлади. Бу эса, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Агар мамлакат тўлов балансининг дефицитини қоплашнинг ҳар иккала усулидан фойдаланиш учун ҳеч қандай имкониятга эга бўлмаса, у ҳолда, ушбу мамлакат қашшоқликка, чуқур таназзулга юз тутаяди.

Тўлов балансининг дефицитини камайтиришда давлат бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатидан фойдаланади.

Бюджет – солиқ сиёсати доирасида, одатда, қуйидаги тадбирлар тўлов балансининг дефицитини камайтириш мақсадида қўлланилади:

- экспортёрларга бюджет субсидиялари бериш;
- импорт қилинадиган товарларга нисбатан белгиланган бож солиғи ставкаларини ошириш.
- инвесторларнинг қимматли қўғозлардан олинадиган фоизли даромадларини солиққа тортмаслик.

Пул-кредит сиёсати доирасида Марказий банкнинг ҳисоб ставкасини ошириш йўли билан хорижий валютадаги маблағларни мамлакатга кириб келиш ҳажмини ошириш усулидан кенг фойдаланилади.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга инвестициялар//www.stst.uz.

Марказий банкнинг ҳисоб ставкасини оширилиши тижорат банклари депозитлари ва кредитларининг фоиз ставкаларини ошишига олиб келади. Бу эса, хорижий капитални юқори даромад олиш мақсадида мамлакатга кириб келишига туртки беради. Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси ўзгармаган мамлакатлар тўлов балансида эса, тўловлар миқдори кескин ортади.

1992 йилнинг сентябрь ойида Ғарбий Европада юз берган валюта инқирозининг оқибатларидан бири бўлиб, Буюк Британия ва Италия давлатларининг тўлов балансининг ҳолатини кескин ёмонлашиб кетиши ҳисобланади. Яъни, Ғарбий Европа мамлакатлари Марказий банкларининг ҳисоб ставкаларининг даражаларида сезиларли фарқнинг юзага келиши натижасида Буюк Британия, Италия ва Испаниядан капиталларни бошқа давлатларга кўчиб ўтиши юз берди.

Миллий валютанинг номинал ва реал алмашув курсларининг ўзгариши тўлов балансининг дефицити миқдорининг ўзгаришига билвосита ва кучли таъсир кўрсатади.

Миллий валютанинг номинал алмашув курсининг пасайиши, яъни хорижий валюталарга нисбатан қадрсизланиши импорт тўловлари ҳажмининг ошишига, инвестицияларни молиялаштириш самарадорлигини пасайишига олиб келади.

Миллий валютанинг реал алмашув курсининг ошиши мамлакатдан экспорт қилинаётган товарларнинг қимматлашувига олиб келади. Бунинг натижасида экспорт тушуми камайиб, савдо балансида дефицит юзага келиши мумкин. Масалан, 2006-2011 йилларда ўзбек сўмининг реал алмашув курси АҚШ доллариға нисбатан 27,1 фоизга, Украина гривнасиға нисбатан 29,8 фоизга, Россия рублиға нисбатан 3,5 фоизга ошди⁴⁹. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг экспорт салоҳиятиға нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Тўлов балансининг дефицити даражасиға таъсир этувчи муҳим омиллардан яна бири – бу мамлакатда сиёсий вазиятнинг ёмонлашувидир.

⁴⁹ Муаллифларнинг ҳисоб-китоблари.

Сиёсий вазиятнинг ёмонлашуви (давлат тўнтариши, инқилоблар ва ҳ.к.) мамлакатдан капиталларни йирик миқдорда чиқиб кетишига ва капиталлар киримининг камайишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, тўлов баланси дефицити миқдорининг ошишига сабаб бўлади.

Урушга тайёргарлик мамлакатларнинг тўлов балансига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради. Бунинг сабаби шундаки, урушга тайёргарлик катта миқдордаги харажатни молиялаштириш заруриятини юзага келтиради. Ушбу харажатларни молиялаштириш эса, ўз навбатида, мамлакат ҳукуматини йирик миқдордаги олтин ва хорижий валюталардаги маблағларни тўплашга мажбур қилади. Бунинг натижасида импортни чеклаш, хорижий валюталар савдосига нисбатан чекловлар ўрнатиш, капиталларни четга чиқиб кетишини таъқиқлаш каби чоралар қўлланилади. Бундан ташқари, мамлакат иқтисодиётини ҳарбий изга кўчириш ишлаб чиқаришни издан чиқишига, экспортни кескин қисқаришига сабаб бўлади. Трактор ишлаб чиқарадиган заводлар танк ишлаб чиқаришга, мебель ишлаб чиқарадиган заводлар эса, снаряд ишлаб чиқаришга мослаштирилади.

Экспортининг ҳажмида хом-ашё ресурсларининг улуши юқори бўлган мамлакатларнинг тўлов баланси ташқи таъсирларга берилувчан бўлади. Жаҳон бозорларида хом-ашёлар баҳоларининг пасайиши натижасида мазкур мамлакатларнинг экспорт тушуми кескин камаяди ва бунинг оқибатида тўлов балансининг ҳолати ёмонлашади. Шу сабабли, экспортни диверсификация қилиш тўлов балансини мувозанатлаштириш нуқтаи-назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро ташкилотлар ёки алоҳида олинган мамлакатлар гуруҳи томонидан қўлланиладиган иқтисодий санкциялар ушбу санкция қўлланилаётган давлатнинг тўлов балансига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Чунки, иқтисодий санкция натижасида ушбу мамлакатнинг экспорт қилиш имконияти кескин пасаяди. Ҳозирги даврда Эронга нисбатан АҚШ ва Европа Иттифоқи томонидан қўлланилаётган иқтисодий санкция унинг асосий экспорт моддаси бўлган газни экспорт қилиш имкониятини

чеклаб қўйди. Бу эса, ўз навбатида, газни экспорт қилишдан олинадиган валюта тушумини кескин камайишига олиб келди ва тўлов балансининг ҳолатига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтирди.

Тўлов балансининг мувозанатини таъминлашда қопловчи (компенсацион) моддаларнинг мавжудлиги муҳим амалий аҳамият касб этади. Масалан, АҚШда тўлов балансининг жорий операциялар бўлими йирик миқдордаги дефицит капиталлар ва кредитларнинг ҳаракат балансидаги ижобий қолдик ҳисобидан қопланади. Миср Араб Республикасида эса, Сувайш каналидан ва туризмдан олинадиган катта миқдордаги валюта маблағлари тўлов балансининг қопловчи моддалари ҳисобланади. Аммо айрим мамлакатларда, хусусан, Африканинг Сахара давлатидан жанубда жойлашган мамлакатларда иқтисодий аҳвол оғир бўлиб, уларнинг тўлов баланси доимий дефицитга эга.

Гарчи, дунё бўйича сув йўли билан ташиладиган юкларнинг 50 фоиздан ортиқ қисми АҚШнинг савдо флотилиясига тегишли кемалар билан ташилаётган бўлса-да, АҚШ тўлов балансининг “Денгиз транспорти” моддаси дефицитга эга. Бунинг сабаби шундаки, АҚШ кемалари бошқа давлатларнинг флотларига ижарага берилган бўлиб, улар ўша давлатларнинг байроғи остида сузади.

Туркия, Италия, Испания, Португалия давлатларининг фуқароларини катта қисми Ғарбий Европада, хусусан, Германия, Франция ва Италияда меҳнат қилишади. Шу сабабли, уларнинг тўлов балансида “Ўтказмалар” моддаси катта миқдорда ижобий қолдиққа эга. Демак, ушбу модда ўзига хос қопловчи модда вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон Республикаси тўлов балансида экспорт, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосий қопловчи моддалар бўлиб ҳисобланади. 2023 йилнинг 9 ойи якунига кўра, мамлакатнинг тўлов балансида жорий операциялар миқдори 197,4 млн. АҚШ долларини, жалб қилинган тўғридан-

тўғри хорижий инвестицияларнинг миқдори эса, 1706,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди⁵⁰.

Умуман олганда, тўлов балансининг дефицити мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради ва уни қоплашда асосан вақтинчалик ва сўнгги усуллардан фойдаланилади.

3.4. Халқаро ҳисоб-китоб баланси ва унинг таркиби

Халқаро ҳисоб-китоб баланси – бу мамлакатнинг бошқа мамлакатларга нисбатан хорижий валюталардаги талаб ва мажбуриятларининг ўзаро нисбатидир.

Мамлакатдан товарлар ва хизматлар экспорт қилинганда, хорижий давлатларга инвестиция қилинганда, халқаро кредитлар берилганда хорижий валютадаги талаблар юзага келади.

Мамлакатга бошқа давлатлардан товарлар ва хизматлар импорт қилинганда, хорижий инвестициялар ва халқаро кредитлар жалб қилинганда хорижий валютадаги мажбуриятлар юзага келади.

Халқаро ҳисоб-китоб балансининг актив моддалари мамлакатнинг хорижий валюталардаги янги талаблари суммасини кўрсатади. Пассив моддалар эса, мамлакатнинг бошқа мамлакатлар олдидаги янги мажбуриятлари суммасини кўрсатади.

Халқаро ҳисоб-китоб баланси 2 шаклда тузилади:

1. Маълум даврга тузилган ҳисоб-китоб баланси.
2. Аниқ санага тузилган ҳисоб-китоб баланси.

Маълум даврга тузилган ҳисоб-китоб баланси мамлакатнинг таҳлил қилинаётган даврдаги барча хорижий валютадаги талаб ва мажбуриятларининг умумий суммасини кўрсатади.

Аниқ санага тузилган ҳисоб-китоб балансида хорижий валютадаги талаб ва мажбуриятларнинг, уларни қачон юзага келганлигидан қатъий назар, ана шу санадаги суммалари акс этади.

⁵⁰ Экспорт ва импорт. www.stat.uz.

Аниқ санага тузилган ҳисоб-китоб баланси мамлакатнинг йилнинг исталган санасида нетто-кредитор ёки нетто-қарздор эканлигини кўрсатади.

Агар ҳисоб-китоб баланси актив бўлса, у ҳолда, ушбу мамлакат аниқ олинган санада нетто-кредитор эканлигини кўрсатади. Агар у пассив бўлса, у ҳолда, мамлакат аниқ олинган санада нетто-қарздор ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб балансида ўз аксини топган хорижий валютадаги талаблар ва мажбуриятлар тўлиқ бажарилмаслиги мумкин. Масалан, шартномада кўзда тутилган ҳажмда товарлар экспорт ёки импорт қилинмаслиги мумкин. Ёки олинган халқаро кредитларни қайтаришда муаммо юзага келганлиги сабабли хорижлик кредиторлар кредит линиясини ёпиб қўйган бўлиши мумкин.

Берилган халқаро кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтиши, олинган халқаро кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши, хорижий инвестицияларнинг самарадорлигининг таъминланиши мамлакатнинг хорижий валютадаги молиявий оқимларининг барқарорлигини белгиловчи муҳим омиллар ҳисобланади. Аммо ҳисоб-китоб балансида мазкур омилларнинг таъсир даражасини ҳисобга олишнинг иложи йўқ.

Одатда, халқаро ҳисоб-китоб балансининг якуний сальдоси тўлов балансининг якуний сальдосига мос келмайди. Бу эса, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

1. Ҳисоб-китоб балансида товарлар экспорти ва импортининг барча суммаси акс этади. Тўлов балансида эса, ҳақиқатда олинган экспорт тушуми ва ҳақиқатда тўланган импорт суммаси акс этади.

2. Ҳисоб-китоб балансида товарлар экспорти талаб, импорти эса, мажбурият ҳисобланади. Тўлов балансида эса, экспорт тушум қисмида, импорт эса, тўлов қисмида акс этади.

3. Ҳисоб-китоб балансида берилган халқаро кредитлар талаб сифатида, олинган халқаро кредитлар эса, мажбурият сифатида акс этади. Тўлов балансида эса, олинган халқаро кредитлар тушум сифатида, берилган халқаро кредитлар эса, тўлов сифатида акс эттирилади.

4. Ҳисоб-китоб балансида мамлакатдан бошқа давлатларга чиқарилган инвестициялар талаб сифатида ҳисобга олинса, тўлов балансида ушбу инвестициялар тўлов сифатида инобатга олинади.

5. Ҳисоб-китоб балансида кредит ҳисобига сотиб олинган товарлар мажбурият ҳисобланади ва товарлар импорти таркибида ҳисобга олинади. Тўлов балансида эса, халқаро кредит ҳисобланади ва тушум сифатида ҳисобга олинади.

ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР

Тўлов баланси; тўлов баланси дефицити; жорий операциялар бўлими; дефицит; профицит; ссуда капитали; тадбиркорлик капитали; олтин-валюта захиралари; экспорт; импорт; сальдо; нетто-кредитор; нетто-қарздор; трансферт тўловлари.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Тўлов балансини тузиш методологияси нималарга асосланади?
2. Жорий операциялар балансида қайси турдаги тўловлар ва тушумлар акс этади?
3. Трансфертлар балансида қайси операциялар акс этади?
4. Капиталлар ва кредитларнинг ҳаракат балансида қайси турдаги тўловлар ва тушумлар акс этади?
5. Олтин-валюта захираларининг ҳаракат балансида қайси операциялар акс этади?
6. Тўлов балансининг дефицити қандай аниқланади?
7. Тўлов баланси дефицитини қоплашнинг қандай усуллари мавжуд?
8. Ҳисоб-китоб балансининг қандай турлари мавжуд?
9. Ҳисоб-китоб баланси қандай таркибий тузилишга эга?
10. Нима сабабдан ҳисоб-китоб ва тўлов балансларининг сальдоси ўзаро мос келмайди.

11. Давлат тўлов балансининг дефицитини қоплаш мақсадида бюджет-солиқ сиёсати доирасида қандай тадбирлардан фойдаланади?

12. Давлат тўлов балансининг дефицитини қоплаш мақсадида пул-кредит сиёсати доирасида қандай тадбирлардан фойдаланади?

МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Тўлов балансини тузиш методологияси.
2. Тўлов балансининг жорий операциялар бўлими.
3. Капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати баланси ва унинг ҳолатига таъсир этувчи омиллар.
4. Тўлов балансининг дефицитини қоплаш усуллари.
5. Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси.
6. Тўлов балансининг умумий ҳолатига таъсир этувчи омиллар.
7. Халқаро ҳисоб-китоб баланси ва унинг ҳолатига таъсир этувчи омиллар.
8. Ҳисоб-китоб балансини мувозанатлаштириш йўллари.

IV- ВАЛЮТА БОЗОРИ ВА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ

4.1. Валюта бозори тушунчаси ва унинг турлари

Валюта бозори деганда валюталарни олди-сотди қилиш мақсадида ташкил этилган махсус марказларга айтилади.

Валюта бозорининг 3 тури мавжуд:

1. Миллий валюта бозори.
2. Минтақавий валюта бозори.
3. Жаҳон валюта бозори.

Миллий валюта бозори 2 қисмдан иборат бўлади:

1. Валюта биржаси
2. Биржадан ташқари валюта бозори.

Ўзбекистон Республикасининг Валюта биржаси республикамизда биржа бозори ҳисобланади.

Миллий валюта-сўмнинг номинал алмашув курси Республика валюта биржасида аниқланади.

Республика-сўмнинг номинал биржа курси валюталарнинг буюртмалари савдоси асосида амалга ошириладиган олди - сотди механизми орқали шаклланади. Мазкур механизмнинг моҳияти шундаки, ЎРВБга аъзо бўлган тижорат банклари икки хилдаги буюртмаларни биржага берадилар: а) АҚШ долларини сотиб олиш мақсадида сўмда берилган буюртмалар; б) АҚШ долларини сотиш мақсадида берилган буюртмалар (долларда берилган буюртмалар). Марказий банкнинг Бош дилери буюртмаларни қабул қилишни тўхтатиш тўғрисидаги буйруқни бергандан сўнг ҳар иккала хилдаги буюртмалар бўйича жами номинал миқдорлар аниқланади. Шундан кейин сўмда берилган буюртмаларнинг жами суммасини АҚШ долларидаги буюртмалар суммасига бўлиш йўли билан ўзбек сўмининг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал биржа курси аниқланади. Сўмнинг валюта курсини 1 АҚШ долларига нисбатан аниқланаётганлиги сўмнинг тўғри котировка режимига эга эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг номинал биржа курси тижорат банкларининг хорижий валюталардаги актив ва пассивларини қайта баҳолаш, бож ҳисоби ҳамда молиявий ва статистик ҳисоботларни юритиш, хўжалик юритувчи субъектлар валюта тушумларининг маълум қисмини мажбурий тартибда сотишда қўлланилади.

Республикада валюта операцияларининг асосий қисми тижорат банклари орқали ўтади.

2024 йилнинг 1 январь ҳолатига, республикада банк тизимида 35 та тижорат банки мавжуд. Шундан:

- давлат банклари – 10 та
- акциядорлик-тижорат ва хусусий банклар – 18 та
- хорижий капитал иштирокидаги банклар – 7 та

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг амалиётида, хусусан, АҚШ, Япония, Канада давлатларининг амалиётида миллий валютанинг курси фиксинг шаклида аниқланадиган бозор механизмига асосланади. Мазкур механизмнинг моҳияти шундаки, маклерлар ва тижорат банклари дилерлари иштирокида кун давомида амалга ошириладиган валюта савдоси жараёнида шаклланган талаб ва таклиф асосида, операция куннинг аниқ бир вақтида, миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан биржа курси аниқланади. Операция куннинг аниқ бир вақтида миллий валюта курсининг аниқланиши **фиксинг** деб аталади.

Биржадан ташқари валюта бозори банклараро бозордир. Бунда валюта савдоси тижорат банклари дилерларининг телефон ёки интернет орқали сўзлашувлари орқали амалга оширилади.

Тижорат банклари спрэд шаклида, яъни валюталарни сотиш курси билан сотиб олиш курси ўртасидаги фарқ сифатида даромад оладилар. Бундан ташқари, хорижий валютадаги активларни қайта баҳолаш, мавжуд битимга қарама-қарши операцияларни амалга ошириш орқали ҳам тижорат банклари валюта операцияларидан даромад оладилар.

2002 йилнинг 1 январидан бошлаб нақд евронинг муомалага киритилиши натижасида европа банклари Германия маркаси, Франция франки, Италия лираси, Бельгия франки, Австрия шиллинги, Испания песети каби қатор нақд валюталарнинг муомаладан чиқиб кетиши юз берди ва бунинг натижасида улар 5 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги спред шаклидаги даромаддан маҳрум бўлишди.

2003 йилнинг 8 октябрида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Халқаро Валюта Фонди Низоми VIII-моддасининг 2 бўлим а-банди, 3 ва 4-бўлимлари бўйича белгиланган мажбуриятларни қабул қилинганлиги ва унинг ўша йилнинг 15 октябридан бошлаб қучга кирганлиги конверсион операцияларни ривожлантиришга қучли туртки берди. Ушбу мажбуриятлар сўмни тўлов балансининг жорий операциялари бўйича хорижий валюталарга эркин алмаштиришни ўз ичига олади. VIII-модданинг 2 бўлим а-бандига мувофиқ, мамлакатимиз ҳукумати жорий операциялар бўйича валютавий чеклашларни жорий қилишга ҳақли эмас. Ушбу модданинг 3-бўлимига мувофиқ, Ўзбекистон ҳукумати дискриминацион валюта сиёсатини амалга оширишга ҳақли эмас. Ниҳоят, VIII-модданинг 4-бўлимига мувофиқ, бошқа давлатлар томонидан тақдим этилган сўмлар ё ўша мамлакатнинг миллий валютасига ёки СДРга конвертация қилиб берилиши лозим. Аммо 2003 йилнинг 15 октябрга қадар олинган сўмлар бўйича Ўзбекистон ҳукумати 4-бўлим мажбуриятларини ўз зиммасига олмайди. Бундан ташқари, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахслари томонидан ишлаб топилган сўмлар фақат жорий операциялардан ишлаб топилган бўлиши керак.

Халқаро валюта бозорлари валютавий чеклашлар мавжуд бўлмаган мамлакатларнинг йирик шаҳарларида жойлашган: Лондон (Буюк Британия), Нью-Йорк (АҚШ), Франкфурт-на-Майне (ГФР), Токио (Япония), Цюрих (Швейцария) ва ҳ.к.

Валюта операцияларининг ҳажми бўйича дунёнинг энг йирик олтин бозори бўлиб, Лондон бозори ҳисобланади. Бу эса, Лондоннинг йирик халқаро молия бозори эканлиги билан изоҳланади.

4.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида чет эл валютасига бўлган талаб ва чет эл валютасининг таклифи миқдорлари, млн. АҚШ доллари⁵¹

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Чет эл валютасига бўлган талаб	11 353	15 537	19 488	26 091	36 606
Чет эл валютасининг таклифи	5 760	9 757	11 824	18 439	27 687

4.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида чет эл валютасига бўлган талабнинг миқдори ҳам, чет эл валютаси таклифининг миқдори ҳам 2018-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ республикамизда валюта сиёсатини либераллаштириш бошланди ва валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича давлат иқтисодий сиёсатининг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб берилди:

1. Юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг ҳоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини руёбга чиқаришни тўлиқ таъминлаш.

2. Миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақат бозор механизмларини қўллаш.

3. Валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчилик ролини ошириш.

⁵¹ Жадвал муаллиф томонидан www.cbu.uz сайтида (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки) эълон қилинган маълумотлар асосида тузилган.

4. Сифатли иш ўринлари ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бевосита рағбатлантириш учун иқтисодиётнинг барча секторларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, билим ва технологиялар жалб этишга хизмат қиладиган ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш.

5. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатъий монетар сиёсатни амалга ошириш, бу борада монетар инструментлардан фаол ва мослаштирилган ҳолда фойдаланиш, давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш, шунингдек, очик бозорда операциялар ҳамда давлат қимматли қоғозларини банклар ликвидлилигига гаровга бериш бўйича операцияларни амалга оширишни амалиётга жорий этиш.

6. Монетар ва фискал сиёсатни мувофиқлаштириш ҳамда Давлат бюджетининг мутаносиблигини таъминлаш орқали пул массаси ҳаддан зиёд ўсишининг олдини олиш.

7. Банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва унинг таваккалчиликларга бардошлилигини, шу жумладан, валюта сиёсатини либераллаштиришнинг вужудга келиши мумкин бўлган салбий таъсирини юмшатишга қаратилган самарали чораларни қўллаш ҳисобига ошириш.

8. Валюта сиёсатининг янги шароитларида таянч тармоқлар корхоналари самарали фаолият юритиши учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш.

9. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари турмуш даражасига валюта сиёсатини либераллаштиришнинг салбий оқибатларини камайтириш имконини берадиган ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ушбу Фармонга асосан, 2017 йил 5 сентябрдан бошлаб:

– Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари жорий халқаро операциялар бўйича тўловларни амалга ошириш учун тижорат банкларида чет эл валютасини чекловларсиз сотиб олишлари мумкин;

– Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахслар чет эл валютасини тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шохобчаларига эркин сотиши ва конверсион бўлимларида сотиб олинган маблағларни халқаро тўлов карталарига ўтказиш бўйича амалдаги тартибга асосан сотиб олиши ва чет элда ҳеч қандай чекловларсиз ишлатиши мумкин;

– истеъмол товарлари импорти билан шуғулланувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорларга чет эл валютасини жисмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда, банклардаги ҳисобварақлар орқали сотиб олишга рухсат берилади;

– мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча экспортчи корхоналарнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинади;

– чет эл валютасида даромад оловчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, фермер хўжаликлари ўз банк ҳисобварақларидаги чет эл валютасини нақд кўринишида олиши мумкин;

– давлат божлари, йиғимлари ва бошқа мажбурий тўловлар фақат миллий валютада ундирилади, консуллик йиғимлари бундан мустасно;

– хорижий валютада кредитлар бериш ва ундириш шартлари кредит сиёсатидан келиб чиққан ҳолда томонларнинг ўзаро келишувига асосан тижорат банклари томонидан мустақил белгиланади;

– банкларнинг хорижий валюта олди-сотдиси билан боғлиқ операциялар бўйича таваккалчиликлари тадбиркорлик таваккалчилиги ҳисобланади ҳамда уларни бошқариш тижорат банкининг ваколатига киради;

– хорижий валюта олди-сотдиси бўйича комиссия воситачилик ҳақи миқдори тижорат банки томонидан мустақил белгиланади;

– тижорат банкларига хорижий валютада операцияларни амалга ошириш бўйича лицензия бериш амалиёти бекор қилинади.

Такидлаш жоизки, 2008 йилнинг февраль ойидан бошлаб, АҚШ доллари билан бирга еврода ҳам конвертация учун буюртмалар қабул қилина

бошлади. Бу эса, ўз навбатида, конверсион операциялар жараёнида юзага келадиган трансакцион чиқимларнинг камайишига олиб келади.

4.2. Валюта операциялари тушунчаси ва уни ташкил қилиш асослари

Валюта операцияси деганда хорижий валюталар ва валютавий қимматликларни сотиб олиш ва сотиш операцияларига айтилади.

Халқаро валюта операцияларининг 90 фоизга яқин қисми халқаро резерв валюталар мақомига эга бўлган 5 та валютада (АҚШ доллари, евро, Япония иени, Буюк Британия фунт стерлинги, Швейцария франки) амалга оширилади.

Жаҳон валюта бозорларидаги бир кунлик конверсион операцияларнинг ҳажми 4 трлн. АҚШ долларида ошади.

Халқаро валюта операцияларини амалга оширишда кенг қўлланилаётган ушбу валюталарга нисбатан коэффицентлар қўлланилади. Етакчи хорижий валюталардан фақат Япония иенига нисбатан 10 коэффиценти қўлланилади, АҚШ доллари, евро, Буюк Британия фунт стерлинги, Швейцария франки, Канада доллари, Австралия долларига нисбатан 1 коэффиценти қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига мувофиқ, чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари ва соф қуйма олтин валюта бойликлари ҳисобланади.

Халқаро валюта операцияларини ташкил қилишнинг иқтисодий асосларига қуйидагилар киради:

1. Халқаро валюта муносабатлари субъектларининг хорижий валюталардаги маблағларининг мавжуд бўлиши.
2. Хорижий банклар билан вакиллик муносабатларининг мавжудлиги.
3. Экспорт-импорт операцияларининг мавжудлиги.
4. Ссуда ва тадбиркорлик капиталлари ҳаракатининг мавжудлиги.

5. Нодир металл савдосининг мавжудлиги.

Халқаро валюта операцияларини ташкил қилишнинг муҳим иқтисодий асосларидан бири халқаро валюта муносабатларида иштирок этувчи субъектларнинг миллий ва хорижий валюталарда жорий ҳисобрақамларининг мавжудлиги ҳисобланади. Ушбу жорий ҳисобрақамлардаги маблағлар ҳисобидан хорижий валютадаги мажбуриятлар бўйича тўловлар амалга оширилади, бошқа хорижий валюталар сотиб олинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунининг 16-моддасига мувофиқ, резидентлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатли банкларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда чет эл валютасида ҳисобварақлар очишлари мумкин. Мазкур Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида вақтинча турган норезидент жисмоний шахслар, иммунитет ҳамда дипломатик имтиёزلардан фойдаланадиган чет эл дипломатия ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари, шунингдек, хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида хўжалик ва бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатли банкларда миллий валютада ва чет эл валютасида ҳисобварақ очишга ҳамда улардан фойдаланишга ҳақлидир⁵².

Ўзбекистон Республикаси учун қуйидагилар резидентлар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари;
- Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;
- Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида рўйхатдан ўтган юридик шахслар;

⁵² Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами.- Тошкент: Ўзбекистон, 2011. - Б. 13-14.

- Ўзбекистон Республикасининг иммунитет ва дипломатик имтиёзларидан фойдаланадиган хориждаги дипломатия ҳамда бошқа ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг чет элдаги хўжалик ва бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари.

Халқаро валюта операцияларини ташкил қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

1. Миллий валюта қонунчилиги.
2. Халқаро қоидалар ва конвенциялар.
3. Халқаро Валюта Фонди Келишувлар моддалари бўйича қабул қилинган мажбуриятлар.

Республикада миллий валюта қонунчилигига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
- Солиқ кодекси;
- Божхона кодекси
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Валютани тартибга солувчи давлат органларининг йўриқномалари.

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига мувофиқ, чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари ва соф қуйма олтин валюта бойликлари ҳисобланади.

Мазкур Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, жорий валюта операцияларига қуйидагилар киради:

- *ташки савдо ва бошқа жорий фаолият олиб борилиши билан, шу жумладан, хизматлар кўрсатиш, қисқа муддатли банк ва кредит механизмлари билан боғлиқ бўлган тўловлар

- * фоизлар ва бошқа даромадлар кўринишида, шу жумладан банк омонатлари, кредитлар ҳамда лизинг бўйича олинadиган фоизлар ва бошқа даромадлар шаклида тўланиши зарур тўловлар

- * кредитларни узиш учун ёки тўғридан-тўғри инвестициялар амортизацияси учун мақбул суммаларни тўлаш;

- *савдо билан боғлиқ бўлмаган пул жўнатмалари

Савдо билан боғлиқ бўлмаган пул жўнатмаларига қуйидагилар киради:

- * иш ҳақи, стипендия, пенсия, алиментлар тўлаш;

- * ходимларни хорижга хизмат сафарига жўнатиш;

- * таълим ва даволаниш учун ҳақ тўлаш;

- * хориждаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналарни таъминлаш;

- *нотариал ва тергов ҳаракатлари билан боғлиқ тўловлар;

- *суднинг, арбитражнинг қарорлари асосида пул тўлаш;

- * халқаро конференциялар, симпозиумларда, спорт, маданий ва бошқа тадбирларда иштирко этиш учун тўловлар;

- *дафн қилиш билан боғлиқ бўлган тўловлар;

- *муаллифлик ҳақи, патент божларини тўлаш.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига мувофиқ, тижорат банклари чет эл валютасини нақд ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш, халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда кўрсатилган бошқа операцияларини амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги қонуннинг 40-моддасига мувофиқ, Марказий банк:

*Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча шахслар учун мажбурий бўлган валютани назорат қилишга доир норматив ҳужжатлар чиқаради

*банклар, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга чет эд валютасида операциялар ўтказиш учун лицензиялар беради ва лицензияларни қайтариб олади, уларнинг фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради

* Банклар учун очиқ валюта позициялари чегараларини ва бошқа иқтисодий нормативларни белгилайди

*миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш тартибини белгилайди

*Ўзбекистон Республикасининг халқаро резервларини тасарруф этади ва бошқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 январдаги ПҚ-1914-сонли “Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2013 йилнинг 1 февралидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг резидентлари – жисмоний шахсларга ваколатли банклар томонидан хорижий валютани халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда нақдсиз шаклда сотиш механизми жорий қилинди. Бунда жисмоний шахс ваколатли банкда халқаро тўлов картасини очади. Ваколатли банк эса, унинг шахсий пластик банк картасида миллий валютадаги пул маблағлари етарли эканлигини текширади, хорижий валютани операция амалга оширилган куни белгиланган айирбошлаш курси бўйича халқаро тўлов картасига ўтказиш ҳамда жисмоний шахсга хорижий валютани сотиб олганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги маълумотномани беради⁵³.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 263-сонли «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2001 йилнинг 1 июлидан бошлаб хорижий инвесторлар фойдаси, дивидендлари ва бошқа

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 январдаги ПҚ-1914-сонли “Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2013. - № 6 (558). – Б. 5.

даромадларини репатриация қилиш, экспорт қилувчилар томонидан валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотиш, асбоб - ускуналар, бутловчи буюмлар, хом - ашё, материаллар ва хизматлар импорти, янгидан жалб қилинадиган хорижий кредитларга хизмат кўрсатиш каби операциялар биржадан ташқари валюта бозорининг талаб ва таклифдан келиб чиқиб шаклланадиган эркин валюта курси асосида амалга ошириладиган бўлди.

Бунинг ижроси натижасида валюта курсларини унификациялаш жараёни тезлашди ва, пировард натижада, сўмнинг белгиланган биржа курсига нисбатан анча паст бўлган, талаб ва таклифга асосланган биржа курси шаклланди.

Халқаро валюта қонунчилигининг муҳим таркибий қисми бўлиб, Халқаро умумлаштирилган қоидалар ва конвенциялар ҳисобланади.

Халқаро умумлаштирилган қоидалар:

* Хужжатлаштирилган аккредитивлар бўйича халқаро умумлаштирилган қоидалар (UCP 500; UCP 600)

*Инкассо бўйича умумлаштирилган қоидалар

*Шартномавий кафолатлар бўйича умумлаштирилган қоидалар

Халқаро конвенциялар:

*Халқаро оддий ва ўтказма векселлар муомаласи бўйича халқаро конвенция

*БМТнинг юкларни денгиз орқали ташиш конвенцияси

*Арбитраж судлари қарорларини ижросини таъминлаш бўйича халқаро конвенция

Ўзбекистон 2003 йил 8 октябрида ХВФ келишувлар моддасининг 8-моддаси бўйича мажбуриятларни қабул қилди. Ушбу мажбуриятлар 2003 йил 15 октябрдан бошлаб кучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Халқаро Валюта Фонди Низоми VIII-моддасининг 2 бўлим а-банди, 3 ва 4-бўлимлари бўйича белгиланган мажбуриятларни қабул қилди. Ушбу мажбуриятлар сўмни тўлов балансининг жорий операциялари бўйича хорижий валюталарга эркин алмаштиришни ўз

ичига олади. VIII-модданинг 2 бўлим а-бандига мувофиқ, мамлакатимиз ҳукумати жорий операциялар бўйича валютавий чеклашларни жорий қилишга ҳақли эмас. Ушбу модданинг 3-бўлимига мувофиқ, Ўзбекистон ҳукумати дискриминацион валюта сиёсатини амалга оширишга ҳақли эмас. Нихоят, VIII-модданинг 4-бўлимига мувофиқ, бошқа давлатлар томонидан тақдим этилган сўмлар ё ўша мамлакатнинг миллий валютасига ёки СДРга конвертация қилиб берилиши лозим. Аммо 2003 йилнинг 15 октябрга қадар олинган сўмлар бўйича Ўзбекистон ҳукумати VIII-модданинг 4-бўлим мажбуриятларини ўз зиммасига олмайди. Бундан ташқари, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахслари томонидан ишлаб топилган сўмлар фақат жорий операциялардан ишлаб топилган бўлиши керак.

Бироқ, Ўзбекистонда Халқаро Валюта Фонди Низоми VIII-моддаси бўйича қабул қилинган мажбуриятларнинг ижросини таъминлаш имкони бўлмади. Хусусан, миллий валютани хорижий валюталарга эркин конвертирлаш масаласи ечилмади. Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилингандан сўнг ечимини топди. Мазкур Фармонга кўра:


*миллий валютани хорижий валюталарга эркин айирбошлашни тўлиқ таъминлаш талаби қўйилди;

* миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақатгина бозор механизмларини қўллаш мажбурий талаб сифатида белгиланди;

* валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи ролини ошириш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатъий монетар сиёсатни амалга ошириш, бу борада монетар инструментлардан фаол ва

мослаштирилган ҳолда фойдаланиш, давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш, шунингдек, очик бозорда операциялар ҳамда давлат қимматли қоғозларини банклар ликвидлигига гаровга бериш бўйича операцияларни амалга оширишни амалиётга жорий қилиш каби муҳим вазифалар белгиланди⁵⁴.

Гарчи муомалага иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлган Европа Иттифоқи давлатларининг умумий валютаси – евро киритилган бўлсада, АҚШ долларининг жаҳон валюта бозорларидаги операциялардаги улуши юқориликча қолмоқда (4.1-расм).



4.1-расм. Дунё валюта бозорларидаги спот операцияларнинг умумий ҳажмида етакчи валюталарда амалга оширилган операцияларнинг салмоғи⁵⁵, фоизда (2023 йилнинг октябрь ойи маълумоти)

4.1-расм маълумотларидан кўринадик, 2023 йилнинг октябрь ойида жаҳон валюта бозорларида амалга оширилган спот операцияларининг умумий ҳажмида АҚШ долларида амалга оширилган спот операциялари жуда юқори салмоқни эгаллаган.

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли **Фармони**. Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 945-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2019 й., 06/19/5811/3691-сон; 09.07.2020 й., 06/20/6021/1047-сон, 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон.

⁵⁵ IMF “International Financial Statistics. www.imf.org.

Халқаро амалиётда миллий валюталарнинг алмашув курсини “валюта савати”га боғлаш уларнинг алмашув курси тебранишини сезиларли даражада камайтириш имконини берган. Масалан, Россияда рублнинг курсини “бивалюта савати”га нисбатан аниқлашнинг жорий қилиниши унинг барқарорлигини ва евронинг конверсион операциялар ҳажмидаги улушини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Банклараро вакиллик муносабатларининг мавжудлиги халқаро валюта операцияларини амалга оширишнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Банкларнинг “Ностро” ва “Востро” вакиллик муносабатлари орқали хорижий валюталардаги тўловлар амалга оширилади ва тушумлар қабул қилинади.

Банклараро вакиллик муносабатларининг икки тури мавжуд:

1. Бир томонлама вакиллик муносабатлари.
2. Икки томонлама вакиллик муносабатлари.

Бир томонлама вакиллик муносабатларида ҳар иккала банкдан фақат биттаси “Ностро” ёки “Востро” вакиллик ҳисобрақамига эга бўлади.

Икки томонлама вакиллик муносабатларида ҳар иккала банк “Ностро” ёки “Востро” вакиллик ҳисобрақамига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари хорижий банклар билан бир томонлама вакиллик муносабатларига эга. Яъни, республикамиз тижорат банклари хорижий банкларда ўзларининг “Ностро” вакиллик ҳисобварақамларига эга. Аммо хорижий банклар Ўзбекистон банкларида ўзларининг “Востро” вакиллик ҳисобварақамларига эга эмас.

Хорижий банк билан вакиллик муносабати ўрнатиш учун унга дастлаб хат жўнатилади. Хатда вакиллик муносабати ўрнатишнинг зарурлиги асослаб берилган бўлиши лозим. Одатда, хорижий банклар билан вакиллик муносабатларининг зарурлиги миждозларнинг экспорт-импорт операциялари билан ёки банкнинг ўзини хорижий банкнинг молиявий хизматларидан фойдаланиш зарурияти билан белгиланади.

Мазкур хатда хорижий банк билан вакиллик муносабатлари ўрнатмоқчи бўлаётган тижорат банки фаолиятининг ижобий жиҳатлари ҳам қисқача акс этган бўлиши лозим. Масалан, банкнинг хорижий валютадаги активларининг ўсиш суръатлари, дунёдаги етакчи банклар билан вакиллик муносабатларининг мавжудлиги ва ҳ.к.

Аммо хатда хорижий банкнинг ҳолатини ўрганилганлиги ҳақида зинҳор ёзилмаслиги лозим. Чунки, ушбу ҳолатни хорижий банк ҳақорат сифатида қабул қилиши мумкин.

Хорижий банк вакиллик муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги таклифга розилик билдиргандан сўнг вакиллик муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги шартнома лойиҳаси тайёрланади ҳамда шартнома бандлари томонлар ўртасида муҳокама қилинади. Ниҳоят, вакиллик муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги шартнома имзоланади. Шундан кейин тўлов ҳужжатларига, телекс ёки компьютер хабарномаларига имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг имзолари нусхалари ва махфий калитлар ўзаро алмашинади. Бу аутентификацион калит дейилади.

Одатда “Ностро” вакиллик ҳисобрақамлари шу валюта қайси мамлакатнинг миллий валютаси бўлса, ўша мамлакатнинг тижорат банкида очилади. АҚШ долларларидаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамлари АҚШ банкларида, евродаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамлари “евроҳудуд”даги банкларда очилади.

Шуниси характерлики, АҚШ долларларидаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамини Лондондаги банкларда ҳам очиш мумкин. Лондон АҚШдан ташқаридаги доллар захиралари тўпланган энг катта евродоллар бозори ҳисобланади. Аммо бунда “Ностро” вакиллик ҳисобрақамини очган тижорат банкига икки марта комиссия тўлашга тўғри келади. Бир марта Лондондаги банкка “Ностро” вакиллик ҳисобарқамини юритганлиги учун, иккинчи марта Лондондаги банкнинг доллардаги қолдиқни АҚШ банклари орқали жойлаштирганлиги учун тўлаган комиссияси учун тўлайди. Чунки,

Лондондаги банклар доллардаги қолдиқларини АҚШ банклари орқали жойлаштирадилар.

Кўпчилик мамлакатларнинг банк амалиётида “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларининг қолдиғига фоиз тўланмайди. Айрим мамлакатларда эса, жуда паст ставкада фоиз тўланади. Шунинг учун банклар хорижий банклардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги ортиқча маблағларни (ишчи қолдиқдан ортиқ маблағни) евробозорларга ёки “овернайт” шаклида жойлаштирадилар.

Тижорат банклари хорижий банклар билан вакиллик муносабатлари ўрнатишда хорижий банкнинг овердрафт кредитидан фойдаланишга рухсат олишга ҳаракат қилишади. Бунинг сабаби шундаки, овердрафт кредити “Ностро” вакиллик ҳисобрақамида юзага келадиган вақтинчалик валюта етишмаслиги муаммосини ҳал этишнинг энг ишончли усули ҳисобланади. Хорижий банк, валюта маблағлари етишмаслиги юзага келганда, вакил банкни белгиланган лимит доирасида зудлик билан кредитлайди.

Муаммо шундаки, қатор давлатларда овердрафт кредити бериш қонун йўли билан таъқиқланган.

Хорижий банклар билан вакиллик муносабатлари ўрнатишда хорижий банкларнинг хизмат кўрсатиш хусусиятларига эътибор қаратиш муҳим ўрин тутади. Масалан, АҚШ ва Японияда банклар ихтисослаштирилган ва инвестицион банкларга ажралган. Европада эса - универсал банклар.

Хорижий валютадаги тўловларни ўз вақтида ўтиши хорижий вакил банкнинг етарли даражада ликвидли бўлишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам, Базель қўмитаси тижорат банкларининг хорижий банклардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамининг қолдиғига 20% риск даражасини берган. Бу эса, айнан, хорижий банкда ликвидлилик муаммосининг юзага келиши натижасида тўловларнинг кечикиши билан боғлиқдир.

Хорижий банклар билан бир томонлама вакиллик муносабатига эга бўлган банкларда доимо “Ностро” вакиллик ҳисобрақами қолдиғининг тебраниши муаммоси мавжуд бўлади. Чунки, ушбу банкда хорижий

банкнинг “Востро” вакиллик ҳисобрақами мавжуд эмас. Шу сабабли, улар ҳар қандай хорижий валютадаги тўловни амалга оширишда ўзларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамини кредитлашга мажбур бўлишади. Натижада, “Ностро” вакиллик ҳисобрақамининг қолдиғини кескин тебраниш хавфи юзага келади. Бу эса, мазкур банкларнинг ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Агар тижорат банки хорижий банклар билан икки томонлама вакиллик муносабатларига эга бўлса, у ҳолда, хорижий банк ва унинг мижозлари фойдасига амалга ошириладиган тўлов суммаси ушбу банкнинг “Востро” вакиллик ҳисобрақамига кирим қилинади. Натижада, банкнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмайди.

Умуман олганда, банклараро вакиллик муносабатлари халқаро валюта операцияларини амалга оширишнинг муҳим зарурий шарти ҳисобланади. Бунда икки томонлама вакиллик муносабатларининг мавжудлиги халқаро валюта операцияларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан амалий аҳамият касб этади.

4.3. Спот операциялари

Спот операциялари спот битими тузилгандан кейин икки иш куни мобайнида амалга ошириладиган валюта операцияларидир.

Спот юқори рискли валюта операцияси ҳисобланади ва унинг юқори рисклилиги қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

1. Спот операциясини амалга ошириш вақти жуда қисқа бўлганлиги сабабли унда суғурта элементларини қўллаб бўлмайди.
2. Спот операцияларининг 90 фоизга яқин қисми қуйидаги 5 та халқаро захира валюталарда амалга оширилади ва уларнинг барчаси эркин сузиш режимига эга.

Эркин сузиш режимига эга бўлган валюталарнинг номинал алмашув курси катта диапазонларда тебраниши мумкин.

3. Валюта курсига таъсир этувчи айрим омилларни прогноз қилиш имконининг йўқлиги.

Масалан, 1990 йилда Ироқ билан АҚШ бошчилигидаги давлатлар коалицияси ўртасида уруш бўлди. Бирлашган қўшинлар қўмондони бўлган америкалик генерал урушни 1 ҳафта ичида тугатишга ваъда берди. Бу эса, халқаро молия бозори иштирокчиларининг хотиржам бўлишига олиб келди. Аммо урушнинг бошланганлигига бир ой ўтгандан сўнг Ироқ ўзининг “Скад” ракеталари билан Саудия Арабистони пойтахти Эр-Рияд шаҳрида жойлашган АҚШ денгиз пйёдаларининг ётоғига (казарма) зарба берди. Бу Ироққа қарши урушда қатнашаётган араб давлатлари учун кутилмаган ҳолат ва фожаиэди. Чунки, АҚШ ўзининг ҳаво ҳужумига қарши “Пэтриот” тизими Ироққа қарши урушда қатнашаётган давлатлар ҳудудини Ироқ ракеталаридан 100 % ҳимоя қилишига ваъда берган эди.

Шу кундан бошлаб, ОПЕКка аъзо бўлган араб давлатлари Форс кўрфази орқали нефть экспорт қилишни тўхтатдилар. Бу эса, жаҳон бозорларида нефть баҳосининг кескин кўтарилишига олиб келди. 1 баррель нефть ўша пайтда араб давлатлари томонидан 11-13 АҚШ доллариға сотилган бўлса, унинг баҳоси 42 долларға кўтарилди. Собиқ Совет Иттифоқи, Мексика, Венесуэла, Руминия каби нефть экспорт қилувчи мамлакатлар нефть экспортидан катта миқдорда даромад олиш имкониятиға эға бўлдилар. Нефть маҳсулотларини импорт қилувчи Туркия, Япония, Европа давлатлари эса, бундан жиддий зарар кўрдилар.

Нефть баҳосининг кескин ошиши АҚШ доллари курсининг кўтарилишиға сабаб бўлди. Чунки, нефть шартномаларининг 90 фоиздан ортиқ қисми АҚШ долларида тузилган эди. Бунинг натижасида жаҳон валюта бозорларида АҚШ доллариға бўлган талабнинг ошиши юз берди.

Спот операциялари спот курслар асосида амалға оширилаади.

Спот курс деганда спот битими тузилаётган пайтда белгилаб қўйиладиган валюта курси тушунилади ва бу курс икки иш куни мобайнида ўзгармасдан қолади.

Спот курсни аниқлашнинг биржа усули ва биржадан ташқари усули мавжуд.

Тараққий этган давлатларда ва қатор ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида, биржа усулида спот курс валюта биржаларининг савдо залларида дилерлар, маклерларнинг очик савдо қилишлари натижасида аниқланади. Шуниси характерлики, АҚШ доллари, Евро, Англия фунт стерлинги ва Швейцария франкининг курси вергулдан кейин тўрттагача бирликда аниқланади. Масалан: 1 доллар = 1,2310 - 1,2330 шв. франки ёки 1 фунт стерлинг = 1,6770-1,6790 доллар.

Валюта биржаларининг савдо залларида валюта савдоси фақат охириги иккита рақам билан амалга оширилади. Ҳеч қайси дилер иккита рақамдан олдинда турган рақамларни ҳеч қачон айтмайди.

Чап томонимизда турган биринчи курс сотиб олиш курси ҳисобланади ва у **BID** деб аталади, ўнг томонимизда турган курс, яъни иккинчи курс сотиш курси ҳисобланади ва у **OFFER** деб аталади. Валютанинг сотиш курси билан сотиб олиш курси ўртасидаги фарқ тижорат банкининг даромади ҳисобланади ва у **SPREAD** деб аталади.

Ҳар бир спот битими бўйича алоҳида спот курс аниқланади. Тижорат банкининг ҳар бир дилерига валюталарни сотиб олиш ва сотиш бўйича лимит белгиланади. Дилер ўша лимит доирасида валюталарни спот шарти бўйича сотиб олиш ва сотишни амалга оширади.

Валюта биржасидаги компьютер дастури спот операцияларидаги талаб ва таклифга қараб миллий валютанинг олди-сотди қилинаётган етакчи хорижий валюталарга нисбатан номинал алмашув курсини аниқлайди. Масалан, Лондон вақти билан соат 11.00да Буюк Британия фунт стерлингининг, Франкфурт-на Майне шаҳрида соат 13.00 да евронинг етаркчи хорижий валюталарга нисбатан номинал алмашув курси аниқланади ва бутун дунёга эълон қилинади.

Операцион куннинг аниқ бир вақтида миллий валюта курсининг аниқланиши **фиксинг** деб аталади.

Ўзбекистон Республикасида буюртмали валюта савдоси тизими мавжуд.

Сўмнинг номинал биржа курси Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси (ЎРВБ) да АҚШ долларига бўлган талаб ва таклиф асосида аниқланади. Қайд этиш жиозки, республикамызда валюта курсини аниқлашнинг тижорат спот курсларига асосланадиган ва фиксинг шаклида аниқланадиган бозор механизми мавжуд эмас. Шу сабабли, республикамызда сўмнинг номинал биржа курси валюталарнинг буюртмали савдоси асосида амалга ошириладиган олди - сотди механизми орқали шаклланади. Мазкур механизмнинг моҳияти шундаки, ЎРВБга аъзо бўлган тижорат банклари икки хилдаги буюртмаларни биржага берадилар: а) АҚШ долларини сотиб олиш мақсадида сўмда берилган буюртмалар; б) АҚШ долларини сотиш мақсадида берилган буюртмалар (долларда берилган буюртмалар). Марказий банкнинг Бош дилери буюртмаларни қабул қилишни тўхтатиш тўғрисидаги буйруқни бергандан сўнг ҳар иккала хилдаги буюртмалар бўйича жами номинал миқдорлар аниқланади. Шундан кейин сўмда берилган буюртмаларнинг жами суммасини АҚШ долларидаги буюртмалар суммасига бўлиш йўли билан ўзбек сўмининг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал биржа курси аниқланади.

Ўз навбатида, сўмнинг номинал алмашув курси тижорат спот курси учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг номинал биржа курси тижорат банкларининг хорижий валюталардаги актив ва пасивларини қайта баҳолаш, бож ҳисоби ҳамда молиявий ва статистик ҳисоботларни юритиш, хўжалик юритувчи субъектлар валюта тушумларининг маълум қисмини мажбурий тартибда сотишда қўлланилади.

Биржадан ташқари усулда спот курс тижорат банклари дилерларининг телефон орқали сўзлашувлари ёки интернет орқали мулоқотлари натижасида аниқланади.

Тижорат банкларининг нақд хорижий валюталарни сотиш курси ва сотиб олиш курси ўртасидаги фарқ сифатида оладиган спрэд шаклидаги

даромади уларнинг валюта операцияларининг самарадорлигини баҳолашда кўлланиладиган муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Тижорат банкларининг нақд хорижий валюталарга бўлган талабни тўғри баҳолаган ҳолда, уларнинг сотиб олиш ва сотиш курсини белгилаши спрэд миқдорини ошириш имконини беради.

Шу билан бирга, тижорат банклари спот операцияларидан зарар кўришлари ҳам мумкин. Одатда, тижорат банки қисқа валюта позициясига эга бўлган валютанинг кейинги иш кунидан бошлаб курсининг кўтарилиши зарарни юзага келтиради. Аксинча, тижорат банки қисқа валюта позициясига эга бўлган валютанинг курсини кейинги иш кунидан бошлаб пасайиши банкнинг балансида фойдани юзага келтиради.

Агар тижорат банки узун валюта позициясига эга бўлган хорижий валютанинг курси пасайса, у ҳолда банкнинг балансида зарар юзага келади. Чунки, бу вақтда тижорат банки арзон валютани қиммат баҳода сотиб олган ҳисобланади.


Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг спот операцияларидан кўрган зарарлари суммаси 55302-ҳисобрақамнинг дебитида, спот операцияларидан олган фойдаси эса, 45401-ҳисобрақамнинг кредитида акс этади. Республикамиз банкларининг спрэд шаклидаги даромади ҳам 45401- ҳисобрақамнинг кредитида акс этади.

Ўзбекистон Республикасида валюта сиёсатининг либераллаштирилиши муносабати билан 2017 йил 2 сентябрда миллий валюта-сўм АҚШ долларига нисбатан қарийб икки баробарга қадрсизланди. Яъни, Марказий банкнинг АҚЎ долларига нисбатан номинал алмашув курси 4210,00 сўмдан 8100,00 сўмга кўтарилди. Бу эса, АҚШ долларига қисқа валюта позициясига эга бўлган тижорат банкларининг катта миқдорда зарар кўришига олиб келди.

Республикамиз тижорат банклари спот операцияларининг асосий қисмини импорт қилинган товарлар бўйича ва олинган халқаро кредитларни қайтариш билан боғлиқ бўлган тўловларни амалга ошириш мақсадида сўмни АҚШ доллари ва еврога айирбошлаш операциялари (конверсион

операциялар) ташкил этади. Аммо, республикамизда АҚШ долларининг конверсион операциялардаги салмоғи жуда юқори (90 фоиздан ортиқ.).

Тижорат банкларининг валюта операцияларини қуйидагича туркумлаш мумкин.



4.3-расм Тижорат банклари валюта операцияларининг туркумланиши⁵⁶

4.3-расм тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган валюта операцияларининг иқтисодий мазмунини тўлароқ очиб беради деб ҳисоблаймиз.

⁵⁶ Муаллифларнинг шахсий ишланмаси.

Қуйидаги таҳлилий маълумотлар орқали спот операцияларининг даражасига баҳо берамиз.

4.2-жадвал

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки валюта операцияларининг таркиби⁵⁷

Валюта операцияларининг турлари	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Спот операциялари	97,7	100,0	96,3	100,0	98,7
Форвард ва своп операциялари	2,3	0,0	3,7	0,0	1,3
Валюта операциялари - жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

4.2-жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўринадики, 2018-2022 йилларда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки валюта операцияларининг умумий ҳажмида жуда юқори салмоқни спот операциялари эгаллаган. Бу эса, ТИФ Миллий банкининг форвард ва своп операцияларини ривожланмаганлиги билан изоҳланади.

4.4. Муддатли валюта операциялари

Муддатли валюта операцияларининг 3 шакли мавжуд:

1. Форвард валюта операциялари.
2. Валюта опционлари билан амалга ошириладиган операциялар.
3. Валюта фьючерслари билан амалга ошириладиган операциялар.

Форвард валюта операцияси деганда, маълум бир валютани белгиланган курс бўйича келгусида сотиб олиш ёки сотиш операциясига айтилади.

Форвард валюта операциялари валюта захираларини валюта risksдан химоя қилиш мақсадида қўлланилади. Шу билан бирга, тижорат банклари форвард операцияларидан даромад олиш мақсадида фойдаланади.

⁵⁷Жадвал муаллиф томонидан ТИФ Миллий банкининг молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

Форвард шартномалари қуйидаги стандарт муддатларга тузилади: 1 ҳафта, 1, 2, 3, 6, 9, 12 ой.

Форвард операциялари форвард курслар асосида амалга оширилади.

Форвард курси форвард шартномаси имзоланаётган пайтда белгилаб қўйиладиган курс бўлиб, шартнома ижросига қадар ўзгармасдан қолади.

Форвард курслари ҳеч қачон спот курслари каби аниқланмайди. Тижорат банкларининг дилерлари доимо форвард маржаси билан ишлайди, ҳолос. Форвард маржаси деганда устама ва дисконт тушунилади.

Устама ва дисконт битта формула орқали аниқланади. Бу формула қуйидаги кўринишга эга:

$$У / Д = \frac{СК \times ФС\ddot{У}Ф \times ФШМ \text{ (кунларда)}}{(360 \times 100) + (БВФС \times ФШМ \text{ (кунларда)})}$$

Бу ерда:

У / Д –устама ёки дисконт.

СК – спот курс.

ФСЎФ – фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ. Фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ аниқланаётганда битим валютаси бўйича кредитларнинг фоиз ставкаси олинади, баҳоловчи валюта бўйича эса, депозитларнинг фоиз ставкаси олинади.

ФШМ – форвард шартномасининг муддати.

БВФС –битим валютаси бўйича фоиз ставкаси.

Агар битим валютаси бўйича кредитларнинг фоиз ставкаси баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкасидан кичик бўлса, у ҳолда формула орқали аниқланган натижа устама ҳисобланади. Агар битим валютаси бўйича кредитларнинг фоиз ставкаси баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкасидан катта бўлса, у ҳолда формула орқали аниқланган натижа дисконт ҳисобланади.

Форвард маржаси қуйидаги сабабларга кўра котировка қилинади:

Биринчидан, форвард маржалари кўпчилик ҳолатларда ўзгармасдан қолади, спот курслари эса тез-тез ўзгаради, шу сабабли, устама ва дисконтларнинг котировкасига кам тузатиш киритилади.

Иккинчидан, валюта битимларининг сезиларли қисмида форвард курсларини эмас, балки устама ва дисконтни билиш талаб қилинади.

Устама ва дисконтнинг ўлчов бирлиги пипс деб аталади.

Форвард курси спот курсидан устама ёки дисконт сўммасига фарк қилади. Агар битим валютаси бўйича кредитларнинг фоиз ставкаси баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкасидан кичик бўлса, олинган натижа устама ҳисобланади ва бунда форвард курси спот курсидан юқори бўлади. Аксинча, битим валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкаси баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкасидан катта бўлса олинган натижа дисконт ҳисобланади, бунда форвард курси спот курсидан паст бўлади.

Форвард операциялари дастлаб экспортёрларнинг сотилган товарлар учун кутилаётган экспорт тушумини валюта risksдан ҳимоя қилиш мақсадида юзага келди. Кейинчалик тижорат банклари ўртасидаги муносабатларда ҳам форвард операцияларидан фойдаланиш кучайди. Шуниси характерлики, форвард операцияларидан спекулятив мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин. Чунки, биринчидан, форвард операцияларини амалга ошириш учун валюта маблағларининг мавжуд бўлиши шарт эмас; иккинчидан, форвард шартномалари нисбатан узоқ муддатга тузилади; учинчидан форвард курсининг даражаси кўпроқ фоиз ставкаларининг ўзгаришига боғлиқ.

Таҳлил жараёнида форвард операциялари билан боғлиқ бўлган қуйидаги жиҳатларга асосий эътибор қаратилади:

1. Форвард операцияларининг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этилганлиги.

Форвард операциялари тижорат банклари учун балансдан ташқари операция ҳисобланади, шу сабабли, биринчи навбатда, форвард

шартномалари сўммасини тегишли балансдан ташқари ҳисобрақамларда тўғри акс эттирилганлигини текшириш лозим. Ҳақиқатда, тижорат банкларининг хорижий валюталарни сотиб олиш мақсадида тузилган форвард шартномалари 92716-«Форвард битими бўйича сотиб олиш» ҳисобрақамининг дебитида ва 96367-«Форвард битими бўйича сотиб олиш контр ҳисобварағи»нинг кредитида ҳисобга олинади.

Тижорат банкларининг хорижий валюталарни сотиш мақсадида тузилган форвард шартномалари 92709-«Форвард битими бўйича сотиш» ҳисобрақамининг дебитида ва 96365-«Форвард битими бўйича сотиш контр ҳисобварағи»нинг кредитида ҳисобга олинади.

Таҳлил жараёнида форвард шартномаларининг муддати тугагандан сўнг амалга оширилган бухгалтерия ўтказмалари ҳам синчиклаб текширилиши лозим. Шуниси характерлики, форвард операциялари шартнома муддати тугаши билан характериға кўра спот операцияларига айланади. Шунинг учун ҳам кейинги бухгалтерия ўтказмалари спот бўйича берилади.

Баланс ҳисобарқамлари бўйича бухгалтерия ўтказмалари берилгандан сўнг форвард операциялари бўйича очилган балансдан ташқари ҳисобрақамлар ёпилади. Тижорат банкининг хорижий валютани сотиб олиш мақсадида тузган форвард шартномаси сўммасига очилган балансдан ташқари ҳисобрақамлари 92716-«Форвард битими бўйича сотиб олиш» ҳисобрақамини кредитлаш ва 96367-«Форвард битими бўйича сотиб олиш контр ҳисобварағи»ни дебетлаш йўли билан ёпилади.

Тижорат банкининг хорижий валютани сотиш мақсадида тузган форвард шартномаси сўммасига очилган балансдан ташқари ҳисобрақамлари 92709-«Форвард битими бўйича сотиш» ҳисобрақамини кредитлаш ва 96365-«Форвард битими бўйича сотиш контр ҳисобварағи»ни дебетлаш йўли билан ёпилади.

2. Форвард операциялари бўйича устама ва дисконтни тўғри ҳисобланганлиги

Форвард операциялари форвард курси асосида амалга оширилади. Форвард курсининг даражасини белгиловчи омил устама ва дисконт ҳисобланади.

Агар баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкаси битим валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкасидан катта бўлса, олинган натижа устама ҳисобланади. Бундай ҳолатда форвард курсини аниқлаш учун спот курс устама миқдорига оширилади.

Агар баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкаси битим валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкасидан кичик бўлса, олинган натижа дисконт ҳисобланади. Бундай ҳолатда форвард курсини аниқлаш учун спот курс дисконт миқдорига камайтирилади.

3. Форвард операциялари бўйича фойда ва зарарлар сўммасини, шу жумладан, реализация қилинмаган фойда ва зарарлар сўммасини баҳолаш.

Форвард операциялари бўйича фойда ва зарарлар сўммасини баҳолаш учун 45405 ва 55306-ҳисобрақамларининг қолдиқлари олиниб, таҳлил қилинади.

Реализация қилинмаган фойда ва зарарлар сўммасини баҳолаш учун 16901 ва 22802-ҳисобрақамларининг қолдиқлари олиниб, таҳлил қилинади.

Таҳлил қилинган давр мобайнида зарарлар сўммаси камайиш тенденциясига, фойда сўммаси эса, ўсиш тенденциясига эга бўлиши лозим.

Реализация қилинмаган фойда ва зарарлар тўлов муддати келмаган муддатли валюта шартномаларини қайта баҳолаш натижасида юзага келади. Ҳар бир тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисобот топшираётганда муддати келмаган валюта шартномалари қийматини қайта баҳолашлари ва улар бўйича фойда ва зарарлар сўммасини аниқлашлари зарур.

Муддати келмаган валюта шартномаларининг қийматининг қайта баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг молиявий ҳисобот тузилаётган кундаги биржа курси бўйича амалга оширилади. Бунга қадар барча хорижий валюталардаги шартномаларнинг сўммаси АҚШ долларига

айлантирилади. Ундан кейин шартномаларнинг доллардаги қиймати Марказий банкнинг биржа курси бўйича сўмга айлантирилади. Тижорат банки ходимлари томонидан Марказий банкка молиявий ҳисобот топширилаётган пайтда уларнинг позицион ҳисобрақамида, яъни 17101-ҳисобрақамида қолдиқ бўлмаслиги лозим.

Муддатли валюта операцияларининг иккинчи шакли валюта опционлари билан амалга ошириладиган операциялар ҳисобланади. Ушбу операцияларни амалга оширишда асосий эътибор бухгалтерия ўтказмаларини тўғри расмийлаштирилганлигига, операцияларнинг даромадлилигига ва мазкур операциялардан кўрилган зарарларни баҳолашга қаратилади. Халқаро банк амалиётида тижорат банклари томонидан берилган кол опционлар алоҳида, пут опционлар алоҳида баҳоланади.

Кол опционлар маълум миқдордаги валютани белгиланган курс бўйича келгусида сотиб олиш ҳуқуқини беради. Пут опционлар эса, маълум миқдордаги валютани белгиланган курс бўйича келгусида сотиш ҳуқуқини беради.

Валюта опционлари валюта форвард операцияларидан фарқли равишда ўз эгасига мажбурийат юкламайди, балки фақат ҳуқуқ беради. Шунинг учун ҳам валюта опционлари валюта рискдан 100% ҳимояланиш имконини берадиган ягона молиявий инструмент ҳисобланади.

Валюта опционларининг икки стандарти мавжуд бўлиб, уларни банк аудити жараёнида ҳисобга олиш шарт ҳисобланади. Чунки бу стандартлар риск даражасига кўра бир-биридан кескин фарқланади.

Валюта опционларининг биринчи стандарти европа стандарти деб аталади ва бу опционлар ўз эгасига фақат шартнома муддати тугагандан сўнг опциондан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Валюта опционларининг иккинчи стандарти эса, америка стандарти дейилади ва мазкур опционлар ўз эгасига опцион шартномаси муддатининг исталган вақтида опциондан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Демак, валюта опционларининг америка стандартида риск даражаси европа стандартига нисбатан юқори ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида валюталарни сотиб олиш мақсадида берилган опционлар 92728-«Опцион битими бўйича сотиб олиш» ҳисобрақамининг дебитида ва 96379-«Опцион бўйича сотиб олиш контр ҳисобврағи»нинг кредитида ҳисобга олинади.

Тижорат банкларининг валюта опционларидан оладиган даромадлари 45404-ҳисобрақамининг кредитида, опционлардан қўрилган зарарлар эса, 55306-ҳисобрақамининг дебитида ҳисобга олинади.

Муддатли валюта операцияларининг учинчи шакли валюта фьючерслари билан амалга ошириладиган валюта операциялари ҳисобланади.

Валюта фьючерслари валюталарни сотиб олиш ёки сотиш тўғрисидаги шартнома бўлиб, улар бўйича ҳисоб-китоблар фақат клиринг палаталари орқали амалга оширилади. Клиринг палаталари тижорат банкларидан аванс тўловлари ўтказишни талаб қилади. Аванс тўловлари фьючерслар юзасидан амалга ошириладиган ҳисоб-китобларнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсаидда ўтказилади. Валюта фьючерслари валюта опционларидан фарқли равишда иштирок этувчи томонларга мажбурият юклайди. Валюта опционларининг эгаларида эса, ҳуқуқ бор, аммо мажбурият мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддасига мувофиқ, чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар (валюта деривативлари) чет эл валютаси олди-сотдиси бўйича шартномалар бўлиб, уларда белгиланган мажбуриятлар муайян муддат ўтгач ёки чет эл валютасининг қийматига ёхуд унинг курси ўзгаришига боғлиқ равишда бажарилиши мумкин.

Чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар бўйича операциялар:

-ваколатли банклар томонидан ўзаро ёки чет эл банклари иблан чекловларсиз, очиқ валюта мавқеи лимити доирасида;

-агар шартнома тузиш жорий халқаро операцияларни ўтказиш билан боғлиқ бўлса, банкларнинг миждозлари томонидан ваколатли банклар орқали амалга оширилади.

Республикамизнинг тижорат банкларида, шу жумладан, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг фаолиятида валюта опционлари ва фьючерслари билан амалга ошириладиган операциялар мавжуд эмас.

Агар форвард операциялари натижасида валюта тури бўйича қисқа валюта позицияси юзага келган бўлса, у ҳолда тижорат банкининг ходимлари ўша валютани сотиб олиш бўйича форвард шартномаси тузишлари зарур. Агар форвард операциялари натижасида валюта тури бўйича узун валюта позицияси юзага келган бўлса, у ҳолда тижорат банкининг ходимлари ўша валютани сотиш бўйича форвард шартномаси тузишлари зарур.

Агар тижорат банкида валюта опционлари бўйича қисқа позиция юзага келган бўлса, у ҳолда банк эмитент сифатида кол опционлар сўммасини кўпайтириши лозим. Агар тижорат банкида валюта опционлари бўйича узун позиция юзага келган бўлса, у ҳолда банк эмитент сифатида пут опционлар сўммасини кўпайтириши лозим.

Валюта фьючерслари бўйича юзага келган қисқа позицияларни ёпиш ёки қисқартириш мақсадида қисқа позиция юзага келган валюталарни сотиб олиш борасида фьючерс шартномалари тузиш мақсадга мувофиқдир. Агар тижорат банки фьючерс шартномалари бўйича маълум бир валютада узун позицияга эга бўлса, у ҳолда ушбу валютани сотиш хусусида фьючерс шартномасини тузиш талаб этилади.

Муддатли валюта операцияларининг ҳажми сезиларли даражада катта бўлганда уларнинг тижорат банкларининг очиқ валюта позициясига таъсири кучли бўлади.

4. Тижорат банкларининг ҳақиқатда амалга оширилмаган форвард операциялари ҳажмини аниқлаш.

Банк амалиётида мутлақо амалга оширилмаган ёки муддатида амалга оширилмаган форвард операцияларининг мавжудлиги табиий ҳолат ҳисобланади. Чунки форвард шартномасида иштирок этувчи томонлардан бири шартнома муддати тугаган пайтда тўловга ноқобил бўлиб қолиши мумкин. Бунга ёрқин мисол қилиб, Россия Федерациясида 1997 йилда юз берган молиявий инқирозни келтириш мумкин. Молиявий инқироз натижасида Россиянинг бир қатор тижорат банклари хорижий банklar олдидаги форвард шартномалари бўйича мажбуриятларини бажара олмадилар. Чунки инқироз натижасида кўплаб тижорат банкларида ликвидлилик муаммоси юзага келди ва бунинг оқибатида банklar балансининг ноликвидлиги юз берди.

Россия тижорат банklarининг ноликвидлиги натижасида хорижий банklar форвард шартномаси бўйича олиши лозим бўлган валюта маблағларини ололмай қолдилар. Россия рублининг курсини кескин пасайиши натижасида валюталарни сотиб олиш мақсадида тузилган форвард шартномалари бўйича хорижий банklarнинг балансида йирик миқдорда реализация қилинмаган фойда юзага келди ва бу сўммалар форвард шартномаларининг муддати тугаши билан зарарга айланди.

Россия рублининг курсини кескин пасайиши натижасида АҚШ доллари ва бошқа хорижий валюталарни сотиш юзасидан тузилган форвард шартномалари бўйича Россия банкларида йирик миқдорда зарар юзага келди. Муддати келмаган форвард валюта шартномалари бўйича эса, ужда йирик миқдорда реализация қилинмаган зарар юзага келди. Натижада, бир томондан муддатли валюта операцияларининг тижорат банklarининг очиқ валюта позициясига нисбатан салбий таъсири юзага келди; иккинчи томондан эса, тижорат банklarининг форвард операциялари билан боғлиқ ҳолатда молиявий ҳолатини ёмонлашиши юз берди.

Қайд этиш жоизки, деривативлар билан амалга ошириладиган спекулятив операциялар юқори рискли операциялар ҳисобланади ва улар тижорат банklarига катта миқдорда зарар келтириши мумкин. Бунга аниқ

мисол қилиб 1995 йил 25 февралда банкрот деб эълон қилинган Англиянинг “Бэрингс” банкини келтириш мумкин. Ҳолбуки, ушбу банк 233 йиллик тарихга эга эди.

Бэрингс банкнинг Сингапур филиали трейдери Ник Лисон банкнинг пассивидаги барча бўш турган пул маблағларини Сингапур фонд биржасига чиқиб, Япония корпорацияларининг фьючерс ва опционларини сотиб олишга йўналтирди. Орадан 3 кун ўтгандан сўнг Япониянинг Кобэ шаҳрида даҳшатли зилзила бўлди. Зилзила натижасида Япония корпорацияларининг фьючерс ва опционларининг баҳоси кескин пасайиб кетди. Натижада, Бэрингс банк 1,3 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар кўрди.

Бэрингс банкнинг Президенти дунёнинг энг бой одамларидан бири ҳисобланган Бруней султони билан дўст эди. У банкни қутқариб қолиш учун Бруней султонидан 1,0 млрд. доллар қарз сўради. Аммо султон таваккал қилишни ҳоҳламади. Охир-оқибат 233 йиллик тарихга эга бўлган Бэрингс банк банкрот бўлди.

Форвард, фьючерс ва опцион битимлари ҳамда валютавий своп муддатли валюта бозорининг инструментлари ҳисобланади.

4.3-жадвал

DeutscheBankнинг (Германия) форвард ва валютавий своп операциялари⁵⁸, млн. евро

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Форвард операциялари	28 931	32 780	40 277	38 965
Своп операциялари	14 525	10 766	0	0

4.3-жадвал маълумотларидан аниқ кўринадики, Deutsche Bankнинг форвард операциялари миқдори 2018-2020 йилларда ўсиш суръатларини намоён этган. Бу эса, ушбу таҳлил даврида германиялик экспортчи компаниялар томонидан форвард валюта битимларига бўлган талабнинг ошганлиги билан изоҳланади. Бироқ, банк форвард операцияларининг миқдори 2021 йилда 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган.

⁵⁸Жадвал муаллиф томонидан Deutsche Bank Annual Reports (www.db.com) маълумотлари асосида тузилган.

4.3-жадвал маълумотларидан аниқ кўринадики, Deutsche Bank томонидан 2020 ва 2021 йилларда валютавий своп операциялари амалга оширилмаган. Бу эса, биринчидан, валютавий своп операцияларининг тижорат банклари учун паст даромадли операция эканлиги билан, иккинчидан эса, миқдорлар томонидан валютавий своп битимларига нисбатан талабнинг мавжуд бўлмаганлиги билан изоҳланади.

4.5. Своп операцияси

Иқтисодий адабиётларда своп операцияларининг мазмуни хусусида мунозарали фикр ва мулоҳазалар мавжуд эмас. Своп операциялари деганда, одатда, маълум бир валютани спот шарти бўйича сотиш ва уни форвард шарти бўйича сотиб олиш тушунилади ёки валютани форвард шарти бўйича сотиш ва спот шарти бўйича сотиб олиш тушунилади.

Своп операциялари қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- валюта захираларини валюта risksдан ҳимоя қилиш;
- ликвидлилиқни бошқариш;
- очиқ валюта позициясини қисқартириш.

Шуниси характерлики, своп операциялари валюта захираларини валюта risksдан ишончли тарзда ҳимоя қилади, аммо юқори даромад келтирмайди. Чунки бу операцияларда доимо иккита бир-бирига қарама-қарши операция мавжуд бўлади.

Тижорат банкларининг своп операцияларини текширишда ва баҳолашда свопга хос бўлган ҳар иккала шартни тўғри амалга оширилганлигига эътибор берилади. Яъни валютани спот шарти бўйича сотилганлиги ва форвард шарти бўйича сотиб олинганлиги ёки валютани форвард шарти бўйича сотилганлиги ва спот шарти бўйича сотиб олинганлиги текширилади.

Своп операциялари республикамизнинг бир қатор тижорат банкларида, шу жумладан, ТИФ Миллий банкида, «Асака» банкида мавжуддир.

Своп операциялари бўйича тижорат банкларининг «Ностро» вакиллик ҳисобварақларидаги ортиқча валюта маблағларини жойлаштириш валюта

рискини бошқаришнинг самарали усули ҳисобланади. Ҳар қандай тижорат банки хорижий валютадаги ортиқча маблағларни своп операцияси бўйича жойлаштириш учун тўртта кетма-кетликдаги операцияни бажаради. Биз бу операцияларни аниқ бир мисол ёрдамида кўриб чиқамиз.

Мисол. Айтайлик, ТИФ Миллий банкининг АҚШ долларидаги Ностро вакиллик ҳисобварағининг минимал ишчи қолдиғи 2,0 млн долларни ташкил этади. АҚШнинг «CitiCorp» банки ТИФ Миллий банкининг муддатли депозитлари бўйича 100 минг доллар миқдорида фоиз тўлади. Бизга маълумки, депозитлар учун тўланган фоизлар тижорат банки «Ностро» вакиллик ҳисобрақамининг дебетида акс эттирилади. Демак, ТИФ Миллий банкининг АҚШнинг «CitiCorp» банкидаги «Ностро» вакиллик ҳисобрақамининг минимал ишчи қолдиғи 100 минг долларга кўпайди ва 2,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Ана шу 100 минг доллар миқдоридаги банк вакиллик ҳисобрақамининг ортиқча қолдиғини своп бўйича жойлаштириш учун қуйидаги тўрт операцияни бажарамиз:

1. ТИФ Миллий банкининг ходимлари 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағни етакчи, валюта курси барқарор бўлган валюталардан бирига спот шарти бўйича сотади. Айтайлик, банк бу операцияни 2012 йилнинг 10 май куни амалга оширди. Яъни, 100 минг доллар спот шарти бўйича Швейцария франкига сотилди. Спот курс: 1 доллар = 1,4790 франк. Натижада ТИФ Миллий банки 12 май куни 147900 швейцар франки миқдоридаги тушумга эга бўлади. Мазкур операциядан кейин ТИФ Миллий банкининг АҚШнинг «CitiCorp» банкидаги «Ностро» вакиллик рақами 100 минг долларга кредитланади, унинг доллардаги позицион ҳисобрақами ана шу сўммага дебетланади.

2. ТИФ Миллий банки 147900 франк миқдоридаги тушумни Швейцариянинг «Kredit Swiss» банкига муддатли депозит сифатида жойлаштиради. Муддатли депозитнинг муддатини 3 ой деб оладиган бўлсак, бу муддат 12 августда тугайди.

3. ТИФ Миллий банки хорижий банк билан 100 минг АҚШ доллари сотиб олиш учун 3 ойлик форвард шартномасини тузади. Форвард шартномасининг муддати 2005 йилнинг 12 августида тугайди. Муддатли депозит шартномаси билан форвард шартномасининг муддати мос келиши лозим.

4. ТИФ Миллий банки 2012 йилнинг 12 августида Швейцария франкидаги муддатли депозитни ҳисобланган фоизлари билан биргаликда қайтариб олади ва бу сўмма ҳисобидан 100 АҚШ долларини форвард курси бўйича сотиб олади.

Валюта операцияларини таҳлил қилиш жараёнида тижорат банкларининг валюта маблағларини своп бўйича жойлаштириш операцияларини тўғри амалга оширилганлиги текшириш, муддатли валюта операцияларининг банкнинг очиқ валюта позициясига таъсирини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, таҳлил жараёнида тижорат банки валюта позициясининг умумий миқдорини қанча қисмини муддатли валюта операциялари ҳисобига шаклланганлигини аниқлаб олиш лозим. Ундан кейин эса, ҳар бир валютадаги очиқ валюта позицияларининг муддатли валюта операциялари ҳисобига шаклланганлиги аниқлаймиз.

Своп операциялари 6 ойдан 15 йилгача муддатга амалга оширилади.

Аммо 1 йилдан 4 йилгача муддатга амалга ошириладиган своп операциялари кенг қўлланилади.

Агар своп операцияси битта банк билан амалга оширилса, бу соф своп (pure swap) деб аталади.

Своп бозори 1981 йилда пайдо бўлди. Унга қадар своп бозори мавжуд эмас эди.

Своп бозори биржадан ташқари бозор бўлиб, давлат томонидан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг валютавий своп операциялари “Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий

своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширилади.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 28 июндаги 15/1-сонли қарори билан тасдиқланган.

Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 24 июлда 1839-сон билан рўйхатга олинган ва 2011 йил 3 июнда 1839-1-сон билан қўшимча киритилган.

Низомга мувофиқ:

- Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга оширишда чет эл валютаси сифатида АҚШ доллари, евро, Англия фунт стерлинги, Швейцария франки ва Япония иенасидан фойдаланилади;

- валютавий своп операцияси сўм ва чет эл валютаси билан, шунингдек, икки чет эл валютаси билан амалга оширилади;

- Марказий банк билан ваколатли банклар ўртасидаги, шунингдек, ваколатли банкларнинг ўзаро валютавий своп операциялари Савдо тизимида тузилади ва бажарилади

- ваколатли банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги валютавий своп операциялари бевосита банкларда амалга оширилади.

4.6. Валюта rischi ва уни бошқариш усуллари

Валюта rischi деганда, валюталарнинг алмашув курсларининг ўзгариши натижасида зарар кўриш хавфи тушунилади.

Валюта riskининг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Алмашув курсининг ўзгариш rischi — алмашув курсининг кутилмаганда ўзгариши натижасида хорижий валютага қилинган қуйилмалар қийматининг пасайиш хавфи.

2. Конвертирлаш rischi — валюта-алмашув операцияларини амалга оширишга нисбатан чекловлар ўрнатиш билан боғлиқ бўлган риск.

3. Иқтисодий риск - келажакда валюта айирбошлаш курсларининг ўзгариши натижасида хорижий валютадаги активлар ва мажбуриятларнинг миллий валютадаги қийматининг ўзгариши натижасида зарар кўриш хавфи.

4. Конверсион риск – аниқ операциялар бўйича валютавий йўқотишлар хавфи.

Конверсион рискларга қуйидагилар киради:

- очиқ валюта позициялари rischi;
- ўтказмалар rischi;
- транзакция rischi.

Очиқ валюта позициялари rischi банкнинг хорижий валютадаги талаблари ва мажбуриятларининг миқдорлари ўртасида номувофиқлик юзага келганда пайдо бўлади.

Ўтказмалар rischi – компаниялар ва банкларнинг хорижий валютадаги активлари ва пасивларининг қийматини валюталар курсининг ўзгариши натижасида апсайиши хавфидир.

Транзакция rischi – бу валюта курсининг ўзгаришини тўловларнинг келгусидаги оқимига таъсири натижасида зарар кўриш хавфидир.

5. Трансляцион риск – бу компания ёки банкнинг хорижий валютадаги активлари ва пасивларини қайта баҳолаш натижасида зарар кўриш хавфидир.

XX асрнинг 70-йилларига қадар жаҳон амалиётида валюта rischi муаммоси мавжуд бўлмаган. Чунки, Бреттон-Вудс жаҳон валюта тизимида (1944 й.) қатъий белгиланган курслар тизими жорий қилинган эди ва бунда валюталарнинг курсларини валюта паритетидан тебраниш чегараси белгилаб қўйилган эди.

Ямайка жаҳон валюта тизимида (1976-1978 йй.) қатъий белгиланган курслар тизимининг бекор қилиниши ва етакчи валюталарнинг барчасини эркин сузиш режимига ўтиши халқаро валюта муносабатларида валюта rischi муаммосининг юзага келишига ва чуқурлашишига сабаб бўлди.

Валюта rischi даражасига бир нечта омиллар таъсир кўрсатади. Мазкур омилларни иқтисодий ва сиёсий омилларга ажратиш мумкин.

Иқтисодий омилларга мамлакатда ва халқаро миқёсда иқтисодий конъюнктуранинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган омиллар (жаҳон иқтисодий ва валюта инқирозларининг юз бериши, мамлакатнинг ташқи қарзининг ошиб кетиши, инфляциянинг кучайиши ва ҳ.к.) киради. Сиёсий омилларга эса, урушлар, мамлакатда сиёсий вазиятнинг ёмонлашиши каби омиллар киради.

Валюта rischi халқаро валюта муносабатларида иштирок этувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятига, молиявий барқарорлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтириши мумкин. Бунинг сабаби шундаки, валюталарнинг алмашув курсларининг ўзгариши натижасида олинаётган валюта тушумларининг қиймати пасаяди, компаниялар ва банкларнинг балансида йирик миқдорда зарарлар юзага келади. Шу сабабли, компаниялар ва банклар валюта riskидан ҳимояланиш мақсадида турли – туман молиявий инструментлардан ва усуллардан фойдаланишади. Хусусан, форвард битимлари, валюта опционлари ва фьючерслари, валюта захираларини диверсификация қилиш, очиқ валюта позицияси ҳаажмини чеклаш каби инструментлар ва усуллар валюта riskини бошқаришда кенг қўлланилади.

Тижорат банкларининг фаолиятидаги валюта rischi муаммосининг чуқурлашишига йўл қўймаслик мақсадида Марказий банклар томонидан уларнинг очиқ валюта позицияларига нисбатан лимитлар белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг очиқ валюта позицияларига нисбатан қуйидаги чекловлар белгиланган:

1. Тижорат банкининг битта валютадаги очиқ валюта позициясининг миқдори унинг регулятив капиталининг 10 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

2. Тижорат банкининг барча валюталардаги якуний очик валюта позициясининг миқдори унинг регулятив капиталининг 20 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Россия Федерациясида ҳам тижорат банкларининг очик валюта позицияларига нисбатан Марказий банк томонидан белгиланган лимит меъёри мос равишда 10% ва 20% қилиб белгиланган⁵⁹.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги валюта рискин бошқаришда “валюта захираларини диверсификация қилиш” усулидан кенг фойдаланилади.

Валюта захираларини диверсификация қилишнинг икки хил талқини мавжуд.

Биринчи талқинда валюта захираларини диверсификация қилиш деганда, бир вақтнинг ўзида бир нечта валюталарда захиралар ташкил қилиш тушунилади.

Иккинчи талқинга кўра, валюта захираларини диверсификация қилиш деганда, нобарқарон валюталарни сотиб, уларнинг ўрнига барқарор валюталарни сотиб олиш йўли билан валюта захираларининг таркибини янгилаш тушунилади.

Шунингдек, валюта рискин бошқаришда форвард валюта шартномаларидан, валюта опционлари ва фьючерсларидан кенг фойдаланилади.

ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР

Вакиллик муносабатлари; Ностро; Востро; спот; форвард; фьючерс; опцион; своп; аутрайт; реализация қилинмаган фойда; реализация қилинмаган зарар; миллий валюта бозори; минтақавий валюта бозори; жаҳон валюта бозори; валюта рисқи; валюта позицияси.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

⁵⁹Банковский менеджмент. Учебник. Под ред. проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2011.- С. 439.

1. Валюта бозори нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
2. Валюта бозорининг қандай сегментлари мавжуд.
3. Миллий валюта бозорида миллий валютанинг номинал алмашув курси қандай шаклланади?
4. Спот операцияси қай тартибда амалга оширилади?
5. Спот курс қандай аниқланади?
6. Форвард операцияси қай тартибда амалга оширилади?
7. Форвард курси қандай аниқланади?
8. Своп операциясининг мазмуни нимадан иборат?
9. Тижорат банкининг валюта операцияси қайси мезонлар асосида туркумланади?
10. Банклараро вакиллик муносабатлари қандай ўрнатилади?
11. Валюта рискининг даражаси қандай аниқланади?
12. Банкларнинг очиқ валюта позицияси қандай тартибга солинади?

МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Миллий валюта бозорининг амал қилиш механизми.
2. Минтақавий валюта бозорининг амал қилиш механизми.
3. Жаҳон валюта бозорининг амал қилиш механизми.
4. Спот операцияларини амалга ошириш тартиби.
5. Форвард операцияларини амалга ошириш тартиби.
6. Своп операцияларини амалга ошириш тартиби.
7. Тижорат банкларининг очиқ валюта позицияси ва уни тартибга солиш.
8. Валюта rischi ва унинг турлари.
9. Тижорат банкларининг очиқ валюта позицияси.

V-БОБ. ВАЛЮТА СИЁСАТИ

5.1. Валюта сиёсати тушунчасининг мазмуни

Валюта сиёсати – бу валюта муносабатларини ташкил қилиш ва тартибга солиш билан боғлиқ бўлган муносабатларнинг йиғиндисидир.

Валюта сиёсатининг икки шакли мавжуд:

1. Дисконт сиёсати

2. Девиз сиёсати

Дисконт сиёсати – бу Марказий банкнинг дисконт ставкасини ўзгартириш орқали миллий валютанинг номинал алмашув курсига ва тўлов балансига таъсир этиш сиёсатидир.

Марказий банкнинг дисконт ставкаси – бу Марказий банк томонидан тижорат банкларига ва ҳукуматга бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасидир.

Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ссуда капиталлари бозоридаги депозитлар ва кредитларнинг бозор ставкаларига таъсир этувчи монетар индикаторлардан бири бўлганлиги сабабли, унинг маълум даврий оралиқларда ўзгартирилмасдан сақлаб турилиши банк кредитлари фоиз ставкаларининг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Тижорат банклари кредитлари фоиз ставкаларининг барқарорлигини таъминлаш иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади, корхоналарнинг кредит тўловлари миқдори ошиб кетишининг олдини олади, қайта молиялаш сиёсатининг макроиқтисодий барқарорликка таъсирини аниқ баҳолаш имконини оширади.

Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг барқарорлиги борасида Япония Марказий банкининг тажрибаси муҳим амалий аҳамият касб этади. 2006 йилнинг ноябр ойида Япония Марказий банкининг ҳисоб ставкаси сўнгги беш йил ичида биринчи марта ўзгарди⁶⁰.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик амалиётида миллий валютада эмиссия қилинган тратталар муомаласининг мавжуд эмаслиги мамлакатимиз

⁶⁰ [http // lenta. Ru/news/2007/02/21/japan/](http://lenta.ru/news/2007/02/21/japan/)

Марказий банки дисконт сиёсатини шакллантириш имконини бермайди. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг муомаладаги пул массасига таъсир этиш даражаси ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдаги аҳамиятини пасайтиради.

Девиз сиёсатининг шакллари:

1. Валюта захираларини диверсификация қилиш
2. Девальвация
3. Ревальвация
4. Валютавий чеклашлар

Валюта захираларини диверсификация қилиш –бир вақтнинг ўзида бир нечта хорижий валюталарда захиралар ташкил қилиш тушунилади.

Девальвация – бу миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан қадрсизланишидир.

Ревальвация - бу миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан қадрининг ошишидир.

Валютавий чеклашлар – бу жорий валюта операциялари ва капиталларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган операцияларга нисбатан чекловларнинг жорий қилинишидир.

Мавжуд расмий маълумотлар таҳлиliga кўра, Ўзбекистонда 2007-2012 йилларда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курсининг девальвацияланиш даражаси ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2012 йилга келиб сўмнинг девальвацияланиш суръати 2007 йилга нисбатан 6,4 фоизга ошган. Бироқ, девальвация суръатлари жадаллашган бўлса-да, инфляция кескин тус олмаган. Айни пайтда, Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати инфляциянинг белгиланган мақсадли мўлжали доирасида бўлишини таъминлашга қаратилган.

Шу билан бирга алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим масалалардан бири шундаки, молиявий барқарорлик шароитида миллий валюта алмашув курсини сунъий равишда юқори ушлаб туриш орқали унинг асосий савдо ҳамкор давлатлари валюталарига нисбатан реал алмашув

курсининг ошиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Зеро, бу мамлакат ичида халқаро валюта захираларининг камайишига ҳамда экспорт товарлар рақобатбардошлиги тушиб кетишига олиб келади.

Миллий валюта қадри ошиб, ревальвация бўлиши кутилаётган бўлса-да, мамлакат иқтисодий сиёсати талабларидан келиб чиққан ҳолда бу курс мамлакат иқтисодиёти учун керак бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда Марказий банк валюта интервенцияси орқали мамлакат иқтисоди учун зарур бўлган алмашув курсини таъминлаши мумкин. Масалан, Японияда миллий валюта қадри ошишига йўл қўйилмайди. Чунки, иена қадри ошса, мамлакат экспортёрларининг жаҳон бозоридаги нарх бўйича рақобатдошлиги пасаяди, бу эса, ўз навбатида, мамлакат экспортининг камайишига ва охир-оқибатда валюта тушумининг озайишига, қолаверса, ташқи савдо балансининг салбий томонга ўзгаришига олиб келиши мумкин. Шу боис ҳам Япония ҳукумати экспортга йўналтирилган курс сиёсатини юритган ҳолда иенанинг ревальвация бўлишига йўл қўймайди, ваҳоланки, иенанинг ревальвация бўлишига барча имкониятлар мавжуд.

Миллий валюта курсининг истеъмол товарларининг баҳосига нисбатан юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирига барҳам бериш марказий банкларнинг валюта сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди. Бунинг боиси шундаки, инфляция ва валюта курси ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд. Одатда, миллий валюта курсининг пасайиши келгусида инфляциянинг ўсишига олиб келади. Инфляцион тазйиқ фоиз ставкаларининг ўсиши билан сусайиши мумкин, аммо фоиз ставкаларининг ошиши инвестицион ва истеъмолчи талабининг пасайишига олиб келиши мумкин. Агар миллий валютанинг қадрсизланиши хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция портфелининг ўзгариши натижаси бўлса, у ҳолда, бундай қадрсизланиш юқори даражадаги инфляцияни юзага келтириши мумкин. Бундай шароитда фоиз ставкаларининг ўсишини таъминлаш инфляцияни жиловлашнинг оқилона йўли ҳисобланади. Агар миллий валютанинг қадрсизланиши ташқи савдо шартларининг ўзгариши оқибати бўлса, у ҳолда фоиз ставкалари

пасайтирилиши лозим. Чунки бундай шароитда соф экспорт ва умумий талаб қисқаради.

Шуниси характерлики, миллий валютанинг қадрсизланиши умумий талабнинг қисқаришига олиб келган шароитда Марказий банк томонидан рестрикцион пул-кредит сиёсатининг қўлланилиши миллий иқтисодиётнинг ривожига салбий таъсир кўрсатади, ЯИМнинг ўсиш суръати секинлашади.

5.2. Ҳукуматнинг валюта сиёсати

Ҳукумат ўзининг валюта сиёсати доирасида миллий валюта бозорини ривожлантириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, валюта назорати тизимини такомиллаштириш мақсадларини кўзда тутди.

Ўзбекистонда муддатли валюта шартномалари бозорини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 263-сонли «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим рол ўйнади. Мазкур қарорга кўра, биржадан ташқари валюта бозорини барқарор ривожлантириш учун эркин муомаладаги валютада Бирлашган барқарорлаштириш жамғармаси ташкил этилди. Тижорат банкларининг жалб этиладиган бўш валюта маблағларини Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасига йўналтиришда олинadиган маржа суммаси ваколатли банклар даромадларининг солиқ солинадиган базасидан чиқариб ташланадиган бўлди.

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 12 июлдаги 247-сонли «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Мазкур қарорга мувофиқ, 2002 йил 16 июлдан бошлаб импорт истеъмол товарлари ва хизматларни (шу жумладан транспорт ва алоқа) сотишдан олинган сўмдаги тушумни конвертация қилиш тижорат банклари

томонидан, эркин курс бўйича хорижий валютага талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган бўлди. Бундан ташқари, истеъмол товарлари ва хизматларни импорт қилиш юзасидан мазкур қарор чиқишидан олдин тузилган ва ваколатли банклар томонидан ҳисобга қўйилган контрактларни бажаришни ҳам тижорат банклари томонидан, эркин курс бўйича хорижий валютага талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, амалга оширишнинг лозимлиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистонда 2003 йилнинг 15 октябридан бошлаб жорий валюта операциялари бўйича чекловлар бекор қилинди. Чунки, 2003 йил 8 октябрда Ўзбекистон ҳукумати Халқаро валюта фонди низомининг VIII-моддаси бўйича мажбуриятларни қабул қилди.

Халқаро валюта тизими эволюцияси жараёнида, вақт ўтиши билан «конвертация қилиниши» тушунчаси ҳам ўзгариб борди. Ҳозирги вақтда, валютага эгалик қилаётган ҳар қандай шахс уни бозордаги - қатъий белгиланган, ёки сузиб юрувчи курс бўйича уни халқаро захира валюталаридан бири (АҚШ доллари, Евро ва ш.к.)га конвертация қилиш ҳуқуқига эга бўлишига - валютанинг «тўлиқ конвертирланиши» дейилади.

Умуман, конвертацияни жорий этилиши хорижий валютани маъмурий усул билан тақсимлашни камайтиради деб ҳисобланади. Миллий валютанинг конвертация қилиниши эса мамлакат иқтисодиёти очиқлиги ва иқтисодий эркинлик рамзларидан бўлиб, у оғир вазифаларни ҳал этилиши билан боғлиқ бўлган ислохотлар дастурини жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланишида муҳим ўрин тутиши мумкин.

Валюталарнинг конвертирланишига доир чекловлар одатда, ташқи савдо чекловлари ва капиталлар ҳаракатига оид чекловлар, бир-биридан алоҳида тарзда ўрганилган эди. Бу ҳол, ушбу чекловларнинг икки шакли бир-биридан мустақил равишда ва турли хил сабабларга кўра жорий этилиши билан боғлиқ ҳам бўлиши мумкин.

Одатда, валюта чекловлари, кўпчилик мамлакатларда ташқи ҳисоб-китобларга доир операцияларнинг кенг доирасини ўз ичига олади ва улар

катъий равишда олиб борилади. Бу ҳол, валюта ресурслари етишмовчилиги ва уларни ишлатишни ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат йўналишига мувофиқ ҳолда тартибга солиш зарурияти билан боғлиқдир. 80-йиллар бошида ХВФга аъзо - 113 та мамлакатдан 95 тасида тўлов баланси жорий операциялари, 91 та мамлакатда эса - капиталлар ҳаракати билан боғлиқ операциялар бўйича валюта чекловлари мавжуд эди.

Валюта чекловлари шакллари турли хил шаклда бўлиши мумкин. Одатда, ташқи савдода маҳсулот экспорт қилувчиларга валюта тушумининг барчаси ёки унинг бир қисмини Марказий банк ёки ваколатли банкларга расмий курс бўйича топшириш талаби кенг қўлланилади.

Валюта чекловлари қуйидагиларни назарда тутати:

- ◆ чет элга тўловларни ўтказилиши, капитални олиб чиқиб кетилиши, фойдани, олтинни, пул белгилари ва қимматли қоғозларни репатриация қилинишини тартибга солиш;

- ◆ давлатга мажбурий тарзда хорижий валютани топширилиши (расмий курс бўйича миллий валютага айирбошлаш эвазига).

Қуйидагилар амалиётда қўлланилади:

- ◆ импорт қилувчиларга хорижий валютани сотилишини лицензиялаш;
- ◆ валюта қимматликларини давлат идораларининг махсус рухсатномасисиз олиб кирилиши ва олиб чиқиб кетилишини ман этилиши;

- ◆ жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги маблағларга эгалик қилиши ва тасарруф этишини чеклаш;

- ◆ чет элга шахсий даромадини ўтказишни тартибга солиш;
- ◆ суғурта ва бошқа тўловларни амалга ошириш;
- ◆ чет элга чиқишда миллий валютани хорижий валютага алмаштирилишини лимитлаш.

Ички айирбошланиш деганда резидентларнинг мамлакат ичкарасида хорижий валютадаги муайян активлар (масалан, банк депозитлари)ни сақлаш ва тегишли тарзда миллий валютани мамлакат ичкарасида конвертация қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлган аҳвол тушунилади. Аммо, мамлакат

ичкарисида валютага эга бўлиш ва уни айирбошлаш бўйича ушбу ҳуқуқ мамлакат ичкарисида валюта тўловларини амалга оширилишига рухсат берилиши, шунингдек, чет элга тўловларни ўтказилиши ёки хорижда жойлаштирилган активларга эгалик қилишни назарда тутмайди.

5.3. Марказий банкнинг валюта сиёсати

1991 йилда Ўзбекистон сиёсий мустақилликка эришди, аммо иқтисодий мустақилликка эриша олмади. Чунки, миллий валютани муомалага кирита олмадик. Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, мамлакат Президенти И.А. Каримов қатъий туриб, Ўзбекистон рубль ҳудудида қолади, деган фикрни айтдилар. Ушбу ҳулосанинг нақадар асосли ва тўғри эканлигини вақт кўрсатди. Яъни, Ўзбекистон рубль ҳудида қолиш натижасида тўлов балансининг ҳолатини кескин ёмонлашишига йўл қўймади. Бунинг сабаби шундаки, мамлакатимиз ташқи савдо айланмасининг 60 фоизга қисми Россия Федерациясининг ҳиссасига тўғри келар эди. Валюта тақчиллиги мавжуд шароитда, фақат рубль ҳудудида қолибгина Россиядан қилинаётган импортни рублда тўлаш мумкин эди. Иккинчидан, республикамизда миллий валютани муомалага киритиш ва пул муомаласини тартибга солиш борасида ҳеч қандай тажриба мавжуд эмас эди. Собиқ Иттифоқ ҳудудида ушбу вазифани Иттифоқ Давлат банки амалга оширар эди. Иттифоқдош Республикаларнинг бу борада ҳеч қандай ваколати мавжуд эмас эди. Бунинг устига, 1991 йилда республикамизда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган икки поғонали банк тизими мавжуд эмас эди.

1994 йилнинг июлида миллий валюта-сўмни муомалага киритилиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тўлақонли валюта сиёсатини амалга ошириш имконини берди.

Марказий банкнинг валюта сиёсати доирасида амалга ошириладиган валюта операцияларининг уч асосий тури халқаро банк амалиётида кенг қўлланилмоқда. Улар қуйидаги операциялардан иборатдир:

1. Валюта интервенциясини амалга ошириш мақсадида ўтказиладиган операциялар.

Валюта интервенцияси доирасида амалга ошириладиган валюта операциялари хорижий валютани миллий валютага сотиб олиш ва сотиш операцияларидан иборатдир. Республикамизда интервенция воситаси сифатида ишлатилаётган базавий валюта АҚШ доллари бўлганлиги сабабли, шу мақсадда амалга оширилаётган операциялар АҚШ долларини сотиб олиш ва сотиш операцияларидан иборатдир.

Одатда, марказий банклар валюта интервенцияси самарадорлигини таъминлаш мақсадида интервенция фондидан сотилган хорижий валютадаги маблағларнинг миқдорини ва интервенция ҳисоббарқамининг қолдиғини сир тутадилар. Бунинг сабаби шундаки, валюта интервенцияси самарадорлиги деганда унинг воситасида миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан алмашув курсининг фавқулодда ва кескин тебранишига барҳам бериш ҳисобланади. Агар хўжалик юритувчи субъектлар Марказий банк томонидан хорижий валютани сотиш ҳажмининг ўсиб бориши шароитида миллий валютанинг қадрсизланиши давом этаётганлигини сезиб қолсалар, бу ҳолат валюта бозорида психологик ваҳима ҳолатини юзага келтиради ва бунинг натижасида хорижий валютага бўлган талаб кескин ортиши мумкин. Бунга халқаро амалиётдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, 1992 йилнинг сентябр ойида Ғарбий Европадаги валюта бозорларида юз берган инқироз натижасида Буюк Британия фунт стерлинги ва Италия лираси номинал алмашув курсининг кескин пасайиб кетиши натижасида улар Европа валюта тизимидан (ЕВТ) чиқиб кетди. Бунинг сабаби шундаки, Англия ва Италия марказий банклари ўз миллий валюталари курсларининг фавқулодда тебранишига валюта интервенцияси орқали барҳам беришнинг уйдасидан чиқа олмадилар. Масалан, Англия Марказий банки валюта интервенцияси доирасида АҚШ долларини сотиш ҳажмини ошириши билан Лондон валюта бозори иштирокчилари томонидан АҚШ долларини сотиб олиш ҳажми ҳам ошиб борди. Бунинг оқибатида валюта интервенцияси

самара бермади. Чунки бозорда психологик ваҳима кучли эди. Бу эса, бозорда АҚШ доллариға нисбатан кучли талабни юзага келтирди.

Валюта интервенциясини амалга оширишнинг муҳим зарурий шартларидан бири Марказий банкнинг етарли даражада олтин-валюта захираларига эга бўлиши ҳисобланади. Бу ерда етарли даражада дейилганда Марказий банк олтин-валюта захираларининг миллий валютанинг фавқулудда кескин тебранишига барҳам беришга етадиган даражадаги миқдори назарда тутилмоқда. Ушбу зарурий шартни бажариш имконияти ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида мавжуд. 2022 йил якунлари бўйича, Ўзбекистон Республикасида давлатнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 34,6 фоизни ташкил этгани ҳолда, ташқи савдо айланмасининг салбий сальдоси 11035 млн. АҚШ долларини ташкил этди⁶¹.

Валюта интервенциясини амалга оширишнинг иккинчи шarti бўлиб, Марказий банкнинг миллий валюта алмашув курсини хорижий валютага нисбатан маълум нисбатда сақлаб туриш мажбуриятининг мавжудлиги ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, миллий валюта белгиланган курс режими ёки бошқариладиган сузиш режимига эга бўлиши лозим. Лекин шундай парадоксал ҳолат ҳам мавжудки, унга кўра, Марказий банк етарли олтин-валюта захираларига эга бўлмаса, у ҳолда, унинг эркин сузиш режимига ўтишдан бошқа иложи қолмайди.

2. Ҳукуматнинг ташқи қарзини тўлаш бўйича Марказий банк томонидан амалга ошириладиган валюта операциялари.

Маълумки, ривожланган саноат мамлакатларида, хусусан, АҚШ, ГФР, Францияда ҳукумат хорижий валюталарда захираларга эга эмас, чунки бу мамлакатларда давлатга тегишли барча олтин-валюта захиралари Марказий банкнинг балансига қонуний асосда ўтказилган. Бундай шароитда ҳукуматнинг ташқи қарзи Марказий банкнинг балансидаги олтин-валюта захиралари ҳисобидан тўланади. Тўлов амалга оширилгандан сўнг, Марказий

⁶¹ www.cbu.uz ва www.stat.uz сайтларининг маълумотлари

банк, хорижий валютада тўланган маблағнинг миллий валютадаги эквивалентини ҳукуматнинг жорий ҳисобрақамидан чегириб олади. Ҳукуматнинг ташқи қарзига хизмат кўрсатишнинг мазкур шакли ҳукуматнинг ташқи қарз ботқоғига ботиб қолишдан сақлайди. Чунки Марказий банк ҳукуматнинг тўланиши лозим бўлган ташқи қарзининг миллий валютадаги эквиваленти мавжуд бўлмаган шароитда тўлов топшириқномасини қабул қилмайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳукуматнинг ташқи қарзига хизмат кўрсатишнинг мазкур тартибидан фойдаланишда Марказий банкнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақиллигининг таъминланганлиги муҳим рол ўйнайди. Чунки Марказий банкнинг мустақиллиги тўлиқ таъминланган шароитдагина унинг Президенти ҳукуматнинг ташқи қарзини қонуний тўланишини талаб қила олади. Акс ҳолда, Ҳукумат Марказий банкни ташқи қарзни тўлашга мажбур қилади. Бундай шароитда ҳукумат Марказий банк кредитларидан ташқи қарзни тўлашда манба сифатида фойдаланиши мумкин.

3. Марказий банкнинг балансидаги олтин-валюта захираларини бошқариш операциялари.

Халқаро банк амалиёти тажрибаларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда, Марказий банк ўзининг балансидаги олтин - валюта захираларини бошқаришда асосан қуйидаги усуллардан фойдаланади:

- валюта захираларини диверсификация қилиш усули;
- валютавий своп операцияларидан фойдаланиш;
- Голд своп операцияларидан фойдаланиш;
- очиқ валюта позицияларини қисқартириш.

Валюта захираларини диверсификация қилиш деганда тарихан бир вақтнинг ўзида бир нечта етакчи ва барқарор валюталарда захиралар ташкил қилиш тушунилади. Шунингдек, валюта захираларининг таркибини нобарқарор валюталарни сотиш ва уларнинг ўрнига барқарор валюталарни сотиб олиш йўли билан янгилаш операциялари ҳам валюта захираларини диверсификация қилиш дейилади. Фикримизча, бу эътироф мантиқан

асослидир. Чунки валюта захираларининг таркибини олди-сотди операциялари орқали янгилаш валюта захираларининг диверсификация даражасини оширади ва валюта захираларининг рискка учраш хавфини пасайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий босқичида миллий валюта бозорида олди-сотди объекти вазифасини АҚШ доллари бажараётганлиги, хўжалик юритувчи субъектлар хорижий валютадаги захираларининг 90 фоиздан ортиқ қисмини АҚШ долларида шаклланганлиги, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан чет эл валютасида берилган кредитларнинг 70 фоиздан ортиқ қисмини АҚШ долларида берилганлиги⁶² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хорижий валюталардаги захираларининг диверсификация даражасини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валютавий своп ва Голд своп операциялари орқали миллий валюта бозоридаги хорижий валюталар таклифига реал тарзда таъсир этиши мумкин. Чунки, биринчидан, Ўзбекистон олтин қазиб чиқарувчи ва сотувчи 10 етакчи давлатдан бири ҳисобланади, бу эса Марказий банк активларининг сезиларли қисмини олтинда шакллантириш имконини беради; иккинчидан, Марказий банк своп операцияларини амалга ошириш учун техник ва молиявий имкониятларга эга; учинчидан, ички валюта бозоридаги операцияларнинг 90 фоизидан ортиқ қисми республика валюта биржасида амалга оширилади, бу эса, Марказий банкка хорижий валюталарга бўлган талабнинг ўзгаришини доимий тарзда самарали мониторинг қилиш имконини беради.

Олтинни халқаро олтин бозорларида (асосан Лондон ва Цюрих бозорларида) қулай бозор баҳоларида сотиш малакали мутахассисларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади, мабодо, республикаимиз Марказий банкида бундай кадрларнинг, яъни олтин савдоси билан шуғулланувчи кадрларнинг

⁶² Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланди.

етишмаслиги муаммоси мавжуд бўлса, у ҳолда Голд своп операцияларини Халқаро ҳисоб-китоблар банки орқали амалга ошириш мумкин. Халқаро ҳисоб-китоблар банки марказий банкларга валюталар ва олтиндаги захираларни своп шарти бўйича жойлаштириш, депозит-ссуда операцияларини амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатади.

Шунингдек, Марказий банк Ўзбекистон ҳукуматига, унинг хорижий инвестициялар ва халқаро кредитлар бўйича берган кафилликлари бўйича мажбуриятларини бажаришда, Голд своп операциялари орқали амалий ёрдам кўрсатиши мумкин. Яъни, Марказий банк ҳукуматнинг хорижий валютадаги тўловлари учун зарур бўлган миқдордаги тушумни олиш имконини берадиган миқдордаги олтинни спот шарти бўйича сотади. Хорижий валютада олинган тушумни эса Ҳукуматга беради. Ундан кейин эса, Марказий банк билан Ҳукумат ўртасида тузилган тўлов шартномасининг муддатидан келиб чиққан ҳолда, Марказий банк хорижий банк билан форвард валюта шартномасини тузади. Форвард шартномасининг муддати тугаши билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ҳукуматдан олинган хорижий валютадаги тушум ҳисобидан олтинни форвард курси бўйича сотиб олади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг очиқ валюта позицияларига нисбатан 2005 йилнинг 31 августидан бошлаб қуйидаги чекловлар ўрнатилди:

1. Тижорат банкининг битта валютадаги очиқ валюта позициясининг миқдори унинг регулятив капиталининг 10 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

2. Тижорат банкининг барча валюталардаги якуний нетто валюта позициясининг миқдори унинг регулятив капиталининг 20 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим⁶³.

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 28 майдаги 610 – сонли “Очиқ валюта позицияларини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. – Тошкент: ЎзР МБ, 2005.

Тижорат банкларининг очик валюта позицияларига нисбатан белгиланган мазкур чекловларнинг меъёрий даражасини турли давлатларда бир-биридан кескин фарқланмаслигининг сабаби шундаки, тижорат банкларининг очик валюта позицияларини тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган методиканинг муаллифлари бўлиб халқаро Базель қўмитасининг экспертлари ҳисобланади. Республикамиз банк амалиётида қўлланилаётган чекловларнинг меъёрий даражаси билан Ғарбий Европа мамлакатларида қўлланилаётган чекловларнинг меъёрий даражаларида яқинлик мавжуд.

Миллий валюта курсининг истеъмол товарларининг баҳосига нисбатан юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирига барҳам бериш марказий банкларнинг валюта сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди. Бунинг боиси шундаки, инфляция ва валюта курси ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд. Одатда, миллий валюта курсининг пасайиши келгусида инфляциянинг ўсишига олиб келади. Инфляцион тазйиқ фоиз ставкаларининг ўсиши билан сусайиши мумкин, аммо фоиз ставкаларининг ошиши инвестицион ва истеъмолчи талабининг пасайишига олиб келиши мумкин. Агар миллий валютанинг қадрсизланиши хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция портфелининг ўзгариши натижаси бўлса, у ҳолда, бундай қадрсизланиш юқори даражадаги инфляцияни юзага келтириши мумкин. Бундай шароитда фоиз ставкаларининг ўсишини таъминлаш инфляцияни жиловлашнинг оқилона йўли ҳисобланади. Агар миллий валютанинг қадрсизланиши ташқи савдо шартларининг ўзгариши оқибати бўлса, у ҳолда фоиз ставкалари пасайтирилиши лозим. Чунки бундай шароитда соф экспорт ва умумий талаб қисқаради.

Шуниси характерлики, миллий валютанинг қадрсизланиши умумий талабнинг қисқаришига олиб келган шароитда Марказий банк томонидан рестрикцион пул-кредит сиёсатининг қўлланилиши миллий иқтисодиётнинг ривожига салбий таъсир кўрсатади, ЯИМнинг ўсиш суръати секинлашади.

Фоиз ставкалари ва инфляция ўртасида бевосита алоқадорликнинг мавжудлиги кузатилмаган шароитда, миллий валютанинг номинал ва реал

алмашув курсларининг импорт қилинаётган товарларнинг ва экспорт қилинаётган товарларнинг баҳосига таъсирини таҳлил қилиш ва юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирнинг олдини олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сиёсатида муҳим ўрин тутди.

Марказий банкнинг валюта сиёсати, анъанавий монетар инструмент сифатида, монетар сиёсатнинг оралиқ ва пировард мақсадларига мос келиши лозим.

Марказий банкнинг валюта сиёсати доирасида ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан бири хорижий валюталардаги расмий валюта захираларини диверсификация қилиш масаласи ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, валюта захираларини диверсификациялаш Марказий банкнинг балансидаги расмий валюта захираларини валюта рискдан ҳимоя қилишнинг ишончли ва кам чиқимли усули ҳисобланади.

Дунё миқёсида, халқаро захиралар ҳажмида АҚШ долларида шакллантирилган захираларнинг салмоғи юқорилигича қолмоқда. Фикримизча, бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: биринчидан, АҚШ долларининг бошқа етакчи валюталарга нисбатан номинал алмашув курсининг тебраниш диапазони катта эмас; иккинчидан, АҚШ долларида эмиссия қилинган АҚШ ҳукуматининг ва Федерал фондларининг қимматли қоғозлари юқори ликвидли ва ишончли инвестициялаш объектлари ҳисобланади; учинчидан, ҳозирга қадар дунёнинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан, МДҲ давлатларида валюта интервенцияси воситаси бўлиб АҚШ доллари ҳисобланади; тўртинчидан, кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари ташқи қарзининг асосий қисми АҚШ долларида шаклланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати асосида мамлакат иқтисодиётига жалб этилган халқаро кредитларнинг валютавий таркибида АҚШ долларида жалб этилган кредитлар салмоғига кўра биринчи ўринни эгаллайди.

Шуниси характерлики, дунёнинг кўплаб мамлакатларида хорижий валютадаги захираларнинг таркибини ташқи қарзнинг таркибига мос

равишда шакллантириш тенденцияси кузатилмоқда. Чунончи, Бразилияда халқаро захиралар учта валютада – АҚШ доллари, евро ва Япония иенида шакллантирилган. Чунки мамлакатнинг ташқи қарзи мазкур уч валютадаги қарздан иборат. Жанубий Кореяда халқаро захираларнинг инвестицион таркиби ташқи қарзнинг валютавий таркибига ва жорий валюта операциялари бўйича тўловларни қайси валюталарда амалга оширилаётганлигига мос равишда шакллантирилмоқда. Чехияда эса расмий валюта захиралари АҚШ доллари ва еврода шакллантирилган. Уни шакллантиришда эътиборга олинadиган асосий омиллардан бири ташқи қарзнинг валютавий таркиби ҳисобланади⁶⁴.

Голд своп операциялари мамлакатда фавқулодда ҳолатлар юз берганда ташқи тўлов учун зарур бўлган хорижий валюталарни топиш имконини беради. Масалан, мамлакатга хорижий валютада маблағ фавқулодда зарур бўлиб қолса, у ҳолда, Марказий банк олтинни спот шарти бўйича сотади ва олинган хорижий валютадаги маблағни ҳукуматга беради. Кейин эса, ҳукумат билан берилган маблағни қайтариш муддатини келишиб олади ва ушбу муддатдан келиб чиққан ҳолда, хорижий банк билан олтинни сотиб олиш тўғрисида форвард шартномаси тузади.

ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР

Дисконт сиёсати; девиз сиёсати; девальвация; ревальвация; валюта захираларини диверсификация қилиш; валютавий чекловлар; валюта позицияси; валюта бозори; своп; Голд своп; ташқи қарз.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Марказий банкнинг хорижий банклар билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш тартиби қандай?
2. Валюта интервенцияси нима мақсадда амалга оширилади?

⁶⁴ Фаненко М. Международная ликвидность и диверсификация официальных резервных активов.// Мировая экономика и международные отношения. – Москва. 2007 - № 6. – С.56.

3. Ҳукуматнинг ташқи қарзини тўлаш тартиби қандай?
4. Марказий банк расмий валюта захираларини қандай тартибда диверсификация қилади?
5. Марказий банк валютавий своп операцияларини қай тартибда амалга оширади?
6. Марказий банк миллий валютанинг номинал алмашув курсини қандай аниқлайди?
7. Марказий банк валюта рискига қарши валюта опционларидан фойдаланиши мумкинми?
8. Марказий банк томонидан тижорат банкларининг очиқ валюта позицияларига нисбатан қандай чекловлар белгиланади?
9. Марказий банк ГОЛД Своп операциясини қай тартибда амалга оширади.
10. Девальвация ва ревальвация нима мақсадда амалга оширилади?

МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Жорий валюта операцияси.
2. Таркибий валюта операцияси.
3. Миллий валюта бозорининг ликвидлилиги.
4. Дисконт сиёсати ва унинг макроиктисодий ўсишга таъсири.
5. Девиз сиёсати ва уни амалга ошириш механизми.
6. Банкларнинг очиқ валюта позицияси ва уни тартибга солиш.
7. Валюта захираларини диверсификация қилиш тартиби.
8. Валюта интервенциясини амалга ошириш тартиби.

VI-БОБ. ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ

6.1. Халқаро ҳисоб-китобларни ташкил қилиш асослари

Халқаро ҳисоб-китоблар – давлатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар натижасида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича тўловларни амалга ошириш тизимидир.

Халқаро ҳисоб-китоблар тизими хорижий валюталарда тўловларни амалга ошириш усуллари, шакллари, воситаларини ўз ичига олади ва шаклланган ҳуқуқий асосларга эга.

Халқаро ҳисоб-китобларнинг 80-85 фоизи тижорат банклари орқали ўтади, қолган 15-20 фоизи Марказий банклар ва Клиринг палаталари орқали амалга оширилади.

Турли давлатлар банклари ўртасида ўрнатилган вакиллик муносабатлари халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда муҳим ўрин тутди. Банкларнинг хорижий валюталарда очилган “Ностро” ва “Востро” вакиллик ҳисобрақамлари орқали халқаро тўловлар амалга оширилади.

Банкларнинг халқаро ҳисоб-китоб операцияларида икки тўлов шarti қўлланилади:

- а) Тўловлар ҳужжатларга қарши.
- б) Тўловлар акцептга қарши.

Биринчи тўлов шartiда импортёр тўловни амалга оширгандан кейингина унга товарлар билан боғлиқ ҳужжатлар берилади.

Тўловнинг иккинчи шartiда импортёр томонидан вексель акцептлангандан кейингина унга ҳужжатлар берилади.

Қатор ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида миллий валютанинг битим валютаси вазифасини бажара олмаётганлиги ва ушбу мамлакатлардаги банкларнинг тараққий этган давлатларнинг банклари билан бир томонлама вакиллик муносабатларига эга эканлиги тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб операцияларини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Халқаро ҳисоб-китоб операцияларининг 90 фоизига яқин қисми фақат бешта валютада амалга оширилмоқда. Буларга АҚШ доллари, евро, Япония иени, Буюк Британия фунт стерлинги ва Швейцария франки киради.

Мазкур валютанинг барчасини эркин сузиб юрувчи курс режимига эга эканлиги халқаро ҳисоб-китоб муносабатларида валюта rischi муаммоси ва тўлов rischi муаммосини юзага келтиради.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро тижорат банклари ХИМ тизимида муҳим ва ҳал қилувчи ролни ўйнамоқда. Уларнинг халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасидаги бой тажрибасини илмий асосда ўрганиш республикамизнинг тижорат банклари учун катта амалий аҳамиятга эгадир.

Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб операцияларини тўғри таснифлаш асосида уларнинг самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг боиси шундаки, тижорат банки учун тўлов rischi ҳар бир халқаро ҳисоб-китоб шаклида бир-биридан фарқ қилади.

Халқаро ҳисоб-китоб иқтисодий мазмунига кўра, иккига бўлинади:

1. Соф тўловлар.
2. Ҳужжатлаштирилган тўловлар.

Бунда туркумлаш учун мезон бўлиб, тўлов шартлари ҳисобланади. Соф тўловларга қуйидаги уч тўлов шарти хос:

- а) товарлар суммасини қисман ёки тўлиқ олдиндан тўлаш;
- б) товарлар суммасини товарни қабул қилиб олгандан сўнг тўлаш;
- в) очиқ ҳисобрақам бўйича ҳисоблашиш.

Ушбу учала шартдан камида биттаси бажариладиган тўлов шакли соф тўлов ҳисобланади. Шу боисдан ҳам, соф тўловларга тўлов топшириқномалари ва чеклар воситасидаги халқаро ҳисоб-китоблар киритилади.

Тўлов топшириқномалари билан амалга ошириладиган ҳисоб-китобларда импорт суммаси товар қабул қилиб олингандан сўнг амалга оширилади. Бунда импортёр биринчи навбатда товарлар билан боғлиқ

хужжатларни олади. Ундан кейин эса, товарлар билан боғлиқ хужжатлар орқали товарларни портдан ёки омборхонадан олади. Импортёр товарни сифатини ҳақиқатда текширгандан кейин тўлов топшириқномаси ёзади. Демак, тижорат банки учун мазкур ҳисоб-китоб шаклида тўлов rischi мавжуд эмас. Бундан ташқари, ушбу тўлов шакли импортёр учун қулай бўлиб, экспортёрга тўлов riskини юзага келтиради. Бундай шароитда тўлов riskи муаммосининг чуқурлашиши дебитор қарздорлик суммасининг ошишига ва мамлакат экспорт тушумини камайишига олиб келиши мумкин. Бу ҳолат эса, ўз навбатида, миллий валютанинг алмашув курсига ва экспортёрларнинг тўловга қобиллигига салбий таъсир қилади.

Халқаро савдони молиялаштириш билан боғлиқ бўлган халқаро ҳисоб-китоб муносабатларида тижорат банкларининг ордерли чекларидан кенг қўламда фойдаланилади. Республикамиз банк амалиётида эса, ҳозирги вақтда банкларнинг ордерли чеклари муомаласи мавжуд эмас.

Тижорат банкларининг ордерли чеклари билан амалга ошириладиган халқаро ҳисоб-китоб операцияларида банк чекни миқдорнинг ёзма кўрсатмасига асосан ёзади. Аммо банк томонидан чек суммаси алоҳида баланс ҳисобварағида депонентланмайди. Демак, бунда банк учун тўлов riskи мавжуд эмас. Лекин, халқаро амалиёт тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, ордерли чекларнинг асосий қисми, импортёрларнинг жорий валюта маблағлари етмай қолган шароитда, тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан тўланмоқда. Демак, ордерли чеклар тижорат банклари учун тўлов riskини юзага келтирмасада, улар учун юқори даромад олиш манбаи бўлиб қолмоқда.

Ривожланган давлатларнинг хўжалик амалиётида очиқ ҳисобрақами бўйича ҳисоблашишдан кенг қўламда фойдаланилади. Бунда, одатда, экспортёрнинг банкида мазкур ташқи савдо шартномасини молиялаштириш учун алоҳида баланс ҳисобрақами очилади. Ташқи савдо шартномасида ҳар бир партия товарни жўнатиш вақти аниқ кўрсатилади. Импортёр ҳар бир партия товарнинг суммасини товар жўнатилгунга қадар экспортёрнинг

банкида очилган баланс ҳисоб варағига ўтказиши лозим. Экспортёр товарни жўнатгандан сўнг, унинг банки тўлов суммасини экспортёрнинг жорий валюта ҳисоб варағига ўтказади.

Очиқ ҳисобрақамлари бўйича ҳисоблашиш бир-бирини узоқ йиллардан бўён яхши биладиган ва доимий ҳамкорлар сифатида фаолият юритиб келаётган экспортёрлар ва импортёрлар ўртасида қўлланилади. Бунинг сабаби шундаки, мазкур тўлов шартида тўлов кафолатланмаган, банклар эса, тўловни ўз вақтида амалга ошиши учун жавоб бермайди.

Халқаро иқтисодий муносабатлар жараёни турли хилдаги рисклар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда ҳар бир рискнинг даражасини, унинг таъсирини пасайтириш имкониятларини ўрганиш талаб этилади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар жараёнида мавжуд бўлган рискларга қуйидагилар киради:

1. Сиёсий риск

Сиёсий риск – бу турли хилдаги сиёсий воқеаларнинг (урушлар, инқилоб, давлат тўнтариши, миллийлаштириш, эмбарго, оммавий иш ташлашлар) натижасида зарар кўриш хавфидир.

Сиёсий риск натижасида импортёрлар олинган товарлар суммасини ола олмай қолишлари, экспортёрлар эса, товарларни экспорт қила олмай қолишлари мумкин.

2. Тижорат рисклари.

Мазкур рисклар қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқ:

- экспорт баҳоларининг кутилмаганда ўзгариши;
- товарнинг сўнгги баҳосига таъсир қилувчи маҳсулотларнинг таннархини ошиши;
- миллий бозорларнинг конъюнктуравий хусусиятларига.

3. Ишлаб чиқариш рисклари.

Бунда импортёр томонидан буюртманинг қайтириб олиниши ёки буюртмани сезиларли даражада модификация қилинишини талаб қилиниши натижасида экспортёр зарар кўриши мумкин.

4. Кредит rischi.

Кредит rischi банк томонидан импортни молиялаштириш мақсадида берилган кредитни қайтмаслиги натижасида зарар кўриш хавфидир.

Таъминланмаган ҳужжатлаштирилган аккредитивларда импорт қилинган товарлар бўйича тўлов юзасидан импортернинг банки кафил бўлганлиги сабабли, импортёрнинг жорий валюта ҳисобрақаида валюта маблағлари бўлмаган ҳолатда, тўлов банк кредити ҳисобидан амалга оширилади. Натижада кредит rischi юзага келади.

5. Валюта rischi.

Валюта rischi – бу валюталарнинг алмашув курсларини ўзгариши натижасида зарар кўриш хавфидир. Одатда, тўлов валютасининг қадрининг ошиши импортёрни зарар кўришига сабаб бўлади.

6. Дефолт rischi.

Ушбу риск контрагентлардан бири томонидан халқаро мажбуриятлар бўйича тўловларни амалга ошира олмай қолишини англатади.

7. Конвертация rischi.

Бунда импортёр тўловга қобил бўлади, аммо миллий валютани хорижий валюталарга конвертирлашда муаммо бўлганлиги сабабли у тўловни амалга ошира олмайди.

6.2. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш шартлари

Ташқи савдо бўйича амалга ошириладиган халқаро ҳисоб-китобларнинг шarti ташқи савдо шартномасида ўз аксини топади.

Ташқи савдо шартномаси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- * преамбула;
- * шартноманинг предмети;
- * шартнома баҳоси ва суммаси;

- * товарларни етказиб бериш муддатлари;
- * тўлов шартлари;
- * товарнинг сифати;
- * суғурта;
- * форс-мажор ҳолатлар;
- * арбитраж;
- * шартнома шартларини бажармаганлиги учун қўлланиладиган иқтисодий жазо чоралари;
- * шартноманинг амал қилиш муддати;
- * томонларнинг юридик манзиллари;
- * маъсул шахсларнинг имзолари ва муҳр.

Ташқи савдо операциялари бўйича халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда шартноманинг валюта-молиявий ва тўлов шартлари муҳим ўрин тутади.

Ташқи савдо шартномасининг валютавий шартлари қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- * шартнома тузиладиган валютанинг номи;
- * шартнома суммаси;
- * тўловни амалга ошириш вақти.

Ташқи савдо шартномасининг тўлов шартларига қуйидагилар киради:

- * тўлов валютаси;
- * тўлов муддати;
- * тўлов усуллари;
- * халқаро ҳисоб-китоб шакли.

Тўлов валютаси – бу импорт бўйича тўлов амалга ошириладиган валюта. У шартнома баҳоси валютасига мос келмаслиги ҳам мумкин. Агар ҳар иккала валюта мос келса, у ҳолда, бир валютани иккинчи валютага алмаштириш зарурияти юзага келмайди. Демак, бундай шароитда валюталарни қайта ҳисоблаш курси масаласи юзага келмайди.

Агар баҳо валютаси ва тўлов валютаси ўзаро мос келмаса, у ҳолда, шартномада қуйидаги масалалар ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиши лозим:

- * валюта бозори (ушбу бозорда котировка қилинадиган валютанинг курси қайта ҳисоблаш учун асос сифатида олинади);

- * валюта курсининг тури (сотиш курси, сотиб олиш курси, ўртача курс);

- * “Рейтер” тизими бўйича курсни аниқлаш вақти.

Ташқи савдо шартномасида импорт бўйича тўловни амалга ошириш вақти, одатда, аниқ белгилаб қўйилган бўлади. Агар тўлов муддати аниқ кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда, товар етказиб берилгандан кейин ёки товар жўнатилгандан кейин маълум кун ўтгандан кейин амалга оширилади.

Валюта писандалари халқаро ҳисоб-китоблар жараёнида қўлланиладиган муҳим ҳолатлардан бири ҳисобланади.

Валюта писандаси - баҳо валютаси ва тўлов валютасини ўзаро мос келмаслиги натижасида юзага келадиган валюта рискени суғурталашнинг турларидан бири ҳисобланади.

Битимнинг валюта, молия ва тўлов шартларини ишлаб чиқишда экспорт қилувчи ва импорт қилувчи томонларнинг манфаатлари бир-бирига зид бўлади. Чунки экспорт қилувчи томон валюта тушумини тез ва тўлиқ суммада олишни кўзласа импорт қилувчилар валюта тўловларини товарни олиб уни сотишгача кечиктиришга ҳаракат қиладилар.

Товар нархини белгилашнинг валюта усули мавжуд:

1. Битимни амал қилиши ва ижро этилиши давомида ўзгармайдиган қатъий ижро. Бу усул дунё бозорларида нарх пасайиши юз бераётган шароитларда қўлланилади.

2. Битимни имзолаш пайтида нархни белгилаш тамойили кўрсатилади, нарх эса битим ижроси мобайнида қўйилади. Бу усулдан нархлар ошиб бораётган даврда кўп фойдаланилади.

3. Битим тузиш пайтида нарх қатъий белгиланиб, унинг бозор нархи ўзгариши билан фарқланиш чегараси кўрсатилиб қўйилади. Масалан, битим имзоси давомида бирор нархларнинг 10% га ортиши билан битим нархи ҳам ўзгартирилиши назарда тутилади.

4. Харажатларни ўзгаришига боғлиқ равишда белгиланадиган сирпанувчи нарх. Қурилиш, буюртма бўйича дастгоҳ жихозлар тайёрлашда нархнинг юқоридан чегараланиши ёки айрим харажат моддалари бўйича нарх ўзгаришини ҳисобга олиш асосида амал қилади.

5. Аралаш шаклда нарх белгилаш. Нархнинг бир қисми қатъий белгиланса, бошқа қисми сирпанувчи усулда аниқланади.

Нарх воситаси деганда битим объекти бўлган товар нархининг қайси валютада белгиланиши тушунилади.

Шртнома баҳоси – бу товарни сотиб олувчи товарни сотувчига тўлаши лозим бўлган ва маълум бир валютада акс этган пул миқдоридир.

Халқаро савдода қаттиқ ва ўзгарувчан баҳолар кенг қўлланилади:

Қаттиқ баҳо – шартнома тузилаётган пайтда белгилаб қўйилади ва шартнома ижросига қадар ўзгармайди.

Ўзгарувчан баҳо – шартнома тузилаётган пайтда белгилаб қўйилади ва у, товарни етказиб бериш вақтида унинг бозор баҳоси ўзгарган бўлса, ўзгаради.

Одатда, шартномаларда 2-5% даражасида товарнинг шартномавий баҳосидан бозор баҳосини тебранишига йўл қўйилади.

Махсус информацион бюллетенларда эълон қилинадиган баҳолар жаҳон баҳоларини акс эттиради.

Жаҳон баҳолари – бу жаҳон товар бозорларидаги асосий экспортёрларнинг экспорт баҳолари ва импортёрларнинг импорт баҳоларидир.

Масалан, алюминий ва буғдойнинг жаҳон баҳолари бўлиб, Канаданинг экспорт баҳолари ҳисобланади. Каучукнинг жаҳон баҳоси – Сингапур биржасининг баҳоси, чайнинг жаҳон баҳоси – Калькутта, Коломбо ва

Дондондаги аукционлар баҳоси, нефтнинг жаҳон баҳоси – Лондон биржасининг баҳоси ҳисобланади.

Халқаро савдода 20 га яқин чегирмалар қўлланилмоқда.

Чегирмалар турига қараб товарлар баҳосига нисбатан 2 фоиздан 40 фоизгача берилади.

Масалан, минерал ўғитларни мавсумдан ташқари сотишда 15 фоизгача чегирма берилади.

Халқаро битимларнинг молиявий шартлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ҳисоб-китоб шартлари:

*тўлиқ тўлаш;

*аванс тўлови;

* кечиктириб тўлаш.

2. Ҳисоб-китоб шакллари.

3. Банк харажатларини тўлаш тартиби.

4. Томонларнинг молиявий жавобгарлиги.

Товар валютасини белгилашда товарнинг тури ва нарх белгилаш усули катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ҳукуматлараро келишув ва халқаро удумлар ҳам эътиборга олинади. Баъзида товар нархи икки ёки ундан ортиқ валютада ҳамда халқаро пул бирликларида ифодаланиши мумкин.

Тўлов валютаси импорт қилувчи ёки қарздор ўз мажбуриятларини қайси валютада қоплашни ифода этади.

Валюта курслари беқарор бўлган пайтларда нархлар энг барқарор валютада аниқланиб, тўлов эса импорт қилувчининг валютасида ўрнатилади. Агар нарх валютаси тўлов валютасидан фарқ қилса, у ҳолда битимда бирини иккинчисига ўтказиш қайта ҳисоблаш курси ёрдамида амалга оширилади. Мазкур икки валютанинг бир-бирига мувофiq келмаслиги валюта курсини суғурталашнинг энг содда усули ҳисобланади. Агар нарх валютасининг курси (масалан, доллар) пасайиб кетса, тўлов валютаси (ўзбек сўми) суммаси ўз-ўзидан мос равишда камаяди ва аксинча. Нарх валютаси курсининг

пасайиш rischi экспорт қилувчи зиммасида бўлса, унинг кўтарилиш rischi импорт қилувчида бўлади.

Тўлов шартлари. Ташқи иқтисодий алоқаларда тузиладиган битимларнинг муҳим элементларидан бўлган тўлов шартлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. нақд пул асосида тўлов
2. кредит бериш асосида тўлов
3. нақд пул билан тўлашни ҳам мумкин бўлган опционли кредит асосида тўлов.

Халқаро ҳисоб-китобларнинг тўрт шакли мавжуд:

1. Тўлов топшириқномаси ёки банк ўтказмалари.
2. Чек.
3. Хужжатлаштирилган аккредитив.
4. Инкассо.

Халқаро ҳисоблашувларнинг алоҳида хусусиятлари:

1. Импорт қилувчи ва экспорт қилувчилар, уларнинг банклари ташқи савдо битими билан боғлиқ муносабатларни ўрнатадилар. Бу муносабатлар асосида товарнинг ва тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш, узатиш, қайта ишлаш, ҳамда тўловни амалга ошириш ётади.

2. Халқаро ҳисоб-китоб миллий меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар, бундан ташқари халқаро умумлаштирилган қоидалар билан тартибга солинади.

3. Халқаро ҳисоб-китоблар – унификациялаш объекти бўлиб, бунга хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви, банк операцияларининг универсаллашуви жиддий таъсир кўрсатади.

4. Халқаро ҳисоб-китоблар қоидага кўра ҳужжатли хусусиятга эга, яъни улар молия ва тижорат ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Молиявий ҳужжатларга оддий ва ўтказма векселлар, чеклар, тўлов тилхатлари киради.

Ташқи савдода товарлар билан боғлиқ ҳужжатлар икки гуруҳдан иборат бўлади:

а) транспорт ҳужжатлари;

б) тижорат ҳужжатлари.

Транспорт ҳужжатларига қуйидагилар киради:

- коносамент;
- халқаро темир йўл юк хати;
- халқаро автомобиль юк хати;
- авиа юк хати;
- варрант.

Тижорат ҳужжатларига қуйидагилар киради:

- инвойс;
- суғурта полиси;
- сифат сертификати;
- келиб чиқиш сертификати;
- ўрам варағи;
- консуллик ҳисобварағи;
- ордерли омборхона гувоҳномаси.

5. Халқаро ҳисоб-китоблар турли валюталарда ўтказилади. Шунинг учун улар валюта операцияларига чамбарчас боғлиқ.

6. Мазкур ҳисоблашувларда кафолатлашнинг умумий қоидаларига риоя этилади. Унга мувофиқ кафолат матнида қуйидагилар бўлиши лозим:

1) кафолат берувчига ҳақ тўланмаган бўлса кафолат суммаси ундирилмайди;

2) битимнинг тавсифи;

3) претензия қилиш учун зарур бўлган ҳужжатлар;

4) кафолат муддати тугайдиган сана ва кафолат берган банкка бенифициар томонидан ҳужжатларни тақдим этиш санаси;

5) кафолат муддати тугагандан сўнг қайтарилиши лозим.

Халқаро ҳисоб-китоб шаклларига таъсир этувчи омиллар:

- * ташқи савдо объекти ҳисобланган товар тури;
- * кредит келишувининг мавжудлиги;

* ташқи иқтисодий алоқалар бўйича контрагентларнинг тўлов қобилияти ва обрў-эътибори;

* дунё бозорида мазкур товарга бўлган талаб ва таклиф.

Халқаро ҳисоб-китоблар мураккаб ҳуқуқий муносабатлар бўлиб, экспорт-импорт операциялари, тижорат тусига эга бўлмаган тўловлар – сайёҳлик, спорт, фуқаролар томонидан хорижий давлатларга пул ўтказишлар, хорижий давлатларда дипломатик ва савдо ваколатхоналарини очиш, ўзга давлат ҳудудида ҳарбий қисмларни сақлаш ҳамда капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш каби жиҳатларни ўз ичига олади.

Халқаро Савдо Палатаси томонидан ҳужжатлаштирилган аккредитив ва инкассо бўйича қабул қилинган халқаро умумлаштирилган қоидалар халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг устувор аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий шартномаларни тузишда 1980 йилда ишлаб чиқилган (Вена конвенцияси) товарларни халқаро сотиш-сотиб олиш тўғрисидаги БМТ конвенцияси асос бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳужжат тўловларнинг умумий шартлари ва уни амалга ошириш тартибини ўз ичига олади. Ушбу Конвенция импортёрнинг товар учун тўлов мажбуриятини, тўлов муддати ва тўловни амалга ошириш жойи, товарга тўловни амалга оширмаслик оқибатлари ҳар бир кечиккан давр учун фоиз ҳисобида жарима тўлаб бериш, томонлар ўртасида кўрилган зарарнинг тақсимланишини кўриб чиқади.

6.3. Халқаро ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш механизмлари

Халқаро ҳисоб-китобларнинг 4 шакли мавжуд:

1. Тўлов топшириқномаси ёки банк ўтказмаси.
2. Чек.
3. Ҳужжатлаштирилган аккредитив
4. Инкассо

Жахон халқаро савдо амалиётида ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ва ҳужжатли инкассо воситасидаги ҳисоб-китобларнинг салмоғи бошқа ҳисоб-китоб шаклларига нисбатан сезиларли даражада юқоридир. Бунинг асосий сабаби аккредитивларда тўловнинг қафолатланганлиги ва ҳужжатли инкассода товар ҳужжатларини тўлов амалга оширилгандан сўнг берилишидир. Ушбу тўлов шarti импортёрни тўловни ўз вақтида амалга оширишга ундайди.

Ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- чақириб олинмайдиган аккредитивлар;
- чақириб олинадиган аккредитивлар;
- тасдиқланадиган аккредитивлар;
- тасдиқланмайдиган аккредитивлар;
- таъминланган аккредитивлар.

Чақириб олинмайдиган аккредитивлар иштирокчи томонларнинг розилигисиз бекор қилиниши мумкин эмас.

Аккредитивлар икки мақсадда учинчи мамлакат банки томонидан тасдиқланади:

- * сиёсий рискдан қочиш мақсадида;
- * кичик банклар томонидан қўйилган йирик суммадаги аккредитивлар бўйича тўлов рискининг олдини олиш мақсадида.


Чақириб олинадиган аккредитивлар исталган вақтда уни очган банк томонидан бекор қилиниши ёки шартлари ўзгартирилиши мумкин.

Мамлакатимиз хўжалик ва банк амалиётида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг соф инкассо шакли мавжуд эмас. Ушбу шаклнинг мавжуд эмаслиги республикамызда тижорат векселлари муомаласининг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Республикамызда банклар томонидан очилган аккредитивларнинг нақд пулсиз тўловлар ҳажмидаги салмоғи жуда кичик. Бунинг устига, ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг асосий қисми таъминланган аккредитивларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Бунинг натижасида хўжалик

субъектларига тегишли пул маблағларининг маълум қисми уларнинг хўжалик айланмасидан чиқиб қолмоқда.

Биз қуйида халқаро иқтисодий муносабатларда, кенг қўлланилаётган таъминланмаган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар шакли бўйича халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини кўриб чиқамиз.



6.1-расм. Таъминланмаган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасидаги халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби
Бу ерда:

1-ташқи савдо шартномасини имзолаш;

2-импортёр ўзининг банкига ҳужжатлаштирилган аккредитив очиш тўғрисида ариза беради;

3-импортёрнинг банки экспортёрнинг банкига, аккредитив очилганлиги тўғрисида хабардор қилиш учун, аккредитив телеграммасини жўнатади;

4-экспортёрнинг банки экспортёрни аккредитив очилганлигидан хабардор қилади;

5-экспортёр товарларни импортёрга жўнатади;

6-экспортёр товарлар билан боғлиқ барча ҳужжатларни ўзининг банкига жўнатади;

7-экспортёрнинг банки ҳужжатларни импортёрнинг банкига жўнатиш учун қабул қилиб олади;

8- экспортёрнинг банки ҳужжатларни импортёрнинг банкига тўлов учун жўнатади;

9-импортёрнинг банки аккредитив сўммасини тўлаб беради;

10-импортёрнинг банки экспортёрнинг банкини 9-операция бажарилганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади;

11-импортёрнинг банки ҳужжатларни импортёрга беради;

12-экспортёрнинг банки аккредитив сўммасини экспортёрнинг жорий ҳисобрақамига ўтказди;


13-экспортёрнинг банки экспортёрнинг жорий ҳисобрақамидан кўчирма беради.

Юқоридаги шаклдан куринадики, ҳужжатлаштирилган аккредитивларда товарлар билан боғлиқ ҳужжатлар импортёрга фақат тулов амалга оширилгандан кейин берилади. Бундан ташқари, импортёрнинг банки тулов учун кафил ҳисобланади. Шу сабабли, таъминланмаган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар экспортёрлар учун халқаро ҳисоб-китобларнинг қулай шакли ҳисобланади.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда халқаро ҳисоб-китобларнинг таъминланган аккредитив шаклидан кенг фойдаланилади. Бунинг сабаби шундаки, ушбу давлатлар халқаро Базел қўмитасининг экспертлари ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юқори рискли зона сифатида эътироф этилади. Шу сабабли, ушбу мамлакатлар билан бўладиган халқаро иқтисодий муносабатларда улар тўловлар кафолатланган ва тўлов кафолатини таъминлаш имконияти юқори бўлган халқаро ҳисоб-китоб шакллари қўллайдилар. Ҳужжатли аккредитив халқаро ҳисоб-китобларнинг ана шундай хусусиятларга эга бўлган шакли ҳисобланади.

Ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг таъминланганлик шаклида тўлов сўммаси алоҳида ҳисобрақамда депонент қилинади ёки олдиндан

экспортёрнинг банкига етказиб берилади. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг банк амалиётида эса, ҳужжатли аккредитивларнинг таъминланмаганлик шаклидан кенг кўламда фойдаланилмоқда. Бунда аккредитив сўммаси алоҳида баланс ҳисобрақамида депонент қилинмайди, тўлов учун кафилликни эса, импортёрнинг банки ўз зиммасига олади.



6.2-расм. Ҳужжатли инкассо воситасидаги халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби

Бу ерда:

- 1-ташқи савдо шартномасини имзолаш;
- 2-экспортёр товарларни импортёрга жўнатади;
- 3-экспортёр товарлар билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатларни импортёрга жўнатади;
- 4-экспортёрнинг банки товарлар билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни қабул қилиб олади;
- 5-экспортёрнинг банки товарлар билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни импортёрнинг банкига жўнатади;

6-импортёрнинг банки ҳужжатларни инкассога қабул қилади;

7-импортёрнинг банки ҳужжатларни келиб тушганлиги тўғрисида импортёрга хабар беради;

8-импортёр тўловни амалга ошириш учун тўлов топшириқномаси ёзади;

9-импортёрнинг банки мижознинг тўлов топшириқномасига асосан тўловни амалга оширади;

10-импортёрнинг банки экспортёрнинг банкни 9-операция бажарилганлиги тўғрисида хабардор қилади;

11-экспортёрнинг банки тўлов сўммасини экспортёрнинг жорий валюта ҳисобрақамига ўтказиши;


12-экспортёрнинг банки экспортёрнинг жорий ҳисобрақамидан кўчирма беради.

6.1-расмдан кўринадик, ҳужжатли инкассода банк товарларнинг ҳужжатларини импортёр тўловни амалга оширгандан кейингина унга беради. Бу эса, импортёрни тўловни ўз вақтида амалга оширишга мажбур қилади. Чунки тўлов ўз вақтида амалга оширилмаса, импортёр ҳужжатларни ола олмайди. Демак, у товарларни омборхонадан ёки темир йўл бекатидан олиш имкониятига эга бўлмайди. Бунинг натижасида товарларни бу жойлардан олиб чиқиб кетиш кечикади ва пировард натижада импортёр катта миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлади. Чунки Божхона қўмитасига тегишли омборхоналар товарлар сақланган ҳар бир кун учун катта миқдорда ҳақ олади, темир йўл бекатларининг жарима ставкаси ҳам сезиларли даражада юқоридир.

Инкассонинг икки тури мавжуд бўлиб, улар соф инкассо ва ҳужжатли инкассо. Соф инкассода фақат тўлов ҳужжатлари инкассога қабул қилинади. Ҳужжатли инкассода эса, фақат тижорат ҳужжатлари ёки тижорат ҳужжатлари тўлов ҳужжатлари билан биргаликда инкассога қабул қилинади.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида, экспорт-импорт операцияларини молиялаштириш

жараёнида, тижорат банкларининг ордерли чекларидан фойдаланилмайди. Бу эса, халқаро ҳисоб-китобларнинг самарадорлик даражасига салбий таъсир кўрсатади.



6.3-расм. Банкларнинг ордерли чеклари воситасидаги халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби

Бу ерда:

- 1-ташқи савдо шартномасини имзолаш;
- 2-импортёр ўзининг банкига чек ёзиш тўғрисида ёзма кўрсатма беради;
- 3-импортёрнинг банки ордерли чекни ёзади;
- 4-банк чекни импортёрга беради;
- 5-экспортёр товарларни импортёрга жўнатади;
- 6-экспортёр товарлар билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни импортёрга жўнатади;
- 7-импортёр чекни экспортёрга узатади;
- 8-экспортёр чекни ўзининг банкига узатади;
- 9-экспортёрнинг банки чекни қабул қилиб олади;

10-экспортёрнинг банки чекни импортёрнинг банкига жўнатади;

11-импортёрнинг банки чек бўйича тўловни амалга оширади;

12-импортёрнинг банки экспортёрнинг банкни 11-операция бажарилганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади;

13-экспортёрнинг банки тўлов сўммасини экспортёрнинг жорий валюта ҳисобрақамига ўтказди;

14-экспортёрнинг жорий ҳисобрақамидан кўчирма бериш.

Ривожланган хорижий давлатларнинг амалиётида банкларнинг ордерли чекларидан экспорт-импорт операцияларини молиялаштириш жараёнида кенг қўламда фойдаланилади.


Банкларнинг ордерли чекларининг муҳим афзалликларидан бири шундаки, уларни индоссамент воситасида учинчи шахсга узатиш мумкин. Демак, ордерли чеклар воситасида корхоналар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорликни кескин қисқартириш мумкин.

Соф инкассонинг мавжуд эмаслиги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини янада оширишга тўсқинлик қилади. Чунки тижорат векселлари индоссамент орқали бошқа субъектларга узатилиши натижасида, биринчидан, нақд пулсиз тўловлар ҳажмини оширади, иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик ҳажмини қисқартириш имконини беради.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг тўлов талабномаси шакли бозор иқтисодиёти муносабатларининг табиатига мос келмайди. Бунинг сабаби шундаки, тўлов талабномаси орқали тўлови ундирилмасдан жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг суммалари тўланади. Аслида тўлови ундирилмасдан сотилган товарлар кредитга сотилган деб ҳисобланиши ва унга маълум фоизда қўшимча тўлов тўланиши керак. Ёки тўлови ундирилмасдан сотилган товарлар суммасига тижорат вексели ёзилиши керак. Республикамиз амалиётида эса, тўлови ундирилмасдан сотилган товарлар кредитга сотилган деб ҳисобланмайди.

Тўлов талабномасидан фойдаланиш борасидаги долзарб муаммолардан бири тўловни солиштириш далолатномаси асосида ўз вақтида ундириш муаммоси ҳисобланади. Муаммонинг моҳияти шундаки, айрим фермер хўжаиклари хусусий фирмалардан товарлар сотиб олганлар. Тўловни ундиришда ушбу фирмаларнинг кўпчилигини ёпилиб кетганлиги қийинчиликларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимиз амалиётида тўловларни амалга оширишнинг мақсадли кетма-кетлиги қўлланилмоқда. Ушбу кетма-кетликда тўловларни ундиришда устуворлик Давлат бюджети олдидаги қарздорликни тўлашга қаратилади. Бунда солиқ тўловларини кейинги даврлар учун ундирилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқимиغا нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.



6.4-расм. Ўзбекистон Республикасида импорт ҳажми⁶⁵, млн. АҚШ доллари

6.4-расм маълумотларидан кўринадики, 2021 - 2023 йилларда республикаимизда импорт ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2023 йилда эса, импорт ҳажми 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса, мамлакат иқтисодиётига янги техника ва технологияларни тобора катта ҳажмда импорт қилинаётганлиги билан изоҳланади.

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик бюллетенлари маълумотлари асосида муаллифлар томонидан шакллантирилди.

ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР

Хужжатлар акцептга қарши; хужжатлар тўловга қарши; битим валютаси; баҳоловчи валюта; банк ўтказмаси; чек; соф инкассо; хужжатли инкассо; хужжатлаштирилган аккредитив; акцепт аваль.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Халқаро ҳисоб-китоблар нима?
2. Халқаро ҳисоб-китобларнинг қандай шартлари мавжуд?
3. Тўлов топшириқномаларининг қандай афзалликлари ва камчиликлари мавжуд?
4. Чекларнинг қандай афзалликлари ва камчиликлари мавжуд?
5. Аккредитивнинг қандай афзалликлари ва камчиликлари мавжуд?
6. Инкассонинг қандай афзалликлари ва камчиликлари мавжуд?
7. Хужжатлаштирилган аккредитивларнинг қандай шакллари бор?
8. Хужжатлаштирилган аккредитивларнинг қандай турлари бор?

МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш шарт-шароитлари.
2. Хужжатлаштирилган аккредитивлар орқали амалга ошириладиган халқаро ҳисоб-китоблар тизимидаги ўзгаришлар.
3. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида тижорат банклари кредитларининг ўрни.
4. Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиёти.
5. Банкларнинг ордерли чеклари воситасидаги халқаро ҳисоб-китоблар.
6. Халқаро савдода товарлар билан боғлиқ бўлган хужжатларни расмийлаштириш тартиби.
7. Чекларнинг муддати тугаб қолганда халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби.
8. Соф инкассонинг ўзига хос хусусиятлари.

9. Хужжатли инкассонинг ўзига хос хусусиятлари.

10. Очиқ ҳисобрақамлар бўйича ҳисоблашишлар ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

VII-БОБ. ХАЛҚАРО КРЕДИТ ВА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ҲАОЛИЯТНИ КРЕДИТЛАШ

7.1. Халқаро кредитнинг тамойиллари ва функциялари

Халқаро кредитнинг тамойиллари (принциплари) унинг иқтисодий моҳиятини янада чуқурроқ очиб беради.

Халқаро кредитнинг такрор ишлаб чиқариш билан алоқаси унинг қуйидаги асосий тамойиллари ёки принципларида кўринади:

1) **қайтаришлилик:** халқаро кредит ҳам ички кредитга ўхшаб келишилган муддатга қайтарилиши лозим. Агар олинган маблағлар қайтарилмаса, у ҳолда қайтарилмас пул капиталини ўтказиш хусусиятига эга, молиялаштириш кўринишига эга бўлиб қолади.

2) **муддатлилик:** кредит шартномасида ўрнатилган муддатларда кредитни қайтарилишини таъминлайди.

3) **тўловлилик:** қиймат қонунини амал қилишини ва кредит дифференциал шартларини амалга ошириш йўллари ифодалайди ва халқаро кредит учун ўрнатилган фоизлар шу кредитнинг баҳоси ҳисобланади.

4) **моддий таъминланганлик:** кредит бўйича юзага келувчи рисклардан ҳимоялаб кредитни тўлаб бериш кафолатини англатади.

5) **мақсадга йўналтирилганлик:** ссуданинг аниқ объектларини аниқлаш, буни қўлланилишидан асосий мақсад кредитор давлатнинг экспортини рағбатлантиришдир.

Халқаро кредитнинг функциялари

Халқаро кредит ссуда капиталини халқаро иқтисодий муносабатлар доирасида айланиш хусусиятини акс эттирувчи қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Кенгайган ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш мақсадида ссуда капиталининг мамлакатлар ўртасида тақсимланиши. Халқаро кредит механизми орқали ссуда капитали фойдани таъминлаш мақсадида иқтисодий агентлар кўзлаган соҳаларга йўналтирилади. Шу орқали кредит миллий

фойдани ўртача фойдага айлантиришга ва унинг массасини оширишга ёрдам беради.

2. Халқаро ҳисоб-китобларда ҳақиқий пулларни (олтин ва кумуш) кредит пуллар билан алмашиши, шунингдек, нақдсиз тўловларни тезлашиши ва ривожланиши, нақд валюта оборотини халқаро кредит операциялари билан алмашиши муомала харажатларини иқтисод қилади. Халқаро кредитлар асосида Халқаро ҳисоб-китобларнинг кредит воситалари бўлган - вексел, чек, шунингдек, банк ўтказмалари, депозит сертификатлари ва бошқалар вужудга келди. Халқаро иқтисодий муносабатларда ссуда капиталининг муомала вақтини иқтисод қилиниши ҳисобига капиталнинг ишлаб чиқариш функцияси вақтини ошириб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва фойдани кўпайтиришга эришиш мумкин.

3. Капиталнинг тўпланиши ва марказлашувининг тезлашиши. Чет эл кредитларини жалб қилиш ҳисобига қўшимча қийматни капиталлаштириш тезлашади, индивидуал жамғариш чегаралари кенгаяди, бир мамлакат тадбиркорларининг капитали бошқа мамлакат маблағлари ҳисобига кўпаяди. Кредит маълум чегараларда бошқа мамлакатларнинг капитали, меҳнати ва мулкига эгалик қилиш имкониятини беради. Имтиёзли халқаро кредитларнинг йирик компанияларга берилиши ҳамда майда ва ўрта фирмаларнинг жаҳон ссуда капиталлари бозорига кириш имкониятини қисқариши капитални тўпланишига ва марказлашувига сабаб бўлмоқда.

Қарз маблағлари қайси ташқи иқтисодий битимга белгиланишига қараб қуйидагиларга бўлинади:

- тижорат кредитлари - ташқи савдо ва хизматлар билан бевосита боғланган;

- молиявий кредитлар - ҳар қандай мақсадларга ишлатиладиган, шу жумладан, тўғри капитал қўйилмалар, инвестицион объектларни қуриш, қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш, ташқи қарзни тўлаш, валюта интервенциясини ўтказишлардир.

- оралик кредитлар - капитал, товар ва хизматларни олиб чиқаришнинг

аралаш шаклларига хизмат қилиш учун тайинланган, масалан, пудрат ишларини бажариш шаклида. Кўриниши бўйича кредитлар: товар - асосан экспортёрлар томонидан харидорларга бериладиган ва валюта - банклар томонидан пул шаклида бериладиган кредитларга бўлинади.

7.2. Халқаро кредитнинг шакллари

Халқаро кредитнинг 2 шакли мавжуд:

1. Халқаро банк кредити;
2. Халқаро тижорат кредити.

Халқаро банк кредити асосан валюта (пул) кўринишида бўлади.

Халқаро тижорат кредити эса, одатда товар кўринишига эга.

Ана шу 2 та асосий кредит шаклидан келиб чиқадиган бир қанча кредитлар мавжуд:

1. Фирма (тижорат) кредити - одатда экспортёр мамлакатнинг бир фирмаси бошқа мамлакатнинг импортёрига тўловни кечиктириш шаклидаги ссуда беришига тушунилади. Ташқи савдода тижорат кредити товарли операцияларга боғлиқ ҳисоб-китобларда кенг қўлланилади. Тижорат кредитининг муддати (одатда 2-7 йил) турлича бўлади.

2. Векселли кредитда экспортёр товарни сотиш ҳақида битим тузиб, ўтказма вексель (тратта)ни импортёрга жўнатади, импортёр тижорат хужжатларини олиб акцептлайди, яъни унда кўрсатилган муддатда тўловни амалга оширишга розилик беради.

3. Очиқ счётлар бўйича бериладиган кредит. Бу кредит экспортёр ва импортёр ўртасидаги келишувга асосланади. Экспортёр жўнатилган ҳар бир товарлар қийматини импортёрнинг ҳисобига қарз сифатида қайд қилиб боради. Импортёр шартномада кўрсатилган вақтда кредит суммасини тўлаб боради. Очиқ счётлар бўйича бериладиган кредитлар фақатгина доимий алоқада бўлган фирмалар ўртасидагина амалга оширилиши мумкин.

Банк кредити - экспорт ва импортни кредитлашда ссуда формасида намоён бўлади ва у товарлар, товар хужжатлари, векселларни, ҳамда

траттани гаровга олган ҳолда берилади. Баъзан банклар ўзларига чамбарчас алоқада бўлган йирик экспортёр-фирмаларга бланкли кредит, яъни расмий таъминланмаган кредитлар беришади.

Экспорт кредити - экспортёр банкининг импортёр банкига етказиб берилган машина, асбоб-ускуна ва бошқа инвестиция қилинган товарларни кредитлашга айтилади. Банк кредитлари пул кўринишида берилади ва "боғлиқ"лик характериға эға, чунки кредит олувчи ссудадан фақатгина кредитор мамлакат товарлариини еотиб олишиғаина берилади.

Халқаро кредит қуйидаги хусусиятлари билан характерланади:

- * қарз олувчи ва қарз берувчи сифатида давлат, ташқилот ва муассасалар, ҳуқуқий шахслар, халқаро валюта кредит ташқилотлари қатнашадилар;

- * қарзға олинган маблағлар қарз олувчи мамлакат томонидан даромад келтирувчи капитал сифатида ишлатилади;

- * қарз берувчи мамлакатға тўланадиган ссуда фоизининг манбаси қарз олувчи мамлакат аҳолиси томонидан яратилган миллий даромад ҳисобланади;

- * келишилган кредит баҳоси;

- * кредит баҳосининг яширин элементлари.

Сузиб юрувчи фоиз ставкаси икки қисмдан таркиб топади:

1. Асос қилиб олинган ставка. Бундай ставка сифатида АҚШ банкларининг биринчи даражали қарз олувчилари учун ставка (прайм-рейт), шунингдек Лондон банклари томонидан шу тоифадаги мижозларға қисқа муддатли ссудаларни беришда ишлатиладиган ўрта фоиз ставкали (ЛИБОР) қўлланилади. Расмий жиҳатдан ЛИБОРнинг ўрнатилган даражаси мавжуд эмас. Ҳар бир йирик Лондон банки бу ставкани валюта бозоридаги талаб ва таклифға қараб аниқлайди. Либор валюта турлари ва муддабларига қараб (1, 3, 6 ва 12 ой) табақалаштирилади.

2. Устамалар ёки маржа. Унинг миқдори қарз олувчи ва қарз берувчи ўртасидаги келишув бўйича аниқланади.

Комиссион тўловлар бу қарз берувчи банкка белгиланган муддат мобайнида зарур кредит ресурсларини қарз олувчи ихтиёрига бериш ва резервда сақлаш мажбурияти учун тўланади. Шунингдек, комиссия тўловлар агар кредит алоҳида банклар томонидан эмас, балки банклар уюшмаси томонидан берилса, кредит операцияларини ўтказишни бошқариш учун ҳам тўланади. Сўнгги ҳолда етакчи банк ёки уюшма ишни ташкил этувчи менежер кредитлашда қатнашиш ҳиссасини ҳамда қарзни узишдан, фоизларни тўлашдан тушадиган маблағларни уюшма аъзолари ўртасида тақсимлайди. Бунинг учун қарз олувчидан бошқариш учун бир марталик тартибда комиссия тўловлар олади.

Суғурта мукофоти – бу махсус суғурта муассасаларига тўланади. Чунки улар юз бериши мумкин бўлган йўқотишларни суғурта қилувчи билан келишилган миқдор доирасида қоплаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Ҳозирги вақтда экспорт кредитларининг суғурта қилиш миқдори эҳтимоли бўлган йўқотишларнинг 80-90%ини ташкил этади, баъзида эса ҳатто 100 фоизини.

7.3. Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси ва уни ҳал қилиш йўллари

Халқаро кредитларни ўз вақтида қайтмаслиги кредит берувчи банклар. Халқаро молия институларининг фаолиятига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирди.

1982 йилда Аргентина ҳукуматини ўзини дефолт деб эълон қилиши ва мамлакатга жалб этилган халқаро кредитлар юзасидан кафиллик мажбуриятларини бажара олмаслиги халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосини ўзининг кульминацион нуқтасига етганлигини кўрсатди. Бу вақтга қадар ҳукуматларнинг банкротлиги муаммоси бўлмаган эди.

Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосининг юзага келиши қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

1. Халқаро кредитни жалб этган мамлакатларда иқтисодий конъюнктуранинг ёмонлашиши.

2. Миллий валюталарнинг қадрини кескин пасайиб кетиши.

Мексикада 1982 йилда миллий валюта-песонинг қадрини кескин пасайиб кетиши натижасида АҚШ долларида олинган халқаро кредитларни қайтариш имкони бўлмади.

Ўзбекистонда ҳам миллий валюта қадрининг кескин пасайиш ҳолати кузатилган Миллий валюта муомалага киритилган вақтдаги (1994 йил июль) илк валюта савдосида сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси 7,00 сўмни ташкил этган эди. 2018 йилнинг октябрь ойига келиб, унинг курси 8200,00 сўмдан ошди.

Миллий валютанинг бу қадар юқори суръатларда қадрсизланиши импортнинг қимматлашишига олиб келди. Импортнинг қимматлашиши эса, ўз навбатида, инфляциянинг кучайишига сабаб бўлди.

2001 йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 263-сонли «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши миллий валюта бозорининг ликвидлилигини ошириш, хорижий валюталар таклифини сезиларли даражада кўпайтириш нуқтаи-назаридан жиддий воқелик бўлди⁶⁶.

Ушбу Қарорга мувофиқ, 2001 йилнинг 1 июлидан бошлаб хорижий инвесторлар фойдаси, дивидендлари ва бошқа даромадларини репатриация қилиш, экспорт қилувчилар томонидан валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотиш, асбоб - ускуналар, бутловчи буюмлар, хом - ашё, материаллар ва хизматлар импорти, янгидан жалб қилинадиган хорижий кредитларга хизмат кўрсатиш каби операциялар биржадан ташқари валюта бозорининг талаб ва таклифдан келиб чиқиб шаклланадиган эркин валюта курси асосида амалга ошириладиган бўлди.

⁶⁶Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 263-сонли «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. – Тошкент, 2001. - №8. – Б. 26.

Бунинг ижроси натижасида валюта курсларини унификациялаш жараёни тезлашди ва, пировард натижада, сўмнинг белгиланган биржа курсига нисбатан анча паст бўлган, талаб ва таклифга асосланган биржа курси шаклланди.

3. Халқаро кредитлар ҳисобидан молиялаштирилган инвестицион лойиҳаларни комплекс экспертиза қилиш жараёнидаги хато ва камчиликларнинг мавжудлиги.

Экспертиза жараёнидаги камчиликлар туфайли сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имкони бўлмайди. Натижада ишлаб чиқарилган маҳсулот сотилмайди ва халқаро кредитни қайтариш учун кредит олувчи етарли имкониятга эга бўлмайди.

4. Олинган экспорт тушумларининг жаҳон бозорларида товарлар баҳоларининг ўзгариб кетиши натижасида халқаро кредитларни қоплашга етмаслиги.

5. Халқаро кредитларни етарли даражада таъминотга эга бўлмаганлиги.

6. Юз берган молиявий инқирозлар.

Молиявий инқирозлар натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши натижасида халқаро кредитларни жалб этган ишлаб чиқариш корхоналари етарли даражада тушумга эга бўлмай қолади. Бу эса, улар томонидан халқаро кредитларни ўз вақтида қайтариш имконини бермайди. Хусусан, 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида дунёнинг кўплаб мамлакатларида товарлар ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин қисқариши кузатилди. Ушбу ҳолат халқаро кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришга тўсқинлик қилди.

1973 йилда нефт баҳосини 10 мартага ошишига олиб келган нефт инқирози натижасида нефтни импорт қилувчи мамлакатлар тўлов балансининг жорий операциялар бўлимида дефицит юзага келди. Нефтни экспорт қилувчилар жуда катта миқдорда АҚШ долларларида тушумга эга бўлдилар ва бу тушумнинг сезиларли қисмини ички бозорда жойлаштириш имкони бўлмади. Бунинг натижасида тушумнинг ички бозорда

жойлаштирилмаган қисми евравалюталар бозорига йўналтирилди. Бу эса, трансмиллий банкларнинг кредитлаш имкониятини сезиларли даражада оширди. Аммо трансмиллий банкларнинг кредитларидан доимий равишда фойдаланиб келган ва ушбу кредитларга нисбатан талабнинг асосий қисмини шакллантирган ривожланган мамлакатларнинг мазкур банкларнинг кредитларига бўлган талаби кескин камайди. Бунинг асосий сабаби нефт баҳосининг кескин ошиши натижасида юз берган иқтисодий конъюнктуранинг ёмонлашганлиги эди. Натижада, ривожланаётган мамлакатларнинг трансмиллий банкларнинг кредитларидан фойдаланиш имконияти ошди. Улар ўз ҳукуматларининг кафолати асосида трансмиллий банкларнинг кредитларини кенг қўламда жалб қила бошладилар.

XX асрнинг 80-йилларини бошида ривожланаётган мамлакатлар томонидан олинган халқаро кредитлар бўйича йирик миқдорда тўловларни тўлашга тўғри келди. Халқаро кредитларнинг учдан икки қисми АҚШ долларида олинган эди. Шу даврда АҚШ доллари курсининг сезиларли даражада ошиши ривожланаётган давлатларнинг халқаро кредитларни қайтариш билан боғлиқ бўлган харажатлари сўммасини янада ошишига олиб келди. Мазкур ҳолат 90-йилларнинг бошига келиб халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосини кескинлашишига ва бир қатор давлатларнинг, шу жумладан, Мексиканинг дефолт бўлишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси мавжуд. Ушбу муаммо икки ҳолатда намоён бўлмоқда: биринчидан, халқаро инвестицион кредитлар ҳисобидан молиялаштирилган инвестицион лойиҳаларнинг ўзини оқламаслиги натижасида мазкур кредитлар, уларга ҳисобланган фоизлар Ўзбекистон ҳукумати, ТИФ Миллий банки ва Асакабанкнинг хорижий валютадаги маблағлари ҳисобидан қайтарилмоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси ички валюта бозорида хорижий валюталар таклифига нисбатан кучли салбий таъсир юзага келмоқда; иккинчидан, жалб қилинган халқаро инвестицион кредитларнинг маълум қисмига мамлакат ички бозоридан товарлар, хом-ашёлар харид

килинган, хизматлар ҳақи тўланган. Бу эса, ўз навбатида, талаб инфляциясининг кучайишига таъсир қилмоқда. Масалан, “Ўзсматана сантехника”, “Хобас Тапо”, “Каолин”, “Ўзэксайд”, “Янтак Брит”, “Аснам текстил” қўшма корхоналари, “Болалар таомлари” холдинг компанияси ҳаммаси бўлиб 209191 минг АҚШ доллари миқдорида халқаро инвестицион кредитлар олгани ҳолда, ўз маҳсулотларини экспорт қила олмаганлиги ва айрим корхоналарни муддатида ишга туширилмаганлиги туфайли кредиторларга мазкур кредитлар ва уларнинг фоизлари ТИФ Миллий банкининг хорижий валюталардаги маблағлари ҳисобидан тўлаб берилган. Хоразм шакар заводи, Фарғона фуран бирикмалари заводи, Фарғона кимёвий толалар заводи каби корхоналарни хом-ашё базаси билан таъминланмаганлиги натижасида халқаро инвестицион кредитларнинг қайтмаслик ҳолатлари юзага келди⁶⁷.

Хорижий банкларнинг кредит линияларини республикамиз иқтисодиётига жалб этиш бевосита Ўзбекистон банкларининг ликвидлилик даражасига боғлиқ. Шу ўринда айтиш лозимки, республикамиз тижорат банкларининг валютавий ликвидлигига салбий таъсир қилувчи айрим омиллар мавжуд. Ана шундай омиллардан бири – бу хорижий банкларнинг “Востро” вакиллик ҳисобрақамларининг республикамиз банкларининг балансида мавжуд эмаслигидир.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг хорижий валюталардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамлари қолдиғининг барқарорлигига салбий таъсир қилувчи асосий омиллардан бири хорижий банкларнинг сўмдаги “Востро” вакиллик ҳисобрақамларининг республикамиз банкларида мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Муаммонинг моҳияти шундаки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида хорижий банкларнинг сўмдаги “Востро” вакиллик ҳисобрақамларининг мавжуд эмаслиги натижасида республикамиз корхоналарининг импорт тўловлари, халқаро кредитлар ва инвестициялар билан боғлиқ бўлган хорижий

⁶⁷ Маълумотлар таҳлили ТИФ Миллий банкининг жорий ҳисобот маълумотлари асосида амалга оширилди.

валюталардаги тўловлар мамлакатимиз банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларини кредитлаш йўли билан амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида республикаимиз банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларининг қолдиқлари кескин тебранмоқда. Ривожланган давлатларда ва бир қатор ўтиш иқтисодиёти давлатларида тижорат банклари хорижлик тижорат банклари билан икки томонлама вакиллик муносабатларига эга бўлиб, банк миждозларининг импорт тўловлари, капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган тўловлар хорижий банкнинг ушбу мамлакат банкида очилган “Востро” вакиллик ҳисобрақамини кредитлаш йўли билан амалга оширилади. Бунда банкнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамининг қолдиғига нисбатан таъсир юзага келмайди.

Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосининг чуқурлашганлиги Базель қўмитасининг халқаро кредитларнинг кредит rischi даражасини баҳолаш методикасини ўзгартиришга мажбур қилди.

Базель-II стандартида халқаро кредитлар бўйича кредит riskини баҳолашда қўлланиладиган коэффициентлар қуйидагиларни ҳисобга олади:

- мамлакатнинг суверен кредит рейтинги;
- банкнинг рейтинги;
- кредит олган мижознинг рейтинги;
- банк операциясининг тури.

Базель-II нинг муҳим талабларидан бири етарли даражада захира ажратмалари билан таъминланмаган халқаро кредитларнинг risk даражасини ошириш талабидир. Ушбу талабнинг моҳияти шундаки, кредитнинг қайтариш муддати тугаганига 90 кун ва ундан ортиқ вақт ўтган бўлса, яратилган захира ажратмаси миқдори кредит бўйича умумий қарздорликнинг 20 фоизидан кам бўлса, у ҳолда, мазкур кредитларнинг risk даражаси 150 фоизни ташкил қилади. Бу эса, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи нисбатан юқори бўлган тижорат банкларининг ликвидлилигига ва капитал базасининг барқарорлигига салбий

таъсир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, республикамизда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари тўлиқ тижорат банкларининг харажатиға олиб борилади. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг соф фойдасини капиталлаштириш даражасининг пасайишиға хизмат қилади. Иккинчидан, муддати ўтган кредитларнинг 150% даражасида рискка тортилиши тижорат банкларининг рискка тортилган активлари суммасининг ошишиға олиб келади. Бунинг натижасида тижорат банклари капиталининг етарлилик коэффиценти пасаяди. Учинчидан, кредитларнинг асосий қисми тижорат банкининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларини кредитлаш йўли билан амалға оширилади. Шу сабабли, кредитларнинг муддатида қайтмаслиги банкнинг ликвидли активлари миқдорининг камайишиға ва шунинг асосида унинг жорий ликвидлилик даражасининг пасайишиға олиб келади.

Мавжуд бўлган AAA дан C- гача ташқи рейтинглар шкаласида Базель II” B- дан кам бўлмаган рейтингларни эътиборға олади. Янада паст рейтингли юридик шахсларға (уларнинг қайси тармоққа алоқадор эканлигидан қатъий назар) юқори баҳолаш коэффиценти берилади (150% миқдорида).

“Базель II” томонидан, давлатлар ва марказий банкларға берилган (суверен рейтинги деб аталмиш) рейтинглар, у ёки бу корхона ёки кредит ташкилотининг якка тартибдаги кредит рейтинглари ва экспорт кредит рейтинглари фарқланади.

Халқаро рейтинг агентликлари - Стандарт энд Пурс, Мудис ва Фитч халқаро кредитлар бўйича тўловға қобилликни қуйидагича баҳолайди (7.1-жадвал).

7.1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, халқаро рейтинг агентликлари халқаро кредитлар бўйича тўловға қобилилликни аниқлашда асосий эътиборни мижознинг суверен кредит рейтингига қаратади.

BBB дан паст рейтинг баҳосига эга бўлган мижозларни кредитни қайтармаслик эҳтимоли нисбатан юқори баҳоланган. D ва C рейтинг баҳоларига эга бўлган мижозлар эса, кредит тўловига лаёқатсиз мижозлар

сифатида баҳоланади ва уларга берилган кредитларнинг риск даражаси юқори ҳисобланади.

7.1-жадвал

Стандарт энд Пурс, Мудис ва Фитч халқаро рейтинг агентликларининг халқаро кредитлар бўйича тўловга қобилликни аниқлаш шкалалари

Стандарт энд Пурс	Мудис	Фитч	Рейтингнинг мазмуни
Инвестицион рейтинг			
AAA	Aaa	AAA	Асосий қарз суммаси ва фоизларни қайтариш имконияти жуда юқори.
AA	Aa	AA	Асосий қарз суммаси ва фоизларни қайтариш имконияти жуда юқори (энг юқори рейтингдан унчалик фарқ қилмайди).
A	A	A	Асосий қарз суммаси ва фоизларни қайтариш имконияти жуда юқори, аммо иқтисодий шароитларнинг салбий таъсирига берилувчанлик мавжуд.
BBB	Baa	BBB	Асосий қарз суммаси ва фоизларни қайтариш учун етарли имкониятлар мавжуд, аммо иқтисодий шароитларнинг салбий таъсири қарзни тўлаш имкониятини пасайишига олиб келиш эҳтимоли катта.
Спекулятив рейтинг			
BB	Ba	BB	Қарзларни қайтаришдан бош тортиш эҳтимоли жуда паст, аммо қарз молиявий ва иқтисодий шароитларнинг салбий таъсирига берилувчан. Бу эса, асосий қарз ва фоизлар бўйича тўловларни кечикишига олиб келиши мумкин.
B	B	B	Ташқи таъсирларга боғлиқлик даражаси кучли.
CCC	Ca	CCC	Қарзлар ва фоизларни қайтармаслик rischi юқори даражада (молиявий ва иқтисодий шароитларнинг салбий таъсири натижасида қарздор мажбуриятларини бажаришга қодир эмас).
CC	—	CC	Асосий қарз суммаси ва фоизларни қайтармаслик эҳтимоли жуда юқори.
C	Ca	C	Банкротлик жараёни бошланган, аммо тўловлар давом этмоқда.
D	C	DDD/DD/D	Қарзни тўлашдан бош тортилди ёки банкротлик жараёни бошланган.

ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР

Халқаро банк кредити; халқаро тижорат кредити; маржа; спрэд; сузувчи фоиз ставкаси; белгиланган фоиз ставкаси; муддати ўтган кредитлар; дефолт; девальвация; суверен кредит рейтинги; комплекс экспертиза.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Халқаро кредитларнинг қандай тамойиллари мавжуд?
2. Халқаро банк кредитини бериш ва қайтариш тартиби қандай?
3. Халқаро тижорат кредитини бериш ва қайтариш тартиби қандай?
4. Халқаро кредитларнинг баҳоси қандай шаклланади?
5. Халқаро кредитларнинг баҳосига қайси омиллар таъсир кўрсатади?
6. Халқаро кредитлар бўйича кредит rischi даражаси қандай аниқлаанди?
7. Кредит rischi нима?
8. Девальвация халқаро кредитларга қандай таъсир кўрсатади?
9. Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси қайси сабабларга кўра пайдо бўлади?

МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Халқаро кредитнинг мазмуни ва тамойиллари.
2. Халқаро банк кредити.
3. Халқаро тижорат кредити.
4. Халқаро кредитнинг баҳоси ва унга таъсир этувчи омиллар.
5. Халқаро кредитларнинг таъминоти.
6. Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси.
7. Ўзбекистон иқтисодиётига халқаро кредитларни жалб этиш масаласи.

VIII-БОБ. ВАЛЮТА ИНҚИРОЗЛАРИ

8.1. Валюта инқирозлари тушунчаси ва уларнинг юзага келиш сабаблари

Валюта инқирози иқтисодий инқирознинг бир тури ҳисобланади.

Иқтисодий инқироз (рецессия) – иқтисодиётни шундай ҳолати ки, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотининг абсолют ҳажми камида икки квартал мобайнида кетма-кет қисқаради.

Валюта инқирози - фонд бозори ҳажмини 20 % дан ошиқ камайиши, банклар ўртасидаги кредит бозорида процент ставкаларини икки марта ўсиши, миллий валюта курсининг 10 % дан ортиқ пасайиши ҳолатидир.

Банк инқирози қуйидаги ҳолатларда содир бўлади, агар:

- ишламайдиган активларни банк тизимини ялпи активидаги улуши 10 % дан ортиқ бўлса;
- банк тизимини қутқариш учун сарфланадиган харажатлар қийматининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши икки фоиздан ошиқ бўлса;
- банкларнинг банкротлашуви ёки национализациялашуви кузатилса;
- ҳукумат молия бозорлари ва молия институтларини қутқариш учун экстраординар чора-тадбирларни қўллаша;
- ҳамма иқтисодий ва молия инқирозларнинг чуқурлашуви, молиявий ва макроиқтисодий кўрсаткичларнинг пасайишининг давомийлиги, халқаро ва миллий доирада содир бўлса.

XX асрда юз берган жаҳон валютавий инқирозларининг сабаблари:

- йирик ривожланган мамлакатларнинг кўп йиллар давомида давлат бюджети тақчиллиги ва салбий ташқи савдо балансига эгалиги;
- давлат ташқи қарзи миқдорини ЯИМга нисбатан ўсиш суръатларини жадаллашиши;
- нораціонал пул-кредит сиёсати ҳамда қайта молиялаш ставкасининг сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида қарзга яшаш кундалик одатга айланиши;

- ипотека кредитлари бериш талабларининг асоссиз бўшаштириб юборилганлиги ва уй-жой бозорида нархларнинг қисқа муддат ичида кескин ўсиши;

- молиявий институтларнинг мажбуриятларига нисбатан устав маблағларининг мутаносиблигини кескин бузилиши;

- қимматбаҳо қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши;

- молиявий аудит ва профессионал этика тамойилларининг бузилиши ва сохта аудит хулосалари тақдим этилиши;

- юқори рискли ва мураккаб ҳосилавий қимматбаҳо қоғозларни вужудга келиши.

- ушбу омиллар мамлакатлар иқтисодиётига турлича таъсир кўрсатади ва инқирозга қарши кураш чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши керак.

8.2. Валюта инқироzi даврида валюта интервенциясини амалга ошириш

Валюта инқироzi валюталарнинг номинал алмашув курсини кескин тебранишларини юзага келтиради. Бу эса, халқаро иқтисодий муносабатларнинг субъектларини молиявий ҳолатига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради. Бундай шароитда валюта интервенцияси валюталарнинг алмашув курсларининг тебаринш диапазонини қисқартирувчи асосий инструмент ҳисобланади.

XX асрнинг 70-90 йилларида марказий банклар томонидан амалга оширилган валюта интервенциялари объекти бўлиб АҚШ доллари ҳисобланар эди. Бу даврларда валюта интервенцияси АҚШдагига нисбатан товарлар баҳосини кескин ўсиб кетишига йўл қўймаслик ёки АҚШ долларининг Европа валюта тизими (ЕВТ) мамлакатларида кескин тебранишининг олдини олиш мақсадида қўлланилар эди. Масалан, Францияда АҚШ доллари курсининг пасайиши юз берганда немис маркаси

сотиларди, АҚШ доллари сотиб олинарди. Италияда эса, АҚШ долларининг курси пасайса, Италия Марказий банки АҚШ доллари, немис маркаси ва голланд гульденини сотар эди. Ана шу йўл билан АҚШ долларининг тебраниши натижасида ЕВТда юзага келадиган салбий ҳолатларга барҳам берилар эди.

Фақат 1992-1993 йилларда юз берган валюта инқироzi пайтида ЕВТга аъзо бўлган айрим мамлакатларнинг марказий банклари (Англия Марказий банки, Италия Марказий банки) томонидан амалга оширилган валюта интервенцияси кутилган натижани бермади. Масалан, Англия ва Италия Марказий банклари томонидан валюта интервенцияси доирасида АҚШ долларининг сотилиши фунт стерлинг ва Италия лираси курсининг пасайиш тенденциясига барҳам бера олмади. Натижада мазкур валюталар ЕВТдан чиқариб ташланди.

1979 йилдан бошлаб валюта интервенцияси механизми Европа Иттифоқи мамлакатларида тубдан ўзгарди. Яъни, ЕВТдаги ҳар бир валюта учун ЭКЮга нисбатан марказий курс белгиланди ва бу курс фақатгина курс қайта кўриб чиқилганда ўзгартирилар эди. ЕВТдаги ҳар қандай иккита валютанинг ЭКЮга нисбатан марказий курслари ўртасидаги нисбат икки томонлама паритетни ташкил этар эди. Ушбу икки томонлама паритетдан курснинг тебраниш чегараси $\pm 4,5\%$ қилиб белгиланган эди. Чунки бу вақтда миллий валюталарнинг паритетдан тебраниш диапозони $\pm 2,25$ қилиб белгиланган эди.

Агар икки валюта икки томонлама паритетдан тебраниш чегарасига етса, у ҳолда, мажбурий интервенция амалга оширилар эди. Ушбу интервенция ҳар иккала марказий банк томонидан амалга оширилар эди. Кучли валютанинг эмитенти заиф валютани етарли даражада кўп миқдорда сотиб олиши, кучли валютани сотиши мумкин эди. Заиф валютанинг эмитенти эса кучли валютани чекланмаган миқдорда ўзининг миллий валютасига сотиши мумкин эди.

Мажбурий валюта интервенциясини амалга ошириш учун, албатта, кучли валютанинг эмитенти заиф валютанинг эмитентига лимитсиз кредит линиясини очиб қўйиши зарур. Бундай кредитларнинг муддати валюта интервенцияси амалга оширилган ой тугагандан кейин 45 кун қилиб белгиланган эди, кейинчалик 75 кун қилиб белгиланди. Мазкур кредитлар уларни олган мамлакатларнинг марказий банкларининг илтимосига кўра 3 ойгача муддатга тикланиши мумкин эди. Лекин тикланганда бериладиган кредитнинг миқдори чекланган бўлиб, мамлакатнинг қисқа муддатли кредитлаш фондидаги бадалининг икки баробари миқдорида белгиланган эди.

АҚШда “Катрина”, “Рита” тўфонларининг оқибатларини бартараф этиш, Афғонистон ва Ироқдаги уруш ҳаракатлари натижасида Давлат бюджетининг харажатлари кескин ошди ва уларнинг молиялаштирилиши АҚШ доллари таклифини ошишига олиб келди. Бунинг натижасида АҚШ долларининг бошқа етакчи валюталарга нисбатан жаҳон валюта бозорларидаги позицияси сезиларли даражада заифлашди. Бу эса, ФЗТни раҳбариятини ҳисоб ставкасини сезиларли даражада оширишга мажбур қилди.

Евронинг 2001-2004 йилларда АҚШ доллари ва бошқа етакчи валюталарга нисбатан қадрининг ошиши, юқорида таъкидлаганимиздек, еврозона мамлакатларининг экспорт салоҳиятига салбий таъсир кўрсатди. Шу сабабли, ЕМБ 2004-2005 йилларда ҳисоб ставкасини сезиларли даражада оширди ва валюта интервенциясини амалга оширишга мажбур бўлди.

Таъкидлаш жоизки, халқаро резерв валюталар номинал алмашув курсининг барқарор эмаслиги, уларни сезиларли диапазонларда тебранаётганлиги жаҳон валюта тизимининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди. Айниқса, АҚШ доллари ва евроинг номинал алмашув курсларини тез-тез тебраниб туриши кузатилмоқда. АҚШ давлат қарзининг нисбатан катта эканлиги, савдо балансида катта миқдордаги дефицитнинг мавжудлиги, давлат бюджети дефицитининг катта эканлиги Федерал захира

тизими (ФЗТ) томонидан амалга оширилаётган қайта молиялаш сиёсатининг мослашувчанлик даражасининг юқори эканлиги долларнинг номинал алмашув курсини сезиларли даражада катта диапазонларда тебранишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, жаҳон валюта тизимининг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Ҳолбуки, АҚШ доллари ҳамон дунёнинг асосий резерв валютаси бўлиб турибди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига, СДРнинг “валюта саватида” АҚШ долларининг салмоғи 41,9 фоизни ташкил этади⁶⁸.

АҚШ доллари номинал алмашув курсининг тебранишига сабаб бўлаётган асосий омиллардан бири бўлиб, мамлакат савдо балансининг катта миқдордаги дефицитга эга эканлиги ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда АҚШнинг Хитой билан амалга ошириладиган савдо муносабатларидаги дефицит миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

АҚШ Давлат бюджети дефицити ва ташқи қарзининг халқаро амалиётда қабул қилинган меъёрий даражадан юқори эканлиги долларнинг номинал алмашув курси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган жиддий омиллар ҳисобланади.

Халқаро амалиётда қабул қилинган меъёрий андозага кўра, Давлат бюджетининг ЯИМга нисбатан салмоғи 3,0 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Давлатнинг ташқи қарзи эса, ЯИМга нисбатан 30,0 фоиздан ошиб кетмаслиги керак. Европа Иттифоқи мамлакатларида давлатнинг жами қарзига, яъни ички ва ташқи қарзига нисбатан меърий чегара ўрнатилган бўлиб, у ЯИМга нисбатан 60 фоизни ташкил этади⁶⁹.

Японияда Давлат ва Марказий банк томонидан муаммоли активларни сотиб олиниши макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ёмонлашишига ва шунинг асосида миллий валюта алмашув курсининг тебранишларига сабаб бўлмоқда. Хусусан, Япония Марказий банки 2008-2010 йилларда 55 трлн.

⁶⁸ www.imf.org.

⁶⁹ Экономика Европейского Союза. Под ред. Р.К. Щенина. – М.: КноРус, 2012. – 560 с.

иен миқдоридаги активларни сотиб олди. 2011 йилда яна 10 трлн. иен миқдоридаги муаммоли активларни сотиб олишга қарор қилинди⁷⁰.

Япония ҳукумати ва Марказий банки компаниялар ва банкларнинг муаммоли активларини сотиб олиш йўли билан уларнинг кўпчилигини банкрот бўлишдан сақлаб қолди. Агар оғир молиявий аҳволни бошидан кечираётган компаниялар ва банкларнинг қимматли қоғозларини сотиб олмаганда эди, ушбу қимматли қоғозларнинг бозор баҳоларининг пасайиши натижасида уларнинг бозор баҳолари пасайиб, эмитентларнинг бозордаги мавқеига жиддий путур етган бўлар эди.

2009 йил январь ойида Япония тўлов балансининг жорий операциялар бўлими бўйича дефицит суммаси 172,8 млрд. иенни ташкил этди. Ҳолбуки, бунга қадар 13 йил мобайнида дефицит бўлмаган эди⁷¹.

АҚШ доллари курсининг нобарқарорлиги Япония, Германия, Франция, Буюк Британия ва Хитой каби мамлакатларни ҳам ташвишга солмоқда. Чунки, уларнинг халқаро валюта захираларининг асосий қисми АҚШ долларида шаклланган. Шу сабабли, 1999 йил январда Япония ва Германия Молия вазирлари АҚШга доллар, евро ва иеннинг курсларини ўзаро бир-бирига боғлашни таклиф қилдилар. Аммо АҚШ Федерал захира тизимининг ўша вақтдаги раҳбари А.Гринспэн ва Молия вазири Р.Рубин ушбу таклифни қатъиян рад этдилар. Уларнинг фикрига кўра, мазкур уч етакчи валюта курсларини ўзаро бир-бирига боғлашни жорий этиш АҚШ Федерал захира тизимининг ишсизлик ва инфляцияга қарши курашишга қаратилган пул-кредит сиёсатининг мустақиллигига путур етказди⁷².

“Евроҳудуд”даги қарз муаммолари, Греция, Испания, Италия, Португалиядаги оғир молиявий ҳолатлар, пировард натижада, евронинг АҚШ доллари ва бошқа етакчи валюталарга нисбатан курсининг тебранишларига ва пасайишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, Грециядаги оғир иқтисодий инқироз ҳолатларини бартараф этиш мақсадида ажратилаётган

⁷⁰ Центробанк Японии напечатает еще 10 триллионов иен. <http://lenta.ru/news/2010>.

⁷¹ <http://www.mof.go.jp.english/budget/htm>.

⁷² Моисеев С.Р. Международные валютно-кредитные отношения. – М.: Дело и Сервис, 2007. – С. 625-626.

кредитлар ва бошқа шакллардаги молиявий маблағлар евродаги пул массасининг ошишига сабаб бўлмоқда.

8.3. 2008 йилги жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози: юзага келиш сабаблари, оқибатлари ва ўзига хос хусусиятлари

2008 йилда юз берган жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози АҚШнинг ипотекали кредитлаш тизимида юз берган тангликдан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларнинг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди”⁷³.

2008 йилдаги жаҳон молия инқирозининг ривожланиш босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. АҚШда кўчмас мулк бозори инқирози – 2008 йил августга қадар.
2. Инвестицион банкларда ликвидлик инқирози – 2008 йил майдан бошлаб.
3. Кредитлашнинг паралич ҳолатига келиши – 2008 йил август-сентябрь.
4. Котрагентларга бўлган ишонч инқирози – 2008 йил сентбяр.
5. Етакчи банкларни юмшоқ национализация қилиш – 2008 йил сентбяр-октябрь.

⁷³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. - Б.4.

6. Корпорация ва аҳолини даромадларини қисқариши ва талабни камайиши – 2008 йил октябрь.

7. Жамғарма тизимидаги саросима хавф-хатарлари – 2008 йил октябрдан бошлаб суғурта депозитларини ортиши.

8. Ишлаб чиқариш, бандлик ва инвестициянинг камайиши.

9. Реал секторга таъсирни чекланиши.

10. Бозорга бўлган ишончнинг тикланиши.

11. Халқаро молия тизимини мониторинги ва тартибга солишни ислох қилиш.

8.1-жадвал

Алоҳида олинган мамлакатларнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишга йўналтирган молиявий маблағлари⁷⁴

Мамлакат	Молиявий маблағлар миқдори, млрд. АҚШ доллари	Молиявий маблағларнинг ЯИМга нисбатан салмоғи, %
Россия	222	13,9
Буюк Британия	1020	37
АҚШ	3539	25
Германия	893	23
Япония	576	12
Хитой	570	13

8.1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, миқдор жиҳатидан АҚШ, Буюк Британия ва Германияда глобал инқироз оқибатларини бартараф этиш мақсадида нисбатан катта маблағ сарфланган. Ушбу маблағларнинг ЯИМга нисбатан юқори даражаси ҳам ушбу мамлакатларда кузатилган. Бу эса, мазкур мамлакатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг иқтисодиётга нисбатан кучли таъсир этганлиги билан изоҳланади.

8.1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози жиддий оқибатларга эга

⁷⁴ Зальем ли нефтедолларами пожар экономики. E-MAIL EG@ ECONOMIC, 2008.

бўлганлиги сабабали, дунё мамлакатлари уни бартараф этиш мақсадида жуда катта маблағлар сарфлаганлар.

Юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози натижасида мазкур пул қоидаси бузилди. Яъни, Марказий банклар тижорат банкларига муддатли кредитлар бера бошладилар.

2008-2009 йилларда АҚШ Федерал захира тизими (ФЗТ), Европа Марказий банки (ЕМБ), Англия, Швейцария ва Япония марказий банклари 600 млрд. еуродан ортиқ миқдорда қайта молиялаш кредитлари беришга қарор қилди. 2008 йилгача бўлган даврда ҳам тараққий этган мамлакатларнинг марказий банклари томонидан тижорат банкларига муддатли кредитлар бериш амалиёти мавжуд эди. Аммо ушбу кредитлар жуда қисқа муддатли бўлиб, фақат тижорат банкларининг жорий ликвидлилигини таъминлаш мақсадига берилар эди.

2007 йилнинг декабр ойида ФЗТ тижорат банкларига даври олти ойгача бўлган муддатга марказлашган кредитлар беришни бошлади. ЕМБ эса, 2008 йилнинг 16 октябридан бошлаб, тижорат банкларига 6 ойгача бўлган муддатга марказлашган кредитлар бера бошлади⁷⁵.

Қайд этиш жоизки, ЕМБ тижорат банкларига қимматли қоғозларни гаровга қўйиб, қайта молиялаш кредитлари олиш имкониятини оширди. Яъни, ЕМБ марказлашган кредитларнинг гаров таъминоти сифатида қабул қилинадиган қимматли қоғозларининг сонини оширди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қадар ЕМБ фақат ҳукуматларнинг қимматли қоғозларини ҳамда компаниялар ва банкларнинг активлари билан таъминланган облигацияларнигина ўзининг марказлашган кредитлари учун гаров сифатида қабул қилар эди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири туфайли тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини кескин пасайганлиги натижасида ЕМБ томонидан марказлашган кредитлар ҳажмини ошириш

⁷⁵ Андрюшин С., Бурлачков В. Денежно-кредитная политика и глобальный финансовый кризис: вопросы методологии и уроки для России // Вопросы экономики. – Москва, 2008. – №11. – С. 39.

заруриятини юзага келтирди. Натижада, ЕМБ корпоратив акциялар ва ипотека облигацияларини гаров объекти сифатида тан олиб, 2008 йилда 8 мингта банкка ломбард кредитлари олиш имконини берди⁷⁶.

Англия Марказий банки жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бошланғич фазасида қайта молиялаш кредитлари ҳажмини ошириш йўлини тутмади. Аммо Англия банки бунга қадар ҳукуматнинг қимматли қоғозлари ҳамда компаниялар ва банкларнинг облигациялари ҳамда ипотека облигацияларини гаровга олиш йўли билан тижорат банкларига қайта молиялаш кредитлари бериш амалиётига эга эди.

Жаҳон молия инқирози шароитида монетар сиёсатни амалга оширишнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, монетар индикаторларнинг беқарорлиги ҳисобланади. Масалан, Хитой Марказий банки, Европа Марказий банки, АҚШ ФЗТ 2008-2009 йилларда ҳисоб ставкасини бир неча марта ўзгартирди⁷⁷.

Лекин, шу билан бирга, глобал молиявий инқироз даврида Марказий банкларнинг ҳисоб ставкасини кескин пасайтирилганлиги инфляция хавфини юзага келтирди. Натижада, бир-бирига қарама-қарши бўлган икки ҳолат юзага келди: бир томондан, ҳисоб ставкаларининг пасайтирилиши тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик муаммосини бартараф этиш имконини берди; иккинчи томондан эса, Марказий банкларнинг ҳисоб ставкаларини пасайтирилиши, яъни “арзон пуллар” сиёсатининг амалга оширилиши муомаладаги пул массасининг ошишига олиб келади. Бизга маълумки, пуллар таклифининг юқори суръатларда ошиши инфляциянинг кучайишига олиб келади.

2008 йилги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ўзига хос хусусиятлари:

1. Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг хусусиятлари Биринчидан, тараққий этган мамлакатлардан

⁷⁶ European Central Bank Report 2007. –Fr/M., 2008 маълумотлари.

⁷⁷ <http://lenta.ru/news/2010/12/22/japan> сайти маълумотлари.

бошланиб, инқироз жуда катта масштабга эга бўлиб, барча давлатлар ва ҳудудларни қамраб олмоқда.

2. Ушбу инқироз таркибий характерга эга, яъни жаҳон иқтисодиёти таркиби ва унинг технологик базасида жиддий янгиланишни тақозо этмоқда. Таркибий ўзгаришлар туфайли ишлаб чиқариш кучлари тармоқ ва ҳудудлар бўйича қайта тақсимланади.

3. Инқироз инновацион характерга эга. Сўнгги йилларда молия-иқтисодиёт соҳасида молиявий инновация билан боғлиқ молия бозорининг янги дастаклари (деривативлар) вужудга келди ва улар жаҳон иқтисодиётини барқарор ривожланишини таъминлаш ўрнига инқирозга олиб келди.

4. Молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофатлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда.

5. Авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади.

6. Молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча қатор омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканлигига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш

қобилияти ва пировард натижада - мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ.

7. Жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ.

Мазкур жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш мақсадида ХВФ томонидан қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

- молия бозорларини тартибга солишнинг янги қоидаларини ишлаб чиқиш ва мамлакатларни макроиқтисодий параметрларига янги талаблар қўйиш (Маастрихт шартномасига ўхшаган);

- Халқаро валюта фонди молиявий имкониятларини кенгайтириш (250 млрд доллардан 1 трлн. долларга етказиш);

- 20 лик мамлакатлар ролини ошириш ва статусини мустаҳкамлаш;

- рейтинг агентликлари фаолиятини ягона тартибга солиш тизимини яратиш;

- молия соҳасида янги халқаро ташкилотни тузиш ёки мавжудларини қайта ташкил қилиш асосида аъзо бўлган мамлакатларни молия ва фискал сиёсатини ягона қоида асосида амалга ошириш;

- деривативларнинг муомаласини тартибга солиш механизминини ишлаб чиқиш.

ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР

Иқтисодий инқироз; банк инқирози; валюта курси; валюта инқирози; валюта савати; валюта интервенцияси; девальвация; ревальвация; бюджет дефицити; ташқи қарз; ҳисоб ставкаси; рейтинг агентликлари.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Иқтисодий инқироз нима?
2. Валюта инқирози нима ва у қандай шаклларда намоён бўлади?
3. Валюта инқирозини юзага келтирувчи сабаблар нимадан иборат?

4. Валютавий инқирозлар қандай оқибатларга олиб келади?
5. Валютавий инқирозларга қарши қандай кураш усуллари мавжуд?
6. 2008 йилги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози қандай сабабларга кўра юз берди?
7. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишда қандай чора-тадбирлардан фойдаланилди?

МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Валюта инқирозларини юзага келтирувчи сабаблар.
2. Валюта инқирозларининг ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари.
3. Валюта инқирозига қарши кураш чора-тадбирлари.
4. Валюта инқирози шароитда валюта интервенциясини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари.
5. Халқаро резерв валюталарнинг алмашув курслари барқарорлиги.
6. Ўзбекистон иқтисодиётига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири.
7. Глобаллашувнинг валюта инқирозларига таъсири.

IX-БОБ. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-КРЕДИТ ВА МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

9.1. Халқаро валюта фонди

ХВФни ташкил этиш тўғрисидаги қарор 1944 йилда АҚШнинг Нью-Хемпшир штатидаги Бреттон – Вудс шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда қабул қилинган эди. Конференцияда 44 давлатдан вакиллар иштирок этган.

1929-1933 йилларда юз берган Буюк депрессияни такрорланишига йўл қўймаслик.

ХВФнинг Низоми ишлаб чиқилди. Бунда АҚШ Молия вазири Гарри Уайт ва Ж.М.Кейнснинг хизмати катта.

ХВФ ўз фаолиятини 1945 йил декабрда бошлади.

ХВФ фаолиятининг мақсадлари:

1. Валюта-молиявий соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиш.
2. Халқаро савдони барқарор ривожланишига кўмаклашиш.
3. Валюталарнинг барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиш, аъзо давлатлар ўртасида тартибга солинган валюта режимини қўлланилишини таъминлаш.
4. Давлатлар ўртасида кўп томонлама ҳисоб-китоблар тизимини яратишга ёрдам бериш.
5. Давлатларнинг барқарор иқтисодий ўсишига кўмаклашиш.
6. Камбағалликка қарши курашиш.

ХВФнинг олий бошқарув органи Бошқарувчилар кенгашидир. У йилига 1 марта йиғилиш ўтказди.

ХВФнинг жорий фаолиятини Ижро Кенгаши амалга оширади. У 24 аъзодан иборат.

Кенгаш ҳафтада 3 марта мажлис ўтказди. 8 та давлат йирик акциядор сифатида Кенгашда ўзининг доимий ўрнига эга: АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Хитой, Россия, Саудия Арабистони.

Қолган 16 директор 2 йил муддатга тегишли мамлакатлар гуруҳи томонидан сайланади.

Ижро кенгаши Ижрочи директорни сайлайди.

Ижро кенгаши аъзолари бир вақтнинг ўзида Жаҳон банки ижро кенгаши аъзолари ҳисобланади.

ХВФ 26 департаментдан иборат. Унинг ходимларининг учдан икки қисми иқтисодчилардир.

ХВФнинг штаб квартираси Вашингтон шаҳрида. Шунингдек, Нью-Йорк ва Женевада бўлинмалари бор.

1. Халқаро валюта тизимида юзага келган ўзгаришларни кузатиб боради ва давлатларга иқтисодий ва молия сиёсатидаги муаммоларнинг ечими бўйича маслаҳатлар беради.

2. Аъзо мамлакатларга кредитлар беради. Кредитлар асосан тўлов балансида муаммолар мавжуд бўлган мамлакатларга берилади.

А. Стэнд-бай кредитлари. 12-18 ой. Тўлов балансида қисқа муддатли муаммо.

Б. Камбағалликни қисқартириш мақсадига берилган кредитлар. Тўлов балансида узоқ муддатли муаммо. Фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ ХВФга тегишли олтинни сотишдан олинган маблағлар ҳисобидан ва аъзо давлатлар томонидан ажратилган қарзлар ва грантлар ҳисбидан субсидияланади.

Мазкур кредитлар 10 йилгача муддатга, йиллик 0,5% ставкада берилади.

В. Компенсацион молиялаштириш.

Озиқ-овқат. Бунда маржа бўлмайди.

Г. Фавқулодда ёрдам.

Табиий офатлар ва ҳарбий ҳаракатлар туфайли зарар кўрган давлатларга. 3,25%-5 лет.

3. Аъзо мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банкларига техник ёрдам кўрсатади.

4. Халқаро иқтисодий форумларни ўтказди.

ХВФ ресурслари қуйидаги манбалардан ташкил топади:

1. Аъзо мамлакатларнинг аъзолик бадаллари, яъни квоталари.
2. Қарзлар бўйича Бош битим (11 та давлат).
3. Қарзлар бўйича Бош битим (25 та давлат).

9.1-жадвал

ХВФ қарзлари тўғрисидаги Бош битим иштирокчилари⁷⁸

Иштирокчи	Сумма, млн. СДР
АҚШ	4250
Бундесбанк (Германия)	2380
Япония	2125
Франция	1700
Буюк Британия	1700
Италия	1105
Швейцария Миллий банки	1020
Канада	892
Нидерландия	850
Бельгия	595
Риксбанк (Швеция)	382
Жами	17000

9.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, АҚШ ҳукумати, Германия Марказий банки, Япония, Франция, Буюк Британия ҳукуматлари ХВФнинг ресурс базасини ташкил этишда катта роль ўйнайди.

“20 лик гуруҳи” мамлакатларининг 2010 йилда бўлиб ўтган саммитида ХВФ фаолиятини ислоҳ қилиш масаласи кўтарилган эди. Аммо, АҚШ бунга тўсқинлик қилиб келди. Чунки, АҚШ ХВФ фаолиятини назорат қилиш имкониятини қўлдан чиқариб қўйишдан қўрқади. ХВФ устав капиталидаги

⁷⁸ IMF IFS 2012. www.imf.org.

15 фоиздан ортиқ бўлган квота ХВФ қарорларини ҳаракатдан тўхтатиш имконини беради.

ХВФ 2016 йил 26 январда Фонд фаолиятини ислоҳ қилиш бошланганлигини маълум қилди. Хусусан, бир қатор давлатларнинг квоталари қайта кўриб чиқилди. Натижада, тараққий этган мамлакатларнинг ХВФ уставидаги улуши 60,5 фоиздан 57,7 фоизга туширилди. G-7 мамлакатларининг улуши эса, 45,2 фоиздан 43,4 фоизга туширилди. Европа Иттифоқи мамлакатларининг улуши 32,4 фоиздан 30,2 фоизга туширилди. Ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг улуши 39,5 фоиздан 42,3 фоизга кўтарилди.

ХВФ фаолиятини ислоҳ қилишнинг яна бир муҳим натижаси бўлиб, унинг устав капитали миқдорининг оширилганлиги бўлди. 2016 йилги ислоҳот натижасида ХВФнинг устав капитали амалдаги 238,5 млрд. СДРдан 477 млрд. СДРга (659 млрд. АҚШ доллари) оширилди.

2017 йилда ХВФнинг Ижро кенгаши имтиёзсиз молиялаштириш механизми доирасида умумий суммаси 98,2 млрд СДР (134,7 млрд. доллар) бўлган 15 та шартномани маъқуллади. Мазкур молиялаштириш суммасининг 78 фоизи Мексика, Колумбия ва Польшанинг ҳиссасига тўғри келди:

* Мексика – 62,4 млрд. СДР;


* Колумбия – 8,2 млрд. СДР;

* Польша – 6,5 млрд. СДР.

ХВФ 2017 йилда паст даромадга эга бўлган ривожланаётган мамлакатларга 1,1 млрд. СДР (1,5 млрд. АҚШ доллари) миқдорида имтиёзли кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур имтиёзли кредитлар камбағалликни қисқартириш ва иқтисодий ўсишга кўмаклашиш мақсадида берилади.

2017 йилнинг апрель ойи охирига келиб, 52 та аъзо давлатларга берилган имтиёзли кредитлар бўйича қайтарилмаган қарздорлик миқдори 6,3 млрд. СДРни ташкил этди⁷⁹.

⁷⁹ www.imf.org.



9.1-расм. ХВФ фондининг жами харажатлари ва капитали⁸⁰, млн. АҚШ доллари

9.1-расм маълумотларидан кўринадикки, ХВФ харажатларининг миқдори 2021-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган

Келтирилган маълумотлардан кўринадикки, 2021-2023 йилларда ХВФ капиталининг миқдори камайиш тенденциясига эга бўлган. бу эса, унинг молиявий имкониятларини кенгайтириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

9.2. Жаҳон банки гуруҳи

Жаҳон банки гуруҳи ХВФ билан бир вақтда ташкил этилган.

Жаҳон банки гуруҳи қуйидаги ташкилотлардан ташкил топган:

1. Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки (ХТТБ).
2. Халқаро молия корпорацияси (ХМК).
3. Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРК).
4. Инвестицион кафолатлар бўйича кўп томонлама агентлик (ИККТА).
5. Инвестицион мунозараларни тартибга солиш бўйича халқаро марказ (ИМТХМ).

ХТТБ фаолиятининг мақсадлари:

- қашшоқлик ва очлик муаммосини ҳал қилиш;

⁸⁰ www.imf.org.

- бошланғич умумий таълимни таъминлаш;
- эркалар ва аёллар ўртасидаги тенг ҳуқуқлиликини таъминлаш;
- болалар ўлимини камайтириш;
- ОИТС ва бошқа касалликларга қарши кураш;
- экологик барқарорликини таъминлаш;
- тараққиёт йўлида глобал ҳамкорликини шакллантириш.

9.1-жадвал

Жаҳон банки гуруҳи томонидан берилган кредитлар ва кафолатлар, млн. АҚШ доллари⁸¹

Кўрсаткичлар	2020й.	2021й.	2022й.
Берилган кредитлар	54 367	60 596	67 041
Берилган кафолатлар	3 961	5 199	4 935

9.1-жадвал маълумотларидан кўринадик, биринчидан, Жаҳон банки гуруҳи томонидан берилган кредитларнинг миқдори 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган; иккинчидан, Банк томонидан берилган кафолатларнинг миқдори 2021 йилда 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган, бироқ, 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган.

ХТТБнинг йирик акциядорлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

* АҚШ

* Япония

Германия

* Буюк Британия

* Франция.

ХТТБни Бошқарувчилар кенгаши бошқаради. Бошқарувчилар кенгашида ҳар бир аъзо мамлакатнинг Молия вазирлари ёки Иқтисодиёт вазирлари ўтиради. Улар ҳар кузда йиғилишади.

Бошқарувчилар кенгаши қуйидаги масалаларни ҳал қилиш бўйича ваколатлидир:

⁸¹ Жадвал муаллифлар томонидан Жаҳон банки гуруҳининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича эълон қилинган ҳисоботи маълумотлари асосида тузилган.

- янги аъзоларни қабул қилиш;
- банкнинг устав капиталига ўзгартириш киритиш;
- фойдани тақсимлаш;
- банкнинг ҳисоботлари ва бюджетини тасдиқлаш.

ХТТБ фаолиятини оператив бошқариш билан Ижрочи директорлар кенгаши шуғулланади. Кенгашда 24 та ижрочи директор мавжуд. Шунинг 5 таси ХТТБнинг йирик акциядорлари вакиллари дир.


Анъанага кўра, ХТТБ Президенти АҚШ фуқароси бўлиши керак. У 5 йил муддатга сайланади.

ХТТБ 3 турдаги хизматларни аъзо мамлакатларга кўрсатади:

- молиявий хизматлар;
- маслаҳат хизматлари;
- кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш хизмати.

ХТТБ инвестицион лойиҳаларни кредитлашга ва мамлакатлар иқтисодиётини таркибий жиҳатдан қайта ташкил этиш мақсадларига узоқ муддатли кредитлар беради.

ХТТБ шунингдек, мамлакатларга фойсиз кредитлар ва грантлар ажратади ҳамда дотациялар беради.



9.2-расм. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан берилган халқаро кредитлар ва молиявий грантлар, млн. АҚШ доллари⁸²

⁸² Расм муаллифлар томонидан Жаҳон банки гуруҳининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича эълон қилинган ҳисоботи маълумотлари асосида тузилган.

9.2-расм маълумотларидан кўринадик, ХТТБ томонидан берилган халқаро кредитлар ва молиявий грантларнинг миқдори 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

ХМК 1956 йилда ташкил этилган.

ХМК фаолиятининг асосий мақсади бўлиб, қашшоқликни қисқартириш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида ривожланаётган мамлакатларнинг хусусий секторига жалб этилаётган инвестицияларнинг барқарор оқимини рағбатлантириш ҳисобланади.

ХМК молиявий маҳсулотларининг асосий қисмини кредитлар ва инвестициялар ташкил этади.

ХМК активлар портфелининг 70 фоиздан ортиқ қисмини берилган кредитлар ташкил этади. Берилган кредитлар, асосан, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бўлиб, улар 15 йилгача муддатга берилади.

ХМК компаниялар ва банкларнинг оддий ва имтиёзи акцияларини сотиб олиш йўли билан ўзининг инвестицион фаолиятини амалга оширади.

2001 йилдан бошлаб ХМК ўзининг мижозларини мажбуриятлари юзасидан кафолатлар беришни бошлади. Корпорация юқори кредит рейтингига (AAA) эга бўлганлиги сабабли, унинг кафолатлари жуда юқори баҳоланади.

ХМК томонидан қилинаётган инвестицияларнинг ресурс манбаи бўлиб, ўз капитали ва тақсимланмаган фойда ҳисобланади.

ХМК хусусий компаниялар ва банкларга 5 йилдан 15 йил муддатгача, ҳукумат кафолатисиз, кредитлар беради.

ХМК ресурслари қуйидаги манбалардан ташкил топади:

1. Капитал.
2. Қимматли қоғозларни сотишдан олинган маблағлар.
3. Халқаро ссуда капиталлари бозоридан олинган маблағлар.
4. Тақсимланмаган фойда.

ИККТА 1988 йилда ташкил этилган.

ИККТА хорижий инвесторларга нотижорат мазмунидаги рисклардан кўрилиши мумкин йўқотишлар бўйича кафолат беради.

Нотижорат мазмунидаги рискларга қуйидагилар киради:

- экспроприация rischi;
- валютани конвертирлаш rischi;
- хорижга валюта маблағларини олиб чиқишни чеклаш;
- ҳарбий ҳаракатлар натижасида зарар кўриш;
- фуқаролар уруши ва тартибсизликлар.

ИККТА тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни нотижорат рискларидан 15 йилдан 20 йилгача муддатга суғурталайди.

ИМТХМ нинг бош мақсади бўлиб, инвестицион мунозараларни тартибга солиш йўли билан ривожланаётган мамлакатларга хорижий инвестициялар жалб этишни рағбатлантириш ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, қашшоқликни қисқартириш имконини беради.

Инвестицион мунозараларни ҳал этиш инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Ушбу Марказ 1966 йилда ташкил этилган эди. Ташкил этилгандан буён 100 га яқин инвестицион мунозараларни кўриб чиқди.

9.3. Европа Тиклаш ва тараққиёт банки.

ЕТТБ 1990 йилда ташкил этилган бўлиб, фаолиятининг мақсадлари қуйидагилардан иборат:


1. Минтақавий интеграцияни қўллаб-қувватлаш;
2. Хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожланаётган мамлакатларда воситаларни бошқариш ва кучайтириш;
3. Жаҳон бозоридаги рақобатдошликни ошириш мақсадида давлат корхоналарини хусусийлаштириш орқали молиялаштириш, хусусий корхоналарни қайта тиклашни ўтказиш.

ЕТТБнинг тўланмаган капитали кафолат фонди вазифасини ўтайди. У ресурс зарур бўлиб қолганда акциядор мамлакатлардан талаб қилиб олинади.

Шуниси характерлики, ЕТТБ жаҳон ссуда капиталлари бозоридан ресурслар жалб қилиш усулидан фаол фойдаланади. Бунда ЕТТБ сертификатларни чиқариш йўли билан ресурслар жалб қилади. Жаҳон банки эса, жаҳон ссуда капиталлари бозоридан облигациялар чиқариш йўли билан ресурслар жалб қилади.


ЕТТБ кредитларининг 70 фоиздан ортиқ қисми хусусий секторга берилган.

ЕТТБ уч поғонали бошқарув структурасига эга: Бошқарувчилар Кенгаши, Директорлар Кенгаши ва Президент(9.1-расм).



9.3-расм. Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг бошқарув тизими

Бошқарувчилар Кенгашининг йиғилиши ҳар йили бир марта ёки камида 5та директорнинг талабига кўра чақирилади. Ҳал қилувчи қарорлар кўпчиликнинг овоз беришиш йўли билан қабул қилинади.



9.4-расм. ЕТТБнинг кредит ресурслари

9.4-расмдан кўринадики, ЕТТБнинг кредитлари ўз маблағлари ва жалб қилинган ресурслар ҳисобидан берилади.

9.2-жадвал


ЕТТБ активларининг таркиби, млн. евро⁸³

	31.12.2021й.	31.12.2022й.
Бошқа банклардаги пул маблағлари	22 619	21 402
Сотиб олинган қарз қимматли қоғозлари	10 304	8 275
Деривативлар	4 960	5 069
Берилган кредитлар	27 208	29 932
Асосий воситалар ва номоддий активлар	502	581
Бошқа активлар	9180	6 366
Жами активлар	74 773	71 625

⁸³ European Bank for Reconstruction and Development. Annual Report. 2022.. ebrd. com.

9.2-жадвал маълумотларидан кўринадик, ЕТТБ активларининг таркибида нисбатан юқори салмоқлик кредитлар ва бошқа банкларга жойлаштирилган депозитлар эгаллайди, нисбатан кичик салмоқни эса, асосий воситалар ва номоддий активлар ҳамда сотиб олинган деривативлар эгаллайди.

ЕТТБнинг мажбуриятлари ва капитали унинг фаолиятини ривожлантиришда, шу жумладан, кредитлаш кўламини кенгайтиришда муҳим ўрин тутди.



9.5-расм. ЕТТБнинг мажбуриятлари ва капитали⁸⁴, млн. евро

9.5-расм маълумотларидан кўринадик, ЕТТБнинг мажбуриятлар ва капиталининг миқдори 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бу эса, унинг кредитлар бериш имкониятини чеклайди.

9.4. Осиё тараққиёт банки (ОТБ)

ОТБ 1966 йилда ташкил топган бўлиб, 67 та мамлакат аъзодир. Ушбу мамлакатларнинг 48 таси Осиё минтақаси давлатларидир.

ОТБ фаолиятининг мақсадлари:

- аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш;
- Осиёдаги давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

⁸⁴ European Bank for Reconstruction and Development. Annual Report. 2022.. ebrd. com.

– аъзо мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатини мувофиқлаштиришга кўмаклашиш.

ОТБнинг йирик акциядорлари бўлиб, қуйидаги давлатлар ҳисобланади:

- * Япония;
- * АҚШ;
- * Хитой;
- * Ҳиндистон;
- * Покистон;
- * Индонезия;
- * Бангладеш.

ОТБнинг энг йирик акциядорлари Япония ва АҚШ бўлиб, уларнинг ҳар бирининг ОТБнинг устав капиталидаги улуши 15 фоизни ташкил этади.

ОТБнинг низомига кўра, ОТБ Президенти фақат Осиё минтақасидаги давлатнинг вакили бўлиши керак. Шу сабабли, ОТБ ташкил топганидан то ҳозирга қадар ўтган вақт давомида ОТБнинг Президенти фақат Япония фуқаролари бўлиб келишмоқда. Чунки, Япония минтақадаги давлат бўлиб, минтақа давлатлари ичида ОТБнинг устав капиталида энг катта улушга эга. Сўнгги йилларда Хитойнинг ОТБнинг устав капиталидаги улушининг ошиб бориши кузатилмоқда. Ажабмас, яқин келажакда Хитойнинг ОТБ устав капиталидаги улуши Японияникига тенглашиб қолса.

ОТБ ривожланаётган мамлакатларга қуйидаги фондлар ҳисобидан кредитлар беради:

1. Оддий фонд ҳисобидан тижорат шартлари асосида 25 йил муддатга бериладиган кредитлар (барча кредитларнинг қарийб 2/3 қисми).

2. Осиё ривожланиш махсус фонди ҳисобидан имтиёзли йиллик 1-3% ставкалар бўйича камбағал мамлакатларга 40 йилгача муддатга бериладиган кредитлар⁸⁵.

⁸⁵ Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Молия, 2012. – Б. 646.

9.3-жадвал

**Осиё тараққиёт банки томонидан берилган кредитлар, молиявий
грантлар ва устав капиталига қилинган инвестициялар, млн. АҚШ
доллари⁸⁶**

Кўрсаткичлар	2020й.	2021й.	2022й.
Берилган кредитлар	22 468	16 195	13 232
Молиявий грантлар	1 017	344	932
Капиталга инвестициялар	255	265	147

9.3-жадвал маълумотларидан кўринадики, ОТБ томонидан берилган кредитларнинг миқдори 2020-2022 йилларда камайиш тенденциясига эга бўлган. бу эса, 2020 йилда бошланган коронавирус пандемияси туфайли берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликни ошганлиги билан изоҳланади.

9.3-жадвал маълумотларидан кўринадики, ОТБ томонидан берилган молиявий грантларнинг миқдори 2022 йилда 2020 йилга нисбатан кескин камайган.

9.3-жадвал маълумотларидан кўринадики, ОТБ томонидан бошқа компаниялар ва банкларнинг устав капиталига қилинган инвестицияларнинг миқдори 2021 йилда 2020 йилга нисбатан кўпайган, бироқ, 2022 йилда 2020 йилга нисбатан кескин камайган.

Ўзбекистон Республикаси ОТБ аъзолигига 1995 йилда қабул қилинган. Республикамизнинг ОТБ устав капиталидаги улуши 0,765 фоизни ташкил этади.

ОТБ томонидан Ўзбекистонга 1995-2010 йиллар мобайнида берилган кредитларнинг умумий суммаси 1,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2010 йил 1-4 май кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ОТБнинг йиллик йиғилишида Ўзбекистонга 1140 млрд. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратиш тўғрисида қарор қилинди⁸⁷.

⁸⁶ Жадвал муаллиф томонидан ОТБнинг йиллик ҳисоботларининг маълумотлари асосида тузилган.

⁸⁷ Asian Development bank. Annual Reports. <http://www.adb.org>.

9.5. Ислом тараққиёт банки

ИТБ 1974 йилда ташкил этилган бўлиб, унга давлат дини ислом дини бўлган 35 мамлакат аъзодир.

ИТБнинг асосий мақсади бўлиб, унга аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш ҳисобланади.

Ислом динида фоиз олиш оғир гуноҳ ҳисобланганлиги сабабли, ИТБ фоизсиз кредитлар беради. Бунда кредитлашнинг икки асосий шаклидан фойдаланилади:

1. Мушарака
2. Мудараба.

Мушаракада ИТБ ва тадбиркор инвестицион лойиҳани биргаликда кредитлайди. Лойиҳани амалга ошириш натижасида олинган фойда банк ва тадбиркор ўртасида, уларнинг лойиҳани молиялаштиришдаги иштирокига боғлиқ равишда, тақсимланади.

Шуниси характерлики, инвестицион лойиҳани амалга ошириш натижасида кўрилган зарар ҳам банк ва тадбиркор ўртасида тақсимланади.

Мушарака шартномалари компаниянинг айланма маблағларини тўлдиришда ҳам фойдаланилиши мумкин.

Мударабада банк ўзининг пул маблағларини тадбиркорга (мудариб) ишониб топширади. Бунда банк мударибдан берилаётган кредит учун гаров талаб қилишга ҳақли эмас.

Мудараба одатда қисқа ва ўрта муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадига берилади.

Инвестициялаш учун берилган банк маблағини ишлатишдан олинган даромад банк ва тадбиркор ўртасида, шартномага мувофиқ, тақсимланади.

ИТБнинг молиявий ресурслари қуйидаги манбалардан ташкил топади:

- * аъзо мамлакатларнинг квоталари;
- * берилган кредитлар учун олинган пул маблағлари;
- * ислом облигацияларини (сукук) сотишдан олинган маблағлар;
- * молиявий ёрдамлар.

ИТБ да Уламолар кенгаши фаолият юритади. Ушбу кенгаш таниқли шайхлар ва диний олимлардан иборат бўлиб, ИТБ томонидан қабул қилинган қарорларни шариатга мос келишини назорат қилади ва фатво беради.

ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР

Квота; Бошқарувчилар кенгаши; Ижрочи дирекция; кредит; имтиёзли акция; маржа; спрэд; ресурс; облигация; акция; капитал; махсус фонд; экспроприация.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. ХВФ фаолиятининг қандай йўналишлари мавжуд?
2. ХВФ ресурслари қайси манбалар ҳисобидан ташкил топади?
3. ХВФнинг кредитлари қайси шартлар асосида берилади?
4. Жаҳон банки гуруҳига қайси ташкилотлар киради?
5. Жаҳон банки гуруҳига кирувчи ташкилотлар қайси турдаги актив операцияларни бажаради?
6. Жаҳон банки гуруҳига кирувчи ташкилотларнинг ресурслари қайси манбалардан ташкил топади?
7. Европа тиклаш ва тараққиёт банкининг кредитлари қайси шартлар асосида берилади?
8. Европа тиклаш ва тараққиёт банкининг ресурслари қайси манбалар ҳисобидан ташкил топади?
9. ОТБ фаолиятининг қандай йўналишлари мавжуд?
10. ОТБ ресурслари қайси манбалар ҳисобидан ташкил топади?
11. ОТБнинг кредитлари қайси шартлар асосида берилади?
12. ИТБ томонидан кредитлашнинг қайси шаклларида фойдаланилади?

МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. ХВФ фаолиятининг мақсадлари ва йўналишлари.
2. ХВФнинг ресурс базаси.

3. ХВФнинг актив операциялари.
4. ХТТБнинг актив операциялари.
5. ХТТБнинг ресурс манбалари.
6. ЕТТБнинг актив операциялари.
7. ЕТТБнинг ресурс манбалари.
8. ОТБнинг актив операциялари.
9. ОТБнинг ресурс манбалари.
10. ИТБнинг актив операциялари.
11. ИТБнинг ресурс манбалари.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Миллий валюта курсининг тебраниш йўлакчасини белгилаш қайси валюта курси режимига киради?

- А. Эркин сузиш режими
- Б. Қатъий белгиланган курс режими
- В. Белгиланган курси режими
- Г. Бошқариладиган сузиш режими

2. АҚШ доллари ва Буюк Британия фунт стерлингига “ҳалқаро резерв валюта” мақоми қайси жаҳон валюта тизимида берилган?

- А. Биринчи (Париж)
- Б. Иккинчи (Генуя)
- В. Учинчи (Бреттон-вудс)
- Г. Тўртинчи (Ямайка)

3. Германия маркаси ва Япония иенига “ҳалқаро резерв валюта” мақоми қайси жаҳон валюта тизимида берилган?

- А. Биринчи (Париж)
- Б. Иккинчи (Генуя)
- В. Учинчи (Бреттон-вудс)
- Г. Тўртинчи (Ямайка)

4. Қуйидаги валюталардан қайси бирига нисбатан 10 коэффиценти қўлланилади?

- А. АҚШ доллари
- Б. Евро
- В. Япония иени
- Г. Фунт стерлинг

5. Қуйидаги валюталардан қайси бири эгри котировкага эга?

- А. АҚШ доллари
- Б. Евро
- В. Япония иени
- Г. Фунт стерлинг

6. Қуйидаги омилларнинг қайси бири мамлакат экспортига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради?

- А. Миллий валюта номинал алмашув курсининг ошиши
- Б. Миллий валюта реал алмашув курсининг ошиши
- В. Марказий банкнинг ҳисоб ставкасини пасайиши
- Г. Девальвация

7. Давлат бюджети дефицитининг ЯИМга нисбатан белгиланган меъёрий даражасини кўрсатинг.

- А. 3 %
- Б. 5%
- В. 7%
- Г. 10%

8. Давлат ташқи қарзининг ЯИМга нисбатан белгиланган меъёрий даражасини кўрсатинг.

- А. 25%
- Б. 50%
- В. 60%
- Г. 100%

9. “Валюталарнинг харид қобилияти” назариясини илмий жиҳатдан асослаб берган олимни кўрсатинг.

- А. Г.Кассел
- Б. М.Фридмен
- В. Ж.Кейнс
- Г. Д. Юм

10. “Валюталарнинг харид қобилияти” назариясига кўра:

- А. товарлар баҳоси муомаладаги пулнинг миқдори билан белгиланади;
- Б. пул массасининг ошиши товарлар баҳосининг ошишига олиб келади;
- В. пулнинг айланиш тезлиги қисқа муддатли даврларда ўзгармайди;
- Г. валюта курсининг ўзгариши тўлов балансини тартибга солишнинг самарасиз усули ҳисобланади.

11. “Белгиланган паритетлар ва курслар” назариясига кўра:

- А. товарлар баҳоси муомаладаги пулнинг миқдори билан белгиланади;
- Б. пул массасининг ошиши товарлар баҳосининг ошишига олиб келади;
- В. пулнинг айланиш тезлиги қисқа муддатли даврларда ўзгармайди;
- Г. валюта курсининг ўзгариши тўлов балансини тартибга солишнинг самарасиз усули ҳисобланади.

12. Баҳо масштаби нима?

- А. Миллий валютанинг олтин асоси
- Б. Товар баҳолари индекси
- В. Истеъмол баҳолари индекси
- Г. Товарлар ва хизматлар баҳоларининг пасайиши

13. Қайси пул назариясида пулнинг товар хусусияти инкор этилади?

- А. Пулнинг номиналлик назарияси
- Б. Металл пуллар назарияси
- В. Пулнинг миқдорийлик назарияси
- Г. Монетаризм назарияси

14. Миллий валютанинг курси билан паритети ўртасида юзага келган фарқни йўқотишда қўлланиладиган инструментни кўрсатинг.

- А. Деноминация
- Б. Нуллификация
- В. Девальвация
- Г. Ревальвация

15. Қайси жаҳон валюта тизимида олтин демонетизация қилинди?

- А. I
- Б. II
- В. III
- Г. IV

16. Ўзбекистон ҳукумати томонидан ХВФ Низомининг VIII-моддаси бўйича мажбуриятлар қачон қабул қилинган:

- А. 1993 йил, май

B. 2003 йил, октябрь

C. 2003 йил, декабрь

D. 2007 йил, июль

17. Ўзбекистон ҳукумати томонидан ХВФ Низомининг VIII-моддасининг нечта бўлими бўйича мажбуриятлар қабул қилинган?

A. 3

B. 5

C. 7

D. 10

18. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни дастлаб қачон қабул қилинган?

A. 1993 йил, май

B. 1995 йил, декабрь

C. 1996 йил, апрель

D. 2003 йил, декабрь

19. Ҳужжатлаштирилган аккредитивлар бўйича халқаро умумлаштирилган қоидалар ва удумлар қачон ишлаб чиқилган?

A. 1930 й.

B. 1934 й.

C. 1956 й.

D. 1970 й.

20. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни қачон янги таҳрирда қабул қилинган?

A. 1993 йил, май

B. 1995 йил, декабрь

C. 1996 йил, апрель

D. 2003 йил, декабрь

21. Ташқи савдода қайси товар ҳужжатидаги хатоликни тўғрилаб бўлмайди?

A. Коносамент

B. Инвойс

C. Суғурта полиси

D. Варрант

22. Қуйидаги валюталардан қайси бири “ҳалқаро резерв валюта” мақомига эга эмас?

A. АҚШ доллари

B. Евро

C. Япония иени

D. Канада доллари

23. Қуйидаги валюта операцияларидан қайси бири банкнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақами қолдиғининг камайишига сабаб бўлади?

A. Банклараро депозит жойлаштириш

B. Маҳсулотларни экспорт қилиш

C. Импортни тўлаш

D. Банклараро кредит олиш

24. Банклараро вакиллик муносабатлари ўрнатишнинг нечанчи босқичида махфий кодлар ўзаро алмашинади?

A. 1

B. 2

C. 3

D. 4

25. Қуйидаги операцияларнинг қайси бирида Ўзбекистон банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақами кредитланади?

A. Импортни тўлаш

B. Маҳсулотларни экспорт қилиш

C. Банклараро кредит олиш

D. Пул ўтказмаларини қабул қилиш

26. Валюта битими тузилгандан кейин икки иш куни мобайнида амалга ошириладиган валюта операциясини кўрсатинг.

A. Спот

B. Форвард

C. Валюта опциони

D. Валюта фьючерси

27. Конверсион операцияларда АҚШ долларининг спот курси вергулдан кейин нечта рақамгача аниқликда котировка қилинади?

A. 1

B. 2

C. 3

D. 4

28. Конверсион операцияларда евронинг спот курси вергулдан кейин нечта рақамгача аниқликда котировка қилинади?

A. 1

B. 2

C. 3

D. 4

29. Конверсион операцияларда Япония иенининг спот курси вергулдан кейин нечта рақамгача аниқликда котировка қилинади?

A. 1

B. 2

C. 3

D. 4

30. Конверсион операцияларда Ўзбек сўмининг спот курси вергулдан кейин нечта рақамгача аниқликда котировка қилинади?

A. 1

B. 2

C. 3

D. 4

31. Валюталаштириш санаси нима?

A. Спот битими тузилган кун

B. Спот операциясини амалга оширишнинг сўнгги куни

C. Форвард битими тузилган кун

D. Муддатли валюта шартномалари қайта баҳоланадиган кун

32. Валюталарни сотиш ва сотиб олиш курси ўртасидаги фарқ нима деб аталади?

A. Маржа

B. Сенъораж

C. Арбитраж

D. Спрэд

33. Форвард курси билан спот курси ўртасидаги фарқ даражаси қайси омилга боғлиқ?

A. Фоиз ставкалари ўртасидаги фарққа

B. Форвард шартномасининг муддатига

C. Олди-сотди қилинаётган валюта турига

D. Битим валютаси бўйича кредитларнинг фоиз ставкасига

34. Валюта операцияларининг қайси бири валюта захираларини валюта рискидан тўлиқ ҳимоя қилиш имконини беради?

A. Форвард

B. Своп

C. Валюта опциони

D. Валюта фьючерси

35. Муддати тугамаган форвард шартномаларидан кўрилган зарарлар нима деб аталади?

A. Реализация қилинган зарар

B. Реализация қилинмаган зарар

C. Келгуси давр харажатлари

D. Жорий зарар

36. Қуйидаги валюта операцияларининг қайси бирида реализация қилинмаган фойда юзага келмайди?

A. Спот

B. Форвард

C. Валюта опциони

D. Валюта фьючерси

37. Опционнинг ички қиймати-бу:

A. Битим валютасидаги кредитнинг баҳоси билан баҳоловчи валютадаги депозитнинг баҳоси ўртасидаги фарқ

B. Базавий активнинг бозор баҳоси билан опционнинг ижро баҳоси ўртасидаги фарқ

C. Колл опцион ва пут опцион баҳолари ўртасидаги фарқ

D. Опционнинг вақтинчалик қиймати

38. Валюта опционларини баҳолашинг Гарман-Кольхаген моделида нечта омил ҳисобга олинган?

A. 3

B. 5

C. 7

D. 9

39. Вертикал спрэд нима?

A. Бир хил ижро баҳосига эга бўлган, аммо муддати турли вақтда тугайдиган икки опцион

B. Сотиб олинадиган опционлар сони сотиладиган опционлар сонидан фарқ қилади

C. Муддати бир вақтда тугайдиган икки опцион

D. Колл опцион ва пут опцион баҳолари ўртасидаги фарқ

40. Горизонтал спрэд нима?

A. Бир хил ижро баҳосига эга бўлган, аммо муддати турли вақтда тугайдиган икки опцион

B. Сотиб олинадиган опционлар сони сотиладиган опционлар сонидан фарқ қилади

C. Муддати бир вақтда тугайдиган икки опцион

D. Колл опцион ва пут опцион баҳолари ўртасидаги фарқ

41. Спрэднинг қайси тури вертикал ва оризонтал спрэдларнинг уйғунлигидан ташкил топган?

- A. Диагонал спрэд
- B. Пропорционал спрэд
- C. Комбинацион спрэд
- D. Календарли спрэд

42. Қуйидаги валюта битимларидан қайси бири стандарт муддатли биржа битими ҳисобланади?

- A. Форвард
- B. Своп
- C. Валюта опциони
- D. Валюта фьючерси

43. Фьючерс шартномасининг муддати:

- A. 1 ойдан 3 ойгача
- B. 3 ойдан 1 йилгача
- C. 1 йилдан 3 йилгача
- D. 3 йилдан ортиқ

44. Қуйидаги валюта операцияларининг қайси бирида депозитли маржа қўлланилади?

- A. Форвард
- B. Своп
- C. Валюта опциони
- D. Валюта фьючерси

45. Депозитли маржа базавий активнинг жорий бозор қийматининг неча фоизини ташкил этади?

- A. 1-2 %
- B. 2-10%
- C. 10-15%
- D. 15 фоиздан юқори

46. Қуйидаги валюта битимларининг қайси бирида вариацион маржа қўлланилади?

- A. Форвард
- B. Своп
- C. Валюта опциони
- D. Валюта фьючерси

47. Фьючерс шартномаларини хеджирлаш коэффициентини нечага тенг?

- A. 0, 25
- B. 0, 50
- C. 0, 75
- D. 1, 00

48. Фьючерс шартномаларининг евро индекси қачон жорий қилинган?

- A. 1999 й.
- B. 2002 й.
- C. 2003 й.
- D. 2006 й.

49. ФИНЕКС фьючерс шартномалари ҳажми фьючерс шартномаларининг доллар индексининг неча маротабасига тенг?

- A. 200
- B. 500
- C. 700
- D. 1000

50. Фьючерс шартномаларининг доллар индексини ҳисоблашда неча банкнинг маълумотларидан фойдаланилади?

- A. 100
- B. 500
- C. 700
- D. 1000

51. Спот ва форвард битимлари комбинациясига асосланган валюта битимини кўрсатинг.

- A. Своп
- B. Опцион
- C. Фьючерс
- D. Арбитраж

52. Стандарт своп нима?

- A. Битимнинг ҳар иккала санаси спот санасига тўғри келади
- B. Икки “аутрайт” битими уйғунлашган своп
- C. Яқин валюталаштириш санаси –спот, узоғи-форвард
- D. Свопдаги ҳар икки операция битта банк билан амалга оширилади

53. Форвардли своп нима?

- A. Битимнинг ҳар иккала санаси спот санасига тўғри келади
- B. Икки “аутрайт” битими уйғунлашган своп
- C. Яқин валюталаштириш санаси –спот, узоғи-форвард
- D. Свопдаги ҳар икки операция битта банк билан амалга оширилади

54. Соф своп нима?

- A. Битимнинг ҳар иккала санаси спот санасига тўғри келади
- B. Икки “аутрайт” битими уйғунлашган своп
- C. Яқин валюталаштириш санаси –спот, узоғи-форвард
- D. Свопдаги ҳар икки операция битта банк билан амалга оширилади

55. Қуйидаги валюта операцияларидан қайси бири тижорат банкига юқори даромад келтирмайди?

- A. Форвард
- B. Своп
- C. Валюта опцион
- D. Валюта фьючерс

56. Дисконт сиёсати нима?

- A. Марказий банк томонидан хорижий валютани сотиб олиш ёки сотиш
- B. Марказий банк томонидан қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш
- C. Марказий банк томонидан ҳукуматнинг ташқи қарзига хизмат кўрсатиш сиёсати

D. Марказий банкнинг ҳисоб ставкасини ўзгартиришга асосланган сиёсат

57. Валюта интервенцияси нима?

A. Марказий банк томонидан хорижий валютани сотиб олиш ёки сотиш

B. Марказий банк томонидан қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш

C. Марказий банк томонидан ҳукуматнинг ташқи қарзига хизмат кўрсатиш сиёсати

D. Марказий банкнинг ҳисоб ставкасини ўзгартиришга асосланган сиёсат

58. Валюта захираларини диверсификация қилиш:

A. Валюталарни турли тармоқларга жойлаштириш

B. Бир вақтнинг ўзида бир нечта хорижий валюталарда захиралар ташкил қилиш

C. Валюта захираларини “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларида минимал бўлишини таъминлаш

D. Фақат барқарор валюталарда захиралар ташкил қилиш

59. Валюта интервенцияси нима мақсадда ўтказилади?

A. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида

B. Миллий валютанинг реал алмашув курсига таъсир этиш мақсадида

C. Миллий валюта курсининг кескин тебранишларига барҳам бериш мақсадида

D. Миллий валютанинг номинал алмашув курси ва паритети ўртасида юзага келган фарқни йўқотиш мақсадида

60. Девальвациянинг мақсадини кўрсатинг.

A. Миллий валюта курсининг кескин тебранишларига барҳам бериш

B. Миллий валютанинг номинал алмашув курси ва паритети ўртасида юзага келган фарқни йўқотиш

C. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида

D. Миллий валютанинг реал алмашув курсига таъсир этиш

61. Қуйидаги тадбирлардан қайси бири экспортни рағбатлантиради?

A. Девальвация

B. Ревальвация

С. Дефляция

D. Нуллификация

62. Қуйидаги тадбирлардан қайси бири импортни рағбатлантиради?

A. Девальвация

B. Ревальвация

С. Дефляция

D. Нуллификация

63. Сеньораж нима?

A. Марказий банкнинг соф фойдаси

B. Банкларнинг ссуда фоизи шаклидаги даромади

С. Валюталарни сотиб олиш ва сотиш курси ўртасидаги фарқ.

D. Нақд пулни эмиссия қилишдан олинadиган даромад

64. Ўзбекистонда валюта интервенцияси қайси манба ҳисобидан амалга оширилади?

A. Давлат бюджети

B. Консолидация фонди

С. Тиклаш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари

D. Марказий банкнинг фойдаси

65. Давлат ташқи қарзининг ЯИМга нисбатан белгиланган меъёрий даражасини кўрсатинг.

A. 30%

B. 60 %

С. 70%

D. 100%

66. Миллий валютанинг реал алмашув курсининг ошиши:

A. Импортни қимматлашишига олиб келади

B. Экспортни қимматлашишига олиб келади

С. Хорижий валюталарга бўлган талабни оширади

D. Хорижий валюталар таклифини кўпайтиради

67. Валюта rischi-бу:

- A. Банкларнинг валюта операцияларидан зарар кўриши
- B. Валюта курсларининг тебраниши натижасида зарар кўриш хавфи
- C. Компанияларнинг валюта операцияларидан зарар кўриши
- D. Валюта позицияларининг ўзаро мос келмаслиги натижасида зарар кўриш

68. Операцион валюта rischi – бу:

- A. Хорижий валютадаги баланс моддаларини миллий валютага қайта ҳисоблаганда зарар кўриш хавфи
- B. Валюта курсининг пул оқимиға таъсири натижасида зарар кўриш хавфи
- C. Валюта курси ўзгаришининг компаниянинг иқтисодий ҳолатиға таъсири натижасида зарар кўриш хавфи
- D. Валюта курсларининг тебраниши натижасида товарларни сотилмай қолиш хавфи

69. Трансляцион валюта rischi – бу:

- A. Хорижий валютадаги баланс моддаларини миллий валютага қайта ҳисоблаганда зарар кўриш хавфи
- B. Валюта курсининг пул оқимиға таъсири натижасида зарар кўриш хавфи
- C. Валюта курси ўзгаришининг компаниянинг иқтисодий ҳолатиға таъсири натижасида зарар кўриш хавфи
- D. Валюта курсларининг тебраниши натижасида товарларни сотилмай қолиш хавфи

70. Иқтисодий валюта rischi – бу:

- A. Хорижий валютадаги баланс моддаларини миллий валютага қайта ҳисоблаганда зарар кўриш хавфи
- B. Валюта курсининг пул оқимиға таъсири натижасида зарар кўриш хавфи
- C. Валюта курси ўзгаришининг компаниянинг иқтисодий ҳолатиға таъсири натижасида зарар кўриш хавфи
- D. Валюта курсларининг тебраниши натижасида товарларни сотилмай қолиш хавфи

71. Банкнинг валюта позицияси:

- A. Хорижий валютадаги талаб ва мажбуриятларнинг ўзаро нисбати

- B. Хорижий валютадаги активлар ва мажбуриятларнинг ўзаро нисбати
- C. Хорижий валюталадаги талабларнинг мажбуриятлардан юқори бўлиши
- D. Хорижий валютадаги мажбуриятларнинг талаблардан юқори бўлиши

72. Қуйидаги операцияларнинг қайси бири банкнинг қисқа валюта позицияси ҳажмини қисқартириш имконини беради?

- A. Хорижий валютани сотиш
- B. Хорижий валютани сотиб олиш
- C. Хорижий валютада кредитлар бериш
- D. Хорижий валютада ёзилган қимматли қоғозларни сотиб олиш

73. Валюта курсларининг ўзгариши муносабати билан қайта баҳоланмайдиган банк активини кўрсатинг.

- A. Хорижий валюталарда қабул қилинган депозитлар
- B. Қимматли қоғозларни сотиб олишга сарфланган хорижий валютадаги маблағлар
- C. Хорижий валюталарда берилган кредитлар
- D. Асосий воситаларни сотиб олишга сарфланган валюта маблағлари

74. Банкнинг хорижий валютадаги пассивларининг қайси бири тарихий қийматда ҳисобга олинади?

- A. Хорижий валюталарда қабул қилинган депозитлар
- B. Устав капиталига қўйилган хорижий валютадаги маблағлар
- C. Қимматли қоғозларни сотишдан олинган хорижий валютадаги маблағлар
- D. “Востро” вакиллик ҳисобрақамидаги валюта маблағлари

75. Тижорат банкларининг девальвация захираси қайси манба ҳисобидан шакллантирилиши лозим?

- A. Кредитлардан олинган фоизли даромадлар
- B. Кредитлардан олинган фоизли даромадлар
- C. Ўтган йилнинг тақсимланмаган фойдаси
- D. Жорий йилнинг операцион даромади

76. Валюта рискинни бошқаришнинг қайси усулида валюта позициясини ёпиш талаб этилади?

- A. Компенсация усули
- B. Актив ва пассивларни муддатларини бошқариш усули
- C. Муддатли валюта битимларидан фойдаланиш усули
- D. Дельфи усули

77. Ўзбекистон тижорат банкларининг битта валютадаги очик валюта позициясига нисбатан белгиланган меъёрий даражани кўрсатинг.

- A. 5 %
- B. 10 %
- C. 15 %
- D. 20%

78. Ўзбекистон тижорат банкларининг барча валютадаги очик валюта позициясига нисбатан белгиланган меъёрий даражани кўрсатинг.

- A. 5 %
- B. 10 %
- C. 15 %
- D. 20%

79. Тижорат банкларининг очик валюта позицияларига нисбатан чеклов нимага нисбатан ўрнатилади?

- A. Биринчи даражали капиталга
- B. Иккинчи даражали капиталга
- C. Регулятив капиталга
- D. Брутто активларга

80. Валюта рискани хеджирлашнинг энг арзон усулини кўрсатинг.

- A. Форвард битимидан фойдаланиш
- B. Валюта опционидан фойдаланиш
- C. Валюта фьючерсидан фойдаланиш
- D. Активлар ва пассивларнинг муддатларини мувофиқлаштириш

81. Валютани тартибга солиш – бу:

- A. Халқаро ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш тартибини белгилаш

В. Валютавий қимматликлар билан операцияларни амалга ошириш тартибини белгиловчи тизим

С. Хорижий валюталар билан операцияларни амалга ошириш тартибини белгиловчи тизим

Д. Валюталар ва валютавий қимматликлар билан операцияларни амалга ошириш тартибини белгиловчи тизим

82. Тўлов балансининг жорий операцияларига хос бўлган валютавий чеклашни кўрсатинг.

А. Экспортерларнинг валюта тушумини мажбурий соттириш

В. Портфелли инвестициялар оқимини чеклаш

С. Халқаро кредитлар оқимини чеклаш

Д. Технологияларни инвестиция қилишни чеклаш

83. Тўлов баланси пассив бўлганда қўлланиладиган валютавий чеклов:

А. Банкларнинг хорижий валютадаги мажбуриятларини Марказий банкда депонент қилиш

В. Ссуда капиталлари бозорини назорат қилиш

С. Норезидентларга хорижий валютадаги омонатларига фоизлар тўлашни таъқиқлаш

Д. Мамлакатга валюта олиб келишни чеклаш

84. Тўлов баланси актив бўлганда қўлланиладиган валютавий чеклов:

А. Олтинни олиб чиқишни лимитлаштириш

В. Ташқи қарзни тўлашни тўхтатиш

С. Хорижий валюталарни олиб чиқишни лимитлаштириш

Д. Миллий валютани хорижликларга форвард шарти бўйича сотишни чеклаш

85. ХВФ Низомининг қайси моддасида жорий валюта операциялари бўйича чекловларни бекор қилиш кўзда тутилган?

А. V

В. VI

С. VII

Д. VIII

86. Ўзбекистон Республикасида хорижий валютадаги тўловларнинг тўғри амалга оширилганлигини қайси орган назорат қилади?

- A. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
- B. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
- C. Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси
- D. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

87. Валюта назоратининг мақсадини кўрсатинг.

- A. Хорижий валюталарга бўлган талабни барқарорлаштириш
- B. Давлат бюджети дефицитини қисқартириш
- C. Ички товарлар бозорини ҳимоя қилиш
- D. Тўлов балансининг дефицитини қисқартириш

88. Капиталлар ҳаракати устидан валютавий назорат ёндашувлари қачон ишлаб чиқилган?

- A. 1870 й.
- B. 1914-1918 йй.
- C. 1941-1945 йй.
- D. 1970-1980 йй.

89. ХВФ Низомининг қайси моддасида капиталлар ҳаракати устидан валютавий назорат ўз аксини топган?

- A. V
- B. VI
- C. VII
- D. VIII

90. Капиталларнинг мамлакатга катта миқдорда кириб келиши:

- A. Реал валюта курсининг ошишига олиб келади
- B. Номинал валюта курсининг ошишига олиб келади
- C. Миллий валютадаги кредитларнинг фоиз ставкаси ошади
- D. Миллий валютадаги депозитларнинг фоиз ставкаси ошади

91. Қуйидаги усулларнинг қайси бири тўлов баланси дефицитини қоплашнинг сўнгги усулига киради?

- A. Халқаро кредитлар олиш
- B. Тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш
- C. Портфелли инвестицияларни жалб этиш
- D. Олтин захиралари ҳисобидан қоплаш

92. Ўзбекистонда нақд хорижий валюталарни жисмоний шахсларга сотиш қачондан бошлаб бекор қилинди?

- A. 2011 йил 1 январдан
- B. 2012 йил 1 январдан
- C. 2013 йил 1 январдан
- D. 2013 йил 1 февралдан

93. Соф тўловларга хос бўлган тўлов шартини кўрсатинг.

- A. Товарни тўловни кечиктириб сотиш
- B. Ҳужжатлар тўловга қарши
- C. Олдиндан тўлаш
- D. Ҳужжатлар акцептга қарши

94. Қайси транспорт ҳужжати товарларни бошқа ҳужжатларсиз олиш имконини беради?

- A. Халқаро авиа юк хати
- B. Коносамент
- C. Халқаро автомобиль юк хати
- D. Халқаро темир йўл юк хати

95. Қуйидаги товар ҳужжатларининг қайси бири тижорат ҳужжати ҳисобланади?

- A. Коносамент
- B. Халқаро автомобиль юк хати
- C. Халқаро темир йўл юк хати
- D. Инвойс

96. Экспортёрдан товар ҳужжатларини регресс ҳуқуқисиз сотиб олишга асосланган кредитлаш шаклини кўрсатинг.

- A. Овердрафт

В. Контокоррент

С. Факторинг

Д. Форфейтинг

97. Халқаро тижорат векселини учинчи шахсга узатиш ҳуқуқини берувчи ёзув нима деб аталади?

А. Индоссамент

В. Индоссант

С. Индоссат

Д. Аваль

98. Экспорт-импорт операцияларида қайси ҳужжат инкассога қабул қилинади?

А. Инвойс

В. Суғурта полиси

С. Коносамент

Д. Тратта

99. Ҳужжатлаштирилган аккредитивга хос бўлган тўлов шартини кўрсатинг.

А. Товарни тўловни кечиктириб сотиш

В. Ҳужжатлар тўловга қарши

С. Олдиндан тўлаш

Д. Ҳужжатлар акцептга қарши

100. EXW мол етказиб бериш шартида экспортернинг вазифаси:

А. Товарни кўрсатилган пунктга олиб боради

В. Товарни турган жойида импортёрга узатиш

С. Товарни ташувчига олиб боради

Д. Товарларни экспорт қилиш билан боғлиқ бўлган божхона ҳужжатларини расмийлаштиради

101. EXW мол етказиб бериш шартида импортёрнинг вазифаси:

А. Ўзининг ҳисобидан товарни мўлжалланган жойига етказди

В. Импортёр ўз ҳисобидан товарни етказиб бериш шартномасини тузади

С. Фрахтни тўлайди

Д. Импортер товарни ташиш жараёнидаги барча рискларни ўз зиммасига олади

102. FAS тўлов шартида экспортернинг вазифаси:

А. Товарни мўлжалланган жойигача олиб боради

В. Товарни ташиш харажатларини тўлайди.

С. Товарни ташиш жараёнида рискларни ўз зиммасига олади

Д. Товарни кема олдигача етказиб беради

103. FAS тўлов шартида импортернинг вазифаси:

А. Етказиб бериш шартномасини тузади ва фрахтни тўлайди

В. Товарни қабул қилиб олади

С. Товарни тушириб олиш харажатларини тўлайди

Д. Ўз маблағлари ҳисобидан импорт лицензиясини олади

104. Тўлов топшириқномасига хос бўлган камчиликни кўрсатинг.

А. Тўлов кафолатланмаган

В. Товарлар сифатини назорат қилиш қийин

С. Техник жиҳатдан мураккаб

Д. Комиссион тўлов ставкаси юқори

105. Тўлов топшириқномасига хос бўлган афзалликни кўрсатинг.

А. Тўлов суммасини олдиндан олиш мумкин

В. Товарлар сифатини назорат қилиш мумкин

С. Тўлов кафолатланган

Д. Импортерга тўлов юзасидан босим ўтказиш мумкин

106. Банкларнинг ордерли чеклари воситасидаги халқаро ҳисоб-китоблардаги 4-операцияни кўрсатинг.

А. Импортер чекни ёзиш тўғрисида банкка ёзма кўрсатма беради

В. Импортёрнинг банки чекни ёзади

С. Банк ордерли чекни импортерга беради

Д. Импортер товарларни қабул қилиб олади

107. Соф инкассода қайси ҳужжат инкассога қабул қилинади?

- A. Инвойс
- B. Тратта
- C. Суғурта полиси
- D. Коносамент

108. Ҳужжатли инкассода қайси ҳужжатлар инкассога қабул қилинади?

- A. Оддий векселлар
- B. Ўтказма тижорат векселлари
- C. Транспорт ҳужжатлари
- D. Тижорат ҳужжатлари

109. Ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг қайси тури ҳозирги вақтда халқаро савдода қўлланилмайди?

- A. Чақириб олинадиган
- B. Чақириб олинмайдиган
- C. Тасдиқланадиган
- D. Таъминланган

110. Стэнд-бай аккредитиви дастлаб қайси мамлакатнинг амалиётида пайдо бўлган?

- A. АҚШ
- B. Япония
- C. Германия
- D. Буюк Британия

111. Аккредитивнинг қайси турида аккредитив суммаси аванс тариқасида олдиндан узатилади?

- A. Кўк ҳошияли аккредитив
- B. Қизил ҳошияли аккредитив
- C. Стэнд-бай
- D. Бўлинмайдиган аккредитив

112. Ўзбекистонда аккредитивнинг қайси шаклидан кенг фойдаланилмоқда?

- A. Чақириб олинадиган

В. Тасдиқланадиган

С. Таъминланган

Д. Стэнд-бай

113. УСР 600 қондасига кўра, агар аккредитивда суғурта қоплаш суммаси кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда, ушбу сумма товарга нисбатан қай даражада ўрнатилади:

А. 75%

В. 80%

С. 100%

Д. 110%

114. УСР 600 қондасига кўра, аккредитив бўйича ҳужжатларни текшириш ва ижросини таъминлаш муддати қанча?

А. 10 кун

В. 13 кун

С. 15 кун

Д. 21 кун

115. Ҳужжатлаштирилган аккредитивнинг қайси тури банк кафолати вазифасини ўтайди?

А. Кўк ҳошияли аккредитив

В. Қизил ҳошияли аккредитив

С. Стэнд-бай

Д. Бўлинмайдиган аккредитив

ГЛОССАРИЙ

Эркин ишлатиладиган валюта (*freely usable currency*) – тўлов балансининг жорий операциялар бўлимида валютавий чеклашлар бўлмаган мамлакатларнинг миллий валюталари.

Қаттиқ валюта (*hard currency*) – иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан барқарор ҳисобланган мамлакатларнинг алмашув курси барқарор бўлган валюталари.

Юмшоқ валюта (*soft currency*) – халқаро миқёсда тўлов воситаси вазифасини бажара олмайдиган, яъни ташқи конвертирликка эга бўлмаган валюталар.

Халқаро резерв валюталар (*reserve currency*) – дунёнинг барча мамлакатларида халқаро тўлов воситаси сифатида қабул қилинадиган етакчи валюталар.

Валюта курси (*exchange rate, foreign exchange rate*) – бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасида ифодаланган баҳосидир.

Актив савдо баланси (*active trade balance*)- мамлакатдан четга чиқарилаётган товарларнинг мамлакатга кириб келаётган товарлардан (импортдан) ошиб кетишини тавсифловчи савдо баланси.

Актив тўлов баланси (*active payments balance*)- мамлакатнинг чет элдан тушадиган тушумлари суммаси унинг хорижий сарф-харажатлари ва тўлов суммаларидан ошиб кетадиган тўлов баланси.

Базавий ставка - (*base rate*) - кредитларр бўйича фоиз ставкаларини белгилашда қўлланилади. Одатда, банклараро ссуда капиталлари бозорининг ставкаси ёки Марказий банкнинг ҳисоб ставкасидан базавий ставка сифатида фойдаланилади.

Банкнотлар (*banknote; bill; note*)- банк билетлари - Марказий банклар томонидан чиқариладиган пул белгилари. Улар Марказий банкларнинг активлари билан таъминланади.

Валюта биржаси (*currency market*)- хорижий валюталар олди-сотди қилинадиган биржа бозори.

Валюта интервенцияси (*currency intervention*)- Марказий банк томонидан миллий валютанинг фавқулодда юзага келадиган кескин тебранишларига барҳам бериш мақсадида хорижий валютани сотиб олинishi ёки сотилиши. Одатда, битта хорижий валюта интервенция воситаси ҳисобланади. Ўзбекистонда АҚШ доллари валюта интервенцияси воситаси ҳисобланади.

Валюта захираси (*currency reserves*)- бирор-бир мамлакатнинг хорижий валюталардаги маблағлари.

Валюта сиёсати (*foreign currency policy*) - валюта муносабатларини ташкил қилиш ва тартибга солиш тадбирларининг йиғиндиси.

Барьерли опцион (*barrier option*) – опцион тугаш муддати қисқарадиган ёки узайтириладиган опцион бўлиб, унда белгиланган курс етиб келиши кутилади.

Бермуд опционлари (*Bermuda options*) – америка ва европа опционларининг бирлашмасидир.

Гиперинфляция (*hyperinflation*)- товарлар баҳоси ва пул массасининг юқори суръатларда ошиб кетиши. Гиперинфляцияда баҳоларнинг ойлик ўсиш суръати 50% ва ундан юқори бўлади.

Давлат қарзи (*national debt; public debt*) - давлатнинг тўланмаган заёмлар ва уларнинг берилмаган фоизларини акс эттирган барча қарзларининг умумий суммаси. Давлат қарзи икки хил бўлади: ички ва ташқи қарз.

Девальвация (девальвация, *devaluation*) – миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан қадрсизланиши.

Деноминация (*denomination*) – янги пул бирлигини маълум нисбатда эски пул бирлигига алмаштирилиши. Ўзбекистонда миллий валюта 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб муомалага киритилганда янги валюта сўм эски валюта-сўм – купонга 1га 1000 нисбатда алмаштирилган эди.

Дефляция (*deflation*) – товарлар ва хизматлар баҳосининг пасайиши.

Дисконт сиёсати (*discaunt rate*) – мамлакат тўлов баланси ва валюта курсига таъсир этиш мақсадида Марказий банкнинг дисконт ставкасини ўзгартириш сиёсати.

Европа валюта бирлиги (Европейская валютная единица, European currency unit, ECU, European unit of account) - Европа валюта тизимида катнашувчи мамлакатлар ўртасида қўлланиладиган халқаро ҳисоб бирлиги.

Европа валюта тизими (European Monetary System) - Европа иқтисодий ҳамжамиятигага аъзо бўлган мамлакатларнинг валюта курсларини тебраниши натижасида қўриладиган зарарлар миқдорини камайтириш мақсадида тузилган тизим.

Евровалюта (*eurocurrency*)- бир мамлакат миллий валютасининг мамлакат ташқарисидаги қисми.

Евро долларлар (*eurodollars*)- АҚШ долларининг АҚШдан ташқарида муомалада бўлган қисми.

Инфляция (*inflation*) — товарлар ва хизматлар баҳосининг ошиши натижасида муомалада ортиқча пул массасини пайдо бўлиши ва шунинг асосида пулнинг қадрсизланиши.

Кредит (*credit*)- пул ёки товар шаклидаги маблағларни қайтариб беришлик, муддатлилик ва фоиз тўлашлилик шартлари асосида бериш.

Кросс-курс (*cross rate*) - икки валютанинг ўзаро нисбати бўлиб, бу нисбат мазкур валюталарнинг учинчи валютага нисбатан курси орқали аниқланади.

Миллий валюта тизими (national monetary system) — бир мамлакатда валюта муносабатларини ташкил қилишнинг давлат-ҳуқуқий шаклидир.

Осиё опционлари (average rate options) – ёки ўртача курс опционлари.

Ревальвация (re-valeo) - миллий валютани чет эл валюталарига ёки халқаро ҳисоб-китоб пул бирликларига нисбатан қадрининг оширишдир.

Спот операцияси (spot) – спот битими тузилгандан кейин 2 иш куни моабйнида амалга ошириладиган жорий валюта операцияси.

Своп (*swap*) – маълум бир валютани спот шарти бўйича сотиш ва уни форвард шарти бўйича сотиб олишдир ёки маълум бир валютани форвард шарти бўйича сотиш ва уни спот шарти бўйича сотиб олишдир.

Сеньораж (*ингл. seigniorage*) – нақд пулларни эмиссия қилишдан олинадиган даромад.

Форвард операцияси (*forward*) – маълум бир валютани белгиланган курс бўйича келгусида сотиб олиш ёки сотиш операцияси.

Хедж (*hedge, selling hedge*) - баҳо бўйича рискни суғурталаш; фьючерс шартномаси тузиш.

SWIFT (Societ y For Worldwide Interbank Financial Telecommunication)- Халқаро Банклараро Молиявий Телекоммуникация.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Тошкент: Адолат, 2007. – 520 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш ва тижорат банклари фаолиятини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 11-33-б.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш ва тижорат банклари фаолиятини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 14-51-б.
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Валютани тартибга солиш тўғрисида//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 03/19/573/3942-сон. 23.10.2019 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги//www.lex.uz.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони//[Ўзбекистон](#) Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №36.– 945-модда.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида (янги таҳрири)”ги қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 24 октябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2015 йил 15 майда маъқулланган//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - № 22. – 4-40-б.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сонли “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. www.lex.uz.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. www.lex.uz.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 майдаги ПФ-5057-сонли “Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт қилиниши ва рақобатдошлигини таъминлашни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №22. – 26-27-б.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - № 18. – 3-4-б.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги

қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2010. - №48. – 4-6-б.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 мартдаги ПҚ-1725-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2012. - № 11. – 6-8-б.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли “Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.- 66-69 -б.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 263-сонли “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.- 96-100 б.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 63-сонли “Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори//Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 178-179 б.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 22 январдаги 1/1-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 23 февралда 2201-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига қайта молиялаш кредитларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2011. - №7-8. – 177-200-б.

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 26 апрелдаги 9/1-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 3 июнда 2465-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2013. - №23. – 68-101-б.

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №28. – 22-33-б.

22. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлда 2693-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) “Тижорат банклари капиталининг монандлигига кўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №27.- 17-29-б.

23. Ҳужжатлаштирилган аккредитивлар бўйича умумлаштирилган қоидалар ва удумлар (UCP 600).

24. Инкассо бўйича умумлаштирилган қоидалар.

25. Шартномавий кафолатлар бўйича умумлаштирилган қоидалар.

26. БМТнинг халқаро оддий ва ўтказма тижорат векселлари тўғрисидаги конвенцияси.

27. БМТнинг юкларни денгиз орқали ташиш тўғрисидаги конвенцияси.

28. Юкларни ҳаво транспортида ташиш борасидаги айрим қоидаларни умумлаштириш бўйича Варшава конвенцияси.

29. Глориозов А.Г., Михайлов Д.М. Внешнеторговое финансирование и гарантийный бизнес. – М.: Юрайт, 2011. – С.205-206.
30. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий баркарорлик тўғрисида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 528 б.
31. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
32. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. – М.: Гелиос АРВ, 1999. - 352 с.
33. Кейнс Дж. М. Трактат о денежной реформе. М.: Дело, 1993. – С. 162
34. Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные отношения. – М.:КНОРУС, 2016. – 440 с.
35. Миллер Л.Р., Ван-Хуз Д.Д. Современные деньги и банковское дело. Пер. с англ. – М.: Инфра- М, 2000.- 856 с.
36. Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – 880 с.
37. Пищик В.Я. Евро и доллар США: конкуренция и партнерство в условиях глобализации. – М.: Консалтбанк, 2002. – 301 с.
38. Фридмен М. Если бы деньги заговорили... Пер. с англ. – М.: Дело, 1999. – 160 с.
39. Кудрин А. Реальный эффективный курс рубля: проблема роста//Вопросы экономики. – Москва, 2006. - № 10. - С. 4-18.
40. Моисеев С.Р. Банк Стокгольма и первые европейские банкноты//Банковское дело. – Москва, 2014. - №1. – С.81-84.
41. Смирнов А.Л. Технологии экспортного финансирования//Банковское дело. – Москва, 2012. – №4. – С. 60-61.
42. Шамраев А.В. Регулирование документарного аккредитива в праве США // Деньги и кредит. – Москва, 2001. – №6. – С. 52.

43. www.imf.org.
44. www.world.com.
45. www.ebrd.com.
46. www.adb.com.
47. [www,ibr.com](http://www.ibr.com).
48. www.cbu.uz.
49. www.stat.uz.
50. www.cbr.ru.

ИНКОТЕРМС

Инкотермснинг мақсади – ташқи савдода кенг қўлланиладиган терминларни талқин қилишнинг бир хиллигини таъминлашдан иборат.

Давлатлар ўртасида ташқи савдони юритиш қоидалари айрим ҳолларда бир-бирига тўғри келмайди. Бу эса, экспортёрлар ва импортёрлар ўртасида мунозараларни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Халқаро савдо Палаатси мана шу муаммога барҳам бериш мақсадида 1936 йилда савдо терминларини талқин қилишнинг халқаро қоидаси – Инкотермсни ишлаб чиқди.

Инкотермсга 1953, 1967, 1976, 1980, 1990 йиллар ва сўнгги марта 2000 йилда қўшимчалар ва тузатишлар киритилди.

Инкотермсни қўлланиш соҳаси фақат товарларни экспорт-импорт қилиш шартномасида иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан чекланади.

Инкотермсда ташқи савдо терминлари 4 гуруҳга ажратилган:

1. E

2. F

3. C

4. D

E гуруҳи

1. EX (Wex Works) –Франко завод

Бунда сотувчи (экспортёр) товарни сотиб олувчига (импортёр) ўзининг заводида топширади ва шу билан унинг мажбурияти бажарилган ҳисобланади.

Сотиб олувчи божхона ҳужжатларини расмийлаштиради, барча харажатлар ва рискларни ўз зиммасига олади.

F гуруҳи

1. FSA (Free Carrier) –Франко ташувчи

Бунда сотувчи товарларни божхона расмийлаштирувини амалга оширади ва уни сотувчи кўрсатган ташувчи турган жойга етказиб беради.

Сотувчи товарларни транспорт воситасига юклаш мажбуриятига эга, лекин товарни ташувчи турган жойга етказиб берганда тушириб бериш мажбуриятини олмайди.

2. FAS (Free Alongside Ship) – Кеманинг бортига қадар эркин

Бунда сотувчи товар жўнатиладиган портда турган кеманинг бортининг олдида товарни олиб боради. Шу вақтдан бошлаб, сотувчи барча харажатлар ва рисклар учун жавобгарликни зиммасига олади.

Сотувчи божхона расмийлаштирувини амалга оширади.

Мазкур термин фақат товарлар сувда ёки ички сув транспортида ташилганда қўлланилади.

3. FOB (Free on Board) – Бортга эркин

Бунда сотувчи товар жўнатиладиган портда турган кеманинг бортига юклайди. Шу вақтдан бошлаб сотиб олувчи барча харажатлар ва рискларни ўз зиммасига олади.

Сотувчи божхона расмийлаштирувини амалга оширади.

С гуруҳи

1. CFR (Cost and Freight) – Қиймат ва фрахт

Бунда сотувчи товарни келишилган портга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган харажатларни ва фрахтни тўлайди. Аммо, йўлда товар кутилмаганда ҳалокатга учраса, харажатларни сотиб олувчи тўлайди.

Сотувчи ўзининг маблағлари ҳисобидан экспорт лицензиясини ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатни олишга мажбур.

2. CIF (Cost, Insurance and Freight) – Қиймат, суғурта ва фрахт.

Бунда сотувчи товарни келишилган мўлжалдаги портга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ва фрахтни тўлайди.

Сотувчи товарни ташиш жараёнини суғурта қилдиришга мажбур, аммо йўлда товар тасодифан ҳалокатга учраса, зарар суммасини қоплашни зиммасига олмайди.

Сотувчи ўзининг маблағлари ҳисобидан экспорт лицензиясини ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатни олишга мажбур.

3. CPT (Carriage Paid to) – Ташув ... гача тўланган.

Бунда сотувчи товарни ташувчига етказиб беради ва товарни келишилган мўлжалдаги пунктга етказиб бериш харажатини тўлайди. Бе ерда ташувчи деганда товарни автомобиль, темир йўл, ҳаво транспортида ёки сув йўли билан етказиб беришни амалга оширадиган юридик шахслар тушунилади.

Агар товар йўлда тасодифан ҳалокатга учраса, зарарни биринчи ташувчи тўлайди.

4. CIP (Carriage and Insurance Paid To) – Ташиш ва суғурта ...гача тўланган.

Бунда сотувчи (экспортёр) унга айтилган ташувчига етказиб беради ва келишилган пунктга товарни етказиб бериш харажатларини ва суғурта харажатини тўлайди.

Сотиб олувчи товар етказиб берилгандан кейинги барча рисклар ва қўшимча харажатларни ўз зиммасига олади.

Товарни мамлакатдан олиб чиқиб кетиш учун зарур бўлган божхона ҳужжатларини расмийлаштириш сотувчининг зиммасига юкланади.

Ушбу етказиб бериш шарти товарни ҳар қандай транспорт турида ташишда қўлланилади.

D гуруҳи

1. DAF (Delivered at Frontier) – Чегарага етказиб бериш

Бунда сотувчи товарни сотиб олувчининг ихтиёрига, келишилган аниқ манзилга, божхона ҳужжатларини расмийлаштиргача ҳолда етказиб беради.

Сотувчи товарни қўшни давлатга олиб кириш билан боғлиқ бўлган божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун жавоб бермайди.

Товарни тушириб олиш сотиб олувчининг зиммасида бўлади.

Сотувчи товарни келишилган манзилга етказиб беришни суғурта қилиш мажбуриятига эга.

Ушбу етказиб бериш шарти товарни ҳар қандай транспорт турида ташишда қўлланилади.

2. DES (Delivered ex Ship) – кемадан етказиб бериш

Бунда сотувчи товарни келишилган манзилда турган кеманинг бортига етказиб беради.

Товарни келишилган портга етказиб беришгача, аммо туширишга қадар бўлган барча рисклар ва харажатлар сотувчининг зиммасида бўлади.

Товарни мамлакатдан олиб чиқиб кетиш учун зарур бўлган божхона ҳужжатларини расмийлаштириш сотувчининг зиммасига юкланади.

Сотувчи товарни келишилган манзилга етказиб беришни суғурта қилиш мажбуриятига эга.

Сотиб олувчи импорт лицензиясини ўз маблағлари ҳисобидан олади.

3. DEQ (Delivered ex Quay) – Бухтадан (причал) етказиб бериш

Бунда сотувчи товарни келишилган портнинг бухтасига етказиб бериш ва тушириш мажбуриятига эга. Аммо товарни олиб кириш билан боғлиқ бўлган божхона расмийлаштирилиши учун жавоб бермайди.

Товарни мамлакатдан олиб чиқиб кетиш учун зарур бўлган божхона ҳужжатларини расмийлаштириш сотувчининг зиммасига юкланади.

Сотувчида ҳам, сотиб олувчида ҳам товарни ташиш жараёнида суғурта қилдириш мажбурияти мавжуд эмас.

4. DDU (Delivered Duty Unpaid) – Бож солиғи тўламасдан етказиб бериш

Бунда сотувчи товарни келишилган манзилда турган сотиб олувчининг ихтиёрига етказиб бериш мажбуриятига эга. Аммо сотувчи товарни олиб кириш билан боғлиқ бўлган божхона ҳужжатларини расмийлаштириш ва товарни тушириб бериш мажбуриятига эга эмас.

Товарни мамлакатдан олиб чиқиб кетиш учун зарур бўлган божхона ҳужжатларини расмийлаштириш сотувчининг зиммасига юкланади.

Ушбу етказиб бериш шарти товарни ҳар қандай транспорт турида ташишда қўлланилади.

5. DDP (Delivered Duty Paid) – Бож солиғи тўлаб етказиб бериш

Бунда сотувчи товарни келишилган манзилда турган сотиб олувчининг ихтиёрига етказиб бериш мажбуриятига эга. Сотувчи товарни олиб кириш билан боғлиқ бўлган божхона ҳужжатларини ўз маблағлари ҳисобидан расмийлаштиради, аммо товарни тушириб бериш мажбуриятига эга эмас.

Товарни мамлакатдан олиб чиқиб кетиш учун зарур бўлган божхона ҳужжатларини расмийлаштириш сотувчининг зиммасига юкланади.

Ушбу етказиб бериш шарти товарни ҳар қандай транспорт турида ташишда қўлланилади.

**Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги
“Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини
ривожлантириш” лойиҳаси**

Мазкур Лойиҳа доирасидаги кредитлар қуйидаги шартлар асосида берилади:

*** Лойиҳанинг мақсади:**

– қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш;

– мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва чуқур қайта ишлашга илғор технологияларни жорий этиш;

– дехқон, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

*** Амалга ошириш муддати:** 2015-2023 йиллар.

*** Лойиҳа ҳудудлари:** Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар.

Имтиёзли кредит йўналишлари:

– мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш;

– интенсив боғдорчилик;

– замонавий иссиқхоналар;

– замонавий суғориш тизимлари;

– мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш;

– мева-сабзавот маҳсулотларини қолибровка, саралаш ва қадоқлаш;

– мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун совутгичли омборхоналар;

– мева-сабзавот маҳсулотларини музлатиш (шоковая заморозка);

– қишлоқ хўжалиги техника ва технологиялари.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлар бериш қуйидаги тижорат банклари орқали амалга оширилади:

* Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки

* Асакабанк

* Саноатқурилиш банк

* Қишлоқ қурилиш банк

* Турон банк

* Ипотека банк

* Ипак йўли банки

* Халқ банки

* Алоқа банк

* Азия Альянс банк.

Лойиҳа доирасида имтиёзли кредит берилишининг умумий шартлари:

Лойиҳалар учун имтиёзли кредитлар:

* 10 йилгача берилади (шундан 3 йилгача имтиёзли давр);

* кредит маблағлари АҚШ долларида берилади.

* фоиз устамаси – 5,5% (хизмат кўрсатувчи банк билан келишган

холда);

* бир мижоз учун максимал кредит миқдори 2 млн. АҚШ долларгача (мева-сабзавотни етиштириш ва қайта ишлаш ўз ичига олган лойиҳалар учун 4 млн. АҚШ долларигача);

* мижознинг лойиҳадаги улуши энг камида 20 фоиз эквивалентида пул ёки хизмат, иш, яъни натура кўринишида бўлиши мумкин;

* четдан харид қилинадиган товар, асбоб ускуна, чорва моллари 100% кредит ҳисобига молиялаштирилади.

Айланма маблағлар учун кредитлар:

* 18 ойгача берилади (шундан 9 ойгача имтиёзли давр);

* кредит маблағлари АҚШ долларига берилади;

* фоиз устамаси – 5,5% (хизмат кўрсатувчи банк билан келишган холда);

* бир мижоз учун максимал кредит миқдори 200 минг АҚШ долларигача;

* мижознинг лойиҳадаги улуши энг камида 20 фоиз эквивалентида пул ёки хизмат, иш, яъни натура кўринишида бўлиши мумкин;

Имтиёзли кредит олиш тартиби:

1. Қишлоқ хўжалиги корхонаси, фермер хўжалиги ёки тадбиркор тижорат банкларининг ҳудудий филиалига кредит олиш учун тегишли ҳужжатлар тўпламини тақдим этади.

2. Тижорат банкининг ҳудудий филиали (туман ёки вилоят) топширилган ҳужжатлар тўпламини ўрганиб чиқиб, уларни банкнинг Кредит қўмитаси томонидан кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Бош офисига юборади.

3. Бош банк Кредит қўмитасининг ижобий ҳулосасидан сўнг, лойиҳани молиялаштириш учун Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш Агентлигига тегишли ҳужжатлар тўпламини киритади.

4. Агентлик тижорат банклари томонидан киритилган ҳужжатлар тўпламини Жаҳон банки талабларига мувофиқлигини ўрганиб, кредит миқдори 1,0 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлса Жаҳон банкига келишиш учун киритади.

5. Кредит ҳужжатлари тўплами бўйича Жаҳон банкининг ижобий қарори олингандан сўнг Агентлик лойиҳани молиялаштириш учун талаб этилган суммани тижорат банкига ўтказиб беради.

Имтиёзли кредит олиш учун лойиҳа ташаббускорлари томонидан тижорат банкларига тақдим этиладиган ҳужжатлар:

1. Кредит олиш тўғрисидаги ариза.

2. Корхонанинг низоми, таъсис ҳужжатлари ва гувоҳномаси (нусха).

3. Ҳисобот йили учун корхонанинг бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботи (нусха).

4. Товарлар, хизматларни харид қилиш бўйича хорижий ҳамкор билан имзоланган контракт (нусха).

5. Харид қилинадиган товар, хизматлар етказиб бериш бўйича камида 3 та фирма ёки компаниядан олинган тижорат таклифлари.

6. Лойиҳанинг Бизнес-режаси.

7. Лойиҳанинг экологик экспертизаси бўйича хулоса (вилоят табиатни муҳофаза қилиш бошқармасининг хулосаси; лозим ҳолларда (атроф-муҳитга юқори даражада таъсир кўрсатувчи лойиҳалар учун) республика табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси хулосаси).

8. Гаров таъминоти бўйича тегишли ҳужжатлар (кредит суммасидан 125% дан кам бўлмаган миқдорда).

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 сентябрдаги “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3283-сонли қарори мазкур Лойиҳани амалга ошириш учун меъёрий-ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Лойиҳанинг асосий шартлари:

*** Лойиҳанинг мақсадлари:**

– қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш;

– чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга илғор технологияларни жорий этиш;

– дехқон, фермер хўжаликлари ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

* Лойиҳа қиймати – 150 млн. АҚШ доллари.

* Лойиҳа муддати – 2017-2022 йиллар.

Лойиҳа доирасида имтиёзли кредитларни бериш қуйидаги тижорат банклари томонидан амалга оширилади:

1. Халқ банки
2. Қишлоқ Қурилиш банк
3. Турон банк
4. Ипотека банк
5. Давр банк
6. Алоқабанк
7. Азия Альянс банк
8. Ўзсаноатқурилишбанк
9. Асака банк

Лойиҳа доирасида имтиёзли кредитлар бериш шартлари:

Лойиҳалар учун имтиёзли кредитлар:

- * 10 йилгача берилади (шундан 5 йилгача имтиёзли давр);
- * кредит маблағлари АҚШ долларида берилади;
- * фоиз ставкаси – 1,25% + базавий тузатиш (1,38 %);
- * линия учун хизмат ҳақи – 1,25%;
- * линиянинг ўзлаштирмаган қисми учун – 0,50 %;
- * бир мижоз учун максимал кредит миқдори 2 млн. АҚШ долларгача;
- * мижознинг лойиҳадаги улуши энг камида 20 фоиз эквивалентида пул ёки хизмат, иш, яъни натура кўринишида;
- * четдан харид қилинадиган товар, асбоб ускуна, чорва моллари 100% кредит ҳисобига молиялаштирилади.

Айланма маблағлар учун кредитлар:

- * 18 ойгача берилади (шундан 9 ойгача имтиёзли давр);

- * кредит маблағлари АҚШ долларида берилади;
- * бир мижоз учун максимал кредит миқдори 150 минг АҚШ долларигача;
- * мижознинг лойиҳадаги улуши энг камида 20 фоиз эквивалентида пул ёки хизмат, иш, яъни натура кўринишида.

Халқаро тараққиёт уюшмасининг “Орол денгизи ҳавзасида иқлим ўзгаришига мослашиш ва оқибатларини юмшатиш” лойиҳаси

Ушбу лойиҳани амалга оширишда иштирок этадиган тижорат банклари ва лизинг компаниялари операция, молиявий ва бошқарув мезонлари бўйича молиявий барқарор бўлишлари лозим.

Мазкур лойиҳа доирасида жалб қилинадиган кредит линиялари ҳисобидан қишлоқ хўжалигидаги куйидаги тадбирлар молиялаштирилади:

- * қишлоқ хўжалик экинларини диверсификация қилиш, уруғликлар/кўчатларнинг интенсив сортларини экиш йўли билан сабзаёт ва боғ экинларининг ҳосилдорлигини ошириш;

- * сув ресурсларини ички хўжалик бошқарувини яхшилаш ва унинг самарадорлигини ошириш;

- * агроўрмончилик ва яйловларни самарали бошқариш йўли билан ерларнинг ҳолатини ёмонлашишига қарши курашиш;

- * қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларига қарши курашиш;

- * рационал ва ресурс тежовчи қишлоқ хўжалигини шакллантириш тадбирлари;

- * маҳсулотлар ишлаб чиқаришни яхшилаш;

- * қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш;

- * энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- * қайта тикладиган энергия манбаларини қўллашни кенгайтириш.

“Орол денгизи ҳавзасида иқлим ўзгаришига мослашиш ва оқибатларини юмшатиш” лойиҳаси доирасида жалб қилинадиган кредит линияларининг шартлари:

- * АҚШ долларида бериладиган субсидиар кредитлар бўйича фоиз ставкаси базавий ставкага тенг бўлади ва Халқаро тараққиёт уюшмаси 2 фоиздан кам бўлмаган спрэд олади;

- * ўзбек сўмида қайта кредитлаш бўйича бериладиган кредитларнинг фоиз ставкаси базавий ставкага тенг бўлади ва Халқаро тараққиёт уюшмаси 7 фоиздан кам бўлмаган ставкада спрэд олади;

- * Ўзбекистон Республикасининг иштирокчи молиявий ташкилоти томонидан субсидиар кредит бўйича фоизларни тўлаш ҳар 6 ойда амалга оширилади;

- * жарима ва пенялар ўзбек сўмида тўланади;

- * субсидиар кредитлар бўйича асосий қарз суммасини қайтариш 20 йил давомида амалга оширилади ва бунда имтиёзли давр 5 йилдан ошмайди;

- * битта мижозга бериладиган суб-кредитларнинг жами суммаси 500 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаслиги керак;

- * Ўзбекистондан иштирок этувчи молия ташкилотининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштиришда иштироки кредит линияси ҳисобидан бериладиган жами кредитларнинг 25 фоизидан ошмаслиги лозим;

- * бенефициарнинг улуши суб-лойиҳа қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Халқаро тараққиёт уюшмасининг кредит линиялари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилади.

Тижорат банки суб-кредитни олиш учун Қишлоқ хўжалиги корхоналарини реструктуризация қилиш агентлигига ҳужжатларни топширгандан сўнг, Агентлик суб-кредитни маъқуллашидан олдин Агентликнинг экологик суб-кредит олувчини ва унинг ҳудудини бориб кўради ҳамда лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва уни юмшатиш чораларини кўриш мақсадида махсус шаклни тўлдиради. Кейин эса, атроф-муҳитга таъсирни юмшатиш чораларини амалга ошириш учун суб-кредит олувчи билан келишилади.